



П. ФУЛОМОВ

ЖҮГРОФИЯ АТАМАЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ



Музей
Кыргызстана
Кыргызстана
Токмак, 2003.

П. Н. ФУЛОМОВ

МАКТАБ
ЖЎФРОФИЯ
АТАМАЛАРИ
ВА ТУШУНЧАЛАРИ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Ҳалқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган

Китобни ишлаб чиқарганни
бахш, шинарни сунгай-саноматни
йўнад Муалимур Риза
Донишманди
ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Үрта мактаб үқувчилари учун мұлжалланған ушбу лугатта табиий жүгрофия, ландшафтшунослик, геоморфология, иқлимшунослик, метеорология, гидрология, тұпроқлар жүгрофиясы, биожүгрофия, гляциология, иқтисодий жүгрофия, ақоли ва шаҳарлар жүгрофиясы, санаот, қишлоқ хұжалиғы, транспорт жүгрофиясы, сиёсий жүгрофията оид атама ва тушунчалар киристилған. Назарий масалаларга, шунингдек бозор иқтисодиеті, қозирги замон фаннинің ютуқлари билан бөлік атама ва тушунчаларга алохыда ақамият берилған.

Тақризчи: *Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтинің профессори
О: Мұжинов*

F 1805000000—141
353(04)—94 ...—94

© «Ұқитувчи» нашриёти, 1994.

ISBN 5—645—02094—4

СУЗ БОШИ

Хурматли китобхон, ҳозирги давр ижтимоий, иқтисодий, сиёсий воқеалар жўшқин кечётган вақт. Бинобарин, илм-фанда ҳам бу ўз аксини топмоқда. Кейинги 70 йил давомида Узбекистонда жўғрофия фани анча ривожланди. Жўғрофий лугатчилик соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди. 1953 йилда Үқувпреддавнашр Н. Долимов, М. Қориев, Ҳ. Ҳасанов ва М. Мирбобоевларнинг «Қисқача русча-узбекча география терминлари лугати»ни нашр қилди. 1965 йилда Ҳ. Ҳ. Ҳасановнинг «Русча-узбекча ва ўзбекча-русча география терминлари лугати» босилиб чиқди. 1958 йили А. С. Барковнинг «Табиий географиядан изоҳли лугати» таржимаси нашр қилинди. 1979 йили С. Қораев, П. Фуломов ва Р. Раҳимбековнинг «Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли лугати» ўзбек тилида нашр этилди. Бироқ, умуман ўзбек тилида бўлгани каби ўзбек жўғрофий лугати таркибida ҳам кўплаб русча ҳамда «байналмилал» атама ва тушунчалар босқини рўй берди. Қолаверса, ҳозирги вақтда бу лугатларни топиш амри-маҳвол бўлиб қолган. Бундан ташқари янги иқтисодий ва ижтимоий сиёсат натижаси бўлиб янги атама ва тушунчалар кириб келяпти. Энди мустақил давлатнинг мустақил тили, мустақил фикри, мустақил лугати тикланиши, тараққий этиши керак.

Лугатчилик қийин, шу билан бирга фахрли, масъулиятли соҳа. Шунинг учун ҳар бир тадқиқотчи ўзиға ёққан ёки ўзича тӯғри деб ҳисоблаган атама ва тушунчаларни лугатга киритавермаслиги зарур. Ҳар бир атама ва тушунча илмий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Шу муносабат билан атама ва тушунчалар ҳақида бир неча мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз:

1. Тил тараққий этган сари атамалар ҳам ихчамлашиб, маъноси ойдинлашиб бораверида.

2. Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ўсган сари янги атамалар пайдо бўлади.

3. Чет эллар билан, турли халқлар ўртасида алоқаларнинг кўпайиши турли атама ва тушунчаларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Биз бошқа халқлардан ўзимизда йўқ турли хил асбоб-ускуна, ма-

шиналар ва бошқа буюмлар олсак, улар білан бирга уларнинг номлари — атамалар ҳам кириб келади. Масалан, *магнитофон, радио, фотоаппарат, паровоз, трамвай, термоядро реакцияси, ракета* ва д. к.

4. Ҳар бир халқнинг луғат бойлиги бошқа халқлардан кириб келдиган атамалар ҳисобига ҳам бойиб боради. Бунда биз, албatta, иложи борича үша атама мазмунни ва шаклини олишимиз керак. Лекин үз тил қоидаларимиз, фонетик имкониятимизга қараб ўзgartиришимиз ҳам мумкин. Масалан, Хитойча *Тян-Шанни Тиёншон, жапанни япон* деймиз ва б.

5. Атамаларни қабул қилишда иложи борича ўзбеклаштириш, муқобилини топниш лозим. Иложи бўлмаган тақдирда таржима қилиш мумкин. Лекин таржима атама мазмунини бериши, ҳаммага тушунарли бўлиши керак. Масалан, *самосвал машина — ағдарма машина, торос муз — қалайма муз*. Агар муқобили топилмаса, таржима маъносини бермаса, қайси тилдан олинганидан қатъи назар асл ҳолида берилиши керак. Бунга мисол қилиб, *антициклон, арктика, антропоген, базальт, барометр, батискаф, вольфрам* ва бошқаларни келтириш мумкин.

6. Ўзбек тилига юон тилидан кириб келган *ге* — Ер сүзи билан бошланадиган бир қанча атамалар, асосан, фанлар номлари мавжуд. Масалан, *география, геодезия, геология, геоморфология, геотектоника* ва бошқалар. Булардан география бизга ўтган аср охири ва XX аср бошида турклардан жўкрофия шаклида кириб келган ва 1937 йилгача жўкрофия шаклида қўлланилиб, анъанавий атамага айланниб қолган эди. *Сўнгра* кўпгина бошқа атамалар каби жўкрофия ҳам география билан алмаштирилди. Айрим тадқиқотчilar жўкрофияни таклиф қилишяпти. Асли география (юонча *geographia, ге* — ер, *графо* — тасвирлайман). География атамасини шу фаннинг отаси Эратосфен (милоддан аввал 276—194 йиллар) биринчи марта қўлланиб, фанга киритган. Луғатда айрим сабабларга кўра жўкрофия деб берилди. География дейилгани маъқул.

7. Жуда кўп атамалар борки, улар бизга арабчадан XIX асрда ва XX аср бошида кириб келган. Масалан, *мувозий, мадор, баҳр, жўкрофия* ва б. Ҳозирги вақтда булар ўрнига *параллел, тропик, океан, географ* (жўкроф) атамалари сингиб кетган. Уларни ўзgartириб, ўқувчилярни саводсиз қилиб ўтирасдан ҳозирча ҳар иккала вариантини қўлланавериш мумкин. Қайси бири ўзлашиб кетса, үша сақланиб қолади.

8. Атамалар кўпчиликка тушунарли, ихчам, жарангдор ва тугал маъноли бўлиши керак. Биз иложи борича юқоридаги мулоҳазаларга амал қилдик. Луғатга янги, бозор иқтисодиётига ўтиш билан bogлиқ бўлган атамалар ҳам киритилди. Масалан, *брокер, биржа, менежер, кредит* ва бошқалар.

Луғатни тайёрлашда асосий мезон қилиб ўрта мактаб ўқув дастурлари, дарсликларида, ўқув хариталарида берилган атама ва тушунчалар олинди. Атама ва тушунчаларга изоҳ матнини ёзишда илгари нашр этилган изоҳли луғатлардан, Узбек Совет Энциклопедияси, энциклопедик луғатлардан, дарсликлардаги изоҳлардан фойдаланилди.

Гарчи луғат мактаб жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати бўлса ҳам унга мактаб ўқув дастурларида кўзда тутилмаган маҳаллий жўғрофий атамалар ҳам киритилди. Ўқувчиларимиз маҳаллий жўғрофий атама ва тушунчаларни албатта билишлари лозим. Маҳаллий атама ва тушунчаларга изоҳ беришда муаллифнинг илмий саёҳатларда тўплаган маълумотларидан фойдаланилди. Ишина тақриз қилиб, маслаҳатлар берган профессор Мирортиқ Мирабдулла ўғлига, доцент Эронқул Сафаровга, дарслик ва ўқув дастурларидаги атама ва тушунчаларни аниқлаб тўплашда ёрдам берган илмий ходим Мирвали Миракмаловга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради ва мазкур луғат ҳақида билдириладиган мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласди.

A

Абадий музлоқ ер — мангу тұнг ер. Қаранг: *Күн әйлек музлоқ ер; Доимий музлоқ ер.*

Абиоген босқич — жұғрофий қобиқнинг вужудга келиши ва ривожланишининг органик дунёсиз үтган дастлабки босқичи. А. б. жұғрофий қобиқ тараққиётининг архей ва протерозой әраларини үз ичига олади. А. б. 2,5—3 млрд. йыл давом этган деб ҳисобланади. Жұғрофий қобиқ үз тараққиёті давомида А. б., дан кейин **биоген босқиче**, сүнгра антропоген босқичга үтган.

Абиоген компонентлар — Ер пұстидаги бирламчи тоғ жинслари, ҳаво ва сув жұғрофий қобиқнинг ҳамда ландшафтларнинг abiogen(неорганик) компонентлари ҳисобланади. А. к. муайян шароитда үзаро бирикіб органик компонентларни вужудга келтирған.

Абиоген ландшафтлар — абиоген компонентлардан ташқил топған ландшафтлар. Уларнинг вужуда келишида үсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар (биоген компонентлар) қатнашмайды. А. л-га Антарктида ва Гренландиянинг муз қалқонларидаги ҳамда баланд тоглардаги қор-музлик ландшафтлари киради. А. л-да жонлу ҳаёт бұлмаса ҳам биоген компонентлар маңсулолтлари бұлган кислород, оxaқтошлар, шамол келтирған айрим замбуруғлар ва микроорганизмлар қолдиклари булиши мумкин. Ой, үтторит, Зұхра ландшафтларини ҳам А. л. дейиши мумкин.

Абиоген омиллар — жұғрофий қобиқ ва ландшафтларнинг жонсиз табиат таъсирида мавжуд бұлған омиллари. Масалан, бирламчи тоғ жинслари, иқлим, рельеф, Ернинг ички энергиясы ҳамда космик энергия.

Абиссал (юнонча abuscos — тубсиз) зона — океанларнинг 2500 м дан 6000 м гача бұлған чүкүр қисмлари. А. з-га құш нури етиб бора олмайды, тим қоронғы, сув ҳарорати паст, босими катта, сув ҳаракати кам. Үзига хос экологик шароитта эга. А. з-да бактерия ва сапрофит сув-үтлардан бошқа үсимліклар іүқ. Ҳайвонот олами үзига хос: сезиге органлары жуда тараққый этган, катта босимға чидамли ҳайвонлар яшайды.

Абиссал ётқизиқлар — абиссал зонада ҳосил бұлған чүкүр сув құқынди жинслари. Асосан, карбонатлы ва кремнийли гиллардан, қизил рангли лойдан иборат, улар ҳайвонлар суяклари қолдикларидан, қуруқликдан оқимлар шамол келтирған минерал заррачалардан, космик chanглардан ҳосил болады.

Абиссал текисликлар — чүкүр сувности текисликларининг бир тури. Океанлар тағидаги ботиқлар ва сойликларда жойлашғаи. Ер юзаси түзилишига күра ясси, текис ва сертепа бұлади. Ясси текисликлар теп-текис бұлиб, ғовак чүкүнди жинсларнинг чүкишидан вужудға келған. Сертепа текисликлар сойликларни бир-бидан ажратиб туради. Нисбий

баландлиги 500 м дан 1000 м га-
ча етади. Сертепа текисликлар
Тинч ва Хинд океанларида күп-
роқ учрайди.

Абляция (лотинча *ablatio* —
олиб кетиш) — 1) гляциологияда
музлик массаси ва қор қоплами-
нинг эриши, ғулганиши ҳамда
парчаланиши ғатижасида кама-
йиши. Музликнинг түйиниш зона-
сидан пастдаги А. рўй берадиган
қисми абляция ҳудуди дейилади.
Музлик устида жойлашган муз-
лик эригандан кейин таг морена
устига тушадиган чақиқ төф
жинслари уюми, қатлами **абляция**
моренаси деб атлади. 2) Геомор-
фологияда нураган төф жинсларининг
оқар сувлар, шамол, муз-
ликлар ва оғирлик кучи таъсирида
кўчиши, олиб кетилиши (Қа-
ранг: *эрозия*).

Аборигенлар (лотинча *abori-*
gines — азалдан, дастлабдан ав-
ваддан) — 1) Бирор ўлка, мамлакатнинг азалдан яшаб келаётган
туббий аҳолиси; 2) Усмилик ва
ҳайонларнинг бирор жойнинг
ўзига қадимдан хос бўлган ма-
ҳаллий зотлари.

Абраазия (қирғоқ емирилиши)
(лотинча *abragio* — синдириш) —
дениз, кўл, йирик сув омборлари
қирғоқларининг тўлқинлар таъсирида
емирилиши. А суръати сув
ҳавзасининг сертўлқинлигига
боғлиқ. А нинг кучли булишига
денизнинг қирғоқ ёнидаги қис-
мининг тик бўлиши сабаб булади.
Саёз қирғоқларда А. кучсиз бў-
лади.

Абри навбаҳор (баҳор булу-
ти) қора тўп-тўп булат, момақал-
дироқли булат. Жала тарзида
қаттиқ ёмғир, дўл ёғади.

Агломерат (лотинча *agglome-*
ro — қўшиб оламан, йигаман) —
1) одатда силлиқланмаган йирик
донадор чақиқтошлар тўплами.
Улар чукинди жинслардан ҳам,
вулкан жинсларидан ҳам ҳосил

бўлиши мумкин. А. ларниң це-
ментланишидан брекчиялар, тиф-
лар вужудга келади. 2) Темир
маъданини оҳактош ва **кох** би-
лан аралаштириб, қизитишдан
ҳосил бўладиган темир маъдан
парчалари. Домна печларида чў-
ян эритиш учун қўлланилади.

Агломерация — аҳоли
ларининг, асосан шаҳарларининг
бўйичаларига қўшилиб кетишнинг
кан шаҳар, ягона иқтисоди, ул-
дуд ҳосил қилиши. А-ларда ху-
ли зич ўрнашган, хилма-хизмат
ишилаб чиқариш тармоқлари, ху-
саноат корхоналари, илмию-
йук мусассалари тўпланган ва
лади. Масалан, Тошкент сида
ҳозирги вақтда 2 млн.дан ортиқ
аҳоли яшайди. Кўп йирик корхона
надар, ўкув юртлари тўплавсан.

Аграр муносабатлар (кишлоқ
хўжалиги муносабатлари) — ер ва
кишлоқ хўжалиги билан
кишилар ўртасидаги ижтимоий
муносабатлар. Кишлоқ хўжали-
ги муносабатлари муайян иш-
ловчилар ўртасидаги муносабат-
лар бўлиб, ер эгалиги шакллари-
да боғлиқ. Мамлакатимизда ерга
давлат ғалик қилиб, ундан якка
ижрочилар, жамоат ва давлат
хўжаликлиари, ўмон хўжаликлиари
фойдаланишади. Ердан фойдалани-
тилувчилар давлатга ижара ҳақи-
туда тўйлайдилар.

Аграр-саноат комплекси —
кишлоқ хўжалик маҳсулотлари
ишлиб чиқариш ва қайта иччилаш
учун бирон худудда бир-бира
билан ўзаро боғланган кишлоқ
хўжалиги ва саноат корхоналари-
нинг уйғунашуви.

Адирлар — Ўрта Осиё топоген
ри этагидаги чўл ва чалачут қир-
лар. Неоген ва антропоген
даврларининг чукинди тоғ
ларидан таркиб топган. Фаргона,
Ҳисор, Сурхондарё водийларида
кўпроқ конгломерат ва чақиқтош-

лардан иборат бўлиб, баъзи жойларда лёсси билан қопланган. Адирлар паст-баланд бўлади. Уларни кўп жойларда сой ҳамда жарлар кесиб ўтиб, айрим-айрим қисмларга бўлиб юборган. Адирларнинг мутлак баландлиги 400—500 м дан 1000—1500 м гача боради. Адирлар баланд тоғ этакларидан тектоник ботиқлар орқали ажралган бўлади. Баҳор пайтларида адирларда ранг-баранг ўтлар, лёлалар ўсиб ётади. Хужаликда адирлардан баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади, ёғин кўпроқ тушадиган жойларда фалла етиширилди. Копетдоғ ва Қримда тоғ этакларида бундай баландликлар **байир** деб юритилади. Қозогистон ва Қирғизистонда унча катта бўлмаган қолдиқ қир ва тоғлар ҳам адир деб юритилади.

Масалан, Қозогистондаги Оқадир.

Аёз — қиши фаслида ҳаво очиқ, тоза бўлгандаги совуқ кунлар. Одатда Ўрта Осиёга Марказий Осиё антициклони ёки совуқ Арктика ҳавоси келган пайтларда рўй беради.

Азимут (арабча *ас-сумут* — ўйл) — жой ёки харитада шимол йўналиши билан танланган нарса йўналиши орасидаги бурчак. Азимут бурчаклари шимол йўналишидан соат мили ҳарақати йўналиши бўйлаб 0° дан 360° гача ҳисобланади.

Айдар — устида тош парчалари уюлиб қолган қир, тепа, дўнглар, яъни тош кокили дўнглар. Шамол қирларнинг устки қисмидаги ғовак майдо жинсларни учирив кетишидан ҳосил бўлади. Жой номлари сифатида ҳам ишлатилади: Айдар шўрхоги, Айдарли қишлоғи.

Айир — айриш маъносини билдиради. (Қозогистонда сувайирғич) икки баландликни (тоғни) айирувчи сой, дара ва ҳоказо. Жой

номлари таркибида ҳам ишлатилади. **Масалан**, Айиркул, Айиртов.

Айри, айрилиш — дарёлар, тоғ тизмалари, йўлларнинг булинган, тармоқланган жойи.

Айсберглар (голландча *айсберг*) — океан, денгиз ва қўлларда сузиб юрадиган ёки саёзликларга утириб қоладиган катта муз парчалари. Сувга тушиб келаётган музликларнинг синишидан ҳосил бўлади. А. асосан Антарктика, Канада-Арктика архипелагининг шимолий ороллари, Гренландия қирғоқларида вужудга келади. Муз ҳамда сувнинг зичлигига қараб 80—90 % қисми сув остида бўлади. Сув устидаги қисмининг баландлиги ўртacha 70—100 м, эни ва бўйи юзлаб км га ётади. Айсберглар кема қатнови учун жуда ҳавфли, кўп кемалар айсбергга урилиб гарқ бўлади.

Акватория (лотинча *aqua* — сув) — сув ҳавзаси юзасининг бир қисми. Порт акваторияси деганда портнинг қуруқликдан ташқари сув қисми тушунилади.

Аккумулятив текислик — Ер пўсти чўкаётган жойда ёки ер юзининг ботиқ (манфий) шаклларида узоқ вақт давомида сув, шамол, муз кеитирган нуроқ ғовак жинсларнинг тўпланиши натижасида ҳосил бўлган текислик. Ер юзаси одатда текис бўлади ёки саёз водий ва ўзанлар кесиб ўтиб, бир оз паст-баланд қилиб юборган бўлади. **Масалан**, Амударё этаги, Қуйи Зарафшон воҳаси, Шеробод воҳаси ва ҳоказо.

Акционерлар жамияти — бир қанча пайчилар (акциядорлар) бирлашмаси. Акциядорлар ўртада тўплланган пул (маблаг, капитал) ҳисобига бунёд этилган корхоналардан тушган фойдани қўйган пулларни миқдорига қараб бўлиб оладилар.

Акция — пай пули баробарига бериладиган ва акциядорлар жа-

мияти (ширкати) ишида қатнашиш, унинг даромадидан ўз ҳиссасини олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қофоз.

Аласлар — Ёкутистонда қуруқ ёз даврида қуриб қоладиган саёз кўллар ўрнида пайдо бўлдиган бўйлик ўглоқлар. Майдони бир неча кв.м дан бир неча кв. км гача булиши мумкин. Баъзан кўлнинг чуқур қисмida кўлмаклар сақлашиб қолади. А-лардан пичанзор ва яйлов сифатида фойдаланилади.

Аллювий (лотинча *alluvio* ётқизик) — доимий ёки вақтли оқар сувлар келтириб ётқизган тоб жинслари. Кўпроқ майда тош, шагал, қум ва гиллардан иборат булади. Баъзи текисликлар, дарёларнинг қайирлари ва террасалири (кўхна қайир) шундай жинслардан ташкил топган. Оқар сувлар келтирган жинслар кўпинча саралаб ётқизилади: сувнинг юқори оқимида йирик жинслар — тош, шагал, сўнгра қум ва, ниҳоят, гил ётқизилади.

Алмашлаб экиш — тупроқ унумдорлигини сақлаш учун бир даланинг ўзида экинларни муайян тартиб билан алмаштириб экиш. Асосий алмашлаб экиладиган экинлардан Узбекистонда дуккакли экинлар, хусусан беда, мosh, ловия, кенг қўлланилади.

Алунит (французча *алун* — аччиқтош) — алюминий, калий, натрий ва бошқалардан иборат минерал. А-дан аччиқтош, калий тузлари, олтингуругт, сульфат кислота ва алюминий олинади. А. Узбекистонда Гушсой, Оқтош, Оқсоқота ва бошқа жойларда топилган.

Альп ғурмаланиши — Ер тарихининг кайнозой эрасида рўй берган бурмаланиш. Номи шу бурмаланишда вужудга келган Альп тоглари номидан олинган. А. б. даврида ҳозирги мавжуд кўп ёш

тоб тизмалари ҳосил бўлган. Булар икки тоб мintaқасини ташкил этади: Альп-Ҳимолай (Пиренея, Андалусия, Атлас, Апеннин, Альп, Болқон, Қарпат, Кавказ, Қичик Осиё, Эрон, Ҳиндикӯш, Ҳимолай, Бирма) ва Тич океан (Коряк, Қамчатка, Сахалин, Япон, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Антарктида ярим ороли, Анд, Қордильера) тоглари мintaқалари.

Алюминий рудалари — алюминий олинадиган минераллар ва тоб жинслари. Буларга асосан бокситлар, нефелин-сиенитли, нефелин-апатитли, алунитли жинслар киради. Йирик конлари Урал, Қозогистон, Гарбий ва Шарқий Сибирь, Қрим, Гвиана, Ямайка, Бразилия, Ҳиндистон, Венгрия, Хитой, Францияда. Узбекистонда Оҳангарон водийсида каолинит ва Гушсойда алунит конлари бор.

Америка Давлатлари Ташкилоти (АДТ) — ҳудудий сиёсий ташкилот. 1948 йилда ташкил топган. 1986 йилда Лотин Америкасидаги 31 давлат аъзо эди. Расмий мақсади — қитъада тинчлик ва хавфисизликни таъминлаш, ташкилотга аъзо давлатлар уртасидаги низоларни бартараф этиш, ҳужумга қарши биргаликда ҳаракат ташкил этиш, сиёсий, юридик ва иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш. Олий раҳбар ташкилоти ташкил ишлар вазирлигининг Бош ассамблеяси. Ижрои ташкилоти АДТ Доимий кенгаши. Раҳбар идоралари Вашингтонда жойлашган.

Айкиз кун — жанубда иссиқ шамол эсган, гармсөл келган вақтдаги жазиралима кун, иссиқ об-ҳаво.

Ангизоқ — иссиқ, қуруқ шамол. Ҳаво ва тупроқни қуритиб, ўсимликларга зарар келтиради. Қаранг. *Гармсөл*.

Анероид, металл баро-

метр—атмосфера (ҳаво) босими ни улаш учун ишлатиладиган асбоб. А-нинг асосий ишчи қисми— ичидан ҳавоси сўриб олинган, эластик хусусиятли қутича. Босим ўзгаргандаги қутича ўз шаклини ўзгартирарида (босим ошганда қутича сиқилади, камайганда кенгайди) ва бу ўзгариш маҳсус узаткичлар ёрдамида бўлинмалар бўйлаб ҳаракатланувчи кўрсаткичга узатилиди.

Антарктика (юонча *anti*— қарши, *arctikos* — шимолий) — жанубий қутб атрофидаги соvuқ улка. А. чегарасини жанубий кенгликнинг 50°—60° ларидан ўтказилади. А-га Антарктида материги, унинг атрофидаги ороллар, Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий чекка қисмлари киради. Сувларда айсберглар сузиб юради. Оролларда моҳ, йўсин, баъзи гуллар ўсимликлар усади. Денгиз ҳайвонларидан кит, тюленин ва балиқлар бор. Кушлардан алъбатрос, буронқушлар учрайди. Соҳилларда пингвинлар яшайди.

Антеклиза (юонча *anti*— қарши ва *klisis* — оғиши) — платформаларда ер пустининг салгина кўтарилиган гумбазсимон шакллари, гумбазсимон қырлар. Кенглиги бир неча юз км га етиши мумкин. Ер пустининг узоқ вақт давомида аста-секин кўтарилиши натижасида ҳосил бўлади.

Антициклон (юонча *anti*— қарши, *cyklon* — айланувчи) — атмосферада рўй берадиган катта гирдоб. Ҳаво босими даги фарқлар таъсирида шамоллар А. марказдан чеккага томон йўналади. Лекин Ернинг ўз ўқи атрофидаги айланиси таъсирида шамол Шимолий яримшарда ўз йўналишини ўзгаририб, соат мили ҳаракати йўналишида, Жанубий яримшарда тескари йўналишда эсади. А. соатига ўртача 30 км тезлика

силжийди. Ўрта Осиёда тезроқ — ёзда соатига 49 км, қишида 60—65 км тезлика гарбдан шарқга томон силжиб боради. А-да кўпинча ҳаво очиқ, кечаси салқин, кундузи илиқ бўлади.

Антрацит (юонча *anthrakitis* — кўмир) — жуда кучли метаморфлашган қазилма кўмир. Ранги қора, ялтироқ, баъзан кулранг ва сарғиш тусда товланади. Таркибида углерод кўп (98%), 7800—8350 калория иссиқлик беради. Электр токини яхши ўтказади. Чўкиниди жинслар қатламлари орасида ётади. Асосан металлургияда ишлатилади. Электродлар ҳам тайёрланади.

Антропоген (юонча *antropos* — инсон ва *genes* — туғилган) инсон фаолияти натижасида ёки унинг таъсири натижасида вужудга келган демакдир. Масалан, антропоген ландшафт — инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган ландшафт. Инсоннинг табиатга таъсири ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли антропоген ландшафт ҳам икки хил бўлади. Табиат бузилган бўлса бузилган ландшафт, яхшиланган бўлса маданий ландшафт дейилади.

Анҳор (арабча анҳор — *nahr* сўзининг куплиги) — катта канал, ариқ. Хоразм шевасидаги арна сўзига тўғри келади. Анҳор атаси баъзан мустақил атоқли от ўрнида ишлатилади. Масалан, Тошкентдаги Анҳор ариғи.

Апатит (юонча *apate* — слон, хато) — фосфорит тузларига бой минерал. Ранги яшил, кулранг. Турли отқинди тог жинслири орасида учрайди. Дунёдаги энг катта кон Кола ярим оролида, Қоратовда, Испанияда, Жанубий Африкада. Фосфат ўйтлари тайёрлаш, фосфор ва унинг биримларини олиш учун фойдаланилади. Қора ва ранги металлургия-

да, ойна ишлаб чиқаришда ишлатылади.

Араб шарқи — Шимолий Африка ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги асосан араблар яшайдиган бир қанча мамлакатлар. Буларга Миср Араб Жумҳурияты, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Сурия, Ливан, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ ва бошқалар киради.

Аралаш ўрмонлар — игнабаргли ва көң баргли дараҳт турлары аралаш үсалидан ўрмонлар. Бир неча турлари бор: мұтадил миңтақаниң игнабаргли-көң баргли (қарагай, қорақарағай, тилоғоч, қайнин, эман, жұка, заранг) ўрмонлари, субтропик миңтақаниң дафна баргли ва игнабаргли а.ү-и бағшалар.

Арашон — иссиқ сувли минерал булоқ. Ҳозир асосан жұғроғий номлар таркибиде сақланиб қолган. Масалан, Арашанбулоқ, Арашонсой. Арашанбулоқ Тошкент вилояттадағы Өхәнгарон водоійсіде 2500 м баландлықда гранит өрігідан чиқадиган шифобаҳш минерал булоқ. Сув ҳарораты 37°C.

Ареал (лотинча *area* — майдон, ҳудуд) — қуруқлик ва дениз-океанларнинг бирор бир нарса, қодисалар тарқалған қисми, ҳудуди. Илгарилари бирор түр ҳайвон ёки үсімшік тарқалған майдон А. деб тушунилар эди. Ҳозир бу атама жүғроғияннинг ҳам күп соҳаларыда құлланилади. Масалан, инсон таъсир этган ландшафтлар А-и, бирөр хил ҳодиса (карст) тарқалған майдон ва ҳоказо.

Ариқ — дарә, сой, канал ва бошқалардан сугориши, сув билан таъминлаш за бошқа мақсадларда инсон күчи билан чиқарылған шохобча. Баъзи қадимги каналлар ҳозир ҳам А. дейилади. Чүпончи, Захариқ, Жилвонариқ, Кай-

ковус ариғи, Дамариқ ва ҳоказо. Экинларни сугориши учун тортилған жүйклар ҳам баъзан А. дейилади.

Артика (юнонча *arktikos* — шимолий) — Шимолий құтбий үлка. А-нинг чегарасини 10°C ли июль изотермаси бўйлаб үтказилади. Майдони таҳминан 25 млн. кв. км. Артикада муз саҳролари ва тундра зоналари бор. Энг илиқ ойнинг ҳаво ҳарорати 10°C дан паст бўлади. Январи ойнинг ўртача ҳарорати А-нинг марказий қисмидә —40°C, энг совуқ ҳарорат —52°C. Энг иссиқ ҳарорат 6°C қайд қилинганд. Қуруқликларда кўйиллик музтоқ тарқалған, қалинлиги юзлаб метрга етади. Ер юзасининг катта қисмини музлик қоплаган. Гренландияда музликнинг ўртача қалинлиги 1500 м. Океан суви юзи ҳам музлайди. Сув юзасиниң қоплаган музнинг қалинлиги 3—4 м гача етади.

Артика миңтақаси — Артиканиң катта қисмини үз ичига олувчи энг шимолий жұғроғий миңтақа. Миңтақаниң жанубий чегарасында 5°C ли изотермасига түғри келади. Артика ҳаво массалари ҳукмронлик қилади ва Артика совуқ саҳролари ландшафтлари тарқалған; улар совуқ иқлим, доимий музлоқлар епласига тарқалғанлиги, тупроқларнинг яхши ривожланмаганлиги, биологик ва геокимений жараёнлар жуда суст эканлиги билан ажralиб туради.

Арина — сув, сув оқими, сув оқувчи жой. А.—Хоразмда бош канал. Масалан, Ленинарна, Октябрарна, Пахтаарна ва ҳоказо. Нурота тоғлари этагида кичик жар, Зарапшоғы этагида қуруқ ўзан, Қирғизистонда сой, Қозогистонда дарә ўзаны А. деб аталади. Жой номлари таркибиде күп учрайди.

Арт, орт — қадимий жұғро-

фий атама, довон демакдир. А. М. Кошгариининг «Девону лутатит турк» асарида, туркий руник ёзувларда ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда асосан жүгрофий номлар таркибида қолган Арт сўзидан тузиленган жой номлари Қирғизистонда айниқса кўп: Айиқарт, Оғачарт, Қайнарт, Қизарт, Қизиларт ва бошқалар.

Артезиан сувлари — ҳар хил чуқурлиқда сув ўтказмайдиган қатламлар оралиғида ҳосил бўлган ер ости сувлари. Артезиан сувлари босим остида бўлади, шунинг учун бурғ қудуғи қазилганда сувли қатламнинг шилидан юқори кўтарилиди, босим етарли дараражада кучли бўлганда эса ер юнга кўтарилиди ёки фаввора булиб чиқади. Артезиан сўзи Франциядаги Артуа вилоятиномидан олинган. Ҳозирги кунда Узбекистоннинг Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида, Қорақалпоғистон жумҳуриятида ва Марказий Фарғонада А. сдан чорва молларини, айрим ҳолларда кичикроқ экин майдонларини суғоришида ҳамда баъзи корхоналарда технологик мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Архипелаг, тўда ороллар (италиянча *архи* — дастлабки, *пелаго* — денгиз) — бир-бирларидан унчалик узоқ бўлмаган ва одатда бир бутун деб ҳисобланадиган ороллар тўдаси. Бир архипелагга кирадиган ороллар пайдо бўлиши, геологик тузилиши, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси жиҳатидан уҳшаш бўлади. Архипелаглар пайдо бўлишига кўра материк, маржон, вулқон оролларига бўлиниди.

Арча — сарвдошлар оиласига мансуб доимий яшил игнабаргли дараҳт ва буталар туркуми. 60 га яқин тури бор. А-лар мўтадил, субтропик ва қисман тропик минтақаларда учрайди. Жумҳурияти-

мида ўрик А., қизил А., қора А., Зарафшон А-си кенг тарқалган.

Асад (арабча — арслон) — 1) зодиак юлдуз туркуми; 2) Қўёш ҳисобидаги Шамсия йилининг бешинчи ойи, 23 июлдан 22 августгacha 31 кун давом этади. Бу вақтда Қўёш осмон сферасида А. юлдузлар туркумидан ўтади. Бу ой кўпчилик мева, полиз экинлари ва пахта ҳосили етиладиган давр. «Асад сувини ичib қолсин» деган ибора шундан келиб чиқкан.

Асл металлар — табиатда кам учрайдиган ва жуда қимматли хоссалари билан ажralиб турувчи металлар. Буларга олтин, кумуш, платина туркумидаги металлар киради. Қимёвий реакцияларга чидамли, пухта, чиройли бўлади, қийин эриди. Улардан танга босиш, қимёвий идишлар, қимматли асбобларнинг қисмлари, зеб-зийнат буюмлари ишланади.

Асл қирғоқ — денгиз, кўл, дарё водийси чеккасида, улардан тик кўтарилиб турадиган қирғоқ. Геологик тузилишида аккумулятив хинслар қатнашмайди. А. қ. рельефи сувнинг эрозия иши натижасида вужудга келади. Қаранг. *Туб қирғоқ*.

Астронавт — АҚШ, Англия ва бошқа баъзи мамлакатларда фазогир атамаси ўрнида ишлатиладиган сўз.

Асфальт (юонча *asfaltos* — тог смолоси) — қўнғир, қора рангдаги смолали (қора мояли) минерал. Яхши ёнади. Асфальт-бетон олишда ишлатилади. Венесуэла, Франция, Иордания, Иероилда, Россияда Ухта, Сизранда конлари бор.

Атлас (Ливиянинг афсонавий подшоси номидан олинган) — жүгрофий, геологик, тарихий, астрономик, иклимий ва бошқа хариталарнинг системали тўплами. Жүгрофий А. ниҳоятда хилма-

хил бұлади. Үлар дунә, мамлекаттар, вилоят, үлкә атласлари, умумий географик атласлар комплекс атласлар, туристик, йўл, дарслик ва бошқа атласларга бўлинади.

Атмосфера (юонча *atmos* — буғ, *sphaira* — кура) — Ер билан бир бутундек бирга айланадиган ҳаво қобни. Атмосферанинг Ер юзидан 100—200 км баландликка бўлган қатлами азот (78,1%), кислород (20,9%), аргон (0,9%) ва карбонат ангидрид гази (0,03%) аралашмасидан иборат. Атмосферада бу газлардан ташқари сув буглари, чанг ва жуда кам миқдорда сийрак газлар бор. Атмосферада 10 км гача баландлиқда асосан ерда ҳосил бўлган чанг бўлади. Катта баландликларда эса, метеор жисмлар ёнишидан ҳосил бўлган космик чанг бўлади. Айниқса, атмосферанинг ерга яқин қатламида чанг кўп, бу ерда 1 куб см қуруқ ҳавода 100 мингтагача чанг заралари бор. Баландлик оргтан сари атмосферанинг зичлиги, босими, ҳарорати ва бошқа физик ҳамда кимёвий хоссалари ўзгарили. Атмосфера қўйидаги 5 қатламга бўлинади: тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера ёки ионосфера, экзосфера.

Атмосфера босими — атмосферанинг ер юзасига ва ундаги барча нарсаларга кўрсатадиган гидростатик босими. А. б. атмосфера ҳолатини аниқловчи асосий белги бўлиб, барометрлар билан ўлчаниди. А. б. дина. кв. см, мб ёки мм симоб устуни билан ифодаланади. Бунда 1000 мб 750,08 мм симоб устунига мос келади (1 мб=1000 дина: кв. см). А. б. баландликка кўтарилиган сари камаяди. 5 км баландликда босим ер юзасидаги босимнинг ярмига teng бўлади.

Атмосфера фронтлари — тропосферада турли хил физик ҳусу-

сиятларга эга бўлган ҳаво массаларини бир-бираидан ажратиб турувчи камбар (эни бир неча ўн км), лекин узун чўзилган (юзлаб, баъзан минглаб км) оралиқ, уткинчи зона. А. ф. илик ва совуқ ҳаволар тўқнашган жойларда ҳосил бўлади. Қалинлиги бир неча км га етади. Баъзан тропосфера нинг юкори чегарасигача чиқади. А. ф. нинг икки томонида ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги, тиниклиги ва бошқа ҳусусиятларига кура фарқ қиласи. Фронт зонасида булутлар пайдо бўлади, ёғин ёғади. Циклон, антициклонлар пайдо бўлади. А. ф. агар илиқ ҳаво бостириб келаётган бўлса илиқ фронт, совуқ ҳаво келаётган бўлса совуқ фронт дейилади.

Атоллар (малдивча *atolu* — берк) ҳалқасимон маржон ороллари. Очиқ денгизларда учрайди. А. чўқкан вулкан ороллари қирғоғидаги маржон рифларидан пайдо бўлади. Кўпинча А. ҳалқаси ичида сув (чуқурлиги 100 м гача) дengiz билан туташиб, қўлтиқ ҳосил қиласи. Улар унча катта бўлмайди. Фақат айримлари ҳалқасининг диаметри 50 км ва ундан ошади. Баъзи атоллар қўлтиғи килемалар тўхташи учун қўйлай бўлади.

Афелий (юонча *apo* — дан хелиос — Қуёш) — сайёра, астериод, думли юлдузлар орбиталариning Кўёшдан энг узоқ нуқтаси.

Ачи — аччиқ, нордон, тахир, шур сувлар аччиқ сув деб юритилиди. Туркманларда *ажи*, қозоқларда *аши*, қирғизларда *аши* шаклларида ишлатилиди. Жой номлари таркибида ҳам бор. Масалан, Ажидарё — Қора бўғозгўл, Ажикўл, Аччисой, Ашибулоқ ва ҳоказо.

Аэротадқиқот усууллари — Ер юзини, ландшафтларни, ер остини, Дунё океанини, атмосферани Ернинг сунъий йўлдошлари са-

молётлар ёрдамида ўрганиш усуллари.

Аэрофотосурат — Ер юзасининг самолётлар ёки бошқа учувчи аппаратлар ёрдамида олинган сурати. А. яхши ўрганилиб, унда тасвири бўлган ҳамма нарса аниқланади. А-лардан жой тарҳи, ҳариталар тузиша, илмий ишларда, иншоотлар лойиҳасини чизиша кенг фойдаланилади. А. ҳарбий ишда, ер ости бойликларини топишда, ер юзасининг геологик тузилишини, турпроқлари, ўсимликларини ўрганишда ҳам қўлланилади.

Аямажуз (арабча *айём* — кунлар, *ажӯз* — кампир) — қишининг охирига ҳафтаси. А. ҳақида ҳалқ орасида: «Аямажиз олтин кун, қаҳр айласа қаттиқ қум», А. киргандан «тўқсан — бир кунимча йўқсан» каби нақллар тарқалган.

Ақба, ақаба (арабча *ақаба* — довоң, төғ ўли, кўплиги *ақабот*) — Ўтра Осиёда тарқалган жўкрофий атама. 9—10-асрлардаги арабийнавис жўкрофларнинг асарларида кўп учрайди. Ақба сўзи 10-асрда форс-тожик тилида ёзилган «Худуд ул-олам» ва «Гарихи Табарий» асарларида ҳам тилга олинади. Ҳозир бу атама, асосан, жўкрофий номлар таркибида қолган. Туркистон, Зарафшон тизмаларида ва Помир тоғларида ақба сўзидан тузиленган унлаб довонни учратиш мумкин: Ақбабоши, Ақба водийси, Ақбай Оббурдан, Ақбай Гишхун, Чоши ақба ва ҳоказо. Бу атама ахба, агба, овға шаклларида Ўзбекистоннинг бир қанча жойларида турли хил маънода ишлатилади. Масалан, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг баъзи туманларида довонга чиқиладиган тик йўлни овға дейилади ва ҳоказо.

Ақраб (арабча *ақраб* — чаён) — I) зодиак зонасидаги юлдуз

туркумларидан бири. 2) Шамсия йишининг саккизинчи ойи, кузнинг иккинчи ойи. 21 октябрдан 18 ноябргача 29 кун давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон гумбазида А. юлдуз туркумидан ўтади.

Ағдол — төғ этагидаги жарлик, ҳалта пара, кириш қийин бўлган жой, чуқур ер, төғ бели, ов ҳайвонларини ҳайдаб қамаладиган жой.

Аҳоли — маълум ҳудудда, мамлакатда, қитъада ва бутун Ер юзида яшаётган ҳамма одам. Ҳозирги вақтда Ер юзида ҳаммаси бўлиб 5,5 млрд. га яқин киши яшайди. Аҳоли сони бутун Ер юзида табиий ўсиш ҳисобига кўпаяди. Айрим мамлакатлар, ўлкалар, жумҳуриятлар, туманлар аҳолисининг сонига фақат кўпайиш эмас, механик силжиш (бошқа жойларга кетиш ёки келиши) ҳам таъсир этади. Ер юзида аҳоли жуда хотекис жойлашган. Айрим жойлarda жуда зич (1 кв. км майдонга 1000 киши тўғри келадиган жойлар ҳам бор), айрим ерларда сийрак ўрнашган.

Аҳоли зичлиги — муайян ҳудудда аҳолининг жойлашув дарожаси. Мамлакат ёки бирор ҳудуд аҳолиси сонини шу жой майдонига тақсимлаш билан ҳисоблагчичарилади. Масалан, Ўзбекистонда 20 млн. аҳоли бор. Жумҳурият майдони 447,4 минг кв. км. Агар 20 млн. майдонга тақсимласак, тахминан 45 киши тўғри келади. Бинобарни, жумҳуриятни мизада аҳолининг ўртача зичлигини ҳисоблагчичариш учун эса мамлакатнинг қишлоқ аҳолиси сонини давлатнинг шаҳарлар эгаллаган майдонидан ташқари майдонига тақсимланади.

Аҳоли миграцияси (к ўчи-

ш 11) — ахолининг бир жойдан иккичи жойга кўчиши. Аҳоли кўчиши икки хил. ички кўчиши ва ташки кўчиш бўлади. Ахолининг бир мамлакат чегарасида қишлоқдан шаҳарга ёки бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиши ички кўчиш дейилади. Мамлакатдан кўчиб кетса ёки ҳориждан кўчиб келса, ташки кўчиш дейилади. Ахолининг кўчиши муайян ҳудуд ахолиси сонига, миллий таркиби га анча таъсир этади. Мамлакатдан кўчиб кетиш эмиграция, кўчиб келиш иммиграция дейилади.

Ахолининг табиий ўсиши — одатда бир йилда ҳар 1000 киши ҳисобида ўлган кишиларга нисбатан туғилган кишиларнинг ор-

тиқлиги. Бу кўрсаткич айrim мамлакатларни ахолининг табиий ўсишига қараб таққослашта имкон беради. Табиий ўсиш бутун аҳолига нисбатан фойиз ҳисобида ҳам аниқланиши мумкин. Мамлакат ахолисининг ўсиш суръати шу кўрсаткичга қараб аниқлана-ди. Африка, Осиё мамлакатлари, қўшини мамлакатлардан Тоҷикистон, Туркманистон, Озарбайжон ахолининг табиий ўсиши жиҳатидан олдинги ўринларда туради. Узбекистонда ҳам А. т. катта.

Аҳоли пункти — аҳоли яшайдиган жой. А. п. шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул, хутор шаклларида бўлади.

Б

Бадок — канал тармоғи, ариқ. Одатда далакарга бош каналлардан Б-лар — тармоқлар, ариқлар орқали сув чиқарилади.

Базальт — отқинди тоғ жинси. Вулканлардан ва Ер ёриқларидан оқиб чиқади. Рангি қора ва бўзранг. Базальт лавалари ер юзасига оқиб яниси, юзлаб, минглаб квадрат километр майдонларни қоплаган. Базальт кислотага чидамли кимёвий идишлар ясадша, қурилишда кенг қўлланилади. Яхши сайдаллангани учун ҳайкалтарошлика ҳам қўлланилади. Сибирда, Забайкалье-да, Арманистонда, Украинада, Камчаткада, Қурама, Туркистон, Томди тоғларнда бор.

Байир — күм, қумоқ жинслар кенг тарқалган чўлларда шамолнинг ўиши фаолияти натижасида пайдо бўлган ботиқ ерлар. Булар одатда ер ости суви сатҳигача чуқурлашади, сўнгра тўхтайди. Тагида кичик-кичик чуқурлар, майда кум дўнглари, шўрхоклар бўлиши мумкин. Кримда, Туркманистонда тоғ олди ба-

ландларни Б. деб юритилади. Устюрт ва Мангишлоқда усти ясси тепа, қирлар ҳам Б. дейилади.

Баландлик — қир, тоғнинг баланд қисми, текисликдан кўтарилиб турувчи ясси кўтарилимлар. Умуман теварак-атрофга нисбатан кўтарилиб турган рельеф шакли Б. дейилади.

Баландлик минтақалари — тоғлarda юқорига кўтарилиган сари табиатнинг конуний ўзгари бориши. Б. м-нинг пайдо бўлишига асосий сабаб юқорига кўтарилиган, яъни ҳавонинг асосий исиши манбаи бўлган ердан узоқлашган сари шароитнинг ўзгариб боришидир. Юқорига кўтарилиган сари қуёш радиацияси, хусусан қисқа тўлқинли радиация кўпаяди, ҳаво ҳарорати ва босими камаяди, сув бўғлари қуюқлашиши шароити ўзгаради. Маълум баландликкача ёғинлар кўпайиб боради, сўнгра камаяди. Юқори кўтарилиган сари иқлимнинг ўзгариши билан тупроқ турлари, ҳисмилклар, ҳайвонот дунёси,

оқым шароити, маълум даражада ер усти тузилиши, яъни бутун манзара (ландшафт) ўзгаради. Қишиларнинг хўжалик фаолияти табиат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли маданий ландшафт ҳам ўзгаради. Тоғлардаги энг қуий миңтақа ландшафти мазкур тор текисликдаги қандай зонада жойлашган бўлса, шу зона ландшафтига ўҳшайди. Масалан, чўлдаги тоғларнинг қуий миңтақаси чўл кўринишига эга. Б. м. юқорига кўтарилиган сари текислик зоналари алмашинган тартибда ўзгариб боради, бироқ уларни тўлиқ такрорламайди. Масалан, тоғлардаги тундра ва муз миңтақаларда қутуб кун-тунлари бўлмайди, бу нарса табиатнинг бошқа компонентларида ҳам ўз аксини топади. Б. м.-нинг денгиз сатҳидан баландлиги турлича — экватордан шимолга ва жанубга томон пасайиб боради ва тоғ қайси зонада бўлса, ўша миңтақадан бошланади. Миңтақаларнинг баландлигига ва хусусиятига маҳаллий шароитлар — шамоллар, рельеф шакллари, тоғ ёнбағирларининг қайси томонга караганилиги ҳам таъсир кўрсатади. Б. м. икки гурухга — дengиз бўйи Б. м. ва қуруқлик Б. м.-га бўлинади. Урта Осиё тоғларидаги Б. м. тоғлар этагида чўллар миңтақасидан бошланиб, юқорига кўтарилиган сари тоғ даштлари, тоғ ўрмонлари, тоғ ўтлоқлари, баланд тоғ чўллари, қор-муз миңтақалари билан алмашинади.

Баланд тоғлар — рельефнинг морфогенетик типи, баландлиги 2000 м дан юқори бўлган тоғлар. Юқорида муз билан қолланганиниги сабабли муз ҳосил қилган рельеф шакллари кенг тарқалган бўлади. Бундай тоғларга Ҳимолай, Тяншань, Алъп, Помир, Қавказ, Олтой тоғлари киради.

Баланд тоғ иқлими — Қаранг:
Тоғ иқлими.

Балчиқ — заҳ ер, ботқоқ, суюқ лой. Қаранг. **Ботқоқ.**

Банд — тўғон, сув омбори. Сой ва дарёларга қурилган тўғон. Жой номлари таркибида ҳам учрайди: Бандикон дараси. Қум босишини тўхтатиш учун қурилган тўсиқ, тоғ оралигидаги жуда тор ўйл ҳам Б. дейилади. Б. атамаси бент шаклида ҳам учрайди.

Бантустон — банту ҳалқалари — бантулар яшиши учун ажратилган махсус жойлар. ЖАРда маҳаллий аҳоли — бантуларни унумдорлиги кам ерлардан ажратилган жойларга ҳайдаб юборилган ёди. Б.-ларда одатда қариялар, аёллар ва ёшлар, яшияди, эркаклар пул топиб келиш учун бошқа жойларга ишга кетиб қолишиади.

Бар (инглизча bar — тўсиқ) — 1) дengизнинг қирғоққа яқин қисмида унга параллел чўзилган, қум ёки чиганоқлар тўпламидан ҳосил бўлган камбар тўсиқ, қуруқлик. Тўлқин келтирмаларидан ҳосил бўлади. Баъзан юзлаб км га чўзилади. Денгизнинг чекка қисмини ажратиб кўйиб, қўлтиқлар, кўрфазлар, кўллар ҳосил қилади. Дарёлар қўйиладиган жойдаги сув ости қум тўсиғи ҳам Б. дейилади; 2) босим бирлиги: 1 бар 1 кв. см майдонга 1 млн. дина куч билан бўлган босимга teng. Барларнинг мингдан бир бўлаги миллибар дейилади.

Барик босқич — юқорига кутарилиганда ҳаво босими 1 мм симоб устунига ёки 1 мб га камаядиган ёки пастга тушгандан шунча миқдорга ортадиган вертикаль ма-софа. М. мб ёки м. мм ҳисобида ифодаланади. Денгиз сатҳида бир барик босқич 8 м. мб ёки 10,5 м. мм га. 5 км баландликда 15 м. мб га, 18 км баландликда қарийб 70 м. мб га teng. Бир хил

баландликларда Б. б. ҳаво ҳароратига боғлиқ. Иессиқ ҳавода катта, совуқ ҳавода кичик бўлади.

Барометр (юнонча *барос* — оғирлик, *метр* — ўлчайман) — атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. Метеорологик станцияларда кенг қўлланиладиган симобли барометр, узунлиги 1 м га яқин келадиган бир учি берк шиша найдан иборат. Найга симоб тўлдирилиб, симобли металл косага тўнтарилса, шиша найдаги симоб устунинг босими ташки атмосфера босими билан мувозанатланганча найдаги симобнинг маълум қисми металл косага тўкилади. Шиша найдаги симоб устида бушлик (Торичелли бўшлиги) хосил бўлади. Барометр — анероидда ҳам босим ўлчанади, лекин унда симоб бўлмайди. «Анероид» юнонча сўз бўлиб, «суюқликсиз» деган маънени биллиради. Қаранг. *Анероид*.

Бартер (инглизча *бартер* — товар айирбошлаш) — товарларни пулсиз бошқа товарларга бевосита айирбошлаш. Бартер битимиға (шартномага) мувофиқ бир томон иккинчи томондан қарз бўлиб қолса, пул (валюта) билан эмас, балки товар билан узади.

Бархан — ўсимлик билан қопланмаган кўчма қум дўнги. Шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчуб юради. Ийллик кўччиш тезлиги бир неча см дан юзлаб м га етади. Б-лар шакли кўпинча ёй, ярим ой, ўроқ шаклида бўлади. Шамолга рўпара ёнбағирлари қия ($5-14^{\circ}$), тесқари ёнбағирлари тик ($30-33^{\circ}$). Б. «шоҳлариз» шамол кучига, қумнинг намлиги ва таркибига қараб, узун ёки қисқа бўлиши мумкин. Шамол бир томондан кўпроқ эсадиган жойларда Б-лар тизмалар шаклида, турли томонлардан эсадиган жойларда тўп-тўп Б-лар ҳо-

сил бўлади. Ўрта Осиё қум чўлларида якка Б-лар ҳам, тизма Б-лар ҳам, тўп-тўп Б-лар ҳам бор. Б. қумларида кўпгина чучук сувлар тўлланади.

Батискаф (юнонча *батос* — чуқурлик, *скафос* — кема) — чуқур сув остида юрадиган аппарат. Океанографик ва бошқа тадқиқотлар учун ишлатилади. Сувдан енгил суюқлик (бензин) тўлдирсан корпус ва пўлат шар (гондола)дан иборат. Гондоласида батискаф экипажи, бошқариш аппаратлари, ҳаво тозалаш системаси, радиостанция, ультратовуш телефоны, телевизион камера ва илмий тадқиқот асбоблари булади. 1960 йил январида Ж. Пиккар мукаммалластирилган Б-да Тинч океандаги Мариана ботига тушди.

Баҳорикор дэҳқончилик обиқор дэҳқончилик қилинадиган ҳудудлардаги сугорилмайдиган дэҳқончилик, адирлар, тоғ олди текислиги, тоғ этакларида ва тогларда ривожланган. Ўрта Осиёда, Кавказортида, Хитойнинг Синжон-Ўйур мұхтор вилоятида тарқалган.

Баҳорикор ерлар — сугорилма дэҳқончилик ўлкаларидаги сугорилмай дэҳқончилик қилинадиган ерлар. Асосан тоғ олдила-рида, воҳалар атрофларида бўлиб, қурғоқчиликка чидамлироқ экинлар — арпа, бүрдой, нұхат, тарық экилади. Баъзан полиз экинлари, хусусан тарвуз ҳам етиштирилади.

Бекат — тўхташ жойи, карвонсарой.

Бел — тоглардаги унча баланд бўлмаган кенг довон; узун чўзилган қирралари сезилмайдиган дўнглик. Тоглар номи таркибида ишлатилади: Музбел, Олабел тизмалари.

Беллик — экинларни жўяксиз

сүфорганды полларни бир-биридан ажратыш учун қилинган күтарма, марза. Рош, чөл деб ҳам аталади.

Белтоғ — якка-якка ёки қатар құм барханлари. Баландлиги 5—8 м. Такламакон чүлида күп тарқалған. Географик ном сифатыда ҳам уңрайди. Масалан, Еркентдарә текислигидаги Белтоғ құмны.

Бент — сув чиқариш учун қуриладиган түғон. Үрта Осиё волаларыда бу сүз күп учратылади. Масалан, Мурғобдаги Султонбент. Бент банд күринишида ҳам құлланилади, чунончы Нурота тоғидаги Абдуллахон банди (Түғони).

Бергштрихлар (немисча *берг — тоғ, штрих — қиёфа*) — топографик хариталарда ёнбағирнинг қайси томонға пасайиб боришини күрсатыш учун горизонталларга тик (перпендикуляр) қўйиладиган чизиқчалар.

Берк ботиқ — ташқи оқим җавзалари билан туташмаган ботиқ. Масалан, Эрон тоғлигининг ички қисми, Тарим ботиги, Катта Ҳавза ва бошқалар. Үрта Осиё ҳам Б. б. ҳисобланади.

Бет — адир, қыр, тог олди тепаликларидаги текис ёки салгинация ёнбағир ва юзалар. Қашқадарә ва Сурхондарә водийларыда күп тарқалған атама.

Бетараф мамлакатлар — ташқи сиёсатда бетарафлик йўлини тутувчи, бошқа мамлакатлар ўтасида тузилған ҳарбий иттилоқларга қўшилмайдиган, тинчлик сиёсатини изчил қўллаб келувчи мамлакатлар. Б. м-нинг күпчилиги империализмнинг мустамлақачиллик зулмидан оозд бўлган мамлакатлар бўлиб, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик сиёсатини қаттиқ туриб ҳимоя қилишади. Масалан, Ҳиндистон, Индонезия, Жазоир ва бошқалар. Б. м. ҳамма мамлакатлар билан ҳам иқ-

тисодий алоқаларни олиб бора-ди.

Бетарафлик — ҳарбий ва сиёсий иттилоқларга қўшилмаслик сиёсати. Қаранг. **Бетараф мамлакатлар**.

Бешқуноқ — ҳамал ойида (арслда) буладиган сөвук күнлар. Одатда бундай күнлар апрель бошида бўлиб, 4—5 кундан ошмайди.

Бизнес (инглизча *business* — иш, машғулот) — товар ишлаб чиқариш, уни сотиш, хизмат курсатыш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолият. Ҳужалик юритиш кўламига қараб йирик, үрта ва кичик бизнесларга бўлинади. Корхонада 500 кишидан ортиқ одам банд бўлса, йирик бизнес (фирма), 20 кишидан 500 кишигача бўлса, үрта бизнес ва 10—20 киши бўлса, кичик бизнес дейилади.

Билқиллама — ортиқча нам, ботқоқ, зах ер. Кўпинча Б. юзасини қалин чимли ўт коплаб ётади. Б. сизот сувлар ер бетига чиқкан жойларда, ўт босган кўл, ботқоқлик ўрнида ҳосил бўлади.

Биогеоценоз (юонча *био — ҳаёт, geo — ер, ценоз — умумий*) — Ер юзасининг табиий компонентлар ўзаро таъсири, модда ва энергия алмашиниши ҳамда бошқа табиий жараёнлар бир хил, ўзига хос хусусиятга эга бўлган кичик қисми. Табиий жўнрофий фация тушунчасига яқин келади. Б-га атмосферанинг ер юзасига яқин қатлами, тупроқ она жинси, тупроқ, тупроқ ва ҳаводаги нам, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳамда микроорганизмлар киради. Рельеф Б. компоненти бўлмай, у жойлашган макон ҳисобланади. Б. чегараси ўсимлик туркуми чегараси билан белгиланади.

Биологик озиқланиши занжирни — Ер юзида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўзаро бир-бирларига

богланиб кетиб ҳосил қилган бир бутун мураккаб системаси. Оддий мисол: тупроқ жониворлари (чиритувчи, ачитувчи бактериялар) тупроқни чиринди, минераллар билан таъминлайди, ўсимликларнинг ўсишига шароит яратади. Ўсимликлар мева тайёрлаб, йирик жониворлар — қушлар, кемирувчилар, ўтхўр ҳайвонлар учун озиқа беради. Қушлар, кемирувчилар ва ўтхўр ҳайвонлар йиртқичларни озиқа билан таъминлайди. Ўсимликлар ва ҳайвонлар қолдиги ерга тушиб, чиритувчи ва ачитувчи жониворлар учун озиқа бўлади. Агар бу занжир бирор жойида узилса ҳаётдаги айланма ҳаракат бузилади, ҳалокат юз беради.

Биосфера (юнонча био — ҳаёт, сфера — шар) — Ернинг ҳаётга макон бўлган, тирик организмлар тарқалган жойи. қобиги. Б. атмосферанинг пастки қисми (тропосфера)ни океан, денгиз, кўл ва дарё сувлари (гидросфера)ни ҳамда Ер пустининг устки қисми (литосфера)ни ўз ичига олади.

Бир бутунлик қонунияти — табиатда барча компонентлар ва ҳодисаларнинг ўзаро бир-бирларни билан боғланиб кетиб, бир бутун табиий муҳитни ҳосил қилганилиги. Табиатда унинг барча қисмлари, ҳамма элементлари, ҳодисалар ўзаро боғланиб кетган ҳамда муайян мувозанатда туради. Табиатдаги бирор компонент, элемент ўзгарса, бу ўзгариш бошқа компонентларга ҳам таъсир этиб, бутун табиий муҳитни ўзгаришга олиб келади. Табиатга пухта ўйланмай кўрсатилган таъсир кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Биржаси (немисча ҳамён) — бозор. Товар биржаси товарларнинг улгуржи бозори; фонд биржаси — қимматбаҳо қофозлар, олтин, чет эл валюталари бозори. Биржада

чайқовчилик (олибсотарлик) авж олади.

Бирламчи текисликлар — денизларнинг чекиниши ёки саёзлашиб дengiz тагининг очилиб қолиши натижасида пайдо бўлган текисликлар. Масалан, Каспийбўйи пасттекислиги.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) — мустақил давлатларнинг халқаро тинчликни, ҳавфсизликни сақлаш, давлатлар ўтасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ихтиёрийлик асосида ташкил этилган халқаро ташкилоти. БМТ Низоми 1945 йил 26 июня Сан-Франциско конференциясида 50 давлат иштирокида тасдиқланган ва 1945 йил 24 октябрда кучга кирган. БМТнинг қаророги — Нью-Йорк шаҳри. БМТ асосий органлари: БМТ нинг Биш Ассамблеяси, Ҳавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Халқаро суд ва Котиблик.

Битум (лотинча битумен — тоғ смолоси) — таркибан хилма-хил углеводородли қаттиқ, суюқ, газсимон тоғ жинсларининг умумий номи. Б-га нефть, озокерит, асфальт, нефть гази киради. Б. суннинъ йўл билан тайёрланиши ҳам мумкин.

«Бичилган ер» — ёрилган ер. Турли сабабларга кўра — тупроқнинг ортиқча қуриб кетиши, суримла бошланиши, ер пустининг гумбазсимон кўтарилиши, қаттиқ ер қимирашлар натижасида ёрилиб-срилиб кетган ер.

Бодхиз — шамол кўп эсаднган яланглик, қир ер, баландлик. Б-да доимий оқар сув, дараҳт, ўсимликлар бўлмайди, иқлими қуруқ.

Бой ва камбағал маъданлар — шартли атама бўлиб, маъдан таркибидаги фойдали элементлар миқдорини ифодалайди. Турли металлар маъданлари учун бой ва камбағаллик даражаси ҳар

хил бұлади. Масалан, таркибіда 50% темир бұлған маъдан бой қисобланади.

Бойитиш — фойдалы қазилмаларни кераксіз жинслардан ва заарарлы құшимчалардан тозалаш мақсадыда маъданларга дастлабки ишлов беріш. Маъданға янги моддалар құшиб, унинг сифатини яхшилаш ҳам бойитиш дейилади.

Боксит — қызыл, жигарранг ва бошқа рангли چүкінді төр жинси. Таркибіда, глинозем, темир оксиди бұлғади. Алюминий асосан Б-дан олинади. Асосий конлари Украина, Урал, Сибирь, Қозогистонда.

Больсонлар — Шимолий Американиң жануби-ғарбйы қисимларидаги төр оралығы ботиқлари. Асосан төр оралығидаги чүлларда тектоника денудация натижасыда вужудға келади.

Бора (юнонча boreas — шимол) — қиша төр ёнбагирлары бүйлаб пастта, дengiz, күллар томонға әсадыган күчли союқ шамол. Б. союқ ҳаво массалари кириб келиб, баландлық ва паст тоғлардан ошиб тушиши натижасыда вужудға келади. Б. одатда қуруқлікда ҳаво босими юқори, дengiz устида паст бўлишидан кучайп кетади. Қора дengиз бўйида Новороссийск бора шамоли, Адриатика дengиз бўйида Триест бора шамоли вужудға келади ва ҳоказо.

Ботиши — Қуёш ботар томон, гарб.

Ботиқ — Ер пўстининг тектоник күчлар таъсирида атрофи күтарилиб ёки атрофга нисбатан пасайиб қолған қисми. Масалан, Фарона, Борсакелмас, Сариқамиш ботиқлари. Б. таги кўпинча ясси ёки урта қисмiga томон бир оз нишаб бўлади. Диаметри 10 лаб, 100 лаб км га етади. Океан тагида ҳам ботиқлар бўлади. Маса-

лан, Мариана ботиги — 11022 м ва бошқалар.

Ботқоқ — күллардаги, дарё секин оқадыган жойлардаги суюқ лои; билілтама шур лой. Сизот сувлари чиқиб ётадыган захоб жонларда ҳам ҳосил бұлғади. Қозоқ ва қыргыз тилларыда өтпақ шаклида ишлатылып, шуроб, шурхок, маъноларни ҳам ойлдиради. Жой номлари таркибда ҳам бор: өтпақдала.

Ботқоқ ва күл темир маъданлари — ботқоқ ва күллар тагида ҳосил бұлғадыган құнғир темиртош рудалари.

Ботқоқлик — доимо ёки узоқ вақт зах булиб ётадыган жой. Ботқоқликда баъзан 0,2—0,3 м қалинликда торф қатлами бұлғади. Үсимликларнинг илдизлери торф остидаги қатламга етиб бормайды. Торф қатлами юпқа бұлса ботқоқлашған ерлар деб аталағи. Ботқоқлик үрмени кесилиб кетган кетган жойларда ва ўтлоқларни узоқ вақт сув босинши, шунингдек, саёз сув ҳавзаларини үт қоплаши натижасыда ҳосил бұлғади. Ботқоқликлар Шимолий яримшарда кўп. МДҲдаги ботқоқликлар ва ботқоқлашған ерларнинг умумий майдони 2,1 млн кв. км. Ўрта Осиёда ботқоқликлар йирик дарёлар (Амударё, Сирдарё, Чу ва Или дарёлари) водийларида ва пастқам жойларда учрайди.

Бош меридиан (нолинчи меридиан) — жүгрофий узунликларни ҳисоблашда шартли равища бошланғич деб қабул қилинган меридиан. Халқаро келишувга мувофиқ, Лондон яқинидаги Гринвич расадхонасидан үтувчи меридиан Б. м. деб қабул қилинган.

Богча — сабзавот экинлари экилған ер; bog сўзининг кичрайтирилган шакли.

Бриз (французча бризе — ша-

бала) — денгизлар, катта күллар, баъзи бир йирик дарёлар соҳилида эсадиган маҳаллий шамоллар. Б. қуруқликнинг сувга қараганда кундузи тез исиб, кечаси тез совиши натижасида қуруқлик билан сув устидаги ҳавонинг ҳарорати ва босимиди тафовут пайдо булиши оқибатида вужудга келади. Б. кундузи сувдан қуруқлика, кечаси эса, аксинча қуруқликдан сувга эсади ва қирғоқдан ҳар икки томонда 10 км гача масофада яхши сезилади.

Британия Ҳамкорлиги — Қаранг. Ҳамкорлик.

Бройлер ҳўжалиги (инглизча броўл — қовурмоқ) — маҳсус ферма-фабрикаларда семиз жўжалар стиштирадиган ҳўжалик.

Брокер (инглизча брокер — даллол, воситачи) — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик қиласидиган айрим шахс ёки фирма. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг бўлимлари орқали расмийлаштирилади. Брокер воситачилик қилгани учун оддисотдининг мудайян улуши (фойизи) миқдорида ҳақ (брокериж) олади. Брокерлар баъзан қарз берувчи (кредитор) вазифасини ҳам бажаради.

Бузук ер — фойдаланиш учун яроқсиз ўр-қир. Б. е. Говак, гил жинсларни сув ювиб, беҳисоб жўяқ, чуқурликлар ҳосил қилишидан пайдо булади. Б. е. Бойсун ботигининг ўрта қисмида, Нурота тоғларининг жанубий тизмаси Оқтоғ ёнбағрида, Қопетдог ёнбағрида бор. Юриб бўлмайдиган тик ёнбағирлар ҳам баъзан Б. е. дейилади.

Булдуруқ — ёғинларнинг бир тури, шамолсиз сувук об-хавода дараҳтларнинг шоҳ-шаббаси, электр, телефон симлари ва бошқа ингичка, юлқа буюмларни қоп-

лаб оладиган оппоқ муз кристаллари. Совуқ ҳавода нам майда муз заррачалари ҳолатида бўлади ва совуқ буюмларга урилганда уларга ёпишиб сиртини қоплаб олади.

Булоқ, чашма — ер ости сувларининг ер юзасига табиий ҳолда чиқиши. Б. сувли қатламлар ер юзасига чиқиб қолган жойлар — водийлар, сойлар жарлар, тоғ ёнбағирлари, тор этакларида булади. Б.-лар босимли ва босимсиз булади. Босимсиз Б.-лар маҳаллий сувларнинг сингишидан ҳосил булади. Босимли б.-лар сув ўтказмайдиган қатламлар тагидаги сувли қатламлардан чиқади Доимий музлоқ ерларда, қургоқчил ўлкаларда мавсумий Б.-лар булади. Сўнмаган вулканлар булган ер остидан чиқсан жинслар ҳали совиб улгурмаган жойлардақ иссиқ Б.-лар чиқади. Иссиқ Б.-лар сувида турли тузлар, элементлар ёриган булади. Булар минерал Б.-лар дейилади. Масалан, Тошкент, Чорток, Обигарм ва бошқа минерал сувлар.

Булат — ҳаводаги жуда майда (коллоид) сув заррачалари, томчилари ва муз заррачалари тўплами. Улар йириклишаб ёғин булиб тушади. Б. ҳаво юқорила ма ҳаракат қилганда, юқорига кутарилгандага ҳарорат пасайиб, сув буғлари конденсацияланиб ҳосил булади. Б.-лар ташки кўришинига қараб барра, патсимон, тўп-тўп, қатлам-қатлам Б.-ларга бўлинади. Баландлигига қараб паст, ўрта ва юқори булади.

Булатлилик — осмоннинг булат билан қопланганлиқ даражаси. Осмонни булат текис қоплаган бўлса Б. 10 баллга, агар осмонни ярим қоплаган бўлса 5 баллга, ҳаво очиқ бўлса 0 баллга тенг деб қабул қилинади.

Буржуазия жумҳурияти — Қаранг. Жумҳурият.

Бурмаланиш — Ер пустыда ён томондан бұладиган күчли тектоник босым таъсирида қатламларнинг букилиб, бурмалар ҳосил қилиши. Б. натижасида бурмали тоғлар, улар орасида ботиқлар — тектоник водийлар пайдо бұлади. Ерда бурмаланиш ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам бир хил суръатта бўлмайди. Айрим геологик даврларда кучайиб кетиб, тоғлар купаяди. Б. кучайган даврлар бурмаланиш босқичлари дейилади. Бундай Б. босқичлари Ер тарихида анчагина бўлган: архей, байкал, каледон, герцин, мезозой (киммерий, яншань, невадий, ларами), альп, тинн океан бурмаланишлари.

Бурмали тоғлар — тектоник ҳаракатлар таъсирида тоғ жинслари қатламлари бурмаланган ва теварак атрофдан баланд кўтарилиб қолган тоғлар. Масалан, Кавказ, Ҳимолай, Анд, Кордильера тоғлари ва бошқалар.

Бурун (тумыцук) — қуруқликнинг океан, денгиз, кўлларга энг кўп туртиб чиққан учлик қисми, Қирғоқнинг қандай тоғ жинслидан ташкил топганига қараб, бурунлар сув юзасидан тик кўтарилиган (Дежнёв бурни, Айктоғ бурни), паст текис бұлади. Б.-лар баъзан сув остида ҳам давом этиб, саёзлик ҳосил қиласи. Тоғ муюлиши ҳам Б. дейилади.

Бурчоқ — ёмғирили тұп-тұп булутлардан ёрадиган қаттиқ қор доначалары. Шакли япаски юмалоқ, конуссимон бұлади. Ҳарорат унча совуқ бұлмаган, яъни О° га яқин вақтларда ёгади. Баъзан спртниң иопқа муз қоллаган бұлади. Совуқ ҳавода нам кам бўлганлигидан Б. кўп ёғмариди ва қисқа муддатда ўтиб кетади.

Буғланыш — моддаларнинг (хусусан сувнинг) суюқ ҳолатдан буг ҳолатига ўтиши. Табиятда атмосферага нам сув юзасидан,

тупроқ, ўсимлик, муз, қорлардан Б. натижасида ўтади. Қаттиқ жинсларнинг ҳам буг ҳолатига ўтиши Б. дейилади. Б-нинг табиятда сувнинг айланма ҳаракатида аҳамияти бениҳоя катта. Сув ҳаво босими 760 мм симоб устунига тенг бўлганда, ҳарорат 100° га етганда буғланади.

Бэр дўнглар — Қаспийбўйи пасттекислигига деярли жуғрофий кенглик бўйлаб чўзилган, бир-бирига параллел жойлашган дўнглар. Бу дўнгларнинг баландлиги 10—45 м, эни 200—300 м, оралиғи 1—2 км, узунлиги 25 км гача. Биринчи марта академик К. М. Бэр тасвирлаб ёзғалиги учун унинг номи билан аталади.

Бўйин — қуруқликнинг иккита қисмини, масалан, иккита материкни бир-бири билан (Панама Б., Сувайш Б.), материкни ярим орол билан туташтириб турувчи қуруқлик. Баъзан иккита сувни ажратиб турувчи камбар қуруқлик ҳам Б. дейилади.

Бўз ер — қўриқ ер, ҳайдалмаган ер, ҳосилдор ер.

Бўз тупроқ — Урта Осиёда дengiz сатҳидан баландлиги 300 м дан 1600 м гача бўлган ерларда кенг тарқалган тупроқ тури. Асосан лесс, лессимон гил жинслари, чағиртошли, шагалли ётқизиқлар устида пайдо бўлади. Қандай баландликда тарқалганига қараб 3 хил бўлади; оч Б. т. дengiz сатҳидан 300—700 м баландликда, оддий Б. т. 700—1200 м баландликда ва тўқ Б. т. 1200—1600 м юқорида. Б. т.-ларда чиринди кам — 1,5 дан 3—4% гача. Табиий ва мисерал ўғитлар солинса Б. т.-лар юқори ҳосил беради.

Бўз сув — лойқа, сариқ тусли сув. Дарё юмшоқ жинсларни, айниқса лессини, лессимон гилни ювийб оққанда, унинг сув йигадиган ҳавзасида шилдатли ёмғирилар ёқканда сув бўз рангда бўлади.

Баъзан географик ном сифатида ҳам құлланилади. Масалан, Бұз-сүй.

Бұр — чүкінди төг жинси. Майда зарралы, оқ ранглы юмшоқ охактош. Денгиз тәғида жони-ворлар қолдиқтарининг түпланишидан ҳосил бұлади. Асосан кальцит ва организмларининг охакли сүйк қолдиқтардан иборат. Б. ойнасозлик, цемент ишлаб чиқаришда, металургия, кимә, резина, қофоз, қанд, тиббиет ва упа-элик саноатида ишлатиласы.

Бүрон — теэлиги секундига 20 м даң ортадыған жуда кучли шамол. Б.-лар одатта циклонларнинг салқын фронтида, антициклон чеккаларыда рүй беради. Денгизде кучли түлкінларға, چұлларда құм, чанг күчишига сабаб бұлади. Қишида күп миңдорда қорни учирив юралы. Халқ ұхжалигига баъзан аңча зарар етказиши мүмкін.

Бұртика — рельефнинг кичик мусбат (кұтарилиб турған) шакалы, тепа, дүңг, қоя ва җоказо.

Бұртма, бұртик — рельефнинг атрофдан кұтарилиб турған, қабарық шакли. Магманың чүкінди қатламлар орасыга кириб, юқоридеги қатламларни кұтаришидан (интрузив лакколит), доимий муз-

лоқ үлкаларда қатламлар орасыда сув музлаб, юза қатламларнинг кұтарилиб қолишидан (гидролакколит), юмшоқ жинслар ювиліб кетиб, қаттиқроқ жинслар сақлашиб қолишидан пайдо бұлади.

Бұсаға — Урта Осиё ва Козоғистонда төр олди, төг этагида жойлашған қыр, дүңглар. Номлар таркибиға ҳам кирган: Бұсаға төг, Бұсаға адир. Дарёлардаги остано-останоатош, олд, араға маъносиде ҳам құлланилади.

Бұстон — одамнинг меңнат фаолияти нағијасыда бунёд этилган обод, сербог, «гуллаган» жой. Жүғроғий номлар таркибида ҳам учрайди. Масалан, Бұстонлиқ, Бұстонсой ва җоказо.

Бұсқиә — нураш, юмшоқ жинсларнинг ювиліб кетиши нағијасыда ҳосил бұлган яланғоч, тик қоя.

Бұйым — Қирғизистон, Олтой, Сибирда дара, дарёға тик түшган қоя, баланд, тик тош ёнбағир. Бұйым дараси.

Бұғиз — күл, денгиз ва дарёларнинг иккі кенг қисмими ту-таштириб турадыған сувли торйұлак.

Бұғин — водийларда төг билан дарё оралығыдан ўтган пүл, дара, танги.

B

Валюта — (италянча валюта — қадрланмоқ, қыймат) — мамлакатнинг пул бирлигі. Валюта курси — бирор мамлакат пул бирлигининг башқа мамлакат пул бирлигіда ифодаланған қыймати.

Вегетация даври — 1) Йилнинг ўсимлик үсіши ва ривожланиши учун қуалай даври. В. д.-нинг узунлиғи турлы жүғроғий мінтақаларда түрлі: мұттадил мінтақада баҳорғи охирғи соғуқдан күзги дастлабки соғуққача ўтган

вақтга тенг. Субтропик, тропик ва экваториал мінтақаларда В. д. йил бүйі давом этади, фақат қурғоғычилек даврида тұхташи мүмкін. 2) Биологияда ўсимліктарнинг уруғидан униб чиқишидан улар умріннің тугашында ўтган давар.

Вилли-вилли — Австралияда-чанг-түзөнни күтариб кетадыған кучли гирлоб шамол — қуон. Марказий Австралияда тез-тез учраб туради.

Водий — рельефнинг узун чўзилган ботиқ шакли. Ҳосил бўлишига кўра, эрозион ва тектоник бўлади. Ҳар иккала сабабнинг биргаликда таъсиридан ҳам вужудга келади. Водийлар турли катталикда бўлади. Баъзан катта водийларда ён водийлар ҳам келиб қушилади. В-лар шаклига қараб қўйидаги турларга бўлинади: 1) дарасимон В.; тоғли жойларда учрайди, ёнбагирлари тик, қояли бўлади; 2) каньонсимон В.; таги жуда тор, ёнбагирлари тик, чуқур; 3) кўндаланг кесими V — симон В.; 4) кенг текислик В-лари; ёнбагирлари қия, таги текис, ӯзанлар кўп бўлади; 5) таги текис, ён бағирлари тик бўлган музлик В-лари; тоғларда музнинг емириш иши натижасида вужудга келади.

Водий музлиги — тоғли ўлкалар музликларининг бир тури. Тоғ тепаси, ёнбагирлардаги қор музга айланни водийларга оқиб тушишидан ҳосил бўлади. Урта Осиё тоғларида кўп учрайдиган музлик тури. В. м. водий тузилиши ва музлик қиёфасига кўра оддий В. м. ва мураккаб В. м. га бўлинади.

Водий шамоли — тоғли ўлкалардаги водийларда кундузи водий бўйлаб юқорига, кечаси юқоридан пастга эсадиган шамол. Кундузи сийрак атмосферадан ўтиб тушадиган қуёш нурлари тоғ ён бағирларини, тошлирини тез қизитиб юбориши натижасида тоғда эркин атмосферадаги шу баландликдаги босимга нисбатан босимнинг камайиб кетиши оқибатида В. ш. ҳосил бўлади. Тунда тоғларда узун тўлқинли нур (иссиқлик) тарқалиши кучли бўлганлигидан ҳаво тез совиб, оғир ҳаво водий бўйлаб пастга томон оқиб тушади. В. ш. тоғ бризи деб ҳам аталади.

Вольфрам маъданлари — тар-

кибида вольфрам бўлган минерал рудалари. В. м. табиатда темир, олтин, молибдеч, мис, рух, марганец ва кальций билан бирга бирималар ҳосил қиласган бўлади. В. м. гранитлар кенг тарқалган жойларда учрайди. Вольфрам саноатда жуда муҳим металл. Юқори сифатли пулат олишида фойдаланилади. У пулатнинг қаттиклигини, мустаҳкамлигини оширади. Электротехника, радиотехникада, тиббиёт асбоблари ишлашда қўлланилади. Қозогистонда, Шарқий Сибир, Шимолий Кавказда, Ўзбекистонда, чет элларда АҚШ, Хитой, Бирма, Португалия, Боливияда конлари бор.

Воҳа — чалачўл ва чўлларда ўсимлик билан қопланган, аҳоли яшайдиган обод жой. В-лар дарё, канал бўйларида, ер ости сувлари ер юзига яқин бўлган, булоқ, артезиан сувлар чиқсан жойларда бўлади. В-лар катталиги жиҳатидан жуда хилма-хил. Баъзи В-лар бир неча юзлаб км га чўзилган. Булоқ, кудуқ атрофидаги В-лар кичик бўлади. Ўзбекистонда Тошкент, Қўйи Зарабшон, Қоракўл, Мирзачўл, Томди В-лари ва бошқа В-лар бор. Антарктида чеккаларидаги қоя тошлар очилиб ётган жойлар ҳам В-лар дейналади.

Вулкан — (лотинча *вулканус* — олов худоси), ёнартоғ — Ер пусттида рўй берадиган тектоник ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган ёриқлар, тешиклардан лава, қайноқ газ, сув буғлари, тошлар, кул чиқарип турадиган ҳодиса. В-лар конус шаклидаги қалқонсимон, гумбазимон баландликлар, тоғлар ҳосил қиласади. Бундай тоғларнинг устида В. оғзи — кратери, тагида В. ўчоги — магма ва буларни туташтириб турувчи В. канали — бўғзи бўлади. В. оғзида оқиб чиқаётган лаванинг ҳарорати 500—1300°C га етади. Лаг-

ва қотаётганды ундан сув буғлары, олтингүргүрт ва бошқалар ажралиб чиқады. В. отилиши қисқа, даврий ва узок дәгвом этиши мумкин. Баязы В.-лар бутунлай отилмай қүйиши мумкин. Улар сүнгандын В. дир. Тарихий даврда отилгани кузатылмаган В. лар ҳам сүнгандын В. дейилдид. 600 дан ортик сүнмаган В. борлыги маълум. Эңгүй күпі Тинч океан ҳалқасыда ва океанинг узидә жойлашып.

Вулкан жүяклари (барранкослар) — вулкан конуссимон төғларыда вулкан оғзидан төг этагига нұрсымон (радиал) тарапланған чүкүр жүяклар, даралар. Улар вулкан жинсларини ёнбагырдагы оқар сувлар үювін кетишидан вұжуда келеди.

Вулкан конуси — вулкандан отилиб чиқкан төг жинслари түпләниб ҳосил қылган конуссимон төг. Қаранг. **Вулкан**.

Вулкан күллари — сүнгандын вулканларнинг оғзидан ҳосил бүлганса күллар. Исландия, Италия ва Японияда күпроқ учрайди. Қавказда ва Камчаткада күп.

Вулкан ороллари — океан ва деңгиз тубидан вулканлар отилиб, чиқып, вулкан жинсларининг түпләнишидан пайдо бүлган ороллар. В. о. үнчалик катта бүлмайды, баъзан сув юзасидан анча баланд күтарилип турады ва шаклан вулканға үшшайды. В. о. күпинча қатор тузилған бүлди, ёй шаклидеги оролларни ҳосил қылади. В. о. Тинч океанда күп: Курил ороллари, Гавайи ороллари ва бошқалар.

Вулкан оғзи — вулкан отилишида лава оқиб чиқадын воронкасимон тешик. Вулкан кратери ҳам дейилдид. В. о. ҳар хил катталиқда бүлди. Қенгліги бир неча юз метрдан үнлаб км гача бүлди.

Вулкан төг жинслари — вулкандан отилиб чиқкан (вулкан

туфлари) ва оқиб чиқкан (базальт, андезитлар) төг жинслари.

Вулкан туфи — вулкандан отилиб чиқкан чанғ, құм, кул, лава, тошлар зичлашиб ва цементлашиб ҳосил бүлган төг жинси. В. т.-га вулкандан чиқмаган жинс парчалари ҳам аралашған бўлиши мумкин. Таркибиға кура В. т. базальтли, андезитли, липаритли ва қоказо бүлди. Бинокорлик материали сифатида ишлатилади.

Г

Габбро (итальянча) — донадор кристалл түзилишга эга бүлган интрузив төг жинси. Асосан дала шпати, агвит, шох алдамчиси минералларидан таркиб топған. Ийрик лакколит, дайқа, хасисимон ертомирларда учрайди. Яхши силлиқланади. Бинокорлик материали сифатида ишлатилади. Нурота, Ҳисор, Чотқол, Курара тоғларida бор. Қанадада бир неча минг кв. км майдонни қоплаган.

Гавань (голландча хавон) — деңгиз, океан ва күлларнинг түлкін, шамол ва оқимлардан табиий ёки сунъий равишда түсилған қисми. Қемалар туриши учун хизмат қиласади.

Газа — тоғларда ва төг олди қырларыда рельефда буртиб, туртиб чиқкан төг, төг тепаси, алоҳида тепалар. Сурхондарё, Қашқадарё областлари тоғлар районларидан күп қўлланиладиган географик атама.

Газ қувури — газ қазиб олинидиган ва ишлаб чиқариладиган жойлардан истеъмол қилинадиган жойларга қувурларда юбориши учун қурилган иншоот. Г. қ. газни кўлкам ўтказиши қувурлар йўғонлигига (диаметрига) боғлиқ. Эң йўғон газ қувури диаметри 1420 мм. Дунёда ҳаммаси бўлиб 1984 йили 800 минг км га яқин қувур бўлган. Жарқоқ — Тошкент, Муборак — Тошкент — Бишкек — Олмаста, Бухоро — Урал,

Үрта Осиё — Марказ, Фаргона во-дийси Г. К. ҳалқаси ҳам анча йи-рик Г. К. ҳисобланади.

Гарисел (тожикча *гарм* — ис-сиқ, сел — оқим) — Үрта Осиё ва Жанубий Қозогистонда йилнинг илиқ даврида эсадиган иссиқ, қу-руқ шамол. Гарисел эсганда ҳаво ҳарорати кӯтарилади, намлиги камаяди, ўсимликларга ёмон таъ-сир кўрсатади. Гарисел фёнга ўхшаган бўлади. Баъзан жуда катта майдонларга таъсир кўрса-тади.

Гарисар — Қаранг. **Гарисел**.

Гейзер (исландча *гейзир* — отилмоқ) — ер ости бўшлиқ ва ёриқларидан вақт-вақти билан ис-сиқ сув ва буғ отиб турувчи бу-лосқ. Вулкан ҳаракатлари сўнаёт-ган ўлкаларда бўлади. Исландия, Янги Зеландия, АҚШ да куп. Камчатка ярим оролидаги Гей-зерлар водийсизда 20 та гейзер бор. Бу ердаги энг катта Великан гейзери 3 соат оралатиб 4 минут давомида қайноқ сув ва буғ отиб туради. Сув 30 м га, буғ 300 м гача кўтарилади. Иссиқ сув ҳарорати-дан хоналарни иситишида, элект-ростанцияларда фойдаланилади.

Гематит (юнонча *хаматос* — дон) — минерал. Яширин кристалли жинс, қизил темиртош, қора донадор (темир ялтириғи) ва қават-қават тузилишга эга. Тарки-бидаги 70 фоизгача темир, қисман марганец, титан бўлади. Кривой-Рог, Нижний Тагилда конлари бор. Г-дан чўян ва пўлат эритиб оли-нади.

Геноцид (юнонча *генос* — уруғ, қабила, лотинча — *цедо* — ўлдираман) (қатағон) — ирқий, миллий ва бошқа баҳоналар билан аҳолининг муайян гуруҳини қи-риб ташлаш. Ҳоким эзувчи синф-ларнинг ашаддий ёвуз доиралари томонидан аҳолига қарши қилин-ган оғир жиноятлар ҳам Г. бўла-ди. II жаҳон уруши даврида яху-

дийларнинг фашистлар томонидан қириб юборилгани, Сталин ҳукм-ронлиги даврида миллий қадрият, демократия учун курашганларнинг қатагон қилиниши Г-дир.

Геобиология — 1) организмлар билан жонсиз табнат ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғланишларни ўрганувчи фан; 2) Ер пустидаги ҳаётни ўрганувчи фан ҳам Г. деб юритилади.

Геобиосфера — биосферанинг ер юзасидаги қисми (қуруқлиқда) қалинлиги қушлар кўтарилиши мумкин бўлган ўртача баланд-ликдан нураш пустининг фаол ҳаёт рўй берадиган чуқурлигига-ча деб қабул қилинган.

Геологик кесим — Ер пустининг ер юзасидан чуқурга томон тик кесимини график усулда тас-вираш. Г. к-да Ер пустидаги тар-киби ва ёши турлича булган жинслар, синиқлар, бурмалар вер-тикал тексиликда тасвириланади.

Геологик сана, геохроно-логия (юнонча *geo* — ер, *хро-нос* — вақт ва *логос* — билим, фан) — Ер пустини ташкил этган тог жинсларининг ёши, таркиб топиш вақти ва тартиби ҳақида-ги билим. Г. с. тог жинсларининг ётиш тартибига асосланади, нис-бий геологик вақт шкаласидан фойдаланади. Тог жинслари ёши-ни ҳисоблаб чиқаришда радиомет-рик услубдан фойдаланиб, жинсларнинг мутлақ ёши аниқланади. Ер тарихи Г. с. жадвалида икки бўлим (криптозой ва фанерозой) ва беш эрага (архей, протеро-зой, палеозой, мезозой, кайнозой) бўлинади.

Геологик ҳавза — геологик ту-зилиши бир хил бўлган ҳудудда тўплланган фойдали қазилма кон-лари ҳавзаси. Масалан, Тунгуска тошкўмир ҳавзаси, Газли — Аму-дарё газ конлари ҳавзаси.

Геология (юнонча *geo* — Ер, *логос* — билим, фан) — Ер пусти-

нинг таркиби, тузилиши, ривожланиши ҳамда Ернинг янада чуқурдаги қобиқларини ва Ерда рўй берадиган турли жараёнларни ўрганувчи фанлар туркуми. Геология туркумига кирувчи асосий фанлар: стратиграфия, тектоника, вулканшунослик, минералогия, петрография, литология, гидро-геология, амалий геология ва бошқалар. Узбекистонда Г. Фанининг ривожланишига Абу Райхон Беруний, Абдуллаев Х. А., Мавлонов Ф. М. катта ҳисса қўшишган.

Геополитика — босқинчи давлатнинг агрессив, ижтимоий-иқтиодий сиёсатини табиий-жўрофий шароитни, жўрофий ўрин ва халқларнинг ирқий фарқларини сабаб қилиб оқловчи ҳамда тушунтирувчи ғайри инсоний дунё-қараш.

Геосинклиналь — Ер пўстининг жадал чўқаётган ва денгиздан иборат бўлиб, чўкиндик тўпланаётган узун чўзилган қисмлари. Г-лар уч турга бўлинади: материк чеккаларидаги Г. (Шарқий Осиё Г-ли), материк ўртасидаги Г. (Утра денгиз Г-ли) ва океанлар орасидаги Г-лар (Индонезия Г-ли). Г-лар минглаб, ўн минглаб км га чўзилган бўлади, кенглиги эса юзлаб км га, кўни билан минг км га етади. Г-ларнинг ривожланиши босқичли бўлади. Ўзоқ давом этадиган чўкиш ва чўкиндик тўпланиши босқичидан кийин тоғлар пайдо бўлиш босқичи бўлади. Сўнгра тоғли ўлка емирила бориб, охири платформаларга ўшаган тузилишга эга бўлиб қолади.

Геосистема (жўрофий система) — жўрофий қобиқ компонентларининг ўзаро бир-бирига боғланисиб, бир-бирига таъсир кўрсатиб, ўйғунлашиб вужудга келган бир бутун табиий бирлик. Жўрофиянинг асосий илмий тадқиқот обьекти. Г-га фациядан то-

жўрофий қобиқда ^булган барча табиий-жўрофий ^бирликлар киради. Г-ни жўрофий комплекс деса ҳам бўлади. Иқтисодий жўрофиянинг ўрганиши обьекти бўлган турли кўлдаги ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари ҳам Г. ҳисобланади.

Геотектоника (^{гео} — Ер, тектоника — қурилиш) (Ернинг қурилиши) геологиянинг Ер пўсти (тузилиши), ҳаралти, ўзгариши ва ривожланишини ўрганувчи тармоғи.

Геофизика (^{юнонча geo} — Ер, фюзис — табиатшунослик асоси) — Ернинг ичкитузилишини, жўрофий қобиқларда (атмосфера, гидросфера, Ер пўсти, мантия, Ер мазгода) рўй берадиган жараёнларни ўрганувчи фанлар туркуми. Г. учта тармоққа бўлинади: Ер физикаси, гидрофизика, атмосфера физикаси. Бу тармоқларнинг ҳар бирин яна кичик бўлинларга бўлинди. Геофизик тадқиқот услубларидан геосистемалар ва уларнинг таркибий қисмларини ўрганида, об-ҳавони олдиндан айтида, шунингдек, табиат бойликларини ўзлаштиришда фойдаланилади.

Геохимия (^{геокимё}) — Ернинг кимёвий таркибини, кимёвий элементлар ва уларнинг тургун изотопларининг таркибинини. Ернинг турли қобиқларда кимёвий элементларнинг жойлашиш қонуниятларини, геосистемаларда кимёвий элементларини ҳолати, ҳаракатини ўрганувчи зан.

Геэкология — экологиянинг юқори босқичда ^и экосистемаларни, (геосистемаларни) шу жумладан биосфера ^и ҳам тадқиқ этувчи бўлимни. Й-ни ландшафт экологияси, биогеоценология деб ҳам юритилади.

Герцин бурзаканиши — палеозой эрасининг даври ўрталаридан мезозой эрасининг триас

даври ўрталаригача давом этган төг ҳосил бўлиш босқичи. Г. б. натижасида геосинклиналлар майдони анча қисқаради. Бу бурмалинишда Европадаги ўртака баландликдаги тоғлар, Урал, Тяншань, Кунлунь, Австралия Альп тоғларининг шарқий қисми, Аппалачининг катта қисми бунёдга келган. Турон ва Фарбий Сибирь текисликларининг замини ҳам Г. бурмалиниши босқичида бурмали тоғларга айланган.

Гигрометр (юнонча *гигро* — нам, *метрон* — ўлчов) — ҳаводаги сув буғининг миқдорини аниқлайдиган асбоб. Тузилиши ва ишлаш хусусияти жиҳатдан мутлақ, конденсацион, қилли, психрометрик ва электр Г.-ларга бўлинади. Энг кўп ишлатиладиган қилли Г. ёғизланган қыл ҳаво намлигининг ўзгариши натижасида узаяди ёки қисқаради. Унинг шкаласи ҳаво намлиги даражасини кўрсатувчи бўлакларга бўлинади.

Гидробиос — сув муҳитида яшовчи барча тирик организмлар.

Гидросфера (юнонча *гидро* — сув, *сфера* — шар) — Ер шарининг океан ва денгизлар, дарё ва кўллар, қор ва музилклар, атмосферадаги сувлар ва ер ости сувларидан иборат сув қобиги. Гидросферанинг 96,5% и океан ва денгизларга, 17% и ер ости сувларига, 1,7% и муз ва қор сувларига тўғри келади. Бундан ташқари, атмосфера ва тирик организмлар таркибида оз миқдорда сув бор. Гидросферанинг умумий ҳажми 1386 млн. куб. км.

Гидроузел — дарё ёки каналда бир жойда қурилган ва бир қанча вазифаларни бажарувчи гидротехник иншоотлар. Г. таркибига ГЭС биноси ва жиҳозлари, тўғонлар, сувни тўсувчи ва сувни туширувчи иншоотлар, каналлар, шлюзлар, сув омборлари киради. Масалан, Чорвоқ, Фарҳод, Қай-

роқум Г.-лари бир вақтда энергетика, ирригация тошқинга қарши кураш вазифаларини бажаради.

Гидроэлектростанциялар (юнонча *худор* — сув) — сув оқими қувватидан электр энергияси ҳосил қилинадиган иншоотлар ва жиҳозлар мажмуаси. Ҳозирги вақтда Г. нинг уч хили мавжуд: 1) дарёларга тўғон қуриб ва тог дарёларига қуриладиган электростанциялар (ГЭС), 2) денгиз суви қалқиши энергиясини электр энергияга айлантирувчи электростанциялар (СКЭС, сув қалқиши электр станцияси) ва 3) гидроаккумулятив электростанциялар (ГАЭС, 1) ГАЭСлар электр энергияси кўп вақтда сувни пастки сув омборидан юқоридаги омборга насослар орқали кўтаради. Энергия кўп талаб этиладиган вақтда қайта пастга тушириб, электр энергияси ишлаб чиқарди.

Гидроэлектростанциялар каскади — дарёда кетма-кет қурилган бир қанча электр станциялар. Сув бир меъёрда оқиб ўтиши билан қўшимча энергия олишга имкон беради. Масалан, Чирчиқ ГЭС каскадида 19 та электр станция энергия ишлаб чиқаради.

Гидроэнергия бойликлари — дарёлар ва шаршараларнинг баланддан тушиувчи сувда мужас-самланган қувват. Сув энергиясини кўмир энергиясидан фарқ қилиб оқ кўмир деб юритилади. Сув энергияси тугамайди, чунки сув ёғини сочин ҳисобига қайта тикланиб туради. Тор дарёлари гидроэнергияга айниқса бой булади. Гидроэнергияга МДХ, ХХР, АҚШ, Канада айниқса бой.

Гил — чўкинди тог жинси. Каолинит, монтмориллонит ва гидрослюдя минералларидан иборат. Ер пўстиди кенг тарқалтан. Г. диаметри 0,01 мм дан майдага

минерал заррачаларидан иборат. **Гилвата** — дengиз ва океан тубларида вулкан куллари ҳамда оқиб келган гилларнинг ишқорли муҳитда ўзгаришидан ҳосил бўлади. Табиятда оқ, яшил, кул ранг, қўнғир ва бошқа рангларда учрайди. Юмшоқ, ёғли, силиқ бўлади. Қизитилса тошга айланади. Сувда бўктирилса, ҳажми 2—15 баробар ортади. Г. тоғ ёғи, гилмоя, соуз кесак, тошсовун деб ҳам аталади.

Гилмоя — гил турларидан бири. Қаранг. *Гилвата*.

Гирдибод — қуон, айланма шамол, циклон.

Гирдоб — дengиз, дарё, анҳор, канал ва њоказолар сувининг юза қисмida содир бўладиган айланма ҳаракат. Г. кўпинча иккى йўналишдаги оқимлар туташган жойда рўй беради. Г. дарё, канал, ариқларнинг ўзан шаклига, ўзан таги рельефига боғлиқ ҳолда ҳам ҳосил бўлади. Дунё океанида дengиз оқимларнинг Ернинг ўз ўқи атрофида айланниши натижасида Шимолий яримшарда ўнгга, Жанубий яримшарда чапга бурилишидан ҳам улкан Г-лар ҳосил бўлади. Шимолий яримшарда соат мили ҳаракати йўналишига мос равишда, Жанубий яримшарда тескари йўналишида ҳаракатланувчи Г. вужудга келади.

Глаубер тузи (немис олими Глаубер номидан) — табиятда оқ рангли минерал — мираблит кўринишда учрайди. Қаранг. *Мираблит*.

Глей — тупроқ кесмасининг кўкиш-саргиш рангдаги гиасимон қатлами. Ер юзасида сув тўпланиб қолиб, тупроқнинг ўта намланишидан ҳосил бўлади. Ботқоқ ерлар, айниқса тундра учун хосдир.

Глинозём, гилтупроқ — алюминий оксиди. Алюминий олиш учун хом ашё бўлади. Алюминий

рудасини кимёвий йўл билан ишлаб ҳосил қилинади. Ундан электролиз йўли билан алюминий ажратиб олинади.

Глобус (лотинча *globus* — шар) — Ер шарининг модели, кичик нусхаси. Глобус бутун Ер юзасини, унинг геометрик шакллари ўхшашлигини ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда тасвирлайди. Г. фақат Ернинг кичик модели бўлиб қолмасдан Ойнинг ва бошқа табиий йўлдошларнинг ҳамда сайёralарнинг модели ҳам Г. дейилади. Уқув глобуларнинг масштаби одатда 1:30000000 нисбатан бўлади, яъни Ер 30 млн. кисса кичрайтириб ишланади.

Гнейс — чуқурда таркиб топган метаморфик тог жинси. Таркиби дала шпати, слюда, биотит ва бошқалардан иборат, яъни гранит таркиби билан бир хил. Қурилиш ҳамда йўл ишларида қўлланилади.

Гномон (юнонча *gnomon*) — қадимий астрономик асбоб. Г. соясига қараб, Қуёшнинг азимути ва уфқдан баландлиги аниқланади. Қуёш соати сифатида фойдаланиш мумкин. Г. очиқ, текис ерга ўрниллади.

Горизонт (уфқ текислиги) — (юнонча *горизон* — чеклайман) — Ер юзасининг очиқ, текис ерда атрофимизда куринадиган қисми. Г. доира шаклида бўлиб, кузатувчи ўзини шу доиранинг марказида тургандек ҳис қиласди. Баландга кўтарилиган сари Г. кенгая боради: ўтра бўйли одам текис жойда тахминан 4,0 км ни кўра олади. 10 м баландликдан 11,3 км, 100 м баландликдан 35,7 км, 1000 м баландликдан 121 км, 5000 м баландликдан 271 км масофагача кўринади. Ер билан осмон бир-бирига тегиб тургандай кўринган чизиқ Г. чизиғи (уфқ чизиғи) дейилади.

Горизонталлар, изогипслар

(юончча изо — тенг ва гипсос — баландлик) — географик харитада дengиз сатқидан бир хил баландликтеги нүкталарни бирлаштырадиган чизиқлар. Г. ер юзасининг рельефи тұғрисида тасаввур беради.

Горизонт томонлари (у ф қ томонлари) — горизонттинг (уфқнинг), тұртта асосий томони — шимол, жануб, шарқ, гарб томонлари бұлады. Бу томонлар оралиғи оралиқ томонлар дейілдә: шимоли-шарқ, шимоли-гарб, жануби-шарқ, жануби-гарб.

Горст (немисча хорст — тепа-лик) — Ер юзасининг тектоник ҳаракатлар натижасида узилмалар билан ажралиб күтариленген қисми.

Грабен (немисча грабен — чүкүрлик) — Ер пустиннинг тектоник узилишлар билан үралған (узилма ва иргитмалар орасидаги) пасайған қисми. Узилмаларда одатта тағ қисми құпинча текис бұлады. Баъзан Г.-ларни күллар әгалайды. Масалан, Иссиккүл, Нъяса, Танганыка ва бошқалар.

Градус түри — жүйроғий ҳарита ва глобуларда параллеллар ҳамда меридианларнинг бир-бirlари билан кесишидан ҳосил бұлған түр. Градус түри Ер шаридаги ҳар қандай нүктанинг үрнини градус ҳисобида аниқлашға имкон беради.

Гранит, чұтиртош (лотинча гранум — дона) — отқынди төгжинси. Г. Ер пустиннинг чүкүр қисмida, магманинг бутунлай кристалланишидан ҳосил бұлади. Г. таркибида кварц, калнили дала шпати, плагиоклаз, биотит, слюда ва қисман амфибол бұлади. Ер юзида әнг күп тарқалған интрузив тоғ жинси ҳисобланади. Г.-дан бинокорликда безаш материалы сифатида, пойдевор, зина-поялар қуришда, ҳайкалтарошлиқда ишлатилади.

Графит (юончча графу) —

ёзаман) — Ер пұстиды учрайдиган соф углероднинг бүгін түри. Ранги қора, түк күл ранг, металлсім он ялтираиди. Г.-дан электр саноатида, қалам, тигел, бүек тайёрлаша, металлургияла ишлатылади. МДХ, Мексика, Корея ярим оролида, Узбекистоңда Тошқазғанда конлари бор.

Гривалар, ёллар — узун қузилған, камбар, юзаси салғина дүнг қырлар. Турлы йүллар билан (шамол, музлик, оқар сұвлар иши на-тижасида) ҳосил бўлиши мумкин. Узунлиги юзлаб метрдан унлаб ва ҳатто юзлаб километргача боради, баландлиги 100—160 м гача. Гарбий Сибирнинг Қулуңда, Бараба даштларда көнг тарқалған. Бу ерларда устини қарағайзорлар қоплаган. Қарзинг. Колоклар.

Грунт сувлари — ер юзасиға яқин жойлашған доимий сувли қатламдаги ер ости сувлари. Г. С. жойлашған қатлам устидан сув үтказмайдын қатлам булмайды. Г. с. босимли булмайды ви фасларга қараб сатқи ҳамда сарфи ўзгариб туради.

Гузар (тожикча гузар — утиш жойи) — 1) маҳалла, шаҳар, қишлоқ, дақаларда ахоли түпланадиган әнг гавжум жой. Г.-ларда одатта чойхона, маданий мұассасалар, дүкөнлар, кичик бозорча ви шу кабилар жоғлашған бұлади; 2) сой, дарә, аиҳорлардан кебиң үтиладиган саёз жой, үтиладиган жой. Қаранг. Кечув. З. Хоразмда дарә ви каналлардан ахоли үтиши учун құйилған махсус қайиқ.

Гум — чүкүрлик, үрама, жаҳаннам, зов.

Гумус (юончча хумус — ер тупроқ) (чириндi) — тупроқнинг асосий органик молдаси, чириндиси. Ранги қорамтири. Органик молдалар қолдиқларнинг чириндиси ҳосил бўлади. Г. турли тупроқларда турли миқдорда,

асосан юқори қатламда, яъни чирндили қатламда тұпланади. Масалан, қора тупроқларда 9—12%, айрим жойларда 30% гача, бұз тупроқларда 1—2% бұлади. Тупроқларнинг табиий унумдорлиги күп қолларда Г. миқдорига болғыл.

Гүшт-жун чорвачилиги — чорвачилек тармоқларидан бири.

Д

Давлат тили — бирор давлатда иш юритиш ва мактабларда үқитиши мажбүрий бұлған тил. Одатда қар бир давлатда энг күп сонли миllat тили, туб жой ахолиси тилига Д. т. мақоми берилади. Узбекистонда 1989 йил 21 октябрда узбек тилига Д. т. мақоми берилди.

Даврийлик — табиатда рүй берадиган жараёнларнинг муайян вақт давомида тартиб билан тақрорланиб туриши. Табиатда жуда күп даврий ҳодиса ва жараёнлар мавжудлігі маълум. Булар қанча вақтда тақрорланишига кўра суткалик, фаслий, йиллик, ун бир ярим йиллик, 22 йиллик ва ҳоказо Д.-лар мавжуд. Масалан, Ёрниг ўз үкін атрофида аланиши билан болғыл бұлған суткалик ўзгаришилар, кече билан кундузининг алмашиниши, ҳароратнинг ўзгариши, сув қалқиши ва бошқалар.

Даврийлик қонунияти — Ерда табиий жараёнларнинг даврий ўзгариб туриш қонунияти. Қаранг: *даврийлик*.

Дагана — оқар сувлар, күп-роқ вақтли оқар сувлар ёнбағырлардаги юмшоқ төг жинсларини ювиб кетишидан ҳосил бұладиган ўйиқлар. Бу атама Сурхондарё ва Қашқадарё водийларida күп құлланилади.

Дала дашт — кенг, дарахтсиз очик текис жой, ер. Қаранг: *дашт*.

Далв (арабча *далв* — қовға). I) зодиак юлдуз туркуми. Осмон-

Бунда хұжалик гүшт ва жун-стишириб беришга ихтисослашган бұлади. Бундай хұжалик-ларда асосан құй боқылади.

Гүшт чорвачилиги — чорвачилекнинг бир тармоғи. Аҳолини гүшт билан таъминлашга хизмат қиласы. Асосан гүшт учун қорамол, құй, парранда боқыш билан шуғулланилади.

Д

инг Жанубий яримшарда; 2) Қүёш ҳисобидаги Шамсия йилининг ўнбиринчи ойи, 12 январдан 18 февральгача давом этади. Кининг ўртасыга тұғры келади. Бу ойда Қүёш осмон сферасыда Д. юлдуз туркумидан ұтади.

Дамба (голландча *dam*) — сувни доимий ёки вақтінча димлаб турадиган тұсқын, иншоот. Д.-лар вазифасыга кўра иккى хил бұлады: 1) сув оқимини тартибга солиш, сув чиқарып учун қурилған Д., 2) тошқын сувли, селдан сақловчы ахоли пунктти, экин далаларини ҳимоя қалуучи Д.

Дам сув — оқмас ёки жуда сөкін оқадиган сув; ҳовуз, күл, күлмак.

Дара — тоғларда тектоник ёрниш, дарәларининг қаттық тоғ жинсларини ювиши натижасыда ҳосил бұлған тор водий; сой, жар, тог йұлаги. Узбекистонда Д.-ларни водий, сой, танги, сойлик деб ҳам юритилади.

Дарбанд (форсча-тожикча *дар* — эшик, дара; *банд* — мустаҳкам, берк, тугун) — иккى тоғ орасыдан, дарадан үтган йұл. Жой номлари — Дарбанд шахри, Дарбанди, Оҳанин ҳам Д. сүзидан олинган. Қадимда чегара, қалъя, чегара истеҳкоми маъносида ҳам ишлатылған.

Дарвоза — тоғлардаги сертепа ерлардаги тор йұлак, водий. Амир Темур Дарвозаси, Темир дарвоза ва бошқалар. Дарәларнинг оқимга кўйдаланған тоғларни

Дарё

кесиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Баъзан тектоник ёрикларда вужудга келади.

Дарё — ўзи ҳосил қилган табиий узандан оқадиган сув. Длар бир-бирларидан узунлиги, кенглиги, ҳавзасининг майдони, чукурлиги, нишаби, оқим төзлиги, оқизиклари, тўйиниш тури, сувининг кимёвий таркиби билан фарқ қиласди. Ўз ирмоқлари ва тармоқлари билан дарёлар системасини ҳосил қиласди. Длар тоғ ва текислик дарёларига бўлинади. Тоғ Длари тор водий ва дарапарда тез оқади, текислик Длари секин оқади, илон изи ҳосил қиласди, қайирлари кенг, террасалари шаклланган бўлади. Длар тўйиниш турига қараб: ёмғир сувидан, қор сувидан, қор-ёмғир сувидан, муз сувидан, қор-муз сувидан, ер ости сувидан тўйинадиган Дларга бўлинади. Урта Осиёдаги катта Длар кўпроқ тоглардаги қор ва музликлардан сув олади. Масалан, Амударё, Сирдарё, Зарафшон. Чўлларда вақтли оқар сувлар ҳам, туркманларда кўл ва бўғозлар ҳам Д. дейилади. Масалан, Қорабўғозгўл қўлтиги Ачираде дейилади.

Дарё водийси — ер юзасида узунасига чўзилган қиёсан камбар сойлик. Д В-лари оқар сувларнинг иши натижасида вужудга келган бўлиб, дарё оқадиган томонга қия ва кўпинча эгри-буғри бўлади. Д.в. узан, қайир, террасалар (кўхна қайирлар), ёнбагир ва туб қирғоқларга бўлинади (Қаранг. *Водий*).

Дарё мансаби (қуяр жоғи) — дарёнинг дениз, океан, кўлга ёки бошқа дарёга қўшиладиган жойи. Дарёлар мансабида кўрфаз ёки дельта ҳосил қиласди.

Дарёнинг йиллик оқими — дарёнинг бирор жойи кўндаланг қисмидан бир йил давомида оқиб ўтган сув миқдори. Куб м ёки

куб км ҳисобида ифодаланади. Дунёнинг энг серсув дарёларидан Амазонканнинг йиллик оқим миқдори 3150 куб км, Амударёниги 80 куб км, Сирдарёниги эса 17—20 куб км.

Дарёнинг сувдорлиги — дарёлардан муайян вақт давомида (ўн кун, ой, фасл, йил) оқиб ўтадиган кўп йиллик уртacha сув миқдори. Сувдорлик кўп йиллик уртacha сув сарфи ёки кўп йиллик уртacha сув миқдори билан ифодаланади.

Дарёнинг сув сарфи — дарёнинг бирор қисмида унинг кўндаланг қисмидан муайян вақт (секунд, минут, соат, кун, ой, йил) давомида оқиб ўтган сув миқдори. Оқим тезлигини дарёнинг кўндаланг қесими майдонига кўпайтириш билан аниқланади.

Дарёларнинг тўйиниши — дарёларга тури манбалардан сув келиб тушиши. Дарёлар тўйинишига кўра ёмғир, қор, муз, ер ости сувларидан тўйинадиган бўлиши мумкин. Кўпинча дарёлар мурракаб тўйинувчн бўлади, яъни турли манбалардан сув олади. Лекин бир манба асосий манба ҳисобланади. Кўл ва ботқоқликлардан сув оладиган дарёлар ҳам бўлади.

Дарёнинг қўйилиш жойи — Қаранг. Дарё мансаби.

Дарё нишаби — дарё бирор қисмининг ёки бутун дарёнинг юқори нуқтаси билан қўйи нуқтаси орасидаги 'тик баландликнинг унинг узунлигига нисбати. Д.н. фоиз (%) да ёки промилле (%) да ифодаланади. Одатда дарёларда нишаблик юқори оқимдан қўйи оқимга томон камаяди. Нишаблик яна дарё ўзани ўтган жойдаги тоғ жинсларига ҳам боялиқ. Дарё оқимининг тезлиги Д.н-га боялиқ.

Дарё оқими — сувнинг табиатда айлануб юриш жараённида

дарё узанида оқадиган сув.

Дарё режими — дарёларда сув оқиш ҳолатининг дарё ҳавзасининг табиий жўрофий хусусиятларига, биринчи нафбатда иқлим билан рельефга боғлиқ равишда қонуний ўзгариши. Дарёлар сув режимига кўра баҳорда тўлиб оқиб, ёзда саёланиб қоладиган, қишида саёланиб қоладиган ва ҳоказо дарёларга бўлинади.

Дарё системаси — бирор дарё ҳавзасига кирувчи барча дарё, ирмоқ, тармоқ, жилғалар. Улар бир-бирлари билан қўшилиб, суви тўпланиб, бош дарё, денгиз ёки кўлга қўйлади. Масалан, Волга системаси, Сирдарё системаси, Амур системаси.

Дарё қайри — дарё водийсининг сув кўпайганда ва тошқин вақтида сув ўзандан чиқиб босиб кетадиган энг паст қисми. Д.к. сув келтирган тог жинслари (кум, гил, тош) тўпланиб ҳосил бўлади. Ер юзасини эски ўзанлар, дарё келтирган ётқизиқлар уюмлари бироз паст-баланд қилиб юборган бўлади. Д. к. ларида одатда тўқай ўсимликлари — тол, терак, юлғун, буталар ва ўтлар ўсади.

Дарё ҳавзаси — бирон-бир дарё системасига сув келадиган майдон, ҳудуд. Д. ҳ-ни кўпинча дарёнинг сув йигадиган ҳавзаси дейилади. Д. к. ер ости ва ер усти сувларини ўз ичига олади ва бир-бирларидан сувайирғичлар орқали ажralиб туради.

Даррандачилик — чопчаликнинг бир тармоги. Кимматли мўйнасини ва пант олиш учун ёввойи ҳайвонларни кўлда боқадиган хўжалик. Д. хўжалиги қорақўзан, кўк тулки, кумушранг қора тулки, нутрия, қундуз ва бошқа ҳайвонларни боқиб купайтириш билан шуғулланади.

Дашт — ўт ўсимликлари ўсадиган ўрмонсиз текислик ерлар,

табиат зонаси. Д.ларда иқлим чўллардагидан юмшоқроқ, ёғин кўпроқ, ҳарорат пастроқ бўлади. Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг мұтадил ва субтропик минтақаларида учрайди. Евросиёда Урта Дунай пасттекислигидан бошланиб шарқда Олтой тоғларигача чўзилган. Яна Шимолишинарқий Хитойда бор. Венгрияда пушта, Шимолий Америкада пре-рия, Жанубий Россияда степъ деб аталади. Д. Урта Осиёда тог олди қия текисликларида тарқалган, тоғларда баланд тог даштлари бор. Д.ларда ғалла гулли ўсимликлар, хусусан ҷалов кенг тарқалган. Фарона водийсида тошлоқ чўл. Эронда шўрхок, тошлоқ, қумли чўллар Д. деб юритилади.

Даҳа — шаҳарнинг бирор қисми, ноҳияси, кўпинча бирор маъмурӣ қисми.

Даҳан (Даҳана) — тоғли жойларда дара, тор водий, тор сой оғзи. Д. одатда тектоник узилишлар натижасида ювилишга чидамли қаттиқ жинслар юзага чиқиб қолган ерларда сувнинг чуқурлатиш эрозияси оқибатида вужудга келади.

Дейиш — Амударё қуий оқимида ғовак жинслардан тузилган қирғоқларни дарё ювиб туришига айтилади. Дейиш вақтида қирғоқлар қулав, кўплаб ғовак тог жинсларини сув оқизиб кетади. Эски Тўрткўл шаҳри Д. туфайли ювилиб, бузилиб кетган.

Дельта — дарёнинг дengизга ёки кўлга қуилиш жойида сувда оқиб келган жинсларнинг чўкиб тўпланишидан ҳосил бўлган текислик. Дельта атамаси Нил дарёсининг қуяр жойидаги Дельта деб аталадиган жой номидан олинган. Д-да дарё суви панжага ўҳшаб ўйналган кўпдан-кўп тармоқларга бўлинниб оқади. Вақт

үтиши билан Д. кенгайиб, дengиз ичкарисига кириб бораверади. Баъзи бир дарёларнинг Д-лари бир неча минг кв. км га етади. Лена дарёси, Волга дарёси ва Амударёнинг Д-лари катта Д-лардир.

Демаркацион чизик (французча *демаркацион* — чегара ажратиш) — кӯшни мамлакатлар ўртасидаги жанжалли ҳудудларни ажратиб турадиган, уришаётган давлатларни сулҳ тузилиб барқарор чегара ўрнатилгунча ажратиб турадиган вақтина чегара чизиги.

Демография (юнонча *демос* — халқ, *графо* — ёзаман) — ахолининг кўпайиши, ҳолати ва ўзгаришларини ўрганувчи фан. Д. бирор ҳудуд, мамлакат, қитъя, ўлка ва бутун дунё аҳолиси сонининг, ёш ва жинсий таркибининг ўзгаришларини, ойлавий масалаларини ҳам ўрганади. Турли авлодлэр ва аҳоли гуруҳларидаги туғилиш ва улиш ҳолатларини ўрганиб, Д. аҳолида, унинг сони ва аҳволида рўй берадиган жараёнларни олдиндан башорат ҳам қиласди.

Денгиз — океаннинг бир қисми; Д. океандан қуруқлик ёки ороллар, ярим ороллар ва сув ости рельефининг кўтаришган жойлари билан ажralиб туради. Ўзининг географик ўрни ва ҳавзаларининг ҳусусиятига қараб З турга бўлинади: 1) материклар орасидаги дengизлар; 2) материк ичкарисидаги дengизлар; 3) чекка дengизлар. Материклар орасидаги Д.лар анча чуқур бўлади. Буларга Ўрта дengиз, Жанубий Хитой, Кариб ва Қизил дengизлар киради. Материк ичкарисидаги Д.лар бирор материк ичида бўлади. Буларга Азов, Қора, Болтиқ, Оқ дengизлар киради. Чекка Д.лар океан ва материкларнинг чеккасида жойлашган бўлади. Буларга Кара, Лаптевлар, Шарқий Сибирь, Баренц, Чукотка дengизлари ва бошқалар киради. Туркӣ

халқлар тилида баъзан кўллар ҳам Д. дейилади. Масалан, Орол дengизи, Тенгиз кўли.

Денгиз оқимлари — дengиз ва океанлардаги сувнинг бирор сабаб таъсирида муйян йўналишида ҳаракат қилиши, оқиши. Д. о. сувнинг алмашиниб туришига, қирғоқларнинг ўзгаришига, музларнинг оқишига, қуруқликлар иқлимига катта таъсир кўрсатади. Д. о. шамолнинг дengиз юзасига таъсири натижасида, ҳарорат ва шўрликнинг хотекис тақсимланиши оқибатида, дengиз устидаги ҳаво босимининг ҳар хиллиги сабабли вужудга келади. Физикавий, кимёвий хоссаларига кўра илик, совуқ, шур, чучук оқимлар, ўрнига қараб юза, ўрта, чуқур, таг оқимлар бўлади. Давом этиш вақтига қараб барқарор, ўзгарувчан, даврий, қисқа вақтли ва бошқа оқимларга бўлинади. Оқимлар йўналишига Ернинг ўз ўқи атрофида айланishi таъсир кўрсатади. Унинг таъсирида оқимлар Шимолий яримшарда ўнгга, Жанубий яримшарда чапга бурилади. Натижада Шимолий яримшарда соат мили ҳаракати йўналишида айланувчи гирдоб оқимларни, Жанубий яримшарда эса, тескари йўналишдаги гирдоб оқимларни ҳосил қиласди.

Денудация (латинча *денудацио* — очилиб қолиш) — тоф жинсларининг эмирилиси ва эмирилган парча жинсларнинг сув, шамол, муз ёрдамида ер юзининг пастлик жойларига олиб бориб ташланиш жараёнлари. Д. баланд жойларни эмириб, пасттекисликларни тўлдириб ер юзаси рельефининг текисланишига олиб келади. Нуроқ жинсларнинг юзалама

ювилиши натижасида бир жойдан бошқа жойга олиб кетилиши ҳам баъзан Д. деб юритилади.

Деҳқончилик — 1) қишлоқ хўжалигининг экинлар етиштириш билан шуғулланадиган мұхим тармоғи. Д. далачилик ва боғдорчиликдан иборат. Далачилик экин етиштириш билан шуғулланиб, етиштириладиган экинига қараб галлачилик, полизчилик, картошка, ем-хашак, техника экинлари етиштириш тармоқларига булинади. Боғдорчилик эса узумчилик ва мевачилик гармоқларига булинади. Д. сувдан фойдаланиш хусусиятига кўра баҳорикор (лалмикор) ва сурориладиган (обнекор) Д. тармоқларга ажралади; 2) қишлоқ хўжалик ўсимликларни етиштириш, ҳосилдорлитини ошириш каби масалаларни ўрганивучи фан тармоғи.

Диёр — жой ўлка, ватан, мамлакат.

Дирекцион бурчак (латинча *дирекцио* — йўналиш) — топографик карталарда координаталар тўридаги вертикал йўналишлар билан берилган нуқта йўналишин оралиғидаги бурчак. Соат мили йўналиши (азимут) бўйича ҳисобланади.

Дислокациялар (латинча *дислокацио* — силжиш) — Ер пўстидаги тектоник ҳаракатлар натижасида тог жинсларининг ётиш ҳолати ўзгариши.

Довон (мўгулча *дабан*) — тогтозмаси ёки тог массиви қиррасининг энг паст, ўтиш осон бўлган қисми. Бел, эгар, ошув деб ҳам юритилади. Арг, ақба, кўтал атамалари ҳам Д. маъносини билдиради. Д.-лардан одатда йўллар ўтказилади. Масалан, Камчиқ довонидан Тошкент — Кўқон йўли, Тахтакорача довонидан Катта Узбекистон йўли ўтади.

Довул — жуда қаттиқ шамол. Тезлиги секундига 20 м дан ор-

тиқ. Денгизда катта тўлқинларга, қуруқликда оғатларга, бузилишларга сабаб бўлади. Одатда серҳаракат циклонлар билан боғлиқ вужудга келади. Баъзан кучли қуон тарзида рўй беради.

Доломит (француз геологи Д. Доломье номидан) — тог жинси таркибида киравчи минерал. Кальций ва магний карбонатидан иборат. Ранги оқиш кул ранг, сарқ, оч яшил. Металлургия ва кимё саноатларида ҳамда қурилишда ишлатилади. Уралда, Донбасс, Узбекистонда Чотқол, Нурота, Қурама тогларида бор.

Домана — тог таги, ёнбағир, тог этаги.

Доминион (латинча *доминион* — мулк, ҳокимиёт) — Британия империясининг ўзини ўзи идора қиладиган қисмларини англатувчи атама. Д. мамлакатлар давлат бошлиги деб инглиз қиролини (қироличасини) тан олишган. Д. атамаси 1867 йилдан 1940 йилгача қўлланилди, сўнгра Д. атамаси ўнинг Ҳамкорлик аъзоси деган атама қўлланила бошлади.

Донли экинлар — энг мұхим озиқ-овқат экинлари бўлиб, инсон учун ноз-неъмат, чорвачилик учун озуқа ва кўпгина саноатлар учун хом ашё етказиб беради. Донининг таркиби ва маҳсулоти истеъмол қилинишига қараб, галла, док-дуккакли ва мойли дон экинларига бўлинади. Мамлакатимизда бугдой, жавдар, арпа, сули, маккажӯхори, шоли, тарпқ, кўп экилади. Узбекистонда сифатли бугдой, шоли, оқ жӯхори, маккажухори, арпа, нўхат етиштирилади.

Доривор ўсимликлар — одам ва ҳайвонларни даволаш, турли касалларнинг олдини олиш учун ишлатиладиган турли ўсимлик ва гиёҳлар. Дунёда Д. ўнинг ўн мингдан ортиқ тури маълум. Узбекистонда бундай ўсимликлар-

нинг 600 дан ортиқ тури аниқланган. Масалан, анор, анжир, аччиқмия, бодом, баргизуб, гулхайри, ёнгоқ, жағ-жар, исириқ, кийикүт, омонқора, писта, саэратқи, тоғ жамбил, чоййүт, янтоқ, қоқи ва бошқалар.

Драга — сув остидаги сочилма конлардан олтин, платина, қалай ва бошқа металларни кавлаб оладиган ҳамда ювнб тозалайдиган ишшоот.

Дрейф (голландча дрејвен — ҳайдамоқ, сузмоқ) — океан ва денигизларда мұзлар, кемаларни шамол ва оқимлар олиб кетиши; учувчи аппаратларни шамол олиб кетиши.

Дүккаклы дон экинлари — дуккакдошларға мансуб донли экинлар. 60 дан ортиқ тури бор. Асосан дони учун етиштириләди: нұхат, нут, мош, ловия, соя, еренигоқ, бурчоқ, ясмиқ. Д. д. э. таркибида оқсил, витаминлар, еренигоқда ёғ күп. Аҳоли учун озиқ-овқат, чорва моллары учун ем, пояси ва түпони хашак бўлади. Мой олинади. Д. д. э-нинг илдиз туганклари ернинг ҳосилдорлигини оширади.

Думли юлдуз (қўйруқли юлдуз) — Қуёш системасида жуда чўзиқ орбита бўйлаб ҳаракат қилувчи осмон жисмлари осмонда ёруғ туман кўринишида ҳаракат қилиб юради. Д. ю-нинг бош қисми, ядроси ва думи бўлади. Д. ю. совуқ газ ўюмидан иборат бўлиб, Қуёшга яқинлашганда қизиб, бош қисми кенгаяди, космик чанг ҳамда газлар ажраб чиқали ва қўёшга тескари томонга чўзилган дум хосил қиласи. Ядроси диаметри 0,5 км дан 20 км гача етади. Думининг узунлиги юз млн. км га чўзилган бўлади. Лекин жуда сийрак газ ва чанглардан иборат бўлгани учун массаси (огирлиги) бошқа осмон жисмларига қараганда жуда кам — 10^{11} — 10^{19} т га тенг. 1000 га яқин Д. ю. борлиги маълум. Бир қандай Да. ю-ларнинг йўли ҳисоблаб чиқилган.

Дунё океани — Ер юзидаги барча океанлар биргаликда Дунё океани дейилади. Умумий майдони 361,1 млн. кв. км. Ер юзаси майдонининг 70,8%ини ташкил этади. Шимолий яримшарда бутун майдонининг 61%ини, жанубий яримшарда эса 81%ини Да. о. згаллаган. Уртача чуқурлиги 3800 м, энг чуқур жойи Мариана ботикида 11022 м. Да. о. туби рельефи қуруқлик юзаси рельефига ўхшаб хотекис. Океан остида улкан тоғ тизмалари, йирик қирилар, текислик-ҳавзалар, чуқур ботиқлар бор. Тоғ тизмаларининг умумий узунлиги 80 минг км дан ошиади. Энг катта тоғ тизмалари. Урта Атлантика, Жануби-шарқий Тинч океан тизмалари.

Дунит — асосан оливин минералидан ташкил топган ўта асосли, тўла кристалли отқинди тоғ жинси. Номи Янги Зеландиядаги Дун тоғи номидан олинган. Ранги қора, тўқ яшил, Хром, платина рудалари Да-га боғланган бўлади. Да-дан ўтга чидамли материал сифатида фойдаланилади.

Дюна — шамол келтириб тўплаган қумтепалар. Тўзима қумлар мавжуд ерларда ҳосил бўлади. Денгиз, кўл соҳилларида, чўлларда Да-ларнинг шамолга рўпара ён бағирлари қия $8-20^\circ$, шамолга терс ёнбағирлари тик $20-30^\circ$. Баландлиги 10 м дан 200—300 м гача бўлиши мумкин. Асосан шамоллар тезлигига боғлик равишда йилига бир неча метр сизлиши мумкин. Болтиқ денгизи соҳилларида кўп тарқалган.

Дўл — ёғин тури. Одатда ҳар хил шаклдаги (кўпроқ тухумсизмон) зич муз донасидан иборат.

Диаметри 15—20 см гача етиши мүмкін. Үрта Осиёда асосан ба-
хор ва ёз бошида ёғади. Тұп-
тұп әмғир булуларидан мома-
қалдирок бұлиб турған пайтда
жала билан бирға ёғади. Экін ва
мевали бөгларға анча зарар кел-
тиради. Д-га қарши кураш учун
булутға йодланған күмуш, құрғо-
шин кукуни сепилади. Бунинг учун
ракета, снаряд, самолётлардан
фойдаланылади. Күкүн моддалар
конденсация ядроси вазифасини
бажарып, булутдаги сұв томчы-
ларини музламасдан ерга туши-
шига ёрдам беради.

Е

**Европа Иқтисодий Ҳамкорли-
ги (ЕИХ)** — халқаро давлат моно-
полистик ташкилоти. Үмумий бо-
зор деб ҳам аталади. ЕИХни
тузиш ҳақидағи шартнома 1957
йилда тасдиқланған. 1986 жылда
Франция, Германия, Италия, Бель-
гия, Нидерландия, Люксембург,
Буюк Британия, Дания, Ирландия,
Греция, Испания, Португалия
ташкылotta айзо бұлған. ЕИХнинг
асосий мақсади айзо мамлакатлар
үртасидаги саводға чекланишлар-
ни йүқтоғыш, итифоқ валютасини
бунёд этиш, транспорт ва қишлоқ
хұжалигыда умумий сиесат юри-
тиш ва бошқалар. Асосий плораси
Бельгия пойтахти — Брюссел
жойлашған.

Ел — шамол, шабада, гармсөл.
Езда үсімліктар барғы сарғайиб
түшганды «ел урибди», «ел ту-
шибиди» дейилади.

Елань — Жанубий Уралнинің
тарбия төрт олды ерларыда ель,
қарағай, эман, қайрағоч, заранг
шұрмоналары орасидаги ұтлоқ яланг-
лиқтар. Е. асаларичилик ва тоғ
чорвачилиги учун жуда қимматлы
ерлар. Туркларда бундай жойлар
алан деб аталади.

Дүңг — баланд ер, кичик те-
па, узун чүзилған қир.

Дүңг құм — үсімліктар билан
мустаҳкамланған ёки чала мус-
таҳкамланған тепа, қатор тепа
шаклидати құмлар. Үсімліктар
атрофида шамол секинлашиб, құм
түпланишидан ҳосил бұлади. Д.
қ.-лар одатда чучук ёки шұртоб
ер ости сувлари 3 м дан 5 м гача
чүқүрлика бұлған жойларда ву-
жудға келади. Үрта Осиёда Қи-
зилқұм, Қорақұм, Қорақалпоқ چү-
лида күпроқ үчрайди.

Ел ёқ — шамол күп өсадиган
томон, шамолга рұпара жой.

Ем-хашак әқинлари — чорва
моллари ва паррандаларга кү-
кат, пичан, ем, силос учун етиш-
тириладиган үсімліктар. Е-х. ә-га
бир йиллик ва күп йиллик үтлар
(беда), хашаки илдизмевали
үсімліктар (картошка, хашаки
лавлаги, турнепс), хашаки полиз
әқинлари (хашаки тарвуз, ошқо-
воқ), донли әқинлар (сули, арпа,
маккаждархори) киради.

Енгіл саноат — түрли хом
ашёлардан (пахта, зигир, каноп
толаси, ипак, қайвон териси, жун,
сунъий толалар, сунъий charg) кенг
истеъмол буюмлари ва саноат
хом ашёсі ишлаб чиқарадиган са-
ноат тармоқлари. Хом ашёға даст-
лабки ишлов беруви, жумладан
пахта тозалаш, ип газлама, жун
газлама, шойи түқиши, тикувчилик,
каноп-жун, пойабзal, трикотаж,
мүйна, мебель, чинни, атторлик
буюмлари, тери ошлаш ва бош-
қалар. Е. с. таркибига киради.

Ер — 1. Қуёш системасидаги
сайёра. Қуёшдан узоқлиғи жиҳа-
тидан Аторит, Зухрадан кейин
үчинчи үрінде бўлиб, Қуёш ат-
рофида эллиптик орбита бўйлаб

(эксцентритети 0,017) секундига 29,76 км тезлик билан айланади. 365,2422 суткада бир айланиб чиқади. Құйыннан үртатача узоқлиги 149,6 млн. км. Ернинг битта табиий үлдоши — Ой бор. Унинг Ердан үртатача узоқлиги 384 минг км. Ер үз үкі атрофида 23 соат 56 минут 4 секундда тұлық айланыб чиқади. Үз үкі атрофида айланиши натижасыда, күн ва тун алмашының туради. Ер үкі орбита текислиги билан $66^{\circ} 33' 22''$ га теңг бўлган бурчак ҳосил қиласди. Ер ўқининг бундай оғиши ва Қуёш атрофида айланиши оқибатида фасллар алмашинади. Ернинг шакли уч үқли сфероидга яқин геоид, құтблари сиқиқроқ, экватори қабариқроқ. Экватор радиуси 6378, 160 км, қутб радиуси 6356777 км, үртатача қутб ботиқлиги 1:298,3, экваториал ботиқлиги 1:30 000. Ер юзасининг майдони 510,2 млн. кв. км, җажми 1,083 320 млн. куб. км, үртатача зичлиги 5,52 г см^3 , массаси $5,98 \cdot 10^{24}$ кг. Ер үз массаси билан атмосфери мустаҳкам тутиб туради. Ер барқарор магнит майдонига эга. Магнит майдони кониотдан келувчи радиоактив заррачаларни тутиб қолиб, Ер атрофида юқори энергияли радиация минтақасини ҳосил қиласди. Ер ҳаво қобигидан ташқары жуда майда заррачалар ва водороддан иборат «дум»га ҳам эга, у Қуёшдан тескари томонға йўналган бўлади. Ернинг шарсимон шакли Қуёшдан келадиган нурнинг Ер юзида нотекис тақсимланишига сабаб бўлади, бу эса географик зоналликни келтириб чиқаради. Ер концентрик жойлашган қобиқлар ҳосил қиласди: Ер ядрои, мантияси, литосфера, (Ер пўсти), сув қобиғи, ҳаво қобиғи. Литосфера нинг устки, қисми, гидросфера ва атмосферанинг қуий қисми географик ёки ландшафт қобиғини

ҳосил қиласди. Ернинг организмлар яшайдиган қисми биосфера ни ҳосил қилиб, географик қобиқ таркибиға киради. Ер юзининг 361,1 млн. кв. км қисмини Дунё океани, 149,1 млн. кв. км қисми ни қуруқлик ташкил этади. Океанларнинг чуқурлиги кўп қисмидаги 3000—6000 м, энг чуқур жойи Мариана ботигида 11022 м. Қуруқликнинг үртатача баландлиги 875 м, энг баланд Жомолунгматоги 8848 м.

2. Жой, тупроқ маъносида ҳам ишлатилади.

Ер асимметрияси — Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг асимметрик тузилиши. Е. А. Ер пўстининг геологик ва тектоник тузилишида (Шимолий ярим шарда материк ер пўсти, Жанубий ярим шарда океан ер пўсти купчиликни ташкил этади), қуруқлик ва океанлар майдонининг нисбатида (Шимолий ярим шарда Бутун майдоннинг 39% қуруқлик, Жанубий ярим шарда 19% қуруқлик), иқлимининг континенталлик даражасида, табиий жугрофий жараёнлар ҳолатида, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларидан, шамоллар ва океан оқимларининг ҳар хиллигида ва ҳоказоларда акс этади.

Ер бағри — ер пўстининг ички қисми, кўпинча фойдалы қазилма конлари қазиб олинадиган чуқурликкача бўлган қисми тушунилади.

Ерда сувнинг айланыб юриши — сувнинг атмосфера, гидросфера ва ер пўстидаги тўхтовсиз рўй бериб турадиган айланыб юриши. Е. с. а. юнинг асосий ҳаракатлантирувчи омили Қуёш нури билан Ернинг тортиш кучидир. Е. с. а. юга сувнинг океан, дениз, кўл, дарёлар юзасидан буғланиши, бу буғларни шамол олиб кетиши, унинг ёғин бўлиб ёғиши дарё, кўллар ва ер остида оқиб,

яна океанга қайтиб келиши киради. Е. с. а. ю. Ерда ҳаёт мавжудлигининг шартларидан бири.

Ер йўлдошлари — сайдерамиз атрофида айланма ҳаракат қиувчи табиий ва сунъий йўлдошлар. Ернинг сунъий йўлдошлари сайдерамиз атрофида ҳаракатланниб, ер юзаси хақида тури мальумотлар юборади. Биринчи сунъий йўлдош 1957 йил 4 октябрда учирилган. Ҳозир минглаб сунъий йўлдошлар Ер атрофида ҳаракатланиб юрибди.

Ернинг табиий йўлдоши — Ой. Ойнинг радиуси 1788 км. Ой юзасида ҳарорат кундузи 130°C гача кўтарилади, кечеши — 170°C гача совийди. Ой юзасида кратерлар кўп. Ердан Ойгача бўлган ўртacha масофа 384000 км га teng.

Ермагнетизми — Ернинг магнит майдони. Ермагнит майдони Ернинг ички қисмida, асосан ядродаги магнит манбаси натижасида вужудга келади. Иккита қутби бор. Бири Шимолий ярим шарда Қанада-Арктика орролариди, иккинчиси Антарктиданинг Австралия томондаги қирғоги яқинида. Аниқ ўрни ўзгариб туради. Агар магнитланган стрелка йуналиши давом эттирилса, магнит қутбларини туташтирувчи ярим айлана ёй — магнит меридиани ҳосил бўлади. Магнит меридиани билан географик меридиан кесиншидан ҳосил бўлган бурчак магнит оғиш бурчаги дейилади. У фарбий ва шарқий бўлади. Ер юзида шундай жойлар борки, у ерларда магнитланган стрелка магнит қутбларини кўрсатмайди. Бундай ҳолатни магнит ўзгариши (аномалияси) дейилади. Бундай ҳодиса Ер пўстида, темир рудаси конлари мавжуд ерларда рўй беради.

Ер мантияси — Қаранг. *Мантия.*

Ерник — баланд тоғлардаги

ва қутбий ўлкалардаги паст бўйли бутазорлар. Бундай бутазорларда одатда қайн бутаси, митти қайнин, митти тол ва бошқалар ўсади.

Ернинг иссиқлик миңтақалари, Ернинг ҳарорат миңтақалари — ер юзасида қуёш иссиқлигининг тақсимланиши ва ҳаво ҳароратига қараб ажратилган миңтақалар. Ер шаридаги одатда қуйидаги иссиқлик миңтақалари ажратилади: иссиқ миңтақа — бу ерда умуман совуқ бўлмайди. Радиация баланси — қуёш нури келими билан кетими фарқи йилига 60 ккал кв. см дан ортиқ, самарали ҳароратларнинг йиллик миқдори 6000—8000°C га teng; 2 мўтадил иссиқ миңтақа — йиллик радиация баланси 50 дан 60 ккал кв. см гача, самарали ҳароратлар йигиндиси 4000—6000°C, энг салқин ойнинг ўртacha ҳарорати 4°C дан юқори, 2 мўтадил миңтақа — йиллик радиация баланси 20 дан 50 ккал кв. см гача, самарали ҳароратлар йигиндиси 1500—4000°C; 2 мўтадил совуқ миңтақа — йиллик радиация баланси 20 ккал кв. см дан кам, энг илиқ ойнинг ўртacha ҳарорати -10°C билан -5°C оралиди; 2 совуқ миңтақа — энг илиқ ойнинг ўртacha ҳарорати 5°C дан юқори кўтарилиб, сув йилнинг кўп вақтида муз ҳолатида бўлади.

Ернинг суткалик айланиси — Ернинг уз ўқи атрофида фарбдан шарққа томон тўлиқ бир марта айланниб чиқиши. Ернинг бир марта тўлиқ айланниб чиқиши учун кетган вақт сутка деб аталади. Унинг тўлиқ бир марта айланниб чиқишини юлдузларга, Қўёшга, Ойга нисбатан аниқлаш мумкин. Юлдузга нисбатан аниқланса, юлдуз суткаси дейилади. У 23 соат 56 минут 4 секундга teng. Қўёшга нисбатан айланниш вақти 24 соатга teng, Ойга нисбатан эса 24 со-

ат 52 минутга баробардир. Е. с. а. тезлиги турли кенгликларда турлича — экваторда соатига таҳминан 1666 км га, қутбларда эса 0 км га тенг.

Ернинг ўқи — Ернинг суткалик айланishi натижасида ҳосил бўладиган ҳәёлий чизик. Бу чизикдаги зарралар ўз ўрнида турган ҳолда айланади. Е. ў. Ер марказидан ўтиб, жўғрофий қутбларда Ер юзаси билан туташади. Ер ўқи эклиптика текислигига нисбатан $66^{\circ} 33' 22''$ га тенг бурчак ҳосил қиласди.

Ер ости сувлари — Ер пўстининг юза (12—16 км чуқурликкача) қисмидаги сувлар суюқ, муз, буғ ҳолатида учрайди. Е. о. с. говак жинс парчалари ораглигидаги бўшлиқларни (масалан, шағал, қумда), зич кристалл жинсларда ёриклини, оҳактош, доломит, гипс ва бошқаларда карст бўшлиқларни тўлдиради. Е. о. с. босимсиз грунт сувлари ва босимсли артезиан сувларига бўлинади. Грунт сувлари юзада жойлашади, ер юзасининг манфий шаклларida булоқлар, сизот сувлари тарзида чиқади. Артезиан сувлари икки сув ўтказмайдиган қатламлар орасидаги сувли қатламда бўлиб, юқориги қатлам бурғиланганда отилиб чиқади. Таркибида эриган тузлар миқдорига қараб чучук, минерал ва шўр сувларга бўлинади. Иссик ва радиоактив сувлар ҳам бўлади. Чучук сувлардан аҳолини сув билан таъминлашда, ерларни суроришка, шўр сувлардан туз олишда фойдаланилади, иссиқ ва радиоактив сувлар шифобахшлик хусусиятларига эга бўлади.

Ер пўсти — Ер қаттиқ қисмининг юқориги (ташқи) қобири. Е. п-нинг қўйи чегараси қилиб Моколович юзаси қабул этилган. Қалинлиги 5 км дан (океанлар остида) 75 км гача (материк-

лардаги баланд тоғли ўлкаларда) етади. Қуруқлик ва океан Е. п-га бўлинади. Е. п.-да тектоник ҳараратлар бўлиб туради. Буларга Ернинг чуқур қисмларидаги жараёнлар сабаб бўлади. Е. п. изостатик мувозанат ҳолатида бўлади.

Ертомир — Ер пўсти ёриқларини чуқурдан чиқиб тўлдирган минерал тоғ жинслари. Е. магматик рудали ва рудасиз минераллар билан тўлган бўлиши мумкин. Е. узунилиги ўнлаб км га, эни эса 2 км гача этиши мумкин. Е-да қимматбаҳо ва нодир металл рудалари, минерал конлари бўлади.

Ер юзасининг карст шакллари — Ер юзасида сувда эрийдиган тоғ жинслари — оҳактош, доломит, гипс, тоштуз ва бошқаларининг эриб кетишидан вужудга келган чуқурликлар, товоқ шаклидаги сойлар, ўйдим-чуқурлар. **Қаранг: Карст ҳодисаси.**

Етим тоғлар — бошқа тоғлардан ажралган ҳолда жойлашган қолдик тоғлар. Улар қадимги тоғли ўлкалар емирилиб кетиб ҳосил бўлади. Географик ном тарзида ҳам учрайди: Қизилқумдаги Етим тоғ, Етим чўққи.

Ёрон — ёвон — текислик, дарахтесиз очиқ жой, дала, дашт текислик. Жой номлари таркибида сақланниб қолган. Ёвон дашти.

Ез — 1) йилнинг энг иссиқ фасли. Шимолий ярим шарнинг мұлтадил минтақасида июня, июль, август ойларига, жанубий ярим шарда декабрь, январь, февраль ойларига тўғри келади. Йилнинг иссиқ ярми ҳам кўпинча ёз деб юритилади. Шамсий йил тавқимида ёз ойлари деб саратон, асад, сумбула ойлари ҳисобланниб, 22 июняңдан 21 сентябрغا давом этади (92 кун). Айрим туркӣ тилларда баҳор фасли ҳам ёз деб дейиласди. Масалан, қирғизларда баҳор фасли ёз (жаз) деб аталади.

2) дала, яланглик, сайҳон ер,

дашт, жой номлари таркибидан бор: Ёзёвон чүли.

Ёзи — текислик, очиқ текис ер.

Ёзлоқ — ёзда чорва мөллары бөкүладиган жойлар, ёзги ўтлоқлар. Тяншань сиртлари, Олой водийсінде ёзлоқ жойлардир. Эскирган атама.

Ёйилма — 1) дарё, сой, жилга ва бошқа доимий ёки вақтли оқар сувлар, тоғлар, кирлар, адирлар орасидан текисликка чиққан жойда сувдаги оқызық жинслар чүкиб ҳосил бүладиган салгина қабарық кия текислик (ёйилма конуси);

2) дарё, сой сувлари жуда кенгайлык оқадиген жой.

3) сув тошқының вақтида дарёларнинг сув босиб кетадиган пастак соҳили, қайир.

Ёйилма конуси — доимий ёки вақтнинча оқар сувлар тог ва қирлар орасидан текисликка ёки водийларзининг кенгроқ қисмінча чиққан жойда сув келтирған жинсларнинг тұпланишидан ҳосил бүлган ярим конус күрінишшаты салгина қабарық рельеф шәкели. Е. к.лари ҳар хил кattalikkagi чақын ва увоқ тог жинслари тұпламидан иборат. Тог жинслари күпроқ сараланмаган бүлди. Тұпроқлары ёш, ҳали тараққый этмаган, үсімліктери сиyrak бүлди. Е. к.лари этагидан сув келадиган томонға қараб күтарилиб боради. Е. к.лари майдони бир неча 10 кв. м. дан үнлаб кв. км гача етиши мүмкін. Ўзбекистонда тог этаги текисликларыда, водийларда Е. к.лари күп учрайди.

Еллар — камбар ва унча баланд бүлмаган қирлар. Бундай қирлар Фарбий Сибирнинг жанубий қисмінде күп учрайди. Бу ерда улар жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон ұзынлив кетген.

Елгиз тог — табиий текисланған ерларда (пенепленларда) як-ка ёки тұда жойлашған қолдик

тоғлар. Тоғли ўлканинг эрозия натижасыда емирилиб кетиши, водийларнинг кенгайиши оқибатида ҳосил бүлди. Қызылқұмда, Африкада, Марказий Осиёда, Катта Ҳавза, Мексика, Бразилияда бор. Қаранг: *Етим тоғ.*

Ёмғир — булутдан томчи ҳолда ёғадиган ва томчиннинг диаметри 0,5 мм ұндаңа үндән катта бүлган суюқ ёғир. Е. ёмғирли қатлам-қатлам булутдан ёғадиган шивалама ёмғир ва ёмғирли тұп булутдан ёғадиган жала ёмғирға бүлінади.

Ёмғир түсіғи — тоғларнинг ёғин келтируучи шамолларга терс ёнған вәтоғ оралығы ботиқлары. Сернам шамоллар тог ёнбағридан күтарилаётгандан ёғин беради. Тоғдан ошиб тушаётгандан үзүндін илиб, конденсация нұқтасидан узоқлашади ва ёғин бермайды. Масалан, Қурама тоғларнинг шарқий ёнбағрида, Фарғона водийсінинг ғарбий чеккасаидан шундай.

Ёна — тог, тепа, қыр ёнбағри. Туркистан, Ҳисор тог тизмалари, уларнинг тармоқлари, этаги ва водийларда ёнбағир ёна деб юритилади. М., «ёнадаги сұқмоқ қишлоққа тұппа-тұғри олиб чиқады».

Ёнартоғ — сұнмаган вулкан тоғи. Қаранг: *Вулкан.*

Ёнбағир — бүртма, баланд рельеф шаклларнинг (тоғлар, тепалар, дүңгелер) атрофдаги пастниклар билан туташған ён қисмлары. Ёнбағирлар шаклиға күра ботиқ, текис, қабарық бүлди. Текис ёнбағир юқорисидан тағигача бир хилда қия бүлди, этаги текисликдан яқын ажралиб туради. Қабарық ёнбағирнинг юқори қисмі сүйрік (қиялғы кам) бүлиб, пастта томон тиклашиб боради. Ботиқ ёнбағирда юқори қисмитек, пастта тушған сары тиклиги камайиб, этаги текисликка астасекин құшилиб кетади. Ёнбағир-

нинг бу уч хил шакли унинг тараққиёт босқичига боғлик; ёш ёнбагир тик ва қабариқ бўлади; ботиқ ёнбагир эрозия натижасида ҳосил бўлади.

Ёнувчи табий газлар — ёнувчи углевод газлари. Е. т. г. орасида метан, этан, пропан кўп тарқалган. Е. т. г. табиатда алоҳида газ конларидан ҳам, нефть билан қўшилган ҳолда ҳам чиқади. Энг йирик конлари Гарбий Сибирида, Ўрта Осиёда, Волтагбўйида, Шимолий Кавказда, Украинада, Узбекистонда Газли, Муборак, Шуртанг, Устюртда йирик конлари бор. Чет элларда Яқин ва Ўрта Шарқда, Шимолий Африкада, АҚШ, Канада, Венесуэлада конлари бор.

Ёп, ёб — Хоразмда ўрта ва кичик канал. Ариқ ҳам баъзан ёп дейилади (қорақалпоқ ва қозоқларда жап). Тожикистоннинг айрим жойларида дарё ёп дейилади. Ёп сўзи жой номлари таркибida ҳам учрайди. Масалан, Бўзёп ва **Ҳ. к.**

Ёпик дengiz — куруқлик ичкарисига узоқ кириб борган ва океанлар, дengизлар билан бир ёки бир неча тор бўғоз орқали қўшилиб турадиган дengизлар. Масалан, Ўрта дengиз, Қора дengиз, Қизил дengиз, Азов дengизи.

Ёпик for (кўр for) — оғзи нуроқ жинслар, ўсимликлар билан тўсилиб қолган ёки умуман ер юзасига очилмаган горлар. Е. ф. карст улкаларида кўп учрайди. Улар карст чуқурликларидан, ёриқлардан сингиб кирган сувнинг тоф жинсларини эритиб олиб кетишидан ҳосил бўлади. Ёпик горлар сув иншоотлари қурилишида хавфлидир. Лекин тоза сувли, баъзан шифобаш булоқлари бўлади.

Ёрик — Ер пўтида тектоник ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган синик. Тоғларда қаттиқ жинслар дарз кетиб, ажраб кетган

жойлари жуда тор даралар ҳам Е. дейилади.

Ёруғ тун — юқори жўкрофий кенгликларда ёзги тунлар. Е. тларда Куёш ботса ҳам, лекин осмон ёруғ бўлганлиги учун тунлар қошиб қорайгандай ўтади. Е. тлар қўёшнинг ярим тундаги баландлиги -18° дан юқори, яъни уфқ чизигидан пастлиги 18° дан кам бўлганда рўй беради.

Ёш тоғлар — Ер тарихининг энг ёш — кайнозой эрасида бурмалangan, кўтарилиган тоғлар. Ўрта дengиз бўйлари, Тинч океан соҳиллари ва чекка қисмларидаги тоғлар Е. т.дир. Мамчакатимиздаги Помир, Конетдог, Кавказ, Карпат, Камчатка тоғлари ҳам Е. т.

Ёқа — чекка, қирғоқ, бўй маъноларида қўлланилади. Мас. дарё ёқаси, дала ёқаси, жар ёқаси ва **Ҳ. к.**

Ёқилғи-энергетика баланси (французча — баланс — тарози) — муайян вақт мобайнида, мас., бир йил ичиди ҳосил қилинган ёқилғи, энергия билан ишлатилган ёқилғи, энергия ўртасидаги айрима. Е. э. б. ишлаб чиқилаётгандага ҳамма хил ёқилғи шартли ёқилғига айлантирилиб, ҳисобга олинади.

Ёгин — атмосфера (ҳаво) намининг ажралиб, ер юзига тушиши. Қаранг: **Ёгин-сочин**.

Ёгингарчилик — ёғин-сочиннинг тез-тез ва кўп бўлиши. Ўрта Осиё текисликлари ва тоғ олдиларида қиши ва баҳор ёгингарчилик даври ҳисобланади.

Ёгин-сочин — булутдан ёғадиган, ҳаводан ажралиб ер юзаси, ўсимликларга тушиб қоладиган суюқ ёки кристалл ҳолатидаги сув. Булутдан ёғин ёмғир, қор, дўл, булдуруқ тарзида ёғади. Ҳаводан шудринг, қирор, ҳаво заҳри ҳолатида ажраб чиқади. Ют яхмалаги, ва самолётларни муз қоплаши ҳам ёғин-сочинга киради. Ёгин

миқдори ерга тушган сув қалинлиги (мм ҳисобида) билан үлчаниди. Ер юзига ёғадиган йиллик ёғин-сочиннинг ўртача миқдори 1000 мм атрофида (500 минг км³ дан ортиқроқ). Лекин ёғин кам ёғадиган жойларда бир неча мм дан, кўп ёғадиган жойларда 12 минг мм гача етади. Узбекистонда Амударё этагида 80 мм дан Чотқол тоглари ёнбагрида 1300 мм гача ёғин тушади.

Ёғин үлчагич — метеорологик стансияларда ёғин миқдорини үлчаш учун қўлланиладиган асбоб. Сув йигиладиган челакдан (юзаси 200 см²) ва ёғин үлчагич стакандан иборат бўлади. Ёғин суви челакдан миқдор бўлинмалари белгиланган стаканга қўйлади. Бу бўлинмаларга қараб ёғин миқдори

мм ҳисобида аниқланади. Челак тик устунга ўрнатилиб, атрофи қор ёмғир, шамолда учеб кетмаслиги учун тўсиљган бўлади.

Е ёсаноати — мойли ўсимликлардан ёр ажратиб оладиган корхоналар мажмуй. Е. с. корхоналари кунгабоқардан, зайдундан, чигнитдан мой олишга ихтисослашган бўлади. Булардан ташқари данакли ўсимликлар мағзидан ҳам мой олиниади. Бундай корхоналарнинг айримларида мойдан бошқа маҳсулотлар — совун, мой-бүеқлар, дори-дармонлар ҳам ишлаб чиқарилади. Узбекистонда пахта чигитидан ёр ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар бор (Янгиўл, Каттақўрон, Қўқон комбинатлари).

Ж

Жабал — тоф. Арабча сўз бўлиб, Урта Осиёдаги жўкрофий номларда учрайди. Араб мамлакатларида кўпинча тоф номларига қўшиб айтилади. Мас., Жабал Шом, Жабал Ахбор ва б.

Жавзо — 1) зодиак зонасидағи юлдузлар туркуми, ўзбекча Эгизак; 2) Қуёш ҳисобидаги йилнинг учинчи ойи, 22 майдан 21 июнгача давом этади. Бу вақтда Қуёш Ж. юлдузлар туркумидан ўтади. Ж. баҳор фаслининг учинчи ойи. Бу ойда Урта Осиёда арпа, эртанги ўрик, эртанги олма пишиди.

Жадди — 1) зодиак зонасидағи юлдузлар туркуми, ўзбекча Тоф эчкиси; 2) Қуёш ҳисобидаги йилнинг ўнинчи, қиши фаслининг биринчи ойи, 19 декабрдан 18 январгача давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон гумбазида Ж. юлдузлар туркумидан ўтади.

Жад доираси — экватордан 23° 27' жанубда жойлашган па-

раллел — жанубий тропик. 21 ва 22 декабрда туш вақтида Қуёш шу кенгликда қоқ тепада бўлади ва Қуёш экватордан энг жанубга ўтган бу нуқтани қишики Қуёш туриши нуқтаси дейилади. Қуёш бу вақтда Жад юлдузлар туркумida турганидан бу кенглик Ж. д. дейилади.

Жала — йирик томчили кучли ёмғир, шаррос ёмғир. Баҳор ва ёз бошида циклон фаолияти жуда кучайиб, кутарилма ҳаво оқими тезлашганда, циклоннинг салқин фронти ўтаётганда ёради. Ж. лар тоғлар ва тоф олдиларида кўпинча сел оқимлари вужудга келишига сабаб бўлади.

Жала ёмғир — кучли ёмғир. Каранг: Жала.

Жангаль — дарёнинг қайири ва пастки террасаларидаги қалин бутазорлар, чакалакзор, ўрмонлар. Ҳозирги ўзбек адабий тилида чангаль, чакалак, чангальзор шаклида қўлланилади.

Жануб, жануб нүктаси — уфқ текислигининг асосий томонларидан бири. Осмон маҳаллий меридиани билан ҳақиқий уфқ чизиги кесишган нүкта жануб нүктаси бўлади. У шимол нүктасидан қарама-қарши томонда бўлади.

Жар — оқар сувларнинг (купинча вақтингча оқар сувларнинг) юмшоқ төғ жинсларини ювиши натижасида ҳосил бўлган чукурликлар. Жарлар лёсс, лёссимон қумоқ жинслардан тузилган баланд текислик, қир, төғ олди қияликларида кўп учрайди. Оқова ва ташлама сувларни қаровсиз оқизиб қўйиш ҳам жар вужудга келишига сабаб бўлади. Ўрмонларни кесиб юбориш, агротехника қоидаларига хилоф равишда ер ҳайдаш, жўяк олиш, тартибсиз мол боқиши жар ҳосил булишига ёрдам беради. Жарларнинг узунлиги бир неча ўн км гача, кенглиги ва чукурлиги бир неча ўн м гача бўлади. Жарлар ўсуви, ўсишдан тўхтаган (эски) жарларга бўлинади. Жарлар одатда юқори қисмида жинслар ювилиб, ернинг ўйилиши ҳисобига ўсади, таги ер ости сувига етгандан кейин чукурлашишдан тўхтайди. Жарларнинг ўсишини тўхтатиш учун дараҳтлар ўтқазилади, тӯғон ва тўсиқлар, тарновлар, сув омборлари, ҳовуз қурилади.

Жар-жур — сержар жой. Қаранг: **Жар-жулға**.

Жар-жулға — ер юзасининг кўпдан-кўп жарлар ўнқир-чўнқир қилиб юборган жойи; тилинган ер; бузук ер. Ўрта Осиёда төғ олди лёсс текисликларида кўп учрайди.

Жарлик — тоғли ўлкалардаги тик ёнбағирлар, дарёлар баланд террасалариник тик кесилган чеккалари, дengizларнинг уримла тўлқинлари ҳосил қилган баланд қирғозлари. Дарёлар қалин лёсс жинсларнинг остини ювиши на-

тижасида ҳам Ж. ҳосил бўлади. Тектоник ёриқлар бўйлаб узилмалар рўй беришидан ҳам Ж. вужудга келади. Ж.ларни одатда ён жарлар кесиб тушган бўлади.

Жилтир муз — ют. Қишида кун илиб, қор эриб, кетидан совуқ келиши натижасида ҳосил бўлади. Ҳўл қор муз бўлиб қотади. Яйловдаги чорва учун жуда хавфли.

Жилға — қор, муз ва ёмғир сувларидан ҳосил бўлувчи ҳамда булоқлардан оқиб чиқувчи оқар сувлар, кичик сойлар. Урта ва Марказий Осиёда жилғалар купинча ёзда қуриб қолади. Эски ўзбек тилида водий, сойлик ҳам жилға, жулға деб аталган.

Жим — дарёлар ўзинининг сув секин оқадиган чукур қисмлари.

Жим булоқ — булоқ кўзи билан сувли қатлам сатҳи тенг бўлган, сув сувли қатлам жинслар орасидан сизиб чиқадиган булоқ. Бундай булоқлар кўпинча сизот сувлар чиқадиган ерларда бўлади.

Жингалак қоя — ҳаракатланётган муз қириб, силлиқлаб кетган туб жинслар, қаттиқ төғ жинслари. Бундай қоялар тўртламчи давр музлари босган ўлкаларда, ҳозирги баланд тоғларда тарқалган. Ж. қ.-ларнинг муз келган томонга қараган ёни қия, тескари томони тикроқ бўлади. Одатда Ж. қ. яланғоч тошлар бўлиб, муз тараашлари аниқ қўриниб туради.

Жой — ландшафтнинг энг катта морфологик таркиби қисми, бир хил рельефга эга бўлган (мас. водий рельефи, сувайиргич текислик рельефи ва ҳ. к.) ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси бир хил бўлган ерлар, бирор корхона, муассаса, шахсга қарашли ер; майдон, урин.

Жой типи — төғ жинсларининг литологик таркиби бир хил бўлган, рельефнинг маълум бир хил шаклида жойлашган, хўжа-

лик жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлтас жойлар. Ҳар қайси жой типига бирор хил ўсимлиқ формацияси ва тупроқ хиллари хос бўлади. Жой типлари тушунчасини ҳудудий маънода ландшафт тушунчасига синоним дейишумкин.

Жой тарҳи — Ер юзаси кичик кисмининг маълум масштабда чизилган чизмаси. Ж. т.нинг жой расмидан фарқлари: расмда жой кўриниши ён томондан олинган бўлса, Ж. т.да юқоридан кўриниши берилади; расмда буюмлар тасвири берилса, тарҳида шартли белгилар билан кўрсатилиди.

Жонғоқ — нотекис, паст-банд, ўр-қир ер. Сув, шамол эрозияси натижасида ҳосил бўлади.

Жумҳурият (республика) — давлатда олий ҳокимият аҳоли томонидан муайян муддатга сайлаб қўйиладиган бошқаруғ шакли. Буржуя жумҳуриятларида ишлаб чиқариш воситалари капиталистлар ва йирик ер эгалари қўлида бўйиб, сайлов демократик қонунлар асосида олиб борилса ҳам, ҳақиқий ҳокимият капиталистлар ва ер эгалари, банкирларга қарайди.

Жўйбор — канал, дарё, ариқ, ариқ бўйидаги жой, ер.

Жуна, жўн — узунасига чўзилиб кетган баландлик, тепа, қир, сув айирғич. Жўрофий номлар таркибида ҳам учрайди. М., Жўнарик.

Жўяқ қум — бир-бирига параллел жойлашган камбар қатор-қатор қум дўнглари. Ж. қ. кўп эсадиган шамоллар йўналишига мос жойлашган бўлади. Узунлиги бир неча километрга етади, баландлиги 1 метрдан 70 м гача боради. Жўяклар оралигидаги пастликинг кенглиги 2—4 км га teng. Урта Осиё чўлларидаги чаля мустаҳкамланган ва ўсимли-

лар қоплаган Ж. қ. кўп тарқалган.

Жўрофий башорат — жўрофий тадқиқотлардаги энг янги йўналиш. Ж. б.-нинг мақсади табиий шароит билан аҳолининг хўжалик ва бошқа фаолияти ўртасида ўзаро таъсир натижасида жўрофий комплексларда рўй берадиган ўзгаришларни тадқиқ қилиш ва уларни олдиндан айтиб беришdir. Ж. б. табиий жўрофий, иқтисодий ва социал жўрофий демографик (аҳолига боғлиқ башорат) ва экологик йўналишларда бўлади. Ж. б. илмий далилларга асосланади. Булар тарихий далил, жараёнларни ўрганиши хуносалари, таққослаш, табиат компонентларининг барқарорлиги, умумий жўрофий қонуниятлар ва бошқалар.

Жўрофий зоналлик — Ер ландшафт қобигининг асосий қонуниятларидан бири. Ж. з. Ернинг шарсимон шаклда эканлиги ва бунинг оқибатида Қуёш нурининг ер юзида нотекис тақсимланиши, яъни экватордан қутбларга томон камайиб бориши оқибатида рўй беради. Ж. з./ ландшафтларнинг зона ва минтақалар тарзида экватордан қутбларга томон алмашиниб боришида намоён бўлади. Хўжалик юритища Ж. з. қонунияти назарда тутилиши зарур.

Жўрофий кенглик — жўрофий координата элементларидан бири. Ер юзасидаги бирор нуқтанинг Ер экваторидан қанча даража узоқда эканини билдиради. Ж. к. даражаси қиммати меридиан бўйлаб экватордан ҳар икки жўрофий қутб томонга 90° гача ўзгаради. Экватэрдан шимолдаги кенглик шимолий кенглик деб аталиди, кенглик даражаси мусбат (+) белги билан белгиланади. Жанубдагиси жанубий кенглик деб аталиб, манғий (—) белги билан белгиланади. Масалан,

Тошкенттинг Ж. к.ги $41^{\circ} 5'$ шимолий кеңгілек.

Жұғрофий координаталар — бирон нұктанын Ер юзидеги үрнини аниқтайдын миқдорлар. Ж. к. жұғрофий кеңгілек ва жұғрофий узунлікден таркиб топади. Параллелларни ва меридианларни тасвирлайдын чизікілар кесишибградус түрінің қосыл қилады.

Жұғрофий мінтақа — Ер юза-си табиий жұғрофий кеңгілек — зонал бұлнишиңнинг муайян тер-мик умумийлікка зәға бұлған энг катта босқичи. Ж. м.-ларнинг турлы қисміда ҳаво қароратыда фарқ катта бұлмаса ҳам, лекин намлік шароити турліча бұлыши мүмкін. Шу сәбабли Ж. м. дои-расида турлы табиий жұғрофий зоналар таркиб топади. Ер юзін одатда құйидеги Ж. м.-ларға бұ-линады: арктика, антарктика, суб-арктика, субантарктика, мұта-дил, субтропик, тропик, субэкваторнал ва экваториал. Төгларда балындыл мінтақалари вужуда келеді. Қаранг: *Балындыл мінтақалары*.

Жұғрофий мұхит — кишилик жамияттің үраб турған табиат; жұғрофий қобиқнинг инсон хұж-алык фаолияты таъсірида маълум даражада үзгартылған қисмі. Ж. м. да табиий компонентлар билан антропоген, яғни инсон яратған компонентлар үзаро мұрakkab үйгүнлашиб, одам яшаши учун зарур шароитны вужуда келтирін. Инсон фаолияты мұхиті кен-гайған ва ишлаб чиқариш күчла-ри ривожланиб борған сары Ж. м. жұғрофий қобиқ ҳисобига кенга-йиб боради. Инсоннинг Ж. м.-га таъсіри тобора ортиб бориб, уни үзгартыради, баъзан табиий ком-понентлар үртасидеги мувозанат бузилиб, Ж. м. инсоннинг яшаши, меңнат фаолияты учун ноқулай бўла боради ва Ж. м.-ни яхши-лаш, мұхофаза қилиш тадбирла-

риниң құрыш зарур бўлиб қолади. Шунинг учун инсоннинг табиатта күрсатадын ҳар қандай таъ-сирини олдиндан үрганиб, ўйлаб, илмий асосда амалга ошириш ке-рак.

Жұғрофий узунлік — жұғро-фий координата элементларидан бири. Ер юзасидеги бирор нұқта-нинг параллел ўйлаб бошланғыч меридиандан узоқліги даражалар (градиулар) билан ифодаланади. Ж. у. бошланғыч (бош) меридиан-дан шарқ ва гарб томонларга 180° га үзгәради. Агар берилген нұқта гарбда бұлса гарбий узун-лик дейишиб, манфий ($-$) бел-ги билан, шарқда бұлса шарқий узунлік дейишиб, мусбат (+) бел-ги билан күрсатилади. Масалан, Самарқандтинг Ж. у.-ги 67° шар-қий узунлік.

Жұғрофий харита — Ер юза-си ёки унинг бирор қисмінинг берилген масштабда картографик харита лойиҳасы асосида, шартли белгилар ёрдамида сараланған, умумлаشتырылған ва кирайтирил-ған тасвири. Ж. х.-ларда табиат ва жамиятта содир бўладиган во-қеа-ходисаларнинг жұғрофий жой-ланishi, ҳолаты ҳамда улар үрта-сидаги үзаро боғланыш күрсати-ларды. Тасвирланған майдонга қа-раб (дунё, материк, айрим мам-лакат хариталари ва бошқалар), мазмуннага кўра (умумий жұғро-фий ва мавзули хариталар), мақ-садига қараб (илмий, маълумот-нома, ўқув, саёҳат хариталари) ҳамда масштабига қараб (ирик, ўрта, майда масштабли харита-лар) бир неча турларга бўлинади.

Жұғрофий қобиқ (ландшафт қобиғи) — Ернинг литосфера, гид-росфера, атмосфералар туташыб ва бир-бирига таъсир этиб ҳосил қилған бир бутун қобиғи, инсон яшайдын ва фаолият күрсата-диган мұхит. Умумий қалинліги ўнлаб км га етади. Ж. қ.-да рўй

берадиган барча жараёнлар асосан **Күеш** энергияси таъсирида рўй беради. Ер курра шаклида бўлганлигидан Күеш энергияси Ж. қ.-да хотекис тақсимланади. Бунинг оқибатида Ж. қ.-да табиий шароитда, жўрофий жараёнларнинг рўй беришида зоналлик **вужудга** кедади. Жўрофий миintaқалар, зоналар таркиб топган. Ж. қ.-да Қуёшнинг нур энергияси иссиқлик энергиясига айланади, моддалар ҳар учала ҳолатда — газ, суюқ, қаттиқ ҳолатда учрайди, унда ҳаёт пайдо бўлган ва ривожланиб боряпти. Ж. қ.-га инсоннинг хўжалик фаолияти тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Жўрофия (юонча *geo* — ер, *графо* — тасвирлаш) — жўрофий қобиқ табиий шароитни ва турли мамлакат ҳамда районлардаги аҳолининг хўжалик фаолияти хусусиятларини ўрганувчи, ўзаро бир-бирлари билан жуда боғланган табиий ҳамда ижтимоий фанлар системаси.

Қадимги даврларда жўрофия табиат, аҳоли ва турли мамлакатларнинг хўжалиги баён қилинадиган қомуснома тўплам бўлган. Ўрта Осиёда 9—10-асрлардан бошлаб жўрофия маъносини «сурати арас», «етти иқлим», «китоби мамолик ва масолик» («мамлакатлар ва масофалар китоби») изборлари кўуланилган. Узбек тилида Ж. сўзи 19-асрнинг иккичи ярмидан бошлаб ишлатилган. Жўрофия география атамасининг бўзилган шакли. География дейилгани маъқул.

Жўрофий фанлар туркуми қадимги бир бутун жўрофиянинг бўлинishiдан таркиб топган. Лекин бу билан жўрофия бир-бирлари билан боғланмаган фанларга бўлинниб кетмаган. Улар бир-бирларига боғланган бўлиб, бир бутун жўрофий фанлар система-

сини ташкил этади. Бу фанлар системасининг бир бутунлиги улар келиб чиқишининг умумийлигига (жўрофиядан ажralib чиқишида), улар ўрганадиган предметларнинг, яъни бир бутун комплекслар билан уларни ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган бирлигига, манфаат ва мақсад умумийлигига намоён бўлади. Ж. туркумидаги барча фанлар мақсади кишилик жамияти билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсир характеристерини аниqlаш ва ердаги бойликлардан тўғри ҳамда ҳар томонлама фойдаланишда кишиларга ёрдам беришdir.

Жўрофий фанларни тўрт асосий гурухга ажратиш мумкин: 1) табиий жўрофий фанлар; 2) иқтисодий ва ижтимоий жўрофий фанлар; 3) ўлкашунослик, ва тибиёт жўрофияси, ҳарбий жўрофия; 4) катография ва унинг барча тармоқлари.

Кейинги вақтларда коинотни ўрганишининг ривожланиб бораётганилиги билан осмон жисмларининг жўрофияси, жумладан «ой жўрофия»си, сайёralар «жўрофия»си фанлари ҳам вужудга келмоқда.

Жўрофий фанлар туркумидаги ҳар бир фан уч қисмдан — умумий, назарий, регионал қисмлар ва амалий бўлимдан иборат. Лекин амалий жўрофияни жўрофий фанлар туркумидаги бирор бир фаннинг амалий қисми деб бўлмайди. У турли хил фанлар маълумотларн (тадқиқотлар натижалари)дан фойдаланиб, табиий-ҳудудий комплексдан хўжаликнинг турли соҳаларида энг тўғри фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш учун тадбир ва кўрсатмалар белгилаб беради.

Жўрофия муҳим амалий аҳамиятга эга. У табиатни ўзгартириш ва табиатни муҳофаза қилиш

тадбирлағини асослаш учун ҳамда ишлаб чиқаришни табиий ресурслар ва маҳаллий жүргөфий

шароитга боғлиқ равишда тұғри ривожлантириш учун илмий маңлумоттар беради.

3

Заказник — табиат комплексінің үсімлік, тупрек, ҳайвонот дүнәсі, фойдалы қазилмалары ёки башқа қисмлари қонун билан құриқланадыган, күпайтириладыган ҳудуд. Овчилликка хизмат құлувчи заказниклар күпроқ ташкил этилдін. Заказникларда нодир, фойдалы үсімлік ва ҳайвонотлар күпайтириліб, башқа жойларға тарқатилиши ҳам мүмкін. З. лар мұддатыға қараб, узоқ вақтта мұлжалланған, қисқа вақтта мұлжалланған, мұддатсиз бўлиши мүмкін. Вазифасига қараб, ландшафт з., кўл з., овчилик з., қушлар з., үсімлік з., бўлади. Денгиз ва океанларнинг мұайян қисмлари ҳам З. га айлантирилиши мүмкін.

Замин — Ер, тупрек, пойде-вор, асос.

Заранг ер — қаттық, зич тупроқлы ер. З. е. тупрек ҳосил құлувчи жинслар жуда майда заррали (чанг), чирніди кам, таркбияда гипс, туз мавжуд бўлганда вужудга келади. Бундай ерга сув сингмайди. Ёғингарчилек даврида кўлмаклар ҳосил бўлади. Қурғоқчилек вақтіда ер юзаси ёрилиб-ёрилиб кетади. Тупрек берч бўлади. Қаранг: *Тақир*.

Зах — сизот сувлар ер юзасига яқин бўлган ёки чиқиб ётадыган, асосан ботқоқ үсімліклар ўсадыган ер. Жой номлари таркибіда ҳам учрайди: *Захариқ*.

Захкаш — 1) ер ости сувлари ер юзасига чиқиб ётадыган ерлар; 2) партов ва зах суви оқадыган ариқ, зовур.

Заяк — илгари экин экилиб, кейин ташлаб қўйилган жой; кў-

пинча ғалла экиб келинган ерлар З. дейилади.

Зибун — қирғоқдан бирдания чуқурлашиб кетадыган кўлларда сув бетини кигизга ўшаб қоплаб оладыган үсімліклар қоплами. Зибун қирғоқдан кўл ичкарисига ўсиб бориб, кўлни бутун қоплаб кетиши мүмкін. Зибун одатда сабельник, белокрильник, сфагн юйсими, қиёқ, бугульник үсімліклиридан ҳосил бўлади.

Зилзила — Ер пўсти ва юзори мантияда қатламларнинг тұsatдан силжиши, ёрилиши, синиши на-тижасида ҳосил бўладыган ер ости турткилари ва ер юзасининг тебраниши, силкиниши, титраши. З. турли куч билан рўй бериши мүмкін. Ер ости турткилари ҳосил бўладыган жой З. ўчоги — гипоцентр, унинг устида жойлашган ер юзаси З. маркази — эпицентр дейилади. З. ўчоги турли чуқурликда жойлашган бўлиши мүмкін. Кўпинча ер пўстидан (60 км чуқурликка) жойлашида. Баъзи З. ўчоги 500—600 км чуқурда бўлиши ҳам мүмкін. Қўчилик З. лар тектоник ҳаракатлар билан боғланган. Вулкан отилганда, тоғ қулаганда ҳам З. бўлади. Лекин улар узоққа тарқалмай, маҳаллий З. дейилади. З. жуда сезгири сейсмографлар билан таъминланған сейсмик станцияларда кузатиб борилади. Энг чиқли З. лар Тинч океан ҳалқасида, Альп тоғлари миңтақасида, Ҳимолай, Помир тоғларида, Тяньшанда, Кордильера тоғларида, тектоник ёриқлар миңтақаларида, Байкал атрофида, Шарқий Африка кўллари бўйларида кузатилади.

З. кучи магнитуда ва балларлигига ўлчанади. 10 магнитуда ва 12 балли система (баъзи жойларда 10 балли, Японияда 7 балл) қабул қилинган.

Зимистон — 1) қиши фасли. Қаттиқ, сербулут қиши, күпинча қиши чилласи З. деб юритилади; 2) тим қоронгилик.

Зов — тик жарлик, чуқур дара. Узбекистонда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларида кўп ишлатилади. Жой номлари таркибига ҳам кирган: Қизилзов, Кўкзов ва ҳ.к.

Зовур — ботқоқ жойларни қуртиш, сизот ва грунт сувлари сатҳини пасайтириш, оқова сувларни ташлаб юбориш учун қазилдиган чуқур ариқ. Урта Осиё шарасидаги зовурлар обикор ерларда шўр ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш учун қазилади. Зовурлар чуқурлигига ва улар оралигидаги масофа грунтнинг механик таркибига, грунт сувининг оқиши тезлигига, ер юзасининг қиялигига, грунт суви сатҳининг баландлигига боғлиқ. Очик ва ёпиқ зовурлар бўлади. Зовурлар биринчи, иккинчи, учинчи тартибли зовурларга бўлинади. Биринчи тартибли зовурлар бевосита далалардан сув йиғиб, ўз сувини иккинчи тартибли зовурларга, иккинчи тартибли зовурлар учинчи тартибли (энг кагтта) зовурларга қуяди.

Зона — (юнонча Zone — минтақа, камбар ер) — ер юзасининг табиий жўрофий ҳамда ландшафт жиҳатидан бўлинишининг битта бирлиги. Жўрофий минтақаларнинг бир қисми. З. лар бир-бirlаридан табиий жўрофий жа-

раёнларнинг хусусиятларига, иқлими тури, ўсимлик, тупроқ ва ҳайвонларига кўра фарқ қиласди. Ер юзида арктика чўллари, тундра, ўрмонлар, кенгбаргли ўрмонлар, ўрмон-даштлар, субтропик ўрмон, ўрмон-дашт, дашт, чала чўл, чўл, тропик чўл, саванналар, кенг баргли ўрмонлар, экваториал сернам ўрмонлар З. лари бор. З. лар, иқлим, ўсимликлар, тупроқлар зоналарига бўлинади.

Зоналлик — Ер жўрофий қобигининг Ер юзида Қўёш иссиқлигининг жўрофий кенгликлар бўйича хотекис тақсимланиши ва ёғин миқдорининг ҳар хиллиги натижасида табиий ҳолда турли табиатли қисмларга бўлиниши қонунияти. Зоналлик Ер юзининг жўрофий минтақаларга, табиат зоналари ва зоначаларга бўлинишида ўз аксими топади. Зоналлик энг иирик текисликларда, хусусан Шарқий Европа текислигига, Африканинг шимолий ярмилайниқса аниқ намоён бўлган. Тоғли ўлкаларда ва мураккаб рельефли жойларда зона кенгликлар бўйлаб чўзилмай, баъзи жойларда меридиан бўйлаб ҳам чўзилади. Тоғларда баландлик З. лиги вужудга келади. Океанларда зоналлик 1500—2000 м чуқурликка кузатилади, 100—150 м чуқурликка жула аниқ намоён бўлади.

Зоожўрофия — ҳайвонлар жўрофияси, зоология ва табиий жўрофиянинг бир бўлими. З. ҳайвонларнинг Ер курасида ўтмешда ва ҳозирда жўрофий тарқалишини, ҳайвонларнинг тарқалиш омилларини, тарқалиш қонуниятларини ўрганади.

И

Ижара (арабча) — мол-мулкни ёллаш бўйича шартнома.

4—44

Бир томондан ижарага берувчи иккинчи томондан ижарага оловчи маълум тўлов эвазига

мол-мұлкни вақтінча фойдаланиш учун беради.

Изза — ер ости ва ғрунт сувлари ер юзасига чиққан, сув үтказмайдыган қатлам юза жойлашған, атрофдаги ерларга нисбатан ботиқ жойлардаги үта нам ерлар. Құпинча ботқоқликкә, билқиллама ерга айланған бұлади. Құпроқ адир, тоғ, тепалар әтакларидаги ер ости сувлари юзага чиққан жойларда бұлади.

Изобара (юонча изос) — баробар, барыс — оғирлық) — жүгрофий, синоптик, метеорологик хариталарда Ер юзасидаги ҳаво босими бир хил бұлған жойларни туташтирувчи чизиқ.

Изобата юонча изос — баробар, батос, — чуқурлық) — жүгрофий хариталарда сув ҳавазалари (океанлар, денгизлар, күлләр, дарёлар, сув омборлари)нинг чуқурликлары бир хил бұлған жойларни туташтирувчи чизиқтар. Жүгрофий хариталарда түрли чуқурликлар күзға яхши ташланадын бүлиши учун изобаталар оралығы ҳар хил рангларда берилади. Құпинча ҳар хил тұқылқидагы ҳаво рангга бұялади.

Изогиета — иқлим хариталарда бир хил миқдорда ёғын ёғадидын жөйларни туташтирувчи чизиқтар. Құзға аник ташланыши учун изогиеталар оралығы түрлічә тұқылқидагы рангларда бұялади.

Изотаха — тезлик (сув, шамол ва ҳ. к. тезлиги) бир хил бұлған нұқталарни бирлаштирувчи чизиқтар. Сокин об-ҳавода дарё сувининг тезлиги күндаланған кесим (дарё) чуқурлғынинг 1/16 қисмидан атрофға, чуқурға ва қоқорига томон камая боради.

Изотерма (юонча изос) — баробар, терме — иссиқлик) — жүгрофий, синоптик ва метеорологик хариталарда маълум вақтда ҳаво ҳарорати тенг жойларни туташтирувчи чизиқтар. Ҳар хил ҳаро-

ратлы жойлар хариталарда баъзан ҳар хил ранглар билан ҳам ифодаланади.

Илдирим — чақмоқ, яшин, учқун.

Илиш — қишауда узоқроқ чүзилған союқ күнлардан кейин ҳаво ҳароратининг күтарилиши. Илиш құпинча илик ҳаво оқими келиши натижасыда рүй беради. Агар илишдан кейин ҳаво яна кескин совиса, ют бұлади.

Илмий тахмин (гипотеза) — табиат ва жамиятда сабаблари номаълум бұлған ҳодиса ҳамда жараёнларни бевосита илмий далилларға асосласа тақыл қилиш, түшүнтириш, ана шундай далиллар асосыда келажак ҳодиса ва жараёнларини тахмин қилиб олдиндан айтиш. Мас., қытъаларнинг қирғоқ чизиқларига, тектоник тузылишига қараб, илгары ҳамма кітъалар туташ бұлған деб ҳуоса чиқариш ва ҳ. к.

Илон изи — дарё ва йұлларнинг әгри-бугрилиги. Дарёларда чуқурлатып эрозиясы заифлашиб, ён эрозия бошланғанда ұзан И. и шаклни Слади. Бунда ұзан ғоҳ үңг, гоҳ өттөнген бурилиб, тирсаклар ҳосил қилиб оқади. Буни меандралар дейилади.

Иммиграция (латинча иммиграре) — келиш ұрнашмоқ) — мамлакатта башқа давлатлар кишиларининг узоқ мұддаттаға ёки доимий яшаш учун келиши. Құшиб келған кишилар иммигрант дейилади. Мас., октябрь тұнтарыши, фуқаролар уруши вақтида, қатагон йиллари Үзбекистондан кетиб қолған кишилар улар бориб үрнашған мамлакатларда иммигрант ҳисобланади.

Импорт, четдан мол келтириш (латинча импорт — кириман) — чет мамлакатлардан бирон давлатта ички бозорда сотиш учун мол (товар) келтириш. Мас., Үзбекистонга четдан келтирилдиган

машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари республикамиз учун импорт товар бўлади.

Инвестиция (инглизча *инвест—қўйиш*) — хўжаликнинг турли соҳаларига — кўпроқ төғ-кон, ишлов берувчи саноатларга, транспорта узоқ муддатли капитал қўйиш. Мас., қурилиш ишларига асбоб-ускуналарни ўрнатишига, асбоб-ускуналар, инвентарлар сотиб олишга, шунингдек геологик қидириув ишларига сарфланадиган капитал, пул маблағлари.

Индекация — инфляция натижасида аҳоли даромадларини ўтириш (зарарни тўлдириш), нафақа, стипендия, иш ҳақини ошириш.

Индустрялаш — (инглизча *индустрия — фаолият*) — мамлакатда ҳозирги замон корхоналарини қўриш ва фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига жалб қилиш йўли билан ривожланган саноатни бунёд этиш.

Интеграция (инглизча *интегратио — қисмларнинг тикланиши, бирлашиши*) — мамлакатларнинг иккетоидий-сиёсий бирлашмаси шакли. Турли мамлакатлар хўжаликларнинг ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларида, давлатлар сиёсатини келишиб олиб боришида, турли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирларига яқинлашувда кўринади.

Интенсивлаш, жадаллаштириш (латинча *интенсио* — жадаллаш) — халқ хўжалигига янги фан ютуқларини, янги техникани ва меҳнатни ташкил этишининг янги усусларини жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кенгайтириш. Мас., қишлоқ хўжалигига тупроққа ишлов беришнинг илфор усусларидан фойдаланиш, ўғитларни тўгри ишлатиш, ургуларни яхшилаш йўли билан

ҳосилни ошириш деҳқончиликни жадаллаштириш бўлади.

Интузия (латинча *интрудо* — куч билан киритаман) — қизиган суюқмагманинг Ер пўсти тоғ жинслари қатламлари орасига кириб келиш жараёни. Одатда тоғ пайдо бўлиши жараёни билан бир вақтда рўй беради. Баъзан интузия натижасида ҳосил бўлган тоғ жинсларни ҳам И. деб юритилади.

Интузив тоғ жинслари — Ер пўсти қатламлари орасидамагманинг аста-секин совиши натижасида ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари: гранит, диорит, порфир ва б.

Инфляция (латинча *инфлатио* — бўртиб чиқиш) — бозорда қозоғ пулларнинг товарларга нисбатан ортиқ даражада кўпайиб кетиши, пул қадрининг камайishi. Оқибатда нарх-наво ошиб кетади.

Ионосфера — Ер ҳаво қобигининг 50—80 км дан юқорида жойлашган ионлашган қатлами. Қалинлиги 2000 км дан ортиқ. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида кислород ва азот молекулаларнинг парчаланиши хисобига ионлар ҳосил бўлиб туради. И. да заррачалар жуда сийрак ва юқори даражада электрлашган. И. да қутб шафақлари. И. магнит бўронлари кузатилади.

Ипакчилик — қишлоқ хўжалигининг ипак қурти боқиш, янги ипак қурти зотларини етиштириш, пилла тайёрлаш билан шуғулланувчи тармоғи. Ўрта Осиёда, хусусан Узбекистонда, Озарбайжонда, Хитой, Японияда энг кўп шуғулланилади.

Ирмоқ-бош дарёга қўйиладиган дарё, сой, жилгалар, Жўрофий адабиётларда ирмоқларни 1, 2, 3-ва ҳоказо тартибли ирмоқларга ажратилади. Чунончи, бош дарёга бевосита қўйиладиган ирмоқлар биринчи тартибли ирмоқ,

биринчи тартибли ирмоққа қуйин-лувчи ирмоққи иккинчи тартибли ва ҳоказо ирмоқлар дейилади. Баъзан кичикроқ күл ва сув ҳавзаларига қўйиладиган дарёларни ҳам ирмоқ деб аталади. Баъзи бир туркий тилларда ирмоқ сўзи дарё сўзи маъносида ишлатилади. Мас, туркларда ён томонлардан келиб қўшиладиган кичикроқ сой ҳамда жарлар ҳам ирмоқ дейилади.

Ирригация (латинча *irrigatio* — суфориш) — тупроқда ўсимликларга сув таъминотини яхшилаш учун ерни суфориш, тупроқлар шўрини ювиш ишлари. Тупроқ мелиорацияси тадбирларидан бири.

Ирқ — кишиларнинг тарихий таркиб топган йирик ҳудудий гурӯҳлари, Ирқлар келиб чиқишига кўра бир бўлиб, фақат баъзи бир ташқи физиологик белгиларига — сочининг шакли ва ранги, танасининг ранги, кўзининг шакли, юз суюкларининг ўлчамлари ва айрим хусусиятлари, бурун, лаб тузилишига кўра фарқ қилади. Бу фарқлар наслдан-наслга ўтади. Ирқий белгилар одам зоти пайдо бўлгандан кейин яшашиб шароитидаги тафовутлар таъсирида вужудга келган. Одамларнинг асосий анатомик ва физиологик ҳамда руҳий хусусиятларида ирқий фарқлар йўқ. Ирқий тафовутлар жамият тараққиётига таъсир этмайди. Бутун дунёдаги одамлар учта катта ирқка: буғлой ранг (монголоид), оқ (европеоид) ва қора (экваториал, яъни негр-австралиоид) ирқларга бўлинади. Бу асосий ирқлар оралигига кўпландик ўткинчи ирқлар бор.

Ирқий камситиш — бошқа ирқларга мансуб ҳалқларни камситиш, таҳқирилаш, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлардан маҳрум қилишга қаратилган сиёсат.

Иссиқ булоқ — сув ҳарорати юқори бўлган булоқлар. Иссиқ булоқлар икки хил бўлади: нисбий иссиқ булоқлар, уларда сув ҳарорати шу жойдаги ҳавонинг ўртача йиллик ҳароратидан юқори бўлади; мутлоқ иссиқ булоқлар, улар сув ҳарорати 37° дан юқори, яъни ер юзидағи энг юқори ўртача ҳароратдан юқори бўлади. Иссиқ булоқларнинг кўпин минераллашган сувли бўлиб, шифобаҳи хусусиятга эга.

Ихтисослашув — кишиларнинг бирон-бир хил меҳнатда банд бўлиши ва мәҳнатнинг ҳар хил жаёнларга бўлинishi. Мас, кишилар саноатда бир ёки бир неча детални ясашга, бирор жараёнчи бажаришга, қишлоқ ҳўжалигига да деҳқончилик ва чорвачиликнинг бирон соҳасига ихтисосланадилар. Корхоналар бирор машина ёки буюм ишлаб чиқаришга, ҳатто мамлакатлар бирор-бир соҳага ихтисослашади. Ихтисослашув жўғрофий меҳнат тақсимотини кетлириб чиқради. Ихтисослашувга табиий бойликлар, жойнинг иқтисодий жўғрофий ўрни, кишиларнинг меҳнат малакаси, бозорнинг мавжудлиги ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ички денгизлар — қуруқлик ичкарисига кириб борган ва океан ёки денгизга бир ёки бир неча бўғизлар орқали қўшилган денгизлар. Бундай денгизларга Кора денгиз, Болтиқ денгизи, Азов денгизи, Ўрта денгиз, Кизил денгиз ва бошқалар мисол бўлади.

Ички оқим ҳавзалари — қуруқликдаги оқар сувлар Дунё океанига қўйилмай, суви оқиб чиқиб кетмайдиган ҳавзаларга қўйилиши. Мас, Орол-Каспий ҳавзаси, Такламакон ботири ўлкаси, Сахрои Қабирнинг катта қисми ва б.

Ички сувлар — 1) қуруқлик ичкарисига узоқ кириб турадиган

күлтиқ ва денгизлар; дарёлар, күллар; 2) бирор давлат ҳудудида жойлашган дарё, күл, денгизлар, құлтиқлар, бүғизлар. Давлатлар қырғоқларига туташ дентизларнинг қырғоқ бүйидаги эни 18,5 км ли сув халқаро ҳуқуққа күра мазкур давлатнинг ихтиёрида бўлади.

Ички жараёнлар, эндоген жараёнлар — Ернинг ички энергияси, оғирлик кучи ва Ер айланиши нағтиасида вужудга келадиган кучлар таъсирида Ернинг ички қисмida рўй берадиган жараёнлар. И. ж. тоғ ҳосил бўлишида, ер пустининг тебранма ҳаракатлари, магма чиқиши, вулканлар отилиши, зилзилалар кўринишида акс этади. Экзоген кучлар билан бирга рельефни ҳосил қиласди.

Шилов берувчи саноат — консаноати, қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги, балиқ тутиш, овчиликдан келадиган маҳсулотлар, синтетик материалларни қайта ишловчи саноат тармоқлари. И. б. с. нинг энг муҳим тармоқлари: машинасозлик, металлсозлик, металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, электротехника, электрон, ракетасозлик, ёғочсозлик, қофоз, тўқимачилик, тикувчilik, пойабзal, нон ёпиш, ун тортиш, қандолатчилик, консерва, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва б.

Иқлим — Ер юзаси бирор жойи об-ҳавосининг кўп йиллик режими. Иқлим Қуёш радиацияси, ер юзасининг ҳолати ва атмосфера-даги ҳаво ҳаракатлари ҳосиласидир. Қаранг. **Иқлим ҳосил қилувчи омиллар**. Иқлим об-ҳаводан фарқ қилиб, барқарор бўлади. Уйиллар, асрлар мобайнида ўзгаради.

Иқлим минтақалари — Ер юзасида кенглик бўйлаб ёки кенгликка яқин йўналишида чўзилган ҳамда бир-бирларидан қўёшнинг нур энергияси билан иситилишига

ҳамда атмосферадаги ҳаво ҳарататларига кўра фарқ қилувчи минтақалар. И. м. нинг ҳосил бўлишига асосий сабаб Ернинг кура (шар) шаклида эканлигидир. Ер юзида арктика, субарктика, мұтадил, субтропик, тропик, субъек-таториал, антарктика иқлим минтақалар ажратилади.

Иқлим ҳосил қилувчи омиллар — жойнинг жўғрофий кенглиги, дентиз сатҳидан баландлиги, дентиз ва қуруқликларнинг бирбирига нисбатан жойлашиши, ер юзасининг тузилиши, ер юзасининг ҳолати, океан оқимлари, атмосфера ҳаракатлари (шамоллар). Жойнинг жўғрофий кенглиги Қуёш нурининг Ер юзасида хотекис тақсимланишига таъсир этиб, иқлиминг зоналлигини белгилайди. Жойнинг дентиз сатҳидан баландлиги ҳаво ҳароратига, ҳаво зичлиги ва таркибига, ер юзасининг иссиқлик энергиясини тарқатишига таъсир кўрсатади. Дентизларга нисбатан узоқ-яқинлик иқлиминг континенталик даражасига таъсир этади. Ер юзасининг тузилиши шамоллар йўналишига, ёғинларнинг миқдорига, ҳаво ҳароратига, океан оқимлари ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдорига, нисбий намликка, шамоллар ҳаво ҳарорати, ёғинларга таъсир кўрсатади. Ер юзасининг ҳолати — қандай жойлиги, (ботқоқми, тошлоқми ва ҳ. к.), тупроқ ва тоғ жинслари ранги, ўсимлик турлари ҳам қуёш нурининг қайтишига ҳар хил таъсир кўрсатиб, иқлим ҳосил бўлишида муҳим аҳамият қасб этади.

Иқтисодий жўғрофия — жўғрофиянинг бир бўлаги. қ. Жўғрофия. Ахолини, унинг ҳўжалик фаолиятини, ишлаб чиқариши (заводлар, фабрикалар, далалар, яйловлар, алоқа йўлларини) жойлаштириш қонуниятларини ўргаганди.

Иқтисодий жўғрофий таъриф —

хўжалик объектлари (корхоналар, шаҳарлар, ноҳиялар, мамлакатлар) ҳақидаги иқтисодий жўгрофий билимларни музайян режа асосида маълум тартибда баён этиш. Бунда хўжалик обьектининг ўрни, табиатининг имкониятлари, хўжалик истиқболи ҳақида ҳам тұхтадиб ўтилади.

Иқтисодий жўгрофий ўрин — иқтисодий жўгрофий обьектлар (корхона, туман, шаҳар, ҳудуд ва ҳ. к.)нинг ундан ташқарида бўлган, лекин унинг ривожланишига таъсир курсатадиган табиий, тарихий, иқтисодий обьектларга (транспорт йўллари, иқтисодий ҳудудлар, давлат чегаралари, денизларга) нисбатан тутган ўрни. И. г. ў. мамлакат, шаҳар, туманлар тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин.

Иқтисодий район — мамлакат (ҳудуд) ҳалқ хўжалигининг ҳудудий ва иқтисодий бир бутун қисми. И. р. ўзига хос табиий ва иқтисодий шароити, тарихий таркиб топган ёки жўгрофий меҳнат тақсимоти асосида вужудга келган, мустаҳкам хўжалик алоқаси.

лари мавжуд бўлган хўжалик ихтиёси билан бошқалардан ажралиб туради. Бирор соҳага ихтиёслашган иқтисодий районлар ҳам бўлади: саноат райони, қишлоқ хўжалик райони, овчилик райони, қон-қазлов райони ва ҳ. к.

Иқтисодий фаол аҳоли — аҳолининг ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган қисми.

Иҳота ўрмонлари — бирор мақсадда (далаларни иссиқ шамоллардан, йўлларни қор ва қумдан сақлаш ва б. мақсадларда) бунёд этилган дарахтзорлар. И. ў. жойнинг микроклимига таъсир этади, ҳароратни, намлини мұтадиллаштиради, қор эришини секинлаштиради. Эрувчилик ва ёмғир сувлари оқимини камайтириб, тупроқ ювилишини секинлаштиради. Ўзбекистонда далаларни гармседдан, тог олди қия текисликларда, адирларда, тогларда тупроқнинг ювилишидан сақлаш учун бунёд этилади. Обикор ҳудудларда дарахтлар кўпинча ариқлар бўйига экилади.

И

Иил — Ернинг Қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб келиши даврига таҳминан тенг бўлган вақт. Астрономияда тўрт ҳил ийл ҳисоби бор: 1) юлдуз ийли. Бу ийл Қуёшнинг осмон сферасида юлдузларга нисбатан бир марта кўринма айланиб чиқиши учун кетган вақтга, яъни 365, 2564 ўртача қуёш сўткасига тенг; 2) тропик ийл. Бу ийл Қуёшнинг баҳорги тун-кун тенглигиги нуқтасидан икки марта ўтиши оралигидаги вақтга ўртача ҳисобда 365, 2422 суткага тенг; 3) календарь ийл. Григорий календари бўйича 365, 2425 суткага тенг; 4) ой ийли

12 ой ойнга синодик ойга) тенг, Уртacha ҳисобда 354, 367 суткага тенг. Бу ҳижрий ийл.

Ииллик ҳарорат амплитудаси, фарқи — ҳаво ҳароратининг ийл давомидаги энг юқори даражаси билан энг паст даражаси ўртасидаги фарқ И. ҳ. а. асосан жойнинг жўгрофий кенглигига, намлик миқдорига боғлиқ. Экваторда дениз устида атиги $1-2^{\circ}$ га тенг, қуруқлик устида эса $5-10^{\circ}$ га тенг бўлади. Экватордан қутбларга томон ва дениздан қуруқлик ичкарисига томон орта боради.

Иил фасллари — баҳор, ёз, куз, қиши. И. ф.нинг алмашинишига Ер

айланыш ўқининг орбита (Ернинг Қүёш атрофидаги айланыш йўли) текислигига нисбатан оғишганлиги ($66^{\circ} 33'$) сабаб бўлади. Ер Қүёш теварагида айланганда Ернинг ўқи йўналиши ўзгармайди. Шимолий қутб Қўёшга рўпара бўлганда шимолий ярим шар кўпроқ иситилади, жанубий қутб Қўёшга рўпара келганда эса жанубий ярим шар кўпроқ иситилади. Шимолий ярим шарда баҳор фаслининг бошланиши деб, Қўёшнинг баҳорги кун-тун тенглиги нуқтасидан ўтиши вақти (21—22 марта), ёз фаслининг бошланиши деб Қўёшнинг ёзги туриш нуқтасидан ўтиши (21—22 июня), куз фаслининг бошланиши деб, Қўёшнинг кузги кун-тун тенглиги нуқтасидан ўтиши (23 сентябрь) ва қишининг бошланиши деб, Қўёшнинг қишики туриш нуқтасидан ўтиши вақти (21—22 декабрь) қабул қилинган. Жанубий ярим шарда буларнинг акси бўлади.

Йил фасллари бир-биридан

Ер юзасининг ҳамма жойида ҳам фарқ қила бермайди. Мас., экватор яқинида ҳаво доим бир хилда иссиқ ва ёғин кўп, яъни йил бўйи об-ҳаво деярли бир хил бўлади. Бу ўлкаларга икки томондан туашган жойларда (экватор ёнидаги ўлкаларда) йил икки фаслга бўлинади: қурғокчил ва серём-ғир фасл. Узбекистон жойлашган кенгликларда эса баҳор ва куз фасллари қисқароқ (2 ой атрофидаги), ёз фасли узун (5 ой чамаси) бўлади. Қутбий ўлкаларда аксинча ёз жуда қисқа, қиши узоқ давом этади.

Иилга — сой, кичик дарё, булоқдан оқиб чиққан сув. Қаранг. **Жилга**.

Ииққин — сув тошқини (Хоразмда).

Иўлдош шаҳарлар — йирик саноат марказлари бўлган шаҳарлар яқинида вужудга келган ва у билан хўжалик жиҳатдан боғланган шаҳарлар. Мас., Тошкент яқинидаги Сирғали шаҳарчаси.

K

Қабир (арабча катта) — жўрофий ном ва атамалар таркибий қисми сифатида қўулланилади: Саҳрои Қабир — «Катта чўл».

Қабиса йили — 366 кунлик йил. Тропик (Қаранг. *Йил*) 365, 2422 суткага тенг. Мана шу фарқни ҳисобга олиб Григорий календарида тўртга бўлинадиган йиллар (4, 8, 12... 72, 76, 80...) ва 1700, 1800... каби йиллардан бўлинадиганлари (1600, 2000) қабиса йили бўлиб, 366 кунга тенг. Шу хил йиллар ҳозирги календарга кўра К. й. денилади.

Қаботаж (французча *cabotage*) — бир мамлакат дengиз портлари орасидаги кема қатнови. К. икки хил бўлади: 1) катта К. — турли дengизлар портлари орасидаги кема қатнови ва 2) кичик.

К.—бир дengиз портлари орасидаги кема қатнови.

Қавир — Урта Осиё жануби ва Эрондаги шўрхок чўллар. Рельефнинг ботиқ шаклларида бўлади. Жой номлари таркибida ҳам учрайди: Дашиби Қавир.

Қайнозой эраси (юнонча *καινός* — янги, *εος* — ҳаёт) — Ер геологик тарихининг энг янги эраси. 67 млн. йил давом этаяпти. Учта дэврга бўлинади: палеоген, неоген ва антропоген. Шу эрада пайдо бўлган тоф жинслари қайнозой тоф жинслари (ётқизиқлари) дейилади. Ернинг ҳозирги замон табиати К. э. да таркиб топган.

Калийли тузлар — сувда осон эрийдиган калий ва калий-магнийли минераллар (сильвин, кар-

налит, полигалит)дан тузилган хе мogen тоғ жинслари. Саноат аҳамиятига эга бўлган төғ жинсларида 12—30 фоиз калий тузи (К:О) бўлади. Конлари Уралда (Соликамск), Белорусда, Фарбий Қозоғистонда, Украинада, Қанада, Германия, АҚШда бор.

Календарь (латинча *календриум* — қарз китоби, унда ҳар бир ойнинг биринчи кунлари, яъни Қадимги Римда қарздорлар қарзини тўлайдиган кунлар ёёилар эди) — узоқ вақт ҳисоблаб бориладиган сана системаси. К. табиий ҳодисаларнинг осмон ёритқичлари билан боғлиқ ҳолдаги даврийлигига асосланниб тузилади. Календарлар жуда кўп. Қуёшнинг йиллик ҳаракати билан боғлиқ бўлган Қуёш (Шамсия) К. ва Ойнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган Ой (Қамария) К. ҳамда ҳар иккалови ҳаракатига асосланган Қуёш Ой К. мавжуд. Қуёш К. (Шамсия)даги йил 365,2422 суткага Ой К. даги йил 354 суткага tengt. Ҳозирги вақтда дунёда Григорий К. қўлланилади. Муслмон мамлакатларининг кўпчилигига ҳижрий календари юритилади. Григорий К. бўйича 1991 Ҳижрий Шамсийнинг 1370, Ҳижрий Қамарийда 1411 йилга тўғри келади. Ҳижрий Шамсий йил 22 марта бошланиб, 21 марта гача давом этади: Ҳижрий Шамсий йилда қўйидаги ойлар бор: Ҳамал 30 кун, Савр 31 кун, Жавзо 31, Саратон 31, Асад 31, Сумбула 30, Мезон 29, Ақраб 29, Қавс 30, Жадий 31, Даљ 31, Ҳут 31 кун бўлади.

Қамалак — атмосферадаги оптик ҳодиса. Бир ёки бир неча рангбаранг катта ёйлар. Ёмғир ёгаётган булуут томонда сув томчиларига Қуёш нури тушиб синишидан ҳосил бўлади. Доимо қуёшдан тескари томонда куринади. Қамалак ранглари Қуёш

спектрининг рангларидан иборат.

Қамар — жарлик, дарёнинг тик тушган, сув айланиб оқадиган чуқур жойи, пастлик ерни ўраб турувчи қирлар, қирдаги узун чўзилган дўнглар. Жой номлари сифатида ҳам уйрайди. **Мас..**, Қамар қишлоғи (Оҳангарон водийсида). Тоғлардаги токчасимон ўйиқ жой ҳам К. дейилади.

Қамгак—тоғ ёнбагридаги ўйиқ унгур, ботиқ, тор йўлак.

Қампослар (португалча *кампо дала*, текислик) — Бразилиядаги саванналар номи. Қи зил тупроқларда қаттиқ баргли чимли ғаллагулу үтлар, кичик дарахт ба буталар ўсади.

Қамсувлик — дарёларда сув оқимининг энг камайган даври. Узбекистондаги катта дарёларда К. куз ойларига тўғри келади, паст тоғлардан бошланувчи ларёлар баҳорда қор эриб, ёмғир кўпроқ ёғадиган даврдан бошқа ҳамма вақт К. бўлади.

Канал — (латинча *каналис*) — қувур, нов — сувни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш, иккни сув ҳавзасини туташтириш учун қазилган сунъий ўзан, катта ариқ. К. лар вазифасига кўра ҳар хил бўлади: 1) сувориш К., 2) кема қатнайдиган К., 3) энергетика К., 4) зах ерлар сувини қочириш ва қутиши К., 5) ичимлик сув билан таъминлаш К., 6) ёғоч оқизиладиган К. ва б. Баъзи К. лар бир йилда бир неча вазифани бажаради.

Қаолин, чиннигил — асосан қаолинитдан иборат оқ лой. Юқори даражада ўтга чидамлилиги, муртлиги ва анча иирине донадорлиги билан ажralиб туради. Номи Жанубий Хитойдаги Қаолин деган жой номидан олинган. Бойитилган К. чинни, кимё, қоғоз, кабель, резина, атторлик саноатида ишлатилади. Иирине конлари АҚШ, Буюк Британия, Ук-

раинада бор. Узбекистонда Ангренда қазиб олинади.

Капитал қўйилмалар — қурилиш ишларига, асбоб-ускуналарни монтаж қилишга, жиҳоз ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, шунингдек геология қидирув ишларига сярфланадиган пул маблағлари.

Капиталистик монополиялар— (юонча монос — бир, ягона, полео — сотаман) — капиталистларнинг йирик хўжалик бирлашмалари, итифоқлари, К. м. хусусий мулкчиликка асосланган: тармоқлар, корхоналар, бозорга ва умуман бутун иқтисодиётга ҳукмронлик қиласди. К. м. ишлаб чиқариш, капитал, иқтисодий ресурслар ва фан-техника ютуқлари юқори даражада марказлашганди эркин рақобатни бартараф этиш, монополия бўйича бир хил нархни белгилаш, юқори даражада фойда олиш учун ташкил этилади. К. м. бир қанча шаклларда ташкил этилиши мумкин: картель, синдакат, трест, концерн, корпорация ва б.

Карст, карст ҳодисаси (Югославиядаги карст платоси номидан олинган) — сувда яхши эрийдиган тог жинслари (оҳактош, бўр, доломит, гипс, тузлар) ни ер ости сувлари эритиб олиб кетиши натижасида рўй берадиган жараён лар. Натижада тог жинслари орасида бўшлиқлар — горлар, йўлаклар ҳосил бўлади. Упиримлалар рўй берабер, ер юзасида вонкасимон чуқурликлар, ёриқлар вужудга келади. Ер юзидаги оқар сувлар ер остига тушиб кетиб, ер ости дарёлари, кўллари ҳосил бўлади. Қримда, Кавказ, Уралда кўп учрайди. Узбекистонда Ҳисор, Чотқол, Нурота тоғларида, Устюртда рўй беради.

Карст далалари — бир қанча карст ванналари, воронкалари қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган пастак текис ер одатда тог жинслари қатламлари бўйлаб чўзилиб

кетади. Таги текис, ёнбагри тик бўлади. Тагида ғовак гил жинслар тўпланиб, унумдор тупроқ ҳосил қиласди.

Карст рельефи — сув оҳактош, доломит, гипс, бўр, тоштузларни эритиб кетиши натижасида ҳосил бўлган рельеф шакллари, Ер юзаси карст чуқурликлари, ёриқлари, воронкалари туфайли ўнқир-чўнқир бўлиб кетади. Ер юзида оқар сувлар деярли бўлмайди.

Катта айланма ҳаракат — океан юзасидан сувнинг бугланиб, ҳавода совиши натижасида булут ҳосил қилиши ва булутлардан ёғин тарзида қуруқликка тушиб, дарёлар орқали яна океанга қайтиб бориши. Океанлардан чиқиб кетган сув билан унга қайтиб келган сув бир хил эмас. Океанлардан бугланиб тоза сув чиқиб кетади, қайтишда эса қуруқликда ҳар хил тузларни эритиб, эритма ҳолда қайтиб келади.

Картосхема, чизма-харита — катта аниқлик төлаб қилинмайдиган ва градус тўрлари ишлатилмайдиган харита. К. да схематик тасвирлаш муайян ҳодиса-воқеалар ҳақида яққолроқ тасаввур ҳосил қилишга, уларнинг айрим мухим томонларини таъкидлаб кўрсатишга имконият беради.

Каучукли ўсимликлар — тўқиимальарида табиий каучук олиш учун ишлатиладиган сутшира тўплайдиган ўсимликлар — Бразилия гевеяси, товсогиз, Мексика гваюласи, қоқиўт, фикус ва б. Ҳозирги вақтда асосан гевеядан каучук олинади.

Кварц — оқ рангли, шишиаси-мон ялтироқ минерал. Қимматбаҳо тош ҳисобланади, заргарликда ишлатилади. Таркибида бошқа аралашмалар бўлса, турли рангли — бинафша, қора, олтинrang сариқ, кулранг бўлиши мумкин. Заргарликдан ташқари ўтга чидам-

ли асбоблар тайёрлашда, радиотехника, оптика, медицина, ойна керамика саноатида ишлатилади. Ўзбекистонда Чимёнда, Чирчиқ атрофларида конлари бор.

Кварцит — таркиби асосан кварцдан иборат бўлган зичлиги катта, қаттиқ төр жинси. Кварцли қумтошларни қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Кварцитдан ўтга чидамли фишт (динас), ишқорга бардошли қурилиш материаллари тайёрланади.

Кемирчак — силлиқланмаган майда тошлар, шағал. Йўлларга солиш учун ишлатилади. Тошларни тегирмонда майдалаб ҳам К. тайёрланади.

Кемтик Ой — тўлмаган Ой. Ой янги бўлгандан то 14-кунигача ва 15-кундан бошлаб 26-кунигача кемтик кўринади.

Кенг барғли урмонлар — қишида баргини тўқадиган шапалоқ барғли дараҳтлар ўсадиган урмонлар: бўк, эман, заранг, жўка, граб ва бошқа дараҳтлар ўсади. К. б. ў. шимолий яримшарнинг мўътадил минатақаси таркибига кирувчи кенг барғли урмонлар зонасини ҳосил қиласди. Ўзбекистон тоғларида баландлик минтақаси сифатида учрайди. Бу ерда заранг, терақ, мевали дараҳтлар — ёввойи олма, ёнгоқ, ўрик, дўлана, писта, қорақат ва бошқалардан иборат.

Кечув, кечик — дарё, сой, кўллардаги пиёда, отда, машина ва бошқаларда ўтиш мумкин бўлган саёз жой.

Кимёвий нураш — төр жинслири ва минералларнинг ҳаводаги газлар, хусусан кислород, карбонат ангирид ва сувли эритмалар таъсирида емирилиши, таркибининг ўзгариши. Мас., дала шпати каолингта айланishi мумкин. К. н. иқлими иссиқ, илиқ, сернам ўлкаларда кучли рўй беради.

Кичик айланма ҳаракат —

Қуёш иссиқлиги таъсирида денгиз ва океан сувларининг исиб, бугга айланниб юқорига кўтарилиши, булутлар ҳосил қилиши ва шу сувнинг ёғин тарзида океанларга қайтиб тушиши. К. а. ҳ. да сув океандан буғланиб океанга тушади ёки қуруқлиқда буғланиб, қурутклика ёради.

Кичик metallургия — машинасозлик заводларида шу заводнинг ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур бўлган пӯлат, чўян, прокат эритадиган металлургия цехлари.

Кокс — коқсланувчи кўмирини (қаранг) маҳсус печларда ҳаво бермасдан 900—1000° да қизитиш йўли билан олинадиган ёқилғи. К. ғовак бўлади, таркибida углерод 98 фоизга етади. 1 кг К. 8000 ккал гача иссиқлик беради. Чўян эритишда ёқилғи сифатида фойдаланилади.

Кокс гази — томкўмир коқсланаётганда олинадиган газ. Бунда газ билан бирга суюқ маҳсулот (смола) ҳам олинади. К. г. қимматли ёқилғи ва кимё саноати учун хом ашё сифатида ишлатилади.

Коқсланувчи кўмир — тошкумирнинг коқсланганда (ҳавосиз қиздирилганда) кокс, кокс гази ва смола берадиган нави.

Ком — ариқ, дарё, ирмоқ, канал. Бухоро воҳасида кўп учрайди. Мас., Комизор канали. Амударё қуий оқимида, Афғонистонда кон, Олтойда хем шаклида қўлланилади. Мас., Улухем, Қизилхем дарёлари (Тувада), Конгадарё (Амирдарёнинг қадимги ўзани), Миёникон (Ҳилманд дельтаси).

Комбинат (латинча комбино — бирлаштираман) — 1) ишлаб чиқариш ва технологик жиҳатдан бир-бирлари билан боғланган корхоналарнинг бирлашиши; 2) бир тармоқда мансуб бўлган ва бир-бирлари билан ўзаро боғланмаган

корхоналарнинг маъмурий жиҳатдан бирлашиши.

Компенсацион битим (латинча *компензаре* — қопламоқ, ўрнини тўлдирмоқ) — иқтисодий битимлар шаклларидан бири. Бундай битим тузилганда чет эл фирмалари кредит (қарз) беради ва бу қарз ҳисобига хўжалик корхонаси қуриш учун зарур бўлган асбоб — ускуна ҳамда машиналар етказиб туради. Корхона ишга туширилгандан кейин қарз олган мамлакат муайян вақт давомида уша корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериб, қарзини тўлайди.

Кон — Ер пўстида бир ёки бир неча хил фойдали қазилмалар тўпланиб қолган жой, қатлам. Шундай конларнинг муайян геологик тузилиш билан боғланган ҳудудий тўплами ҳавза дейилади.

Конвертиранган пул — пулнинг бошқа мамлакатлар пуллари (валюталарга) эркин алмаштириладиган қисми.

Конгломерат (латинча *конгломератус*—тўпланган) — қум, шағал ва бошқа тош булакларининг бир-бирларига ёпишишидан ҳосил бўлган тоғ жинси. К. да темир оксиди, карбонатлар, гил жинслар ва силикат кислота тошларни бириктирувчи вазифасини бажаради. К. лар ҳосил бўлган жойига қараб, денгиз, кул, аллювиал, пролювиал к. ларга олинади.

Конституцияли монархия — Қаранг. *Монархия*.

Континентал иқлим — ҳавонинг суткалик ва йиллик ҳароратлари фарқлари катта бўладиган ва ёғин кам ёғадиган ҳудудлар иқлими. Континентал иқлим аксари денгизлардан узоқ ўлкаларда, шунингдек, океандан тоғлар билан тўсилган ёки шамол қуруқликдан океанга қараб

эсадиган жойларда кузатилади.

Концентрат (латинча *концентратус* — тўпланган, қуюқлашган) — фойдали қазилмаларни бойитиш йўли билан олинган маҳсулот. Одатда таркибида металл (фойдали элемент) кам бўлган маъданлар бойитилиб, металал саломги оширилади, сўнг ундан, металл ажратиб олинади.

Концессия — мамлакат бойликларини бошқа мамлакатга шартнома асосида фойдаланишга берриш.

Координаталар — Ер юзидағи ҳар қандай нуқтаниң жўрофий кенглиги ва жўрофий узунлиги. Градус ҳисобида ўлчанади.

Кориз — ер ости сувини йиғиб ер устига чиқариш учун қурилган қудуқлар системаси. К. қазиладиган жой белгилаб чиқилгандан кейин, ҳар 10 м да қудуқлар қазилган. Сувли қатламнинг чуқурлигига қараб, сув чиқадиган бош қудуқнинг чуқурлиги 14–30 м, бაзъзан 70 м гача бўлган. Қудуқлар лаҳм орқали бир-бирларига туташтирилган. Лаҳмининг баландлиги 1,5 м, эни 1 м, узунлиги бир неча км гача бўлган. К. Яқин Шарқ мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Урта Осиё ва Озарбайжонда тоғ олди қия текисликларида қурилган. Узбекистонда Нурота тоғлари этакларида учрайди.

Кратер (юнонча *кратер* — катта товоқ) — ер юзасида ёки дениз остида учрайдиган товоқсимон ёки воронкасимон чуқурликлар. К. диаметри бир неча ўнлаб м дан бир қанча км гача, чуқурлиги бир неча м дан юзлаб м гача бўлади. К. вулканлар отилиши, йирик метеоритлар тушиши натижасида ҳосил бўлади. Вулкан К. лари тагида лава ва бошқа жинслар, газлар чиқадиган бўғиз бўлади. Баъзан К. лар таги

сув билан тұлиб, К. құлларини ҳосил қиласы. К.-лар Ой ва Мирриңда ҳам жуда күп.

Кредит, қарз (латинча *кредитум* — қарз) — товар ва пул маблағларини қарзға беріб туриш. Қарзға берилгандың үзаро келишувга биноан мұайян миқдорда устама тұлов (қарз олиб турған) учун ҳақ тұланады.

Криклар — мавсумий қуриб қоладиган дарә әкін вақтінча оқим. Ассоциацияда құлланиладиган атама, жүгрофий номлар таркибида ҳам ишлатилади. Мас, Куперс-Крик.

Криология (латинча *кругос* — совуқ, муз ва *логос* — билим) умумий мұзшунослық, муз ҳақидағы фан. К. қор қолпами, музлик, музлар, музлоқларнинг физикалық, химиялық, минералогик хусусиятларини үрганады.

Криосфера (латинча *кругос* — совуқ, муз ва *спеяра* — кура) Ер юзасыннан атмосфера, гидросфера ва литосфера үзаро туташып турған ҳамда музлар бұлған ва муз ҳосил бұладиган совуқ қобиғи.

Кряж — узун чүзилған ва тепапары ясси гүмбазсымон қырлар. К. одатта емирилиб кетган қадимги тоғларнинг қолдигидан иборат бўлиб, энг янги тектоник ҳаракатлар натижасыда салгина кутарилган. М., Тиман кряжи.

Кузги экинлар — кузда экиладиган экинлар. Мұйтадын субтропик иқлим миңтақаларида қиши илиқроқ әкін серегін келадиган жойларда айрим экинлар (буғдой, арпа, пиёэ) кузда экилади. Булар кузда күкариб чиққанлари сабабли қишки, айниңса баҳорғи намдан самарали фойдаланиб, яхши ҳосил беради. Узбекистонда буғдой, арпа, рапс, пиёэ экилади.

Кұлча муз — диаметри бир неча см дан 3—4 м гача етади-

ган, қалинлиғи 10 см гача бұлған доира шаклидаги парча муз. К. м. қор ва муз қиласынан (қаранг) ҳосил бўлади. Құл ва денгизларда сув мұзлаши олдидан қозатилади.

Кунаш — қүёшга қараган, қүёшга үнг, ёруғ томон, Қаранг. Кунгай.

Кун ботиш — горизонт (үфқ) нинг Қүёш ботадиган гарб томони, шу томондаги ерлар, ўлкалар.

Кунгай — тоғ, тепа, жар, водий ва бошқаларнинг Қүёш нури күп тушадиган, жанубға қараган ёнбагри; Қүёш күп тушиб турадиган жой. Тоғ, жой номлары сифатида ҳам ишлатилади: Кунгай Олатови.

Кундуз — сутканинг Қүёш чиққандан ботгунча үттан ёруғ қисми. Кундузининг узун-қисқалығи жүгрофий кенглиқ билан йил фаслларига бөглиқ. Ер шарининг турли жойида кундуз узунлғи ҳар хил. Экваторда доим кече билан кундуз тенг бўлади. Лекин рефракция туфайли доим кундузи кечасидан узунроқ. Шимолий яримшарда энг узун кун 21—22 июняда, энг қисқа кун 22 декабрда қозатилади.

Кундузи бриз — ёзда кундузи деңгиз, құл, катта дарә, ботқоқликдан қуруқликка әсадиган шамол. Ёзда қуруқлик юзасы тез исиди, исиган ҳаво кенгаяди ва енгил бўлиб юқорига кутарилади, ҳаво босими пасаяди. Деңгиз устидаги салқироқ ҳаво қуруқликка томон ҳаракат қиласы, шундай қилиб кундузи бриз шамоли ҳосил бўлади.

Кун томон — үфқнинг жануб томони. «Кунга (кун томонға) қаратиб қурилган уйда касал бўлмас» (мақол).

Кун-тун тенглиги — Қүёшнинг осмон сферасидаги йиллик ҳаралати йўлида унинг маркази осмон

сфераси экваторини баҳорги ва күзги туриш нүқталарини кесиб ўтадиган вақт. Бу вақтда Ернинг қутбларидан бошقا ҳамма қисмida кеча билан кундуз тенг бўлади. К.-т. тенглиги бир йилда 2 марта—20—21 март ва 23 сентябрда бўлади. Шу кунлари Қуёш экваторда туш вақтида қок чепадан (зенитдан) ўтади.

Кун туғиши — уфқининг Қуёш чиқувчи, шарқ томони. «Кун туғиши томондаги тепа тагида жойлашган бизнинг қишлоқ».

Қизанак қум — узун чўзилган қум тепалари бир-бирига тик йўналган қумлар. Юқоридан қаралса ари уясига ухшайди. К. қ.лар одатда бир-бирига перпендикуляр шамоллар кучи тенг бўлган шароитда вужудга келади. Қизилқумнинг марказий қисмida кўп учрайди.

Қўк — осмон. «Қўкка булут чиқибди, ҳаво айниша керак».

Қўк сув — тоза, тиник сув. Қаттиқ тоф жинсларидан оқиб ўтадиган, кўллардан, тоғдаги муздан оқиб тушадиган, булоқлардан оқиб чиқадиган сувлар ана шундай тиник, кўкимтир рангда бўлади. Дарёлар номи сифатида ҳам учрайди. Mac.: Қўккўлдан оқиб чиқадиган Қўксув дарёси (Тошкент вилоятида).

Қўл — қуруқликдаги чўқурлик ларни тўлдириган сув ҳавазлари. Қўллар ҳосил бўлишига кўра тектоник (Иссиккўл, Байкал ва б.), вулкан кўллари (вулкан кратерларида — оғзида), музлик кўллари (музлик ўйиб ҳосил қилган чўқурликларда, мореналар тўсиб қўйган водийларда), карст кўллари, лиман кўллари, ўзан кўллари, сунъий кўллар (сув омборлари) бўлади. Сув ҳолатига кўра оқар ва оқмас кўллар бўлади. Сувида эриган тузлар миқдорига қараб, шўр (минералли)

ва чучук сувли кўлларга бўлинади. Энг катта кўллар Урта Осиёда Каспий, Орол, Иссиккўл ва б. К.-лар Ер юзида қуруқлик майдонининг 1,4%ини (2,1 млн. км²) эгаллаган.

Қўлмак (ҳалқоб) — қаттиқ ёғин, тошқин вақтларида чуқур, паст ботиқ ерларни тўлдириган сув, грунт сувлари ер юзасига чиқиб ётадиган зах, боткоқ ерлар. Ўзбекистонда дарёлар қайирларида, воҳалар чеккаларида ташлама сувлар тушириладиган жойларда кўп учрайди.

Қўлоб — Дарёлар қайирида сизот сувлари, тошқин сувлари, бошқа жойларда қор ва ёмғир сувлари тўпланиб қолган ботиқ жойлар, зах ерлар.

Кўп йиллик музлоқ ер — мангу тўнг ер, абадий музлоқ ер. Ер юзасидан маълум чуқурда жойлашган ва узоқ вақт (бир неча йилдан то минглаб йилларгача) давомида муттасил музлаб ётадиган (ҳарорати 0° паст бўлан) тоф жинслари. Одатда шимолий ва жанубий совуқ ўлкаларда ва баланд тоғларда кўп учрайди. Евросиёда К. м. ерлар майдони 10 млн. кв. км дан ортиқ. Йиллик ўртacha ҳарорати 0° дан паст ўлкаларда ҳозир ҳам К. м. е. лар вужудга келаётгани ҳақида маълумотлар бор. К. м. е.ларнинг юза қатлами қисқа ёз фаслида эрийди, совуқ тушиши билан музлаб қолади; бу қатлам фаол қатлам (қаранг) деийлади. Ернинг музлаб ётиши ўсимликларга, тупроқ жараёнларга, ҳайвонот дунёсига таъсир курсатади. Ўсимликлар сеин ӯсади. Қурилиш ишларини кийинлаштириб юборади.

Қўп йиллик ўртacha ҳарорат — ҳавонинг бир неча йиллар давомида олинган ўртacha йиллик ҳарорати. Одатда, 35 йил давоми-

да олиб борилган кузатиш якунлари асосида чиқарилади.

Күп энергияталаң ишлаб чиқарыш — ишлаб чиқариладиган маңсулот бирлигига күп миқдорда энергия сарф қыладиган ишлаб чиқарыш. Мас.: алюминий, рух, никель зөртиб олиш, кимә саноатининг күп тармоқлари (азотли ўйтлар, синтетик смола, сунъий тола ва б.).

Кўриниш узоқлиги — кундузи асбосиз қараганда предмет қиёфасини (шаклини) ажратиш мумкин бўлмаган масофа. К. у. ҳаво ва ундаги аралашмалар (чанг, губор, қор, ёмғир, томчилари ва ҳ. к.) нинг ёруғлик нурини ютишига ҳамда оралиқ масофага боғлиқ. Тунда К. у. фокусга келтирилмаган ёруғлик манбанинг кўринимай қолиши масофаси билан аниқланади. К. у. туман тушганда 0 м гача тушиши мумкин, тоза қуруқ ҳавода 10, ҳатто 100 км га етади.

Кўртош — катта қисми майдар, фовак жинслар, сув, ўсимликлар орасида кўмилиб қолиб, кичик қисми кўриниб турган йирик, йўла тошлар. Улар сувда кемалар қатновига, йўлларда иззиз транспорт ҳаракатига қийинчилик тудиради.

Кўрфаз — кўл, денгиз, океанларнинг қуруқлик ичкарисига анча узоқ кириб борган қисми. Мас.: Ақаба к., Қорабуғозгўл к. ва ҳ. к.

Кўр гор — оғзи очилмаган ёки нуроқ жинслар, ўсимликлар билан беркилиб кетган горлар ёпиқ гор деб ҳам аталади.

Қуса ер — ўсимлик ўсмайдиган тақири, яланочи ер.

Кўтап — тоғлардан ошиб ўтадиган йўл, пастроқ довон. Жўрофий номлар таркибида ҳам учрайди. Мас.: Жиззах вилоятидаги Ўзбеккўтап.

Кўтарилима булоқ — суви кў-

тарилиб, «қайнаб» чиқадиган булоқ. Босимли сувли қатлам эрозия натижасида очилиб қолишиндан ҳосил бўлади. К. б. лар дарё ўзанларида, жарларда, тоғлар ёнбағирларида учрайди. Тектоник ёриқлар, силжиқларда ҳам булади.

Кўтарилима оқим — кўл, денгизларда сувнинг юқорига кўтарилиб чиқиши. Шамол кўл, денгизнинг юза қисмидаги сувни ҳайдо кетиб, сув сатҳи пасайтандан пастдан сув кўтарилиб чиқади. Мұтадил минтақалардаги кўлларда қиши бошида юзадаги сув совуб, оғирлашиб пастга тушади ва унинг ўрнига пастдан енгилроқ илиқ сув чиқади. Натижада кўтарилима ва пасайма оқим вужудга келади.

Кўтарилима шамол — 1) илиқ ҳаво фронти юзаси буйлаб юқорига томон ҳаракатланиши. Циклонларнинг илиқ фронтида ер юзасини қоплаган совук ҳаво устистига илиқ енгил ҳаво чиқа боради ва дастлаб патсимон, сўнгра ёмғирли қат-қат булултарни ҳосил қилади; 2) Ер юзаси қизишидан пастдаги ҳаво ҳам исиб юқорига кўтарилиши. Бунда тўп-тўп булултар ҳосил бўлади. Бундай ҳодиса Ўрта Осиё текисликларида баҳорда, тоғларда ёзда ҳам кузатилади.

Кўтарма — икки изза оралиғидаги баланд жой. Кўпинча заҳоб, ботқоқ, изза жойларда турли иншоот, йўл қурилиш мақсадларида бунёд этилади.

Кўчки — тоғларда ёнбағирнинг юқори қисмida йигилиб қолган қорнинг шиддат билан пастга отилиб тушиши. Қор кўчнишига ёнбағирда қорнинг кўп йигилиб қолиши, ёнбағирдаги қорнинг қайтадан кристалланиши, ҳарорат таъсирида зичлашиши оқибатида қор қоплами ичидан бўш қатлам-

нинг вужудга келиши сабаб бўлади. Бир қор кўчишида 1,5—2 млн. м² қор кўчгани кузатилган. Қулаб тушган қўрниң қалинлиги 60 м га етган. Қор кўклилари ўрта Осиёда, Кавказда Альп, Кордильера тоғларida кўп рўй бериб туради. Баъзан қишлоқларга, йўлларга, алоқа воситаларига, тоғлардаги ўрмонларга катта зарар етказади; 2) тоғ жинслари нинг оғирлик кучи таъсирида ён-

бағир бўйлаб пастга сурилиб тушиши. Қаранг. *Сурилма*; 3) тоғ жинслари катта массасининг тоғларинг тик, жарлик ёнбағирларида тоғдан узилчб, қулаб тушиши. Қаранг. *Тоғ қулаши*.

Құх (тожикча) — тоғ. Жўғрофий номлар таркибида кўп учрайди. Қўҳистон, Қўҳимүғил, Қўҳитангтог ва б.

Қўҳистон — тоғистон, тоғли ўлка, тоғлар ўлкаси.

Л

Лаис ва Ләса — Латин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий бирлашмалари. Лаис — Латин Америкаси иқтисодий системаси. 1975 йилда тузилган. 26 та мамлакат бирлашган. Ләса-Латин Америкаси эркин савдо ассоциацияси. 1960 йилда ташкил этилган. Дастлаб Аргентина, Бразилия, Мексика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, 1970 йилдан кейин Колумбия, Эквадор, Венесуэла за Боливия қўшилган.

Лайлак қор — кўпинча баҳорда ёғадиган йирик пага-пага қор. Ҳавода кўтарилима оқим кучайно, турли ҳароратдаги ҳаво аралишган вақтда конденсация кучайиб, йирик қор ёғади. Баҳорда лайлак келиш вақтида кўпроқ ёққанидан лайлак қор дейлади.

Лакколит — (латинча *лаккос* — чуқурлик, *литос* — тош, яъни чуқурдаги тош) унча чуқур бўлмаган ер қатламлари орасида қотиб қолган магматик тоғ жинслари. Шакли ясмиқсимон ёки гумбазсимон бўлади, чўкинди жинслар орасида томирлар ҳосил қиласиди.

Лагуна (итальянча лагуна, латинча *лакус* — қўл) тўлқин келтирсан кум марзалари орқали дениздан ажralиб қолган табиий, саёз сув ҳавzasи. Ҳалқасимон маржон ороллари (атоллар) ўрта-

сидаги сув ҳавzasи ҳам Л. дейилади.

Лава (латинча *лабес* — кўччи) — вулканлар оғиздан ёки ер пўстидаги ёриқлардан ер юзасига оқиб чиқиб, газларнинг бир қисмини йўқотган магма. Ер юзасида лава ҳарорати 1000—1200° бўлади. Лаванинг қотишидан вулкан тоғ жинслари, мас., базальт ҳосил бўлади.

Лаб — дарё, кўл, жар ва бошқа сув ҳавзалари соҳилининг қирғоқ бўйи қисми. Жой номлари таркибида ҳам бор. Мас., Бухородаги Лабиҳовуз.

Лангар — тўхташ жой, қўноқ, манзил. Илгариги карвон йўлларидағи қўноқ жойлар, карвонсаройлар шу атами билан ѹритилган. Л.-ларда чойхона, меҳмонхона, карвонсарой, баъзан гузарлар (бозори билан) бўлган. Ҳозир бир қанча аҳоли пунктлари (кўплари қадимги йўллар устида бунёдга келган) шундай ном билан аталади.

Ландшафт (немисча *ландер* ва *шафт* — манзара) — табиий комплексларни умумлаштируви тушунча: геологик замини, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти сувлари режимиининг бир хиллигиг билан ажralиб турадиган ва табиий чегараларга

да олиб борилган кузатиш якунлари асосида чиқарилади.

Күп энергияталааб ишлаб чиқарыш — ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига күп миқдорда энергия сарф қиласынан ишлаб чиқарыш. Мас.: алюминий, рух, никель эритиб олиш, кимё саноатининг күп тармоқлари (азотли ўғитлар, синтетик смола, сунъий тола ва б.).

Кўриниш узоқлиги — кундузи асбобсиз қарагандан предмет қиёфасини (шаклини) ажратиши мумкин булмаган масофа. К. у. ҳаво ва ундаги аралашмалар (чанг, губор, қор, ёмғир, томчилари ва ҳ. к.) нинг ёруғлик нурини ютишига ҳамда оралиқ масофага боғлиқ. Тунда К. у. фокусга келтирилмаган ёруғлик манбанинг кўринмай қолиши масофаси билан аниқланади. К. у. туман тушганда 0 м гача тушиши мумкин, тоза қуруқ ҳавода 10, ҳатто 100 км га етади.

Кўртош — катта қисми майдада, говак жинслар, сув, ўсимликлар орасида кўмилиб қолиб, кичик қисми кўриниб турган йирик, ғула тошлар. Улар сувда кемалар қатновига, ўйларда иззиз транспорт ҳаракатига қийинчиллик тудиради.

Кўрфаз — кўл, денгиз, океанларнинг қуруқлик ичкарисига анча узоқ кириб борган қисми. Мас.: Ақаба к., Қорабуғозгўл к. ва ҳ. к.

Кўр гор — оғзи очилмаган ёки нуроқ жинслар, ўсимликлар билан беркилиб кетган горлар ёпиқ гор деб ҳам аталади.

Куса ер — ўсимлик ўсмайдидан тақири, яланғоч ер.

Кўталь — тоғлардан ошиб ўтадиган ўйл, пастроқ довон. Жўргифий номлар таркибида ҳам учрайди. Мас.: Жиззах вилоятидаги Ўзбеккўталь.

Кўтарилима булоқ — сувни кў-

тарилиб, «қайнаб» чиқадиган булоқ. Босимли сувли қатлам эрозия натижасида очилиб қолишиндан ҳосил бўлади. К. б. лар дарё ўзанларида, жарларда, тоғлар ёнбағирларида учрайди. Тектоник ёриқлар, силиқларда ҳам булагди.

Кўтарилима оқим — кўл, денгизларда сувнинг юқорига кўтарилиб чиқиши. Шамол кўл, денгизнинг юза қисмидаги сувни ҳайдао кетиб, сув сатҳи пасайганда пастдан сув кўтарилиб чиқади. Мұътадил минтақалардаги кўлларда қиши бошида юзадаги сув совуб, оғирлашиб пастга тушади ва унинг ўрнига пастдан енгилроқ илиқ сув чиқади. Натижада кўтарилима ва пасайма оқим вужудга келади.

Кўтарилима шамол — 1) илиқ ҳаво фронти юзаси бўйлаб юқорига томон ҳаракатланиши. Циклонларнинг илиқ фронтида ер юзасини қоплаган совуқ ҳавоустиги илиқ енгил ҳаво чиқа боради ва дастлаб пастсимон, сўнгра ёмғирли қат-қат булутларни ҳосил қиласиди; 2) Ер юзаси қизишидан пастдаги ҳаво ҳам исиб юқорига кўтарилиши. Бунда тўп-тўп булулар ҳосил бўлади. Бундай ҳодиса Урта Осиё текисликларида баҳорда, тоғларда ёзда ҳам кузатилади.

Кўтарма — икки изза оралиғидаги баланд жой. Кўпинча заҳоб, ботқоқ, изза жойларда турли иншоот, ўйл қурилиш мақсадларида бунёд этилади.

Кўчки — 1) тоғларда ёнбағирнинг юқори қисмida йигилиб қолган қорнинг шиддат билан пастга отилиб тушиши. Қор кўчишига ёнбағирда қорнинг кўп йигилиб қолиши, ёнбағирдаги қорнинг қайтадан кристалланиши, ҳарорат таъсирида зичлашиши оқибатида қор қоплами ичида бўш қатлам-

нинг вужудга келиши сабаб булади. Бир қор күчишида 1,5—2 млн. м³ қор күргани кузатилган. Қулаб тушган қсрнинг қалинлиги 60 м га етган. Қор күккилари Урта Осиёда, Кавказда Алып, Кордильера тоғларидаги күп рўй берди туради. Баъзан қишлоқларга, йўлларга, алоқа воситаларига, тоғлардаги ўрмонларга катта зарар етказади; 2) тоғ жинсларининг оғирлик кучи таъсиринда ён-

багир бўйлаб пастга сурилиб тушиши. Қаранг. *Сурима*; 3) тоғ жинслари катта массасининг тоғларнинг тик, жарлик ёнбаирларида тоғдан узилик, қулаб тушиши. Қаранг. *Тоғ қулаши*.

Кўх (тожикча)—тоғ. Жўгрофий номлар таркибида кўп учрайди. Қўҳистон, Қўҳимўғил, Қўҳитангтоғ ва б.

Қўҳистон — тоғистон, тоғли ўлка, тоғлар ўлкаси.

Л

Лаис ва Лаэса — Латин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий бирлашмалари. Лаис — Латин Америкаси иқтисодий системаси. 1975 йилда тузиленган. 26 та мамлакат бирлашган. Лаэса-Латин Америкаси эркин савдо ассоциацияси. 1960 йилда ташкил этилган. Дастреб Аргентина, Бразилия, Мексика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, 1970 йилдан кейин Колумбия, Эквадор, Венесуэла за Боливия қўшилган.

Лайлак қор — кўпинча баҳорда ёғадиган йирик пага-пага қор. Ҳавода кутарилма оқим кучайи, турли ҳароратдаги ҳаво аралашган вақтда конденсация кучайиб, йирик қор ёғади. Баҳорда лайлак келиш вақтида кўпроқ ёққанидан лайлак қор дейилади.

Лакколит — (латинча *лаккос*—чукурлик, *литос*—тош, яъни чукурдаги тош) унча чукур бўлмаган ер қатламлари орасида қотиб қолган магматик тоғ жинслари. Шакли ясмиқсимон ёки гумбазсимон бўлади, чўкинди жинслар орасида томирлар ҳосил қиласди.

Лагуна (итальянча лагуна, латинча *лакус* — қўл) тўлқин келтирган қум марзлари орқали дениздан ажралиб қолган табиий, саёз сув ҳавзаси. Ҳалқасимон маржон ороллари (атоллар) ўтара-

сидаги сув ҳавзаси ҳам Л. дейилади.

Лава (латинча *лабес* — кучки) — вулканлар оғиздан ёки ер пустидаги ёриқлардан ер юзасига оқиб чиқиб, газларнинг бир қисмини йўқотган магма. Ер юзасида лава ҳарорати 1000—1200° бўлади. Лаванинг қотишидан вулкан тоғ жинслари, мас., базальт ҳосил бўлади.

Лаб — дарё, кўл, жар ва бошқа сув ҳавзалари соҳилининг қирғоқ бўйи қисми. Жой номлари таркибида ҳам бор. Мас., Бухородаги Лабиҳовуз.

Лангар — тўхташ жой, қўноқ, манзил. Илгариги карвон йўлларидаги қўноқ жойлар, карвонсаройлар шу атама билан юритилган. Л.-ларда чойхона, меҳмонхона, карвонсарой, баъзан гузарлар (бозори билан) бўлган. Ҳозир бир қанча аҳоли пунктлари (куплари қадимги йўллар устидаги бунёдга келган) шундай ном билан аталади.

Ландшафт (немисча *ланд*—ер ва *шафт* — манзара) — табиий комплексларни умумлаштирувчи тушунча: геологик замини, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти сувлари режими, нинг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга

эга бўлган ҳудуд. Ландшафтшуносликда ландшафтнинг учхил тушунчаси мавжуд: 1) регионал тушунча. Бунда ландшафт ер юзасининг табиий чегараланган унча катта бўлмаган қисми тушунилади; 2) типологик, умумлаштирувчи тушунча. Мас., тоғўрмон қўнғир тупроқларидаги бутазор-сийрак ўрмонлар ландшафти; 3) ландшафт умумий тушунча. Мас., ўрмон ландшафти, чўл ландшафти, ботқоқ ландшафти.

Ландшафт компонентлари — ҳар бир жойдаги тоф жинслари, рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, тупроқлар. Қаранг. *Табият компонентлари:*

Ландшафтлар рекультивацияси — инсон фаолияти таъсирида мувозанати бузилган ёки ишдан чиқкан табиий ва антропоген ландшафтларни тиклаш, қайта ишга солиш ёки улар ўрнида янги ландшафтлар бунёд этиш.

Ландшафтларни ўз-ўзидан тикланиши — ўзгартирилган ландшафтларнинг ва айрим табиий компонентларнинг инсон аралашмасдан табиий ҳолда тикланиши. Табиятда ўз-ўзидан тикланиши ва ўз-ўзидан тозаланиши хусусияти мавжуд. Мас., ўрмон зонасида дараҳтлар кесио олинса ва инсон бошқа таъсири кўрсатмаса, маълум вақтдан кейин ўрмон тикланади. Ҳозир Узбекистонда муҳофаза қилинаётган айрим жойларда тоф арзачорлари тикланяпти. Ифлосланган сув табиий ҳолда аста-секин ўз-ўзидан тозаланади. Мас., Қўёш нури ва аралашishi таъсирида сув 24 соатда 50 фонз бактериялардан тозаланади, 96 соатда ифлословчи моддалар 0,5 фонз қолади. Лекин сув жуда ифлосланниб кетган бўлса, тозаланиши қийин бўлади.

Ландшафт қобиги — жўғро-

фий қобиқнинг литосфера (Ер пусты) гидросфера (сув қобиги) ва тропосфера бевосита туташиб тургаш нисбатан юпқа марказий қисми. Л. қ. ҳозирги нураш пустини, тупроқ-ўсимлик қопламини, барча тирик организмларни ва ҳавонинг ерга туташиб турган қуий қисмини ўз ичига олади. Л. қ.-нинг қалинлиги қутбий ўлкаларда 10 м дан экваториал ўрмонларда 100—150 м гача етади.

Ландшафтшунослик — Ернинг ландшафт қобигини ва уни ташкил этган ландшафт комплекслари, бу комплексларнинг тузилиши, жўғрофий жойлашиши, ривожланиши, хўжаликада фойдаланишини ўрганувчи фан. Табиий жўғрофиянинг бир тармоғи. Л. барча табиий жўғрофий комплексларни — ландшафт қобиги ва жўғрофий минтақалардан тортиб энг кичик комплексларгача, яъни ландшафт жойларгача бўлган комплексларни ўрганади. Л.нинг асосий тадқиқот услублари: бевосита жойда кузатиш, табиий комплексларни картага тушириш. Ландшафтларга миқдорий ва сифат курсаткичларига қараб таъриф берилади. Л. табиий бойликлардан оқилона фойдаланишига ва уларни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Л. фанига биринчи бўлиб В. В. Докучаев ва унинг шогирдлари асос солишган.

Латерит тупроқлар (латинча later — ғишт) — доимий яшил сернам ўрмонлар тагида таркиб топадиган қизил тупроқлар. Таркибида темир кўплигидан темир занглаб қизил тусга эга бўлади. Тупроқнинг юза қатламида чиринди 4—6 фоизгача етади. Л. т. Жанубий Америкада, Марказий Африкада, Жануби-Шарқий Осиёда кенг тарқалган. Шоли, кофе, какао, гевея кўп экилади.

Латин Америкаси — Шимолий

Американинг жанубий қисми (Мексика), бутун Марказий ва Жанубий Америкадаги барча мамлакатларнинг умумий номи. Бу мамлакатлар XV ва XVI асрларда Испания ва Португалия томонидан босиб олиниб, мустамлакага айлантирилган эди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатларнинг кўпчилигига асосини латин тили ташкил этган испан ва португал тиллари давлат тили ҳисобланади. Шундан Л. А. деб аталади.

Латифундия (латинча *латус* — кенг, *фундум* — мулк) — бирор кишига ёки компанияга қарашли ерлар. Ер эгаси (латифундиячи) ерини ижара бериши ҳам мумкин.

Легирловчи металлар (немисча *легиерен* — эритмоқ) — металл ёки метал қотишмаларнинг меҳаник, физик, кимёвий хоссаларини яхшилаш учун уларга бошқа металлар ва металл қотишмаларини кўшиш. Легирловчи металлар хром, никель, марганец, магний, вольфрам, молибден, ванадий, титан, кремний.

Лёсс (немисча *лёсс* — фовак) — сарғиш, майда заррали, бўшоқ топ жинси. Таркибида гил минераллардан ташқари кварц, слюда, дала шпати, кальций, темир икки оксиди заррачалари ҳам бўлади. Лёсс орасида карбонат доначалари учрайди. Лёссларнинг қалинлиги бир неча метрдан 400 м гacha боради. Лёсс устида ҳосил бўлган тупроқлар унумдор бўлади. Лёсс дарё, кўл, музлик ётқизиқларидан, шамол келтирмаларида вужудга келади. Лёсса да капилляр найдалар тик жойлашганлигидан лёссадаги жарликлар тик девор ҳосил қиласди.

Лигнит (латинча *лигнум* — ёғоч) — қўнғир кўмир турларидан бири. Ёғоч қолдиқлари аниқ кўриниб туради. Иссиқлик қобилиятини 5—6 минг ккал. Еқилғи, кимё

саноати хом ашёси сифатида ишлатилади.

Лиман (юнонча *лимен* — кўрфа, қўлтиқ) — 1) қирғоқлари унча баланд бўлмаган, саёз кўрфа, қўлтиқ. Л. денгиз соҳилининг пасайиб, текислиқдаги дарё, сой, водийларни дентиз суви босишидан ҳосил бўлади. Азов, Қора дентиз қирғоқларида кўп; 2) Шарқий Европа текислигининг жануби-шарқидаги қурғоқчил ўлкалarda баҳорда сув тўладиган пастук ерлар. Улар баҳорда саёз кўлларга, ёзда ботқоқликларга айланади. Утлоқ сифатида фойдаланилади.

Литосфера — Қаранг. Ер пўстити.

Литосфера плиталари — Ер пўстти (литосфера) нинг йирик (бўйи ва эни минглаб ким га етадиган), қаттиқ бўлаклари. Л. п. атрофдан сейсмик ва тектоник жиҳатдан жуда фаол ёрилишлар минтақалари билан ўралган бўлади. Энг янги тасаввурларга кўра Л. п. мантия устида доим силжиб юради. Ҳаракат йўналиши океанлар ўрталифидаги тоглардан сиқилиш (тўқнашиш) минтақасига томон бўлади. Л. п. бир-бирларига нисбатан ҳам ва ёрилиш минтақалари бўйлаб ҳам силжиди. Тўқнашиш минтақасида бурмали тоглар, силжиқлар, букилмалар вужудга келади.

Лой — заррачалари жуда майда (диаметри 0, 01 мм дан кичик) майн топ жинслари. Л. табиий ҳолатда, сувга бўкканда ёпишқоқ ва пластик хусусиятга эга бўлади. Сувни ёмон ўтказади. Келий чиқишига кўра икки хил бўлади: а) қолдик лой. Улар жинсларнинг нурашидан ҳосил бўлиб, ўз жойида сақланиб қолади; б) чўкинди лой. Сув, шамол, муз воситасида бошқа жойдан келтириб ётқизилган лойлар. Лой

ётқизиқлари қуриганда палахса-
палахса бўлиб ёрилиб кетади.

Лойли вулкан — вақт-вақти
 билан ёки доимий равишда сув
 ва нефть аралашган балчиқ ҳамда

газ отиб турувчи конуссимон дўнг-
лар. Кўпинча нефть чиқадиган
 ёки вулкан отилиб турадиган ўл-
каларда учрайди. Ўрта Осиёда
 Фарбий Туркманистонда кўп.

М

Мавж (тўлқин) — сув юза
 қисмининг ҳаво босимининг үзга-
 риши, шамол, ер қимирлаши, сув
 қалқиши натижасида рўй беради-
 ган тебранма ҳаракати. М. сув
 юзасида кетма-кет келадиган мар-
 за ва улар орасидаги ботиқлар-
 дан иборат. Мавжнинг энг паст
 қисми М. этаги, энг баланд қисми
 М. ёни кирраси, энг баланд
 қисми билан энг паст қисми ора-
 сидаги тик баландлик М. баланд-
 лиги, ёни билан ёки этаги билан
 орасидаги масофа М. узунилиги
 дейилади. М. маълум вақт мобай-
 нида (мас., бир секундда) ўтган
 масофа М. тезлиги дейилади. М.
 баландлиги океанларда 15 м га,
 дентиз қимирлаши вақтида 50 м
 га этиши мумкин, М. узунилиги
 250 м гача боради.

Мавзе — жой. Шаҳарнинг ай-
 рим номлар билан юритиладиган
 қисмлари. Мас., Кўкча мавзеи,
 Бўржар мавзеи, Бешоғоч мавзеи
 ва ҳ. к.

Мавсум — 1) фасл, йил фас-
 ли. Мавсум иқлими, астрономик,
 фонологик белгиларга қараб аж-
ратилади. Иқлими ёки синооптик
 мавсум астрономик фаслларга
 тўғри келмайди. Ўрта миңтақада,
 жумладан, Узбекистонда тўртта
 мавсум — баҳор, ёз, куз, қиши аж-
ратилади (қаранг йил фасллари).
 2) Бирор иш бажариладиган давр.
 Мас., чигит экиш мавсуми, балиқ
 овлаш мавсуми, пахта териш
(ўрим-йигим) мавсуми ва ҳ. к.

Мавсумий шамоллар — фасл-
 дан фаслага ўз ўйналишини уз-
 гартирадиган шамоллар. Қуруқ-
 ликнинг йилнинг иссиқ фаслида

тез исиб, ҳаво босимининг кескин
 камайиши ва айни пайтда оке-
 анларда салқироқ бўлиб, ҳаво бо-
 симининг катталиги натижасида
 қуруқлик билан океан ўртасида
 эсиб туради. Қишида қуруқликдан
 океанга, ёзда океандан қуруқ-
 ликка томон эсади. М. ш. лар
 ҳукмрон ўлкаларда (Шарқий, Жа-
 нубий Осиё, Жан.-Шарқий Ав-
 стралия ва ҳ. к.) қишининг қур-
 ғоқиц, ёзниг сернам келишига
 сабаб бўлади.

Магистрал (латинча *магистри-*
 lis — асосий, бош) — асосий ало-
 қа ўйллари (асосий кўчалар, те-
 мир ўйллар), бош ариқ, бош ка-
 нал.

Магма (юнонча *магма* — қуоқ
 мой) — Ер қаърида мураккаб фи-
 зиковий-кимёвий жараёнлар на-
 тижасида ҳосил бўлган катта ҳа-
 роратли суюқ модда. Магма ер
 қаъридан кўтарилаётганда тарки-
 бий қисмга ажралиб, таркибидаги
 учувчан моддалар (газлар)
 йўқолади, натижада турли тар-
 кибли интрузив, эффузив ва то-
 мир жинслар ҳосил бўлади.

Магматик тоф жинслари —
 магманинг совиши ва кристал-
 ланишидан ҳосил бўлган тоф
 жинслари. Совиши шароитига қа-
 раб магматик тоф жинслари
 иккига бўлинади: лаванинг юза-
 сида совишидан эффузив жинс-
 лар, Ер пўстида ичида совиши-
 дан интрузив жинслар ҳосил бў-
 лади. Интрузив жинслар жуда
 секин совиб, тўла кристалланади.
 Эффузив жинслар тез совиши на-
 тижасида шишасимон тузилишга
 эга бўлади.

Магнезит (латинча *Магнезиа*—Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар номи)—магний, углерод ва кислороддан таркиб топган оқ, кулранг, сарғыш рангли минерал. Утга чидамли ғишт, цемент, қозғоз, қанд ишлаб чиқаришда ишлатилиди. Урал, Шарқий Сибири, Узок Шарқ, Хитой, Австрия, Чехословакия ва Қанадада конлари бор.

Магнит аномалияси — Ер магнит майдонининг нормал ҳолатидан ўзгариши. Ер пўстида катта темир рудаси конлари бор жойларда кузатилади. Қозогистонда Темиртова, Шарқий Европа текислигига Курск атрофидан кузатилади.

Магнитли темиртош, магнетит (юнонча *магнетас* — магнит) — темир ва кислороддан иборат минерал, кучли магнит хоссасига эга. Таркибига $50-60\%$ темир бўлади. Юқори сифатли темир маъдани ҳисобланади. Конлари Уралда (магнитная тоги), Крайн Рог, Курск, Швеция ва АҚШ да бор.

Магнит меридиани — Қаранг. Ер магнетизми.

Маданий ландшафт — муайян мақсад билан (биологик ҳосилни ошириш, рекреация, аҳоли турар жойлари бунёд этиш ва ҳ. к.) илмий асосда ва инсонлар манфатини кўзлаб, оқилона ўзгартирилган ландшафтлар. М. л. да унумдорлик, иқтисодий самараדורлик энг юқори, кишилар ҳаётини учун зарур шароит қулаш, табиий муҳит соғлом ва гузал булиши керак. Чўлларда бунёд этилган воҳалар ландшафти М. л. га яхши мисол бўлади.

Мадор — $23,5^{\circ}$ шимолий ва жанубий кенгликлардан ўтказилган параллеллар, тропик атамасининг эскирган номи. Мас., мадори Саратон — Саратон тропиги

мадори жад — жади тропик, мадор ўрмони — тропик ўрмони, мадор.

Майдон — очиқ, текис дала ер. Ўрмон орасидаги жой, сиз сайхон ер, тоғлардаги арахтжойлар, шаҳарларда маълуу текис садда (бозор, йиғилиш, мақма жойи) ажратилган яланнинг ер. Жой номлари таркибида ҳам бор: Майдонтол, Майдон

Маквис, маккия (фр. *шлаги*) — қаттик низуза ли, тиканли доимий яшил баргва дарахтчалардан иборат бута лакзор. Урта денгиз бўйни чакаммакатларда кўпроқ ридагиган, тоғларнинг 700 м барқалгигача учрайди. Кесилган андиллар ўрнида ҳосил бўлади. Ўрмон-

Макон — жой, манзили. Бирор тур ҳайвон яшайдиган, ўсимлик атамаларига яқин келади. Мас., макони — чангальзор.

Мамонт — филлар кириувчи қирилиб битган қиласига ҳайвон. Танаси қалин ва узун йирик билан қопланган бўлған ун жун геологик даврда (плейстоценда), яшаган. Куруқликтаги жинслар орасидан диклари топилган.

Манба — дарё сув жой, дарё бошланадиган музлик, қорлик, булоқ жой: ботқоқ, чашма,

Мангра ўрмонлари — тропикда сув босадиган пастарилган кирғоқларида ўсадиган текис яшил бутазор ва паст доимий раҳтзорлар. Жанубий Осиё, Шинубий ва Марказий Америка денизиги қирғоқларида учрайди.

Мангу тўнг ер — азийлик музлоқ ер. Калий, кўп азийлик музлоқ ер.

Манг — ўйл бўйи эримай ётадиган қорлар. Иссик ва мўтадил үлкаларда баланд төғларда, қутбий үлкаларда, текисликларда ҳам учрайди. Иссик ва қуруқ үлкаларда ёзда дарёлар учун асосий манба бўлади.

Мансаб — дарёлар қўйиладиган жой. Океан, денгиз, кўл, бошқа бир дарё М. бўлиши мумкин.

Мантия, Ер мантияси (юоничча **мантион** — кўрпа, ёпинчик) — Ер пусти билан узаги (ядроси) орасида жойлашган қатлам, Куйинчегараси ер юзасидан таҳминан 2900 км чуқурлиқда жойлашган. Мантияда модданинг зичиги 3,3 г/см³ дан (юкори қатламларда) 5,7 г/см³ гача (ядро билан чегарадош қисмида). М. афтидан асосан магний ва темирдан иборат оғир минераллардан ташкил топган. Ер пустиди рўй берадиган тектоник ҳаракатлар, вулкан жараёнлари ва бошқалар М. билан боғлиқ.

Марганец маъданлари — таркибida марганец бўлган минерал бирикманинг борланувчалиги ва қаттиқлигини оширади. Металлургия ва кимё саноатида ишлатилади. М. м. лар. Марганец пўлат ва чўян-конларни Украина, Грузия, Хиндистон, Бразилия, XXРда ва бошқа жойларда бор.

Маржа, марза — төғларда тик ёнбағирларга қозиқ қоқиб ўтказилган осма ёлғизоёқ йўллар (Шугнон ва Рушонда). Яғнобда рафақ деб ҳам юритилади. Қаранг. *Оверинг.*

Маржон — иссиқ үлкалардаги денгизда яшовчи ҳайвонлар. Улар қолдиқлари йигилиб, маржон оролларини ҳосил қилиади. М. лар сув ҳарорати +20°дан паст бўлмаган, саёз, катта тўлқинлар бўлмайдиган денгизларда яшайди. Шу сабабли М. лар фақат экваториал ҳамда тропик үлкалардагина учрайди.

Маржон ороллари — маржон ҳайвонлари, сувётлар ва бошқа организмлар қолдиқлари йигилишидан вужудга келган ороллари экваториал ва тропик үлкалардан бошқа жойларда бўлмайди. Фақат Гольфстрим оқими ўтадиган Багама ороллари яқинидагина тропиклардан ташқарида учрайди. М. о. жойлашган ўрни ва шаклига қараб, қирғоқ рифлари, (сув ости қоялари) тўсик рифлари, атоллар кўринишида бўлади.

Марза — рельеф шакли. Тенаси қабариқ шаклдаги узун чўзилган баландлик. М. лар тектоник йўл билан ҳосил бўлиши (антеклинал бурма), дарё, дengiz тўлқини келтирган қумлардан вужудга келиши (кум тиллари, барлар), морена жинслари нинг тўпланишидан пайдо бўлиши (узлар), кишилар томонидан бунёд этилиши (йўл кўтармалари) мумкин.

Маркентинг (инглизча **маркет**—бозор) — бозор ҳолатини ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариши ташкил этиш ва шу йўл билан яхши фойда олиши ташкил этиш.

Мармар — оҳактошнинг юқори босим ва ҳарорат таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлган кристалл тоғ жинси. Оқ, кул ранг, пушти ва бошқа рангларда бўлади. Осон арраланади ва яхши силлиқланади. Асосан деворларни қоплаш учун ишлатилади. Майда донадор оқ туридан ҳайкаллар ҳам ишланади. Уралда, Қавказда, Узбекистонда (Фозғон) конлари бор.

Маршлар — дengизларнинг кучли сув қалқиши ва сувни шамол ҳайдаши вақтидагина сув босадиган паст текис соҳили. Одатда шўра ўсимлеклари ўса-

ди Шимолий денгиз соҳилларининг баъзи жойларида М. денгиз сатҳидан пастда жойлашган. Аҳоли бундай жойларни денгиз босишидан тӯғонлар қуриб асрайди. Пичанзорга айлантирилади, ем-ҳашак экинла-ри экилади.

Марғзор — майсазор, ўтлоқ жой.

Масштаб, миқёс — чизма, тарх ёки харитадаги нуқталар орасидаги узунликнинг жойдаги масофалар узунлигига нисбати. Масштаб иккι хил бўлади: сонли масштаб ва чизиқли масштаб. Сонли масштаб каср ёки нисбат билан берилади: (масалан $\frac{1}{1000}$)

ёки ($1 : 1000$); бунда харитадаги 1 см жойдаги 1000 смга тўғри келади демакдир. Чизиқли масштаб см ларга бўлинган чизиқ билан кўрсатилади. Бу чизиқда харитадаги 1 см га жойдаги неча м ёки км тўғри келиши кўрсатиб қўйилган бўлади.

Материк ёнбағри — океан тубининг қирғоққа яқин қисми; шельф (материк саёзлиги) билан океан таги орасида. Қиялиги катта: ўртача 4° , лекин айrim жойларда $15-20^{\circ}$, ҳатто 40° гача бўлади. Материк ер пўсти тузилишига эга. М. ё. нинг юқори қисмida сурилмалар, ювилишлар бўлади, қўйи қисмida эса жинслар тўпландади.

Материклар — ҳамма томондан ёки деярли ҳамма томондан океан ва дengiz сувлари билан уралган энг катта қуруқлик. Материклар ер пўстининг тузилишига ва қалинлигига кўра океан ости ер пўстидан фарқ қиласди. Материк Ер пўстидаги қалин— $40-50$ км (70 км гача) ва унда гранит қатлами бўлади. Ер юзида 6 та материк бор: Евросиё, Африка, Шимолий Америка, Жану-

бий Америка, Антарктида, Австралия.

Материк музлиги — қуруқлик юзасидаги музликлар турларидан бири. Ер юзасини яхлит муз қалқони ҳосил қилиб қоплаб ётади. Қалинлиги бир неча км (4 км гача), майдон миллионлаб км га ётади. Асосан қутбий ўлкаларда тарқалган (Антарктида, Гренландия ороли, Исландия ва б.) М. м. аста-секин силжиг бориб, дengизларга тушади ва айсбергларни (сузиб юрувчи муз тоғларни) ҳосил қиласди.

Материк ороллари — бир замонлар материкларнинг таркибий қисми бўлиб, кейинчалик қуруқликнинг чўкиши, тектоник ёриқлар натижасида улардан узилиб қолган қуруқликлар. Бундай ороллар геологик ва тектоник тузилишига кўра материкларга ўхшаган бўлади. Материк оролларининг баъзи бирлари жуда катта. Мас., Гренландия, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Буюк Британия, Новая Земля, Мадагаскар.

Материк саёзлиги, шельф — материкларнинг дengиз ва океанлар қирғоқлари бўйлаб чўзилган сув ости давоми. Эни бир неча км дан $1200-1500$ км гача ётади. М. с. дengиз чўкиндилари (шагал, қум, қумоқ, лойқа) кўп тўпландиган жой, ёруғ ва илиқ бўлганидан организмлар, жумладан балиқ кўп. Материк саёзлигига кўплаб нефть, газ конлари ва бошқа фойдали қазилмалар топилмоқда.

Машриқ — шарқ, кун чиқар томон, шарқий ўлкалар. Mashriqдан мағрибгача — шарқдан фарбгача. Mashriq мамлакатлари — Шарқ мамлакатлари.

Магора — гор. Қаранг. Gor.

Мағриб — гарб, гарбий ўлкалар. Maғrib мамлакатлари — Garb мамлакатлари.

Маҳаллий вақт — Ер юзидағи ҳар бир жойнинг үз астрономик вақти. Үрга Қуёш маркази маҳаллий меридианга келганды М. в. 12 соат 00 минут бұлади. М. в. ҳар бир жойнинг географик узоқлигига бөглиқ. Бир меридианда жойлашган ҳамма жойларнинг М. в. бір хил бұлади.

Маҳаллий шамоллар — унча катта бұлмаган ҳудуд учун хос бұлған об-ҳавони ҳосил қылувчи ва тез-тез тақорланиб турувчи шамоллар. М. ш. атмосфераның маҳаллий ҳаракатлари оқибатида (тоғ-водий шамоли) ёки умумий атмосфера циркуляциясининг маҳаллий шароит таъсиріда үзгариши натижасыда (Афон шамоли, чинук, самум, Бекобод шамоли) вужудға келади. Қаранг тоғ-водий шамоли.

Меандр (Кичик Осиё яриморолыда илонизи үзәнли Катта Мендерес дарёсі номидан) — дарёларнинг әгри-бугри, илон изи шаклидаги үзәні. Одатта нишаблик кичик бұлған текисликларда вужудға келади.

Мегалополис (юонча *мегас* — катта ва *полис* — шаҳар) — шаҳар агломерацияларнинг құшилиб кетиши натижасыда ҳосил бұлған йирик шаҳарлар тұплами. Мас., АҚШ Атлантика бүйиннинг шимолий қисми.

Мезон (арабча *mezon* — тарози) — 1) юлдузлар түркүмі номи; 2) Қуёш қисобидаги йилнинг еттици ойи, 22 сентябрдан 20 октябрغا 29 күн давом этади. Қуёш бу вақтда осмон гүмбазида М. юлдузлар түркүмидан үтади; 3) кузда җавода учадиган үргимчак иллари.

Мезосфера (юонча *mezos* — урта ва *sfera* — күрра) — атмосфераның стратосфера устида 50 км дан 80—85 км гача баландлықда жойлашган қатлами. Ҳарорат қүйи қисміда тахминан 0°

бұлса, юқори қисміда — 90°ға стади.

Мелиорация (латинча *мелиорatio* — яхшилаш) — табиатни, хусусан қышлоқ ҳұжалигіда фойдаланыладын ерларнинг қолатини яхшилаш учун амалға ошириладын агротехник ва гидротехник тадбирлар. М. тадбирлари табиатдан, хусусан тупроқлардан самаралы фойдаланышиннан ассоций омилі қисбланды. Ұзбекистонда М. тадбирларыңа құрғоқчыл ерларға сүв чиқарыш, шур ер ости сувлари сатқынни пасайтириш, тупроқлар унұмдорлығынан ошириш учун маҳаллий винерал үйітлар солищ, әнбағирилар ва құмларға үсімлік әкіш ҳамда башқа тадбирларни киритиш мүмкін.

Менежер — (инглизча *manager* — бошқарувчи, раҳбар) — молия, банк компания, корпорация муассасаларнинг раҳбар ходимлари, ишбілармөнлар.

Мергел — оқақ ва гилдан иборат түқінді тоғ жинсы. Таркибіда 20% дан 50% гача гил ва 50% дан 80% гача оқақ бұлади. М. табиатда жуда көнг тарқалған. Қурилиш материали, цемент ишлаб чиқарыш учун хом ашे бұлади.

Меридиан (латинча *меридианus* — түшки) — Ер юзасыдан үтиб ҳар иккала құтби туташтирувчи фаразий чизиқ, түш пайтидаги соя йұналишига түрі келади, унинг барча нұқталари бир хил жүгрофий узунлікка әга бұлади. Меридиан бўйлаб жүгрофий кенглік қисоблаб чиқылади; экватордан шимолдаги нұқталар кенглигі шимолий кенглік, жанубдагилари жанубий кенглік бұлади. Бөш М. деб Лондон яқиннандағы Гринвич расадхонаси меридиани қабул қилинган.

Металлургия — маъданлардан металл олиш, металл ва уннан

қотишмалари тузилишини, таркибини ўзгартыриш жараёнларини ўз ичига олган ишлаб чиқарыш соҳаси, шу соҳа ҳақидаги фан. Ер бағридан қазиб олинган маъданларга дастлабки ишлов бериш, металл ва қотишмалар эритиб олиш, металларни тозалаш, уларга турли шакллар бериш, хоссаларини ўзгартыриши ҳам М. нинг вазифаси. Қаранг, Қори металлургия, Ранги металлургия.

Метаморфикалашиб — төр жинсларининг катта босим ва юкори ҳарорат таъсирида ўзгариши. Мас., оқактош М. натижасида мармарга, гил сланецга айланади.

Метеорит (юнонча *метеора* — осмондаги ҳодиса) — олам бүшлиғидан ерга тушиб турадиган тош ёки металл жисмлар. Оғирлиги бир исчада граммдан уннаб тоннагача етади. Катта М. лар ерга тушган жойда чуқурлик пайдо бўлади. Энг оғир темир метеорит Габада (Африкада) топилган. Унинг оғирлиги 60 т. ҳажми 9 м³ бўлган. Бир кечакундузда Ерга умумий оғирлиги 100 кг га яқин таҳминан 2000 метеорит тушади. 1947 йили Сихота—Алинь топларига йирик метеорит тушган. Бу М. нинг умумий оғирлиги 35 т келадиган 350 та бўлаги териб олинган.

Метеорлар учар юлдузлар (юнонча *метеора* — осмондаги ҳодисалар) коинотдан қаттиқ жисм заррачаларининг Ернинг ҳаво қобиғига жуда катта тезликда кириб келиб, қизиб кетиши натижасида ҳавода рўй берадиган ёруғлик ҳодисаси. М. ҳодисаси одатда 70—125 км баландликда рўй беради.

Метеорологик станция — обҳаво ҳолатини муайян муддатларда турли асбоблар ёрдамида изчилик билан кузатиб бориб, бу ҳақда маълумотлар бериб турадиган станция. М. с. лардан

олинган маълумотлар асосида обҳаво башорати тайёрланади.

Метеорология (юнонча *метеопора* — осмондаги ҳодисалар, *логос* — фан) — Ернинг ҳаво қобиғи (атмосфера ҳақидаги фан). М. ҳаво қобигининг табиии хусусиятлари ва ҳолатини, унинг турли қисмларида рўй берадиган ҳаракатлар ва ҳодисаларни ўрганиди. М. ҳаводаги ҳодисаларни ўрганиши билан бирга обҳавони башорат қилиш билан ҳам шуғулланади.

Метислар, чатишмалар (латинча *микстус* — аралашиб) — турли ирқлар, турли миллатлар кишилари ўртасидаги никоҳдан пайдо бўлган авлодлар. Мас., ўзбеклар билан руслар никоҳида пайдо бўлган кишилар.

Метрополия (латинча *метрополис* — шаҳар) — мустамлакалари бўлган давлатлар. Мас., Буюк Британия ўз мустамлакалари учун М. бўлган. Айрим мустамлакатларда пойтахт шаҳар М. дейлади.

Мехнат ресурслари — мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли ёшдағи барча аҳолиси. Бизнинг мамлакатда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган ёркаклар М. р. ларига киритилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда иштирок этадиган 16 ёшгача бўлган ёшлар ва меҳнатда банд бўлган фаҳрийлар ҳам М. р. ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлиги — ишлаб чиқариш жараённада кишилар меҳнатининг самарадорлиги, унумдорлиги. М. у. ишчининг маълум вақт (соат, кун, ой, йил) мобайнида тайёрлаган маҳсулоти ҳажми билан белгиланади. М. у. техника даражасига, ишчи малакасига, иш шароитига, меҳнатнинг қандай ташкил этилганига ва б. боғлиқ.

Миграция (латинча *миграціо* — кўчиш) — I) аҳолининг тур-

ли мақсадларда (янги ҳудудларни ўзлаштириш, яхшироқ шароитда ишлаш, сиёсий мақсадларда) бир жойдан иккинчи жойга кучиши. Ташки ва ички миграциялар бўлади. Агар кўчиш бир мамлакат ҳудудида бўлса, ички М., турли мамлакатлар ўртасида бўлса, ташки М. деб аталади; 2) ҳайвонларнинг яшаш шароитиинг узғариши билан бир жойдан бошқа жойга кўчиши.

Микробиология саноати—микробиология, кимё ва физика фанларининг ютуқлари асосида вужудга келган энг янги саноат тармоқларидан бири. М. с. нефть, газ, ёғоч кимёси маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати циқиндиларни ишлатиб, ем сифатини яхшиловчи, ўсимликларни зааркунандалардан ҳимоя қиливчи моддалар, антибиотик ва витаминлар ишлаб чиқарди.

Микроқлим (юнонча *микрос*—кичик) — кичик жойлар (бирор жар, кўл, кӯча, майдон, ёнбағир, дара, водий) иқлами. Йқлим ҳосил қиливчи маҳаллий омиллар таъсирида таркиб топади.

Микрорельф — Ер юзасининг кичик рельеф шакллари. Мас., жарлар, сойлар, кичик водийлар, қум тепалари, дарё террасалари ва б.

Миллий боғлар — табиатни муҳофаза қилиш, истироҳат саёҳат, дам олиш мақсадларида маҳсус ажратиб, қўриқланадиган жойлар. Узбекистонда яхши ривожланмаган.Faқат биттагина Узбекистон миллий боғи бор. М. б. одатда уч қисмдан иборат бўлади: истироҳат, саёҳат ва қўриқхона минтақалари. М. б. да илмий ишлар ҳам олиб борилади.

Миллий даромад — муайян вақт давомида (мас., бир йилда) мамлакатнинг бутун аҳолиси меҳнати билан яратилган жами бойниклар. М. д. ни ҳисоблашда яра-

тилган бутун бойликдан сарфланган хом ашё, энергия, дастгоҳлар ва ишлаб чиқариш биноларининг ейилган қисма қиммати, ишчилар меҳнат ҳақи чегириб ташланади.

Минерал (латинча *минера*—маъдан) — кимёвий таркиби ва физик хусусиятига кура асосан бир хил бўлган табиий жисмлар. М. лар Ер пўстида рўй берадиган физикавий кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келади. Ҳозирги вақтда М. ларнинг З минг атрофида тури борлиги маълум.

Минерал булоқлар — суви таркибида минераллар бўлган булоқлар.

Минерал сувлар — таркибida баъзи бир кимёвий элементлар ва бирималар, шунингдек газлар бўлган сувлар. Сув таркибидаги тузлар 1 г. л. дан ортиқ бўлса минерал сув, кам бўлса чучук сув дейлади. Агар 50 г. л. дан ортиқ бўлса, шўр сув, намакоб бўлади. Сув таркибida йод, бром, литий, барий, темир ва бошқалар, газлардан — карбонат ангидрил, радон, сульфат газлари бўлиши уларда шифобахш хусусият вужудга келтиради. Мас., Тошкент минерал суви, Нарзан суви ва бошқалар.

Минтақа — Ер юзасини табиий географик кенглик — зонал бўлининининг энг юқори босқичи. Қаранг. **Жъографий минтақа.**

Минтақа вақти — вақтни ҳисоблаш тизим (система) ларидан бири. М. в. га Ер юзасини ҳар бири ўртача 15° дан қилиб меридиан йўналишдаги 24 та минтақага ажратиш асос қилиб олинган. Минтақалар тартиб сони Гринвич меридиани ўрта меридиан бўлган минтақадан бошлаб шарққа томон 0 дан 24 гача ҳисобланади. Бир минтақа доирасидаги ҳамма жойда бир вақтда соат бир хил ҳисобланади. М. в.

деб шу миңтақаннинг ўрта меридианидаги ўртача қүёш вақти қабул қилинган. Ҳўжалик ва бошқа амалий ишларда қийинчилик туғилмаслиги учун М. в. чегаралари қатъий меридиан бўйлаб эмас, баъзан маъмурӣ чегаралар, дарслар ва ҳ. к. лар бўйлаб ўтказилади.

Мираблит (латинча *mirabilis* — ажойиб сўзидан) — минерал, сувли натрийсульфат тузи. Ранги оқ. Сувда яхши эрийди, мазаси тахир шўр. Курғоқчил ўлкаларда қуриб қоладиган кўллар, қўлтиқларда сувдан чўкиб, ҳосил бўлади. Йирик кони Қаспий денгизининг Қорабўғозгўл кўрфазида бор.

Мис маъданни — миснинг саноат аҳамиятига молик бўлган минераллари. Таркибида 1—2 фоиз мис бўлса, бундай минераллар саноат аҳамиятига молик маъданлар дейилади. Энг йирик конлари Урал, Кавказ, Қозогистон, Узбекистонда (Олмалиқ) бор.

Мойлик ўсимликлар — мева-си таркибида мой бўлган ўсимликлар: зифир, кунжут, канакунжут, кунгабоқар, ерёнғок, маҳсар, пахта. Шунингдек, зайтун, ёнғоқ, бодом, тунг, кедр ва бошқа данакли ўсимликлар ҳам мойли ўсимлик бўлади.

Молибден маъданлари (латинча *молибдос* — қўроғшин) — таркибида саноат аҳамиятига эга бўлган миқдорда молибден бор бўлган молибден бирикмалари. Маъдан таркибида 0,1 фоиздан 1 фоизгача мис бўлса саноат аҳамиятига эга дейилади. Йирик конлари Арманистон, Шимолий Кавказ, Қозогистонда, Узбекистонда (Олмалиқ, Қорамозор, Зираубулоқ Зиёвуддин, Нурота тоғларида), АҚШ, Чили, Канада, Норвегияда бор.

Момақалдироқ — ҳавода чақмоқ пайтида рўй берадиган гул-

дураш ҳодисаси. Чақмоқ чаққанда ҳавонинг жуда тез исиб, кенгайшидан, яъни портлаш тўлқинидага рўй беради.

Момиқ булат — булат турларидан бири. Муз заррачаларидан иборат бўлиб, шакли юпқа патга ўҳшайди. Одатда соя бермайди. Тропосферанинг юқори қатламларида жуда паст ҳароратли шаронтида вужудга келади. Баъзан ҳаво фронтида илиқ ҳавонинг фронт юзаси бўйлаб кўтарилиб совишидан ҳосил бўлиб, объавонинг ўзгаришидан дарак беради.

Монокултура ҳўжалиги (юононча *монос* — битта, якка ва *культура* — экин) — муайян ҳудудда фақат бир хил экинни муттасил экавериши.

Оқибатда тупроқ унумдорлиги пасаяди, салбий ҳодисалар рўй беради. Мас., яқин вақтгача Узбекистонда фақат пахта экилар эди, яъни пахта монокултураси мавжуд эди.

Морена — музликлар ташиб юрадиган ва олиб келиб қолдирган тоғ жинслари парчалари (ғулатошлар, палаҳса тошлар, шағал, гил, қум). Мореналар ҳараратдаги ва ётқизилган (қўзғалмас) бўлиши мумкин.

Моренали ландшафт — юзасини морена ётқизиқлари қоплаб ётган жойлар ландшафти. М. лдан морена тепалари, улар орасида сойликлар, йирик ғўлатошлар, сойликларда кўллар, ботқоқликлар бўлади.

Мувозанат профили — дарёнинг сув узоқ вақт давомида ювиб бориши натижасида остидаги нотекисликлар текисланган ўзанининг бўйлами кесими. М. п. ҳосил бўлгандан кейин сув келтирадиган жинслар миқдори ювиллиб кетадиган жинслар миқдорига тенг бўлиб, ўзанинг бўйлами кесими барқарор бўлади.

Муз — сувнинг қаттиқ крис-

талл ҳолати. Ҳарорат 0° дан пасайганда ҳосил бўлади. Тоғлардаги музликларни ҳам маҳаллий аҳоли муз дейди. Совуқ маъносидан ҳам ишлатилади. Тоғ номлари таркибида кўп: Музтоғ, Музтогота ва х. к.

Муз босиши — табии муз тўпланиши ва унинг силжиб атрофдаги жойларни қоплаши. Бундай музлар қорларнинг кўп тўпланиб зичлашишидан ҳосил бўлади. Ер юзининг айрим қисмлани геологик даволар давомила бир неча бор муз босганини маълум. Бундай муз босишлари турли жойда турли номлар билан аталаади. Европада уч марта, шимолий Америкада тўрт марта муз босиши бўлгани маълум. Ҳозирги Антарктидадаги, Гренландиядаги ва Арктика оролларидаги музлар ҳам ана шундай музлардир.

Муз далалари — сузиб юрувчи нирик музлар. Муз парчаларининг бир-бираига қўшилиб музлаши ёки қирғоқ бўйи музларининг синниб ажralиши ва кейин шамол ва оқимлар денгизга олиб кетиши оқибатида ҳосил бўлади. М. д. лари майдони жуда катта бўлиши мумкин, баъзан эни 10 км гача етади. Баъзи М. д. бир неча йиллар сақланади. Улар кўп йиллик М. д. лари деб йилади. Қуруқликларни қоплаб ётган ва тоғларда ҳам катта майдонларни эгаллаган музликлар ҳам баъзан муз далалари деб аталаади.

Музлик — шароит қулай жойларда қор тўпланишидан ҳосил бўлиб, қия томонга силжиб турувчи муз массаси. Қор чегарасидан юкорида рельефининг қор тўпланиши учун қулай ботик шакларида тўпланадиган қорнинг зичлашишидан вужудга келади. Ер юзида ҳозирги вақтдаги музликлар майдони 16 млн. км² дан ор-

тиқ. М. лар жойлашган ўрини ва шаклига кура тоғ М. ва текислик М. га бўлинади. М. лар нишаб томонга сурилиб туради. 1° қияликдаги ерда М. силжиши учун унинг қалинлиги 55—60 м бўлиши керак. 45° қияликда 1,5—2 м қалинликдаги муз силжийди. М. нинг силжиши тезлиги муз ҳароратига, жойнинг қиялигига ва муз қалинлигига боғлиқ. М. кунига бир неча мм дан 2—3 м гача силжиши мумкин. Тоғ музликлари дарёларни сув билан тўйинтирувчи маъна бўсбланидаги. Баъзан силжиб бориб, водийларни тўсиб қўяди ва сув тошқинларига, селларга сабаб бўлади.

Музлик кўллари — музлик фолијати натижасида ҳосил бўлган кўллар. М. к. бир неча хил бўлади: музлик ўйиб кетган чукурликларда ҳосил бўлган кўллар, музлик кељтирган жинслар — мореналар водийларни тўсишидан вужудга келган кўллар, морена тепаликлари орасидаги кўллар, тоғларда муз пайдо қиласан товоқсои (цирк)ларда ҳосил бўланган кўллар.

Музлик цирки — тоғларнинг баланд қисмидаги бир томони очиқ товоқсимон табии чукурлик. Совуқдан нураш натижасида ҳосил бўлади. У фанда кар деб ҳам юритилади. Ичиди кўпинча муз тўпланиб қолади.

Музлик кўли — водий музлигига ён водийлардан келиб қўшилган музликлар — водий музлиги ирмоқлари. Агар ён водий баландроқ бўлса, М. к. асосий қўшилиш жойида музлик шаршарасини ҳосил қиласади.

Музлик саҳролари зонаси — Ерни шимолий ва жанубий қутблари атрофида жойлашган ўлкалар. Қуруқликларнинг кўп қисмини кўп йиллик қор ва музликлар қоплаб ётади. Муз қопламаган ерлар тошлиқ совуқ чўллардан

иборат. Бундай жойларда жуда сийрак йўсун, мөх ўсади. Ер юзаси кўп жойда ёрилиб-ёрилиб кетга.

Муз тили — Тоғларда водий музлигининг қор чегарасидан паст-дад жойлашган қисми. Водий бўйлаб оқиб чиқаётган музликтан ҳосил бўлади.

Муз тиқилиши — муз оқиши вақтида дарё ўзанининг торайгани жойларида, тирсакларida, саёзликларда муз йиғилиб, дарёни тусиб қўйиши. Шимолга оқадиган дарёларда юқори оқимида муз кўчиб, қўйи қисмiga келиб, муз ҳали эримаган қисмida тўпланишидан ҳам М. т. бўлади. Амударёning қўйи оқимида кўп кузатилиди. М. т. баъзан тошқинларга сабаб бўлади.

Музтоғ — совуқ ўлкаларда қуруқликдаги қоплама музликлар сурилиб, денгизга тушишидан ҳосил бўладиган сузиб юрувчи муз палаҳсалари. М. ларнинг сув юзасидан баландлиги Арктиканда 70 м га етади, Антарктиканда 100 м гача етади. Одатда М. ларнинг 5 9 6 dan 10 gacha қисми сув остида бўлади. М. лар Антарктидада шельф музликларидан, Гренландия ва Канада Арктика архипелаги музликларидан ҳосил бўлади. Мас., Гренландиядан ҳар йили 15—20 минг М. ҳосил бўлади. М. лар аста-секин қўши географик кенгликларга сузиб бориб, эриб кетади.

Муз гори — деворлари, таги, шили муз заррачалари, муз сув-малаклар билан қопланган горлар. Бундай горлар ичida ҳаво ҳаракати О дараражадан паст турди. М. ф. лари тоғларнинг баланд қисмларидан, салқин совуқ ўлкаларда учрайди.

Мулатлар — зангилар (негрлар) билан европаликлар никоҳидан вужудга келган авлодлар.

Муссон иқлими — муссон шамоллари таъсирида таркиб топадиган иқлим. Иш одатда икки фаслга булинади: Сернам иссиқ ёз, қуруқ салқин қиши. Иқлим ёзда денгиздан келадиган сернам ҳаво, қишида қуруқликдан эсадиган қуруқ ҳаво таъсирида ҳосил бўлади. Жанубий, жануби-шарқий Осиё иқлиmlари М. и. га энг яхши мисол бўлади.

Муссон шамоллари (арабча *мавсум* сўзидан) — фаслдан-фаслга ўз ўйналишини ўзгартираадиган шамоллар. Қаранг. *Мавсумий шамоллар*.

Мустамлака — зўравон давлатлар томонидан босиб олинган, сиёсий ва иқтисолий жиҳатдан қарар бўлиб қолган мамлакатлар ва ўлкалар. Миллий озодлик кураши натижасида 50—60-йилларда кўпчилик М. мамлакатлар озодликка эриши. Россия империясининг М. лари ҳам, шу жумладан Узбекистон ҳам мустақилликка эриши.

Мутлақ баландлик — ер юзасидаги муайян нуқтанинг дунё океани ўртача сатҳидан тик баландлиги ёки пастлиги. Океан сатҳидан баланд нуқталар мусбат ишораси (+), паст нуқталар манфий ишораси (—) билан белгиланади. Мусбат ишораси кўпинча қўйилмайди. Мас., Жомолунгга чўққисининг М. б. 8848 м, Тур-фон ботифиники — 154 м.

Мутлақ геологик ёш — 1) бирор геологик ҳодиса рўй берган замондан бўён ҳозирги давргача ўтган вақт; 2) тоғ жинсларининг ёши. М. г. ё. ўзгармас тезликда радиактив парчаланувчи айrim элементларнинг парчаланиши (мас, 40 K, 235U, 87Rb,) асосида аниқланади. Астрономик вақт ҳисобида (йил, минг йил, миллион, миллиард йил) ҳисобланади.

Мутлақ геохронология — геохронологиянинг тоғ жинсларининг

мутлақ ёшини аниқлаш масалалари билан шуғулланадиган бўлими. Геологик ёши аниқлашда элементларнинг радиоактив парчаланиши қонуниятидан фойдаланилади.

Мутлақ намлиқ — 1 м³ ҳаводаги сув буғи миқдори. Улчов бирлиги г/м³, яъни 1 м³ ҳавода неча грамм сув буғи борлиги билан белгиланади.

Мұхторият, мұхтор — бирор давлат доирасида алоҳида миллатларга берилган сиёсий ёки маъмурий ўз-узини бошқариш шакли. Ҳақиқий миллий мұхторият қар бир миллатнинг хұжалик, сиёсий ва маданий ривожланиши учун имконият түгдіради.

Мўйиноқ — бўйин, бўғиз, дарё, кўл, орол, қуруқлик, тоғ, қир ва ҳ. Қарнинг тор, чўзиқ қисми.

Мұйтадил иқлими — мұйтадил мінтақалар иқлими. Мұйтадил мінтақаларда Құёш ҳеч қачон қоқ тепага келмайди ва унинг уфқдан баландлыги катта фарқ

қилади. Шу сабабли иқлим ҳам жуда ҳар хил. Январь ойининг ўртача ҳарорати шимолий қисмida —20°, —25° бўлса, жанубий қисмida 0° атрофида, шимолда июннинг ўртача ҳарорати 10° атрофида бўлса, жанубида 27°. Ёғин ҳам турли миқдорда ёради. М. и. асосан 3 хилга бўлинади: 1) мўйтадил деңгиз иқлими, 2) мўйтадил континентал иқлими ва 3) мўйтадил муссон иқлими.

Мұйтадил мінтақалар — Ернинг 40° ва 65° шимолий кенгликлар билан 42° ва 58° жанубий кенгликлар орасида жойлашган жўроғий мінтақалар. Иқлимининг аниқ мавсумийлиги, континенталликнинг катталиги қишининг қаттиқ совуқлиги, ёзининг турли даражада иссиқлиги билан ахралиб туради. М. м. да қуруқликда тайга, аралаш ўрмонлар, кенг баргли ўрмонлар, мўйтадил мінтақа ўрмонли даштлари, даштлари, чала чўллари ва чўллари ландшафт зоналари мавжуд.

Н

Найзатош — тоғларнинг ўтири учли чўққиси, ўтири учли қоя. Қуруқ континентал иқлими ўлкаларда қаттиқ тоғ жинсларининг физикавий нураши интижасида ҳосил бўлади.

НАТО — Шимолий Атлантика Ҳарбий Ташкилоти, 1949 йилда ҳарбий-сиёсий уюшма тарздан тузилган. Дастреб уюшмага АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Дания, Португалия киргақ. Кейинчалик янги давлатлар қўшилган, баъзи давлатлар чиқиб кетган. Кейинроқ ҳарбий уюшма хусусияти ўзгариб, кўпроқ иқтисодий уюшмага айланади.

Наҳр (эскирган сўз) — дарё,

Узгарган шаклда учрайди. Мас., Анҳор.

Нефелин (юнонча *нефел*—булут, ўтири кислота таъсирида парчаланиб булатга ўшшатан кўриниш қасб этади.) — таркибида алюминий бўлган, рангиз, кул ранг, яшил, пушти ва бошқа ранглардаги минерал. Алюминий маъданни сифатида, шиша, цемент ишлашда, кимё саноатида ишлатилиади.

Нефт (туркий) — Ернинг чўкинди тоғ жинслари орасида учрайдиган ёнувчи суюқ мой, энг муҳим фойдали қазилмалардан бири. Ранги тўқ қўнғир, кўкиш қўнғир бўлади. Ёнгандан 10400—11000 ккал т/кг иссиқлик беради. Нефтнинг 84—85 фоизи углерод,

12—14 фоизи водороддан иборат. Нефтдан бензин, керосин, сурков майлари, қорамой, гудрон, вазелин, парафин ва б. олинади. Энг катта конлари Гарбий Сибирида, Қаспий дегизи атрофларида, АҚШ, Венесуэлада, Яқин ва Ўрта Шарқда бор. Ўзбекистонда Фарғона водийсида, Қашқадарё, Сурхон водийларида чиқади.

Нефт қувурлари — нефт ва нефт маҳсулотларин юбориладиган қувурлар. Бу транспорт тури бошқа транспорт турларидан арzon ва тежамли. Дунёда йирик нефт қувурлари мавжуд. Улар нефт чиқадиган ҳудудларни нефтни қайта ишлаш марказлари, дегиз портлари, темир йўл тугунлари билан боғлайди.

Нивал иқлим (латинча *nivalis* — қорли, совук) — қишида ёккан қор ёз бўйи эриб улгурмайдиган иқлим. Ҳароратнинг пастлиги оқибатида эриб улгурмаган қор зичлашиб музликларга айланади. Н. и. кутбий ўлкаларда баъланд тог тепаларида мавжуд. Ўзбекистонда Ҳисор ва Чотқол тогларида бор.

Нивелир (французча *niveler* — текисламоқ) — жойининг нисбий баъландлигини, яъни бир нуқтанинг иккинчи нуқтадан қанча баъландлигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб. Оддий нивелир учига кўндаланг таҳтача ўрнатилган ёғоч таёқдан иборат. Таҳтача ўртасида мих бўлиб, нивелирни тик (вертикал) ўрнатиш учун унга шоқу осилади. Нивелирлашда анча мураккаб нивелирлар ишлатилади.

Никел маъданлари — таркибида никел бўлган минерал биримлар. Одатда таркибида 1—2 фоиз никел бўлган маъданлар қазиб олинади. Никел зангламайди ва яхши силлиқланади. Шусабабли металл буюмлар никелланади. Никел қўшилган пўлат

қайишқоқ бўлади. Қола яриморолида, Шарқий Сибирь, Урал, Қозогистонда, Қанада, Бразилия, Кубада конлари бор.

Нисбий баъландлик — ер юзсадаги икки нуқта орасидаги тик баъландлик Mac., тоғ чўққиси билан водий таги орасидаги тик баъландлик, ёки дарё икки қирғофининг бир-биридан баъландлиги ва ҳ. к.

Нисбий намлик — муайян ҳароратли ҳавода мавжуд бўлган сув буғи миқдорининг шундай ҳароратли ҳаво тўйиниши учун зарур бўлган сув буғи миқдорига нисбати. Mac., 20° ҳароратли 1 m^3 ҳавонинг тўйиниши учун 17 g сув буғи зарур. Ҳавода бор-йўғи 8 g/m^3 нам бор. Демак, ҳаво $\frac{8 \text{ g/m}^3}{17 \text{ g/m}^3} \times 100 = 47\%$ Н. и. фоиз (%) ҳисобида ўлчанади. Буни қуийдана-
гича ҳисоблаш мумкин: $R = \frac{e}{E} \times 100$.
Бунда R — нисбий намлик, e — ҳаводаги сув буғининг миқдори, E — ҳавонинг тўйиниши учун зарур бўлган сув буғи миқдори. Бизнис нисбий мисолда $R = \frac{e}{E} \times 100 = \frac{8 \text{ g/m}^3}{17 \text{ g/m}^3} \approx 47$ фоиз. Нисбий намлик $\approx 47\%$.

Нов (Аккведу) — 1) канал, жар, сой ва йўллар устидан сув ўтказиш учун қуриладиган гидротехник иншоот. Н. жумхурятимизда жуда қадимдан кўлланиб келинган. Асосан ёғоч ва тошдан ишланган. Ҳозир пўлат қувурлар, темир-бетондан ишланади; 2) океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиқлар. Mac., Мариана нови, Ява нови ва б.

Нишаблик, қиялик — дарёлар, каналлар, ариқлар, йўллар, далаларнинг икки нуқтаси орасидаги баъландлик фарқининг, шу нуқталар орасидаги узунликка магоғаси нисбати, Mac., дарёнинг

бошланиш жойи, баландлиги билан қўйилиш жойи баландлиги орасидаги фарқ 200 м. Дарёнинг узунлиги 100 км, нишаблиги 200 м : 100 км = 2 м /км бўлади. Тезкислкларда Н. кичик, тоғларда жуда катта бўлади.

Ноосфера (юонча *ноос*—ақл, сфера — курра, шар) — инсоннинг ақлий фаолияти асосий омилга айланган биосфера (биологик қобиқ). Биосферанинг олий даражада ривожланган босқичи. Одам найдо бўлиб, фан, маданият тараққиёти натижасида вужудга келган.

Нордон ёмғирлар таркибида олтингугурт водороди, карбонат ангидриди бўлган ёмғирлар. Йирик металлургия, кимё корхоналари, иссиқлик элекстр станцияларидан ҳавога кутарилган тутун ва бошқа газлар ҳаводаги нам билан қўшилиб ҳосил бўлади. Жониворлар, тупроқ, ўсимликларга зарар келтиради.

Нормал атмосфера босими — симоб устуни баландлиги 760 мм га тенг бўлган босим. 760 мм симоб устуни 1013 м барга тенг. Метеорологияда нормал атмосфера босими 1000 м бар деб олиниди. Шундан вақтда Ер юзидағи

ҳар бир см² юзага ҳаво тахминан 1 кг куч билан босади.

Нура — ёнбағирлари тик тушган сой. Жўкрофий номлар таркибида ҳам учрайди. Кизилнура (Чотқолда), Қоранура (Қозоғистонда).

Нураш — Тоғ жинсларининг ҳаво, сув, муз ҳароратининг ўзгариб туриши, организмлар таъсирида парчаланиб увоқлашиши ҳамда кимёвий таркибининг ўзгариши жараёни. Физикавий ва кимёвий нурашлар бўлади. Баъзан тадқиқотчилар органик нурашни ҳам алоҳида ажратишади. Аслида органик Н. организмлар таъсирида рўй берадиган физикавий ёки кимёвий Н. кўринишлардан иборатидир.

Нураш пусти — Тоғ жинсларининг ҳаво, сув ва организмлар таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлган ғовак жинслар қатлами. Туб тоғ жинсларидан ғоваклиги ва кимёвий таркибининг ўзгарганилиги билан фарқ қиласди. Табиий шароитга қараб Н. п. нинг қалинлиги ҳар хил бўлади. Иссиқ ва сериам ўлкаларда қалин (200 м гача) бўлади. Н. п. нинг ҳосил бўлиши Ернинг барча геологик даврларида рўй берган.

О

Об (тожикча) — сув. Ўрта Осиёдаги жуда кўп жўкрофий номлар, айрим атамалар шу суз иштирокида тузилган. М, обдон, обҳаво, обхўр атамалари, Варзоб, Мурғоб, Сурхоб. Обигарм ва ҳ. к.

Обдон (тожикча) — сув тутиб турувчи мавносини билдиради. Кўпинча сувомбори, ҳовуз ҳам О. деб юритилади.

Обод — одам меҳнати билан маҳаллий табиатни ўзgartирилиб яхшиланган жой. Обод қўйиш, сув чиқариш, ботқоқликларни қўртиш, ўр-қирларни текислаб

даражат экиси, шаҳар қишлоқлар бунёд этиш билан амалга оширилади. Жўкрофий жой номлари таркибида кўп учрайди, Мехнатобод, Ҳайдаробод, Ашхобод ва ҳ. к.

Об-ҳаво — атмосфера қўйи қисмининг (ҳавонинг) муайян бир қисқа вақтдаги табиий ҳолати. Вакт ва масофада тез ўзгариб туради. О. маълум бир вақтнинг ўзида бир-бири билан уйғун метеорологик элементлар мажмуи билан ифодаланади (ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол, булутлилик

ёғин ҳаво босими, тиниқлиги ва
х. к.). О. ўзгариши деганда мана
шу элементларнинг ўзгариши ту-
шунилади. О. даврий (кеча билан кундуз), фаслий ҳамда но-
даврий (циклои утиши, турли ҳа-
вас массаларининг келиши, анти-
циклон турishi) ўзгаришларга
эга.

Об-ҳавони олдиндан айтиш —
метеорологик станциялардан олин-
ган маълумотлар ва синоптик ха-
рита асосида об-ҳавонинг кела-
жак ҳолатини аниқлаш. **Об-ҳавони**
олдиндан айтиш қисқа муддатли
(бир неча соатлик, бир-икки кун-
лик), узоқ муддатли (бир неча
кунлик, ойлик ва њоказо) була-
ди. Москва, Мельбурн, Вашингтон
жаҳон метеорологик марказ-
лари қилиб ташланган. Жумҳурия-
тимизда кўплаб метеорологик стан-
циялар об-ҳаво маълумотларини
Тошкентдаги гидрометеорология
марказига беришади, бу ерда
хуросалар чиқариб, об-ҳаво ол-
диндан айтиб берилади.

Овдон — ландшафти (табиизти)
атрофдаги ерлардан фарқ қилюв-
чи жой. Туркман ва қозоқларда
кўпроқ ишлатилади. Жой номла-
ри таркибида учрайди: Асакаов-
дон — Устюртдаги ботик.

Овлоқ, авлоқ — ёввойи ҳай-
вонлар кўп бўлган, ов қилина-
диган жой. Қадимда йурта Осиё-
да қулон, жайрон, кийик, архар,
паррандалар ов қилинадиган жой-
ларни шу атама билан юритил-
ган.

Овринг — тоғларнинг тик ён-
багирларига, дараларга қурилган
сўқмоқ кўприк йўл. Тик тош ён-
багирларда тошларнинг ёриқлари-
га ёғоч (таянч)лар қоқиб ва бу
таянчларга кўндаланг ёғочлар
боғлаб қурилади. Одатда оринглар
тоғ сўқмоқларининг тик ён багир-
ларида узилиб қолган жойлари-
га қурилади. Ҳозирги вақтда тоғ-
лардаги асосий аҳоли пунктларини

боғловчи яхши йўллар солинган.
Овринглар кам сақланиб қолган.

Одамзод ирқлари — кишилар-
нинг тарихий таркиб топган
йирик ҳудудий гуруҳлари. Ирқ-
лар келиб чиқишига кўра бир
бўлиб, фақат баъзи бир ташки
физиологик белгиларига — сочи-
нинг шакли ва ранги, танаси-
нинг ранги, кўзининг хусусият-
лари, бурун, лаб тузилишига
кура фарқ қиласди. Бу фарқлар
наслдан наслга ўтади. Ирқий
белгилар одамзод пайдо бўл-
гандан кейин яшаш шаронтида-
ги тафовутлар таъсирида ву-
жудга келган. Одамларнинг асо-
сий анатомик ва физиологик
ҳамда феъл-атвори, хусусиятлари-
да ирқий фарқлар йўқ. Ирқий
тафовутлар жамият тараққиети-
га таъсири этмайди. Бутун дунё-
даги одамлар учта катта ирқ-
ка: буғдоиранг (монголоид), оқ
(европоид) ва қора (экватори-
ал), яъни негр-австралоид ирқ-
ларга бўлинади. Бу асосий ирқ-
лар оралигида кўпдан-кўп ўт-
кини ирқлар бор.

Одоқ — дарёларнинг ўтра ва
аоссан қуий қисми соҳиллари-
даги пастак текис ерлар. Оёқ
сузидан келиб чиқсан. Дарё
тошгандা баъзан сув босиб
тади. Одоқларда ер ости суви
сатҳи юкори бўлади ва дарёда-
ги оқимга боғлиқ равишда уз-
гариб туради. Тупроғи кўпинча
шуртоб ботқоқ бўлиб, қамиш,
қўға, юлгун, шўралар, ажрик
билан қопланаб ётади.

Озиқ-овқат саноати — озиқ-
овқат ва ноз-неъмат маҳсулотла-
ри ишлаб чиқарадиган саноат.
О. о. с. га аҳолини озиқ-овқат
маҳсулотлари, ширинликлар билан
таъминлайдиган (тегир-
монлар, гушт, консерва, ёғ нон,
заводлари, қандолатчилик, қанд
заводлари) корхоналардан таш-
қари чой, қаҳва ишлаб чиқариш

ва бошқалар ҳам киради. Үзбекистонда ун тортиш, нон пишириш, қандолатчилик, мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқариш ривож топган.

Ой — Ернинг ягона табиий йўлдоши, Ерга энг яқин осмон жисми. Ой шакли курра шаклига яқин. Диаметри 3476 км. (Ер диаметридан деярли 4 бравар кичик). Ой юзасидаги тортиш кучи Ердагидан бінчеса кам. Ерда 90 кг келладиган одам оғирлиги Ойда 15 кг га teng. Ер атрофида секундига 1,02 км тезликда ҳаракат қилиб, 27,32166 суткада тулиқ бир марта айланниб чиқади. Үз ўқи атрофида ҳам шунча вақтда айланади. Шу сабабли Ерга доим бир томони билан қараб туради. Ер марказидан Ой марказигача бўлган масофа энг яқин бўлганда 356400 км, энг узоқ бўлганда 406800 км. Ойда ҳаво қобиғи йўқ. Ойда осмон доим қора бўлиб кўринади, юлдузлар кечаси ҳам, кундузи ҳам кўриниб турaveradi. Ойнинг ҳар хил кўринишига сабаб Ердан унинг фақат Қуёш нурлари тушиб турган қисмининг куринишидир. Қаранг. Ой фазалари.

Ойдин — 1) юзаси тоза, очиқ сув, кўл. Ойдинкўл; 2) тулин ойли кечалар. Ойнинг 14—15-кунлари шундай кечалар бўлади.

Ой фазалари — Ойнинг турли хил кўринишлари. О. ф.нинг сабаби Ер, Қуёш ва Ойнинг бир-бирларига нисбатан туриш ҳолатининг ой давомида узгариб боришидир. Ер ой билан Қуёш оралиғида бўлганда Ойнинг Ерга қараган томони Қуёш нурлари билан тулиқ ёритилади, шунда 14 кунлик тулин Ой бўлади. Ой Ер билан Қуёш оралиғига ўтганда эса унинг Ерга қараган томонига Қуёш нури тушмайди. Ердан Ой кўринмайди. Шундан

кейин Ой Қуёшдан — «узоқлашган» сари унинг Қуёш нури билан ёритиладиган томони Ердан аста кўрина бошлайди. Янги Ой «тұғади». Ой Қуёшдан «узоқлашган» сари тұлишиб бораверади. Тұлин Ойдан кейин эса Қўёшга «яқинлаша» боради ва кундан кунга кичрайиб боради.

Ой ўтови — Ой нурининг ҳаводаги майда муз заррачалариди синиб, ҳосил бўладиган рангли айланалар — гардишлар. Ой ўтовлади.

Ой ўтловлади (Ой ўтов тутди) — баланд юпқа булутли кунларда Ой атрофида катта айланади ҳосил бўлиш ҳодисаси шундай деб аталади. Бундай ҳодиса одатда циклоннинг илик фронти келганда рўй беради. Одатда бундай ҳодисадан кейин объаво айнийди, ёмғир, қишида қор ёгади.

Ойқин кўл — атрофи очиқ, тиниқ сувли кўл. Ойдин.

Океан — (латинча океан — дунё дарёси) — Дунё океанининг бир қисми. Дунёда тұртта океан — Тинч, Атлантика, Хинд, Шимолий Муз океанлари мавжуд. Баъзи тадқиқчилар Жанубий Муз (совуқ) океаний ҳам алоҳида океан деб ажратышади. Қаранг. *Дунё океани*.

Океания — Тинч океанининг марказий ва жануби-ғарбий қисмida жойлашган кўпдан-кўп ороллар тұдаси. $28^{\circ}25'$ шим. кенглик билан $52^{\circ}30'$ жан. кенглик ҳамда 130° шк. узунлик билан 105° г. узунлик оралиғида жойлашган. Энг жирик ороллар гурухлари: Меланезия, Микронезия, Полинезия ва Янги Зelandия.

Океан оқимлари, денгиз өқимлари — катта сув массасининг бирор таъсир (шамоллар, босимнинг турлича бўлиши, сувнинг шўрлиги ва ҳароратидаги

фарқлар ва ҳ. к.) натижасида мұайян йұналишда ҳаракат қидиши, оқиши. О. о. натижасида океанларда сув алмашиниб туради, қырғоқлар ювилади, иссиқлик ва сувнинг шүрлиги алмашинади, музлар оқиб кетади. О. о. материкларниң қырғоқ бўйи иқлимига таъсир этади. Қырғоқ яқинидан илиқ оқим ўтса, ўша ерда ёғин кўп ёғади, совуқ оқим ўтса қурғоқчил бўлади. Мас. Гарбий Европа иқлими Гольфстрим оқими туфайли анча серёғин ва илиқ. О. о. юзлаб, ҳатто минглаб км га боради: чуқурлиги юзлаб м. га етади. Гарбий шамоллар оқими бутун дунёни айланниб чиқади.

Океан чукандилари — океанлар тагида турли хил чўкиндиларнинг чукиб тўпланишидан ҳосил бўлган чўкинди тоф жинслари. Уларни 4 турга бўлиш мумкин: 1) қуруқлик жинслари. Булар қуруқликдан дарёлар келтирган, қырғоқларни тўлқин емиришидан ҳосил бўлган, қуруқликдан шамол учириб келган жинслар; 2) органик жинслар. Булар сувда, сув остида яшовчи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ўлган организмлари, айниқса сукларнинг тўпланишидан ҳосил бўлади; 3) вулкан жинслари, вулканлар отилганда ер остидан чиқиб тўплланган жинслар; 4) космик жинслар. Булар коннотдан келган метеор жисмлар, космик чанглардан иборат.

Океан қаъри — Дунё океанининг энг чуқур қисмлари. Энг чуқур ерлари 11022 м гача. Океан Ер пустининг геосинклинал (бекарор) миңтақаларида, ёриқларда жойлашган бўлади.

Оlam — бизни ўраб олгац вақт ва фазода чексиз борлиқ. Үндаги ҳаракатда бўлган материя шакллари ниҳоясиз. О. кичиги каттасининг таркиби қисми

ҳисобланган системалардан ташкил топган. Энг кичик система — Ер—Ой системаси. У Қуёш системаси 100 млрд. дан ортиқ юлдузни ўз ичига олган система — Галактикага киради. Ҳозирги вақтда жуда кўплаб галактикалар борлиги, улар ҳам маълум системани — метагалактикани ташкил этиши аниqlанган. Баъзи галактикалар биздан 15 млрд. ёруғлик йилига тенг масофада эканлиги аниqlанган. 1 ёруғлик йили ёруғликнинг бир йилда босиб ўтган йўлига тенг. Ёруғлик бир секундда 300000 км ийл босади.

Олатоғ — кўп йиллик қор ва музлеклари ҳамда баландлик миңтақалари бўлган тоғлар. Баланд тоғларда доимий қорлар оппоқ, ялонғоч, қоялар эса қорамтири, утлоқлар ям-яшил бўлиб кўринади. Олатоғ (олатов) тоғлар номни ҳам билдиради: Кунтай Олатоғ, Терскай Олатоғ, Олатоғ ва ҳ. к.

Олачалпоқ — 1) олачалпоқ соя — сийрак баргли дарахт сояси. Бунда барглар орасидан қўёш нури ерга тушиб туради; 2) олачалиоқ тундра — гил жинслар тарқалган жойлардаги тундра. Бундай тундрада мох, лишайник ер юзини сидирға қопламай, ҳар ер-ҳар ерда ер юзаси очилиб ётади. Бундай очиқ жойлар қабариқ ҳам, ботиқ ҳам, текис ҳам бўлиши мумкин, диаметри 2–3 м гача боради; 3) олачалпоқ ўтлоқ ҳар ер-ҳар ерда тупроқ очилиб қолган ўтлоқлар. Улар тоғларда тупроқ ювилаб кетиб, тоф жинслари яланғочланиб қолишидан, юзалама эрозиядан, текисликларда олачалпоқ шур босишидан ва ҳ. к. лардан ҳосил бўлади.

Олиш — сувайригич, түғон бо-

ши, катта ариқ, сой, дарёлардан сув чиқарыш учун очылган жой. Обикор ерларда учрайди.

Олмос — энг қаттық минерал. Таркибига күра соф углерод. Табиатда сочма ҳолда ва отқинди жинслар таркибиде учрайди. У тобланишига ва ялтирашига күра бошқа қимматбаҳо тошлардан ағзал. Ранги ҳаворанг, оқ, раңгсиз, сарық, күйир, қора бұлади. Қирраланып ишлатылған олмос бриллиант дейилади. О. карат ұсисибда ұлчанади. 1 карат 0,2 г га teng. О. тоғ жинсларини бурғилашда, қаттық материалларга сайқал беришда, металл ва тошларга гул солишида ишлатылади. Бриллиант зебу зийнат бұлади. О. нинг энг ынрик конлары Африка марказынан жанубида, Єкутистанда. Хозирги вақтда сунъий О. лар ҳам ишлатылади.

Олтин — юмшоқ, оғир, ишлов бериш құлай бұлған қимматбаҳо металл. Ранги сарық, зангламайды. О. табиатда күпроқ соф ҳолда учрайди. Туб конлари ва сочила конлари бұлади. Мамлакатдаги энг катта конлари Үрта Осиёда, хусусан Үзбекистонда, Шарқий Сибирь, Урал, Узоқ Шарқда, хорижда ЖАЖ, Канада, Австралияда. Олтин тангалар зарб этишда, зебу зийнат буюмлари ишлашда, тиши құйышда, радио, электр, ракета техникада ва б. соҳаларда ишлатылади.

Олтингугурт — туғма элемент ҳолида учрайдиган минерал. Аксари чүкінді конларда учрайди. Темир билан бирикма ҳолида (пирит), табиий газ ва бошқалар билан бирга ҳам чиқади. О. асосан сульфат кислота олиш учун ишлатылади. Конлары Үрта Осиё, Украина да, чет элларда АҚШ, Мексика, Италия, Японияда ва б. ларда бор.

Олтин маъданлари — таркибиде олтин бўлған тоғ жинслари. О. м. конлари туб ва сочила конларга бўлинади. Туб конлар орасида кварц ер — томирнадиги конлар кўпроқ. Сочила конлар туб конларнинг нурашидан ва нуроқ жинсларни сув оқизиб кетиб, сочиб юборишидан ҳосил бўлади. Баъзан сочила конлардан оғирлиги бир неча кг келадиган туғма олтинлар ҳам топилади.

Омил — табиатга, табиий комплекслар, ландшафтларга, ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларига таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган табиий ҳамда ижтимоий жараёнлар. О. ларни таъсири кўлами ва жадаллигига қараб етакчи ва ёрдамчи, йўналишига қараб ташки ва ички, манбаига қараб, табиий ва антропоген (ижтимоий) о. ларга бўлинади. Мас., бирор жой табиатига таъсир этувчи омиллар табиий (иқлимий, тоғ жинслари, рельеф, ҳайвонлар, ўсимлик сувлар ва к.), антропоген (кишиларнинг хўжалик ва б. фаолияти) омиллар бўлиши мумкин.

Она жинс — турроқ ҳосил қилиувчи тоғ жинслари. Турроқнинг минерал таркибий қисми. Қаранг. **Турроқлар**.

Орбита — (латинча *орбита* — ўл, из) — сайдералар, думли юлдузлар, ой, Ернинг сунъий йўлдошларининг фазодаги ҳаракат йўли. Ернинг О. си сайдерализнинг Қўёш атрофидаги йиллик ҳаракат йўли. Ер О. сининг узунлиги 939,488 млн. км, бу масофани Ер секундига ўртача 28,765 км тезликда 365,2422 суттакада босиб ўтади. Эксцентритечи жуда кичик — 0,017 га teng.

Ориентиращ, мұлжал олиш жойда уғұк томонларини топа билиш, Қуёш, юлдузлар, жойдағы аломатларга қараб ва компас

ердамида ориентир олинади.

Ороллар ёйи — ёй шаклидан қатар оролларни ҳосил қылган ороллар гурухлари. Одатда материк Ер пүсти билан океан Ер пүсти орасидаги оралиқ минтақадаги антиклинаал (қабарық) бурмалардан ҳосил бўлади. Мас, Алеут, Курил, Япон ороллари. Бундай ороллар эни 40—50 км дан 200—400 км гача, узунлиги эса 1000 лаб км га боради.

Орол, ота — ҳамма томонидан сув билан уралган, майдони унча катта бўлмаган қуруқлик. Ороллар жойлашган ўрнига қараб денгиз, океан, дарё, кўл оролларига, ҳосил булишига кўра материк ва океан оролларига булинади. Материк ороллар қуруқликнинг чўкиши, ювилиб кетиши, дарёлар кесиб утиши, ер пүсти ёриқлари натижасида материклардан ажралиб қолиб ҳосил бўлади. Океан ороллари вулкан оқибатида, маржонлар фаолиятида ҳосил бўлади. Орол атамаси атрофидаги ландшафтлардан бошқача бўлган жой номлари сифатида ҳам ишлатилади: Оролтепа; Орол денгизи, Кукорол.

Орошон — иссиқ сувли минарел булоқ. Қаранг. Арашон.

Орқа — 1) Жўғрофий обьект ва предметларнинг жўғрофий ўрнини, яъни бошқа бир жўғрофий обьектдан кейинда, нарида жойлашганини билдиради. Жўғрофий номлар таркибида учрайди. Орқа Олой, Орқа тоғ ва ҳ. к.; 2) орқа томон, сирт, тепалик, сувайиргич.

Оргадол, аргадол — ёнбағирлардаги тоғ, кўпинча бир томони берк дара, танги. Ҳайвонларни ҳайдаб бориб ов қилинадиган жой.

Осила — тоғларда катта қияликда илонизи бўлиб кўтариладиган йўл, сўқмоқ. «Пиёда-

лар айланиб юрмасдан осилмадан чиқиб қўя қолади», «осилмадан чиқсангиз шундай қишлоққа киравасиз» дейдилар.

Осма — 1) осма водий — таги бошқа водийдан баландда жойлашиб, унга тик кесилиб ёки жарлик ҳосил қилиб тушадиган водий. О. в. мазкур водийда асосий водийдагига нисбатан чукурлатиш эрозияси суст рўй бергандা ҳосил бўлади. Эрозияга турли даражада чидамли тоғ жинсларида ҳам О. в. ҳосил бўлади. Тектоник узилиш натижасида ҳам вужудга келади; 2) осма музлик — тоғларнинг тик ёнбағирларида ёки ёнбағирларнинг салтана ботиқ ерларида жойлашган ва ёнбағирларнинг этагига этиб келмаган музликлар. О. м. жойлашган ерқилялиги катта бўлганлигидан бундай музликлар тез сурулувчан бўлади. Батъзан узилиб тушиб муз, қор кўчкиларини ҳосил қиласди.

Остоналар, остана тошлар — дарё ўзанининг қаттиқ жинслардан таркиб топган саёз ёки баландроқ жойлари. Остоналар яқинига кўпинча ГЭС лар қурилади. Остоналар кема қатновига ва ёғоч оқизишга халақит беради. Бунинг учун айланма канал қуришга тұгри келади.

Ота — орол. Қаспий ва Орол денгизларida орол ота деб ҳам юритилади. Мас, Қаспий денгизидаги Қамишлнота. Туркларда ада деб аталаади.

Отоноқ — ҳар ер-ҳар ерда кичик-кичик дўнгчалари бўлган текислик. Эскирган атама.

Отқинди тоғ жинслари — магманинг ер юзасига тектоник ёриқлардан оқиб чиқиб ва қатламлар орасида қолиб, қотишидан ҳосил бўлган қаттиқ тоғ жинслари. Ер юзасига оқиб чиқкан бўлса эффузия жинслар,

Офтоб

қатламлар орасида қолиб қотган бўлса, интрузив жинслар дейилади.

Офтобру — тоғларнинг қуёшга рупара ёнбафи, шимолий яримшарда жанубга, жанубий яримшарда шимолга қараган ёнбафи, сирофтоб ерлар.

Оч газа — тоғ устидаги ботик, ўр ер, ўйник рельеф шакллари. Жанубий Узбекистонда кенг қўлланиладиган атама.

Очиқ кун — булутсиз кун, антициклон об-ҳавоси.

Ошув — тоғ довони. Урта Осиё, Қозогистон ва Олтойда кенг тарқалган атама. Довонлар номи таркибида ҳам учрайди: Ошувтор, Кўшошув, Тузошув ва ҳ. к.

Оқар кўл — бир ёки бир неча дарё, жилға қўйилиб, бир дарё оқиб чиқиб турадиган кўл. Одатда О. к. суви чучук булади. Мас: Байкал, Онега, Ладога кўллари, Сарез, Саричелак, Кўккўл ва бошқалар.

Оқар сув — муайян ўзандан ишаб томонга тўхтосиз ҳараратланиб турадиган сув; тоза сув; дарё, жилға, сой, канал, ариқ сувлари. О. с. ёмғир, қор, булоқ сувларидан ҳосил булади.

Оқим — 1) сув массасининг бир жойдан иккинчи жойга силжиши. Қаранг оқар сув; 2) дарё ўзанида муайян вақт давомида оқиб ўтадиган сув миқдори.

Оқин — сув оқими, тез оқар сув, дарёнинг тез оқар жойи. Туркий тилларда оғин, оғи ш, оғис шаклларида учрайди.

Оққую — қўмли чўллардаги чучук сувли қудуқлар. Амударё бўйидаги чўлларда чучук сувли қудуқлар шундай ном билан аталади.

Оқма — сув манбаси; булоқ, муз ва қордан оқиб чиқадиган сув.

Оқмас кўл — суви оқиб чи-

қиб кетмайдиган кўл. Асосан курвоқчил ўлкаларда кўп учрайди, суви шўр ёки шўртоб бўлади.

Оқсув — тоза, чучук сув. Кўпроқ турғун, заҳ сувдан фарқ қилиб, оқар сув маъносида ишлатилади. Суви лойқа дарёлар ҳам оқ сув, оқ дарё деб юритилади. Шу номдаги дарёлар жуда кўп.

Оқкум — оқ, тоза қум, ўсимлик билан қопланмаган қум. Одатда ўсимликлар ўсимайдиган тўзима барҳан қумларини оқкум деб юритилади.

Оғиз — дара, водий, горларга кириладиган жой, улар бошлиандиган жой. Ички денигизларни, кўрфазларни ташки денигиз ва океанлар билан қўшиб турадиган бўғиз.

Оғир машинасозлик — машинасозликнинг деталлари катта ва оғир бўлган машиналар ишлаб чиқарадиган тармоғи. О. м. корхоналари тоғ-кон саноати учун жиҳозлар, металлургия асбоб-ускуналари, кўтарма-транспорт воситалари, йирик экскаваторлар, тепловозлар, кемалар, турбиналар ва ҳ. к. ишлаб чиқаради.

Оғир саноат — саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари — машиналар ва жиҳозлар, ёқилифи, энергия, металлар, кимё маҳсулотлари, қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари. О. с. ривожланмаса саноатнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириб бўлмайди.

Оҳактош — асосан калъидан таркиб топган чўкинди тоғ жинси. Тоза оҳактош оқ бўлади, аралашмалар — гил, қум, доломит туфайли сариқ, жигар ранг, қора ва тўй кул ранг оҳактошлар ҳам учрайди. Метаморфикалашиш оқибатида қайтадан кристаллашиб мармарга айланади.

ди. Оҳактош дengiz ва қўл сувларидан кальцит чўкиши натижасида кимёвий йўл билан, шунингдек, дengiz организмлари (моллюскалар, маржонлар)нинг оҳакли чиганоқлари ва скелетларининг тўпланиши натижасида биологик йўл билан пайдо бўлади.

Цемент ва гидравлик оҳак ишлаб чиқариш учун, қурилиш материалы, металлургия, ваводларида флюс, кимё саноати хом ашёси сифатида ва нордон тупроқларни оҳактош учун ишлалади.

П

Палахса, палахса тоғ — Ер пўстининг, тектоник ёриқлар билан ажралиб кўтарилиб қолишидан ҳосил бўлган тоғ. Палахса тоғларнинг ён бағирлари тик, усти текис ёки салгина қия бўлади. Қадимда бурмаланиб, кейин текисланиб қолган ўлкаларда вужудга келади. Бундай тоғларни кўпинча ёшарган тоғлар дейилади. Тяншанда палахса тоғлар кўп. Бу жойда үулар сиртлар деб аталади.

Палеогеография (юнонча *палеос* — қадимги) — Ер юзаси табиатининг қадимги даврлардағи ривожланиш тарихини ўрганадиган фан. Палеогеографик тадқиқотларда Ер юзаси табиатининг ўтмишдаги ҳолати төржинслари қатламларининг ҳолати, уларда сақланиб қолган организмлар қолдиқлари, қолдиқ рельеф шакллари асосида аниқланади.

Палеонтология (юнонча *палеос* — қадимги, *логос* — фан, илм) — ўтган геологик даврлардаги усимилик ва ҳайвонларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини Ернинг тарихи билан боғлаб ўрганадиган фан. П. тоғжинслари ёшини аниқлашга, геологик ўтмишда организмлар ҳаётти учун шароит қандай бўлганини ўрганишга ёрдам беради.

Пампа (кечуа индиёнлари тилида *pampa* — ўтлок) — I) Жанубий Америка жанубида жойлашган субтропик дашт ерлар.

Турли ўтлар ва ғаллагуллилар ўсади; 2) Аргентинадаги даштнинг номи.

Параллеллар — Ер юзасида экваторга параллел ўтказилган шартли доира чизиқлар. Харита, глобуслarda градус тўрининг асосий таркибий қисми. П. шарқ билан гарбни кўрсатади. Экватордан узоқлашган сари П. қисқара боради. П. жойнинг жуғрофий кенглигини кўрсатади.

Парламент тузуми — мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимият парламент — олий кенгаш қўлида бўлган давлат тузуми. Парламентли республикаларда ва конституцион истебот шароитида парламент — олий кенгаш ҳукумат фаолиятини ҳам назорат қилиб туради. Президентлик республикаларда, шужумладан Узбекистон Республикасида ҳам парламент қонун чиқарувчи орган холос, президент давлат бошлиги бўлиш билан бирга ҳукуматни ҳам назорат қилиб туради.

Партов ер — илгари экин экилиб, кейин дам бериш учун экилмай, ҳайдамай қўйилган ер, қора шудгор.

Пассат шамоллари — субтропик антициклонлардан (юқори босим мінтақасидан) экватор ёни паст босим мінтақаларига муттасил эсиб турадиган шамоллар. Ернинг ўз ~~узи~~ атрофида айланishi таъсирида шим яримшарда жануби-гарбга томон

бурилиб эсади. П. ш. ларидаги ҳаво оқимининг қалинлиги тропик ўлкалар шимолида 2 км дан экватор яқинида 12—14 км гача етади. Экватор ёни ўлкаларига кўп миқдорда ёмғир келтиради.

Паст-баланд ер — нотекисер. Шамол, сув, музнинг емириш иши ва улар келтирган жинсларинг тўпланиши таъсирда ер юзасида турли нотекисликлар — жарлар, дўнглар, қум тепалари ва ҳ. к. лар ҳосил бўлади. Бундан ташқари кучсиз тектоник ҳаракатлар натижасида ҳам паст-баландликлар вужудга келади. П.-б. е. ларда баландликлар (фарқи) одатда катта бўлмайди: бир неча метрдан бир неча 100 м га етади.

Пастлама булоқ — суви оқиб тушадиган булоқ. Сувли қатламдаги сув сатҳи булоқ чиққан жойга нисбатан баланд бўлганда. П. б. ҳосил бўлади.

Пастлик, пастлик ер — атрофдаги жойларга қараганда паст, ботиқ ерлар. П. лар суффозион чукиш, оқар сувлар ювиб кетиши оқибатида ҳосил бўлади. Чўлларда шамол сойликлари ўринида ҳам вужудга келади. П. ларда ер ости сувлар юза жойлашгандан күпинча ботқоқ, шўрхок пайдо бўлади.

Пасттекислик — мутлоқ баландлиги денгиз сатҳидан 200 м гача бўлган текисликлар. М., Каспийбўйи пасттекислиги. П. лар дengiz саёзлигининг дарёлар келтирган лойқалар билан тўлишидан, тоғ олди буқималарининг тоғлардан тушган нуроқ жинслар билан тўлиши ҳаттижасида ҳосил бўлади. Платформаларнинг аста пасайиши ва дengiz саёзлигининг кўтарилиши оқибатида ҳам П. лар вужудга келади.

Паст текислик — атрофдаги жойларга нисбатан паст (паст-

қам) жойлашган текислик. Қаранг. **Пастлик.**

Паст тоғлар — муғлоқ баландлиги 500 м дан 1000 м гача бўлган тоғлар. Паст тоғларга Урал тоғининг фарбий қисми, Қозоғистон паст тоғлари; Ўзбекистонда Букантог, Помдитог, Султон Увайс тоғлари мисол бўлади.

Пастқамлик — дашт, ўрмондашт зоналарида суффозия, тупроқ ҳосил қилиш жараёнда вужудга келган таги текис ерлар. Кўпинча доира, чўзиқ доира шаклида бўлади. Чуқурлиги бир неча метрғача етиши мумкин. Атрофдаги дашт ерлардан пастроқ бўлганидан қайн, тоғтерақ, буталар кўпроқ ўсади, баъзан сизот сувлар чиқиб шўрхокларга айланади.

Патсимон булат — булатларнинг халқаро турларга бўлиншидаги ўн хил булатнинг бири. Узун чўзилган патлар шаклида бўлади. Музнинг майда заррачаларидан иборат. Тропосферанинг юқори қисмida жуда паст ҳароратда вужудга келади. Баъзи П. б. лар атмосфера фронти яқинлашаётганда фронт юзаси бўйлаб юқорига кўтарилаётган илиқ ҳаводан ҳосил бўлади. Бундай булатлар фарб томонда гўё бир нуқтадан чиқиб келаётганга ухшайди. Бундай булатлар об-ҳавонинг ўзгаришидан дарар беради.

Патсимон тўп булат — булатларнинг халқаро турларга бўлиншидаги ўн хил булатнинг бири. Узун-узун чўзилган юқса қатламли булат. Одатда жуда майда паға-паға булаклардан иборат бўлади. Муз заррачаларидан иборат бўлиб, тропосферанинг юқори қисмida паст ҳароратда вужудга келади. П. т. б. лар ҳаво тик кўтарилаётганда

ва циклонларнинг салқин фронтида пайдо бўлади.

Патсимон қатlam булут — булатларнинг халқаро турларга бўлинишидаги ўн хил булатнинг бири. Тўлқинланган юқса кумушсимон булат. Тропосферанинг юқори қатламларида паст ҳароратда пайдо бўлади. Муз варрачаларидан иборат. Илиқ фронтнинг юқори қисмидаги вужудга келади.

Пага булат — булатларнинг халқаро турларга бўлинишидаги булат турларидан бири. Оқ ёки қулранг рангли пахта юмига ўйшайди. Тропосферанинг ўрта қисмидаги сув томчиларидан пайдо бўлади.

Пага қор — иирик юмшоқ қор. Илиқ фронтда нам ҳавонинг юқорига тез кутарилиши жараёнида ҳосил бўлиб ёғади. Ўзбекистонда, кўпинча эрта баҳорда кузатилади.

Пемза (латинча *pumex* — кўпик) — вулкан жинсларидан ҳосил бўлган отқинди тоғ жинси. Жуда ғовак, енгил кўпиксимон лава. Ёғоч, тош, металларни пардозлаш учун ишлатилида ва енгил бетонга қушилади.

Перигей (юонча *peri* — яқини, ёни ва *ge* — Ер) — Ой ва Ер сунъий йўлдошлари орбитасининг Ерга энг яқин нуқтаси.

Перигелий (юонча *peri* — яқини, ёни ва *xelios* — Қўёш) — Қўёш атрофида айланадиган Сайёралар, думли юлдузлар орбиталарининг Қўёшга энг яқин нуқтаси.

Пиллашлик — пиллани юшиб, ундан ипак калавалар тайёрловчи корхоналар.

Пилла-поча — зинасимон ёнбагир. Гранит, базальт тоғ жинслари емирилганда одатда пилла-поча, кўринишидаги рельеф ҳосил қиласи.

Пирит (юонча *pir* — олов) — олтингугуртли темиртош, минерал. Таркибида олтингугурт ва темирдан бошқа мис, кобальт, олтин ва бошқа металлар бўлади. П. дан рангдор металлар, сульфат кислота олинади, қолдигидан темир рудаси спфатида фойдаланилади.

Планктон (юонча *планктос* — сайёр) — ҳаракат органлари бўлмаган ва сувда оқиб юрадиган организмлар. П. лар орасинда ҳайвонлар ҳам (зоопланктон), ўсимликлар, хусусан сувутлар ҳам (фитопланктон) бор. П. балиқ ва бошқа денгиз ҳайвонлари, жумладан китлар учун озиқ бўлади. Кислородга бой мұтадил совуқ сувларда, мас., Баренц, Азов, Каспий ва Япон дengизларда айниқса кўп.

Плантация (латинча *плантацио* — экин экиш) — етиштирилган экин маҳсулоти асосан четга чиқариладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари. П. хўжаликларида одатда кофе, чой, пахта, шакарқамиш, шоли, қаучукли экинлар етиштирилади. П. хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатларда, хусусан собиқ мустамлакаларда айниқса кенг тарқалган.

Плато — ер юзаси ясси ёки сал тўлқинланган, баъзан бир оз парчаланган баланд текислик. Ёнбағирларн кўпинча кесилгандек тик бўлади. Атрофдаги текислик ерлардан тик жарликлар ҳосил қилиб кўтарилиб туради. Мас., Устюрт платоси. Баланд платолар кўпинча ясси тоғлик деб аталади.

Платформа (французча *плат* — ясси, *форме* — шакл) — Ер пўстининг нисбатан барқарор, тектоник ҳаракатларга кам бериладиган иирик, барқарор бўлаклари. П. Ер тарихининг қадимий эраларидаги геосинкли-

налларда, бурмаланишлар рүй беріб, сүнгра тектоник ҳаракаттарнинг заифлашиши натижасыда вужудга келган. Платформа жинслари метаморфикалишиб, кристаллашиб кетган. Қуруқликдаги платформалар: Шарқий Европа, Сибирь, Хитой, Африка, Австралия, Антарктида, Шим, ва Жан. Америка.

Плита — платформаларнинг пасайған ва устини салғина қия ёки горизонтал әтган чүкінді жинслар қоллаган қисмлари. П. лар заминнинг кристалли ва метаморфикашгай қаттық жинсларни кейинги геологик даврларнинг деңгиз ва құрқылғының әтқазылары қоллашидан вужудга келади.

Пляж (французча *плаге* — деңгизнинг қия қирғоги) — ҳозирғы деңгиз қирғогининг сувдан күтәрилиб турған қисми. Тұхтосыз тұлқын таъсир этиб турғанидан күчма құм, шағал, чиганоқлар билан қолланған бўлади.

Подзол (кулранг) тупроқлар — мұтадил соvuқ икілім шароитида игна барғы үрмөнлар тағида таркиб топған тупроқ тури. Нам **шун** бўлганлигидан сувда яхши эрийдиган минераллар зриб, тупроқ қатламидан пастта тушиб кетади. Тупроқда қум қолади. Шунинг учун ранги кулранг бўлади. Чиринди кам (1—4 фоиз). Узбекистонда тоғлардаги арчазорлар остида учрайди.

Пойнов (*поид*—оёқ, *нов*—сув оқадиган ўзан, ариқ) — сув оқиб чиқиб кетадиган жой.

Полизчилік — полиз экинлари — қовун, тарвуз, бодринг, ҳандалак, қовоқ етиштириш. Үрта Осиёда, хусусан Узбекистонда жуда қадимдан ривожланған Жумхурнитимизда етиштирилалади

ган күкча, қирқма, ананас, чүгіри, босиболди, оқуруг қовунлари ўзининг ширинлиги билан шұхрат қозонган.

Полимерлар (юнонча *полимерес* — күп қисмлардан иборат) — молекулалари күп сонли такрорланувчи тоифалардан иборат бўлган кимёвий бирикмалар. П.дан тола, плёнка, пластик моддалар, лок, елим, смола тайёрланади. П. ҳозирги замон кимё саноатининг асосий маҳсулоти ҳисобланади.

Полиметалл рудалари (юнонча *поли* — күп ва металл) — таркиби асосан қўрошин ва рух, бальзан мисдан иборат бўлган табиий минерал ҳосиллар. Уларга аралашган ҳолда олтин, кумуш, кадмий ва бошқалар бўлади. Асосий минераллари: галенит, сфалерит, пирит, ҳалкопирит. Асосий конлари Канада, Австралия, АҚШда, Шим. Кавказ, Қозогистон, Сибирда. Узбекистонда Чотқолда, Қурамада, Қорамозorda бор.

Полдерлар (голландча *полдер* — қурилган ер) — Фарбий Европада шимолий деңгизларнинг пасттекислик соҳилидаги құритилиб, ўзлаштирилган ерлар. Деңгиз ва дарёлар қирғокларига дамбалар қуриб ажратилиди. П. унумдор бўлади. Нидерландия, Германия, Дания, Англияда учрайди.

Порт (латинча *портус* — күрфаз, қўлтиқ) — кемалар туриш жойи, юқ ортиш-тушириш иншоотлари, транспорт тармоқлари, омборхоналари, кема таъмири ва бошқа ёрдамчи корхоналари бўлган ва дарё ҳамда деңгиз майдонининг бир қисмини ўз ичига олган иншоот мажмун. П. таркибига йўловчиларга хизмат қиласидиган вокзал ва бошқа хизмат муассасалари, ёқилғи,

сүв, озиқ-овқат билан таъминловчи корхоналар ҳам киради.

Прерийлар (французча *préairie* — ўтлоқ) — Шимолий Американинг ички қисмидаги (АҚШ ва Қанадада) асосан чимли ғалагулли ўт ўсимликлари ўсадиган даштлар. Тупроғи қора түпроқ. Ҳозирги вақтда деярли ёппасыга ҳайдалиб бүгдой, кунгабоқар экилади.

Приватизация (инглизча *privat* — шахсий, хусусий) — давлат мулкини, давлат секторини хусусийлаштириш, хусусий мулкка айлантириш. Давлат мулкни шахсларга, уюшма, акционерлик жамиятияга сотиш йўли билан ҳам, корхона жамоасига текинга бериш билан ҳам хусусий мулкка айлантириш мумкин. Приватизация бозор иқтисодиётини учун шарт-шаронлар мавжуд бўлганда гина иқтисодий ўсишни таъминлади.

Промилле — бирон-бир соннинг мингдан бир улуши, % аломати билан белгиланади. Сувнинг шўрлигини аниқлашда сувнинг 1000 оғирлик улушига неча улуш туз тўғри келишини билдиради. Шўрлиги 1% гача бўлган сув ичишга яроқли ҳисобланади. Дунё океанинг сувининг ўртacha шўрлиги 35%. Айрим жойларда 42% гача, қутбий ўлкаларда 33—34% бўлади.

Протекторат (латинча *protector* — ҳомий) — қолоқ, кам ривожланған мамлакатларнинг бирор йирик, кучли давлатга қарамлик шаклларидан бири. Мамлакатни ҳукмрон давлат тайинлаган амалдор идора қиласиди.

Протерозой (юонча *протерос* — илк, энг қадимги, зое — ҳаёт) — Ер тарихининг кембрый давридан олдин ўтган вақтнинг катта қисмини ўз ичига оладиган геологик эра ва шу эрада вужудга келган төр жинслари. 2 млрд. йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олади. Иккита даврга — юқори ва қуйи. П. га булинади. Т. төр жинслари орасида темир, мис, марганец мъяданлари, фосфорит, графит, нодир металлар учрайди.

Психрометр (юонча *психрос* — сувук, *метрео* — ўлчайман) — ҳаво намлиги ўлчанадиган асбоб. Иккита термометрдан иборат: бири қуруқ, иккинчисининг символи учига мато ўраб сувли идишга тиқиб қўйилади. Ҳўл термометр ҳароратни пастроқ кўрсатади. Ана шу термометрлар кўрсаткичидаги фарқ асосида ҳаво намлиги маҳсус жадвалдан аниқланади.

Пушта — 1) Иккита сугориш ариғи оралиғидаги кўтарма ер. Тоҷикистонда дўнг-тепа маъносида ҳам қўлланилади; 2) Венгриядаги қумли, қумлоқ тупроқларда ғалла гулли ўтлар, чалов ўсадиган дашт ерлар. Тупроқлари унумдор.

Пултир — дарёнинг тармоқларга булинадиган қисми.

Пұртана — денгизда рўй берадиган кучли (ҳалокатли доувул), кучли гирдош шамоли. Әмғирли қора тўп булут остида пайдо бўлади. Бунда гирдош шамоли ҳавонигина эмас, денгиз сувини ҳам кўтариб кетади. Пұртанадаги шамол тезлиги секундига 100 м дан ошиши мумкин.

Р

Радиозондлар — об-жавони кузатиш асбобларини атмосфера гага кутариш учун фойдаланиладиган ҳаво шарлари. Шар резинадан ишланиб, енгил газлар билан тұлдырылади. Үнга үрнастилган асбоблар радиоузатиш асбобига уланған булиб, ердеги қабул қылувчи станцияларға ҳавонинг босими, ҳарорати, намалғы ба бошқа хусусиятлары ҳақида маълумот юбориб туради. Р. 30—35 км баландликкача күтарилади.

Рангдор металлургия — темирдан бошқа металлар маъданларини қазиб чиқариш, бойниш ва металлар эритиб олиш. Рангдор металлар тұрт гурухга бүлинади: 1) оғир металлар — мис, никель, құроғыш, қалай, кобальт, маргимуш, симоб ва б.; 2) енгил металлар — алюминий, магний, титан, натрий, бериллий, калий ва б.; 3) нодир металлар — вольфрам, молибден, радиоактив металлар ва б.; 4) асл металлар — олтин, күмуш, платина, осмий ва б. Рангдор металлар маъданлари таркибида металлар жуда кам бұлади. Мас., мис маъданы таркибида 1% мис бұлса, қазиб олиниади. Нодир ва асл металлар жуда кам бұлади. Мас. I т руда таркибида бир исечи грамм металл бұлса қазиб олиниади. Рангли металларнинг бир неча тури бирға үйрайди. Улар полиметаллар дейилади (қаранг).

Рег — Үрта Осиёда құм, құмлек, құмли жой. Үрта Осиёдаги шаҳарларда қадимда жамоат тұпланадиган марказий майдонларға қуруқ бұлсın деб ерга құм солиб құйылған. Бундай жойлар регистон, яғни құмли жой деб аталған. Саҳрон Ка-

бирда тошлоқ (шағалли) құллар рес деб аталади.

Регион — (латинча *regio* — мамлакат, вилоят, ҳудуд) — үзінгә хос йирик ҳудуд, майдон. Табиный жүгрофий районлаштиришда қар қандай йирик таксономик бирлик. Үзбек тилида ҳудуд атамаси билан ифодалаш мүмкін.

Регистон — құмли жой, құмли ер. Қаранг. Рес. Жой номи сифатида ҳам құлланилади. Үрта Осиёнинг күп йирик шаҳарларыда қадимда марказий майдонға құм тұшалиб, майдон регистон деб аталған. Мас., Сармарқанддагы Регистон.

Резерват — (латинча *резерво* — сақлайман) — құриқхона еңи заказник тартиби жорій қилингандың ҳудуд. Р. да ҳайвон еки үсімліккларнинг бирор түрі ёхуд биологик комплекси мұхофаза қилинади. Буюк Британия, Ганзания ба бошқа жойларда бор.

Резервация — айрим мамлекатларда келгінди мұстамлака-чи халқлар томонидан туб жой ақолиси мажбуран ҳайдаб чиқарыладын жойлар. Мас., Австралияда аборигенлар, ЖАЖДА африкалық қора халқлар учун алохыда ажратылған жойлар.

Рекреация — (латинча *рекреатio* — тикалаш, ҳордик) — кишиларнинг мәжнэтадан чарчоини қолдариш, күч-құватинни тикалаш, ҳордик чиқариш. Рекреация шароити ҳордик чиқаришга хизмат қылувчи шарт-шароитлар: дам олиш үйлари, боғлар, истироҳат жойлары ва ҳ. к.

Рекультивация — (латинча *ре* — қайта, янгидан ва *культура* — етишириш) — ақолининг түрли хұжалик фаолияти — конларни очиқ усулда қазиб чиқарыш, қурилишлар, нотүрги хұ-

жалик юритиш оқибатида бузилған ерларни тұзатыб, обод этиб турли маңсаздарда фойдаланыш.

Реликілар — (латинча *relictum* — олдингідан қолған, қолдик) — табиатта илгаридан қолған табиат объектлари, элементлари. Мас., реликт үсімлік — олдинги даврдан сақланып қолған үсімлік, реликт ҳайвон үтгандың даврдан сақланып қолған ҳайвоң. Реликт күл — илгариғи деңгиз үриңде қолған күл. Реликт ландшафт — илгаридан қолған ландшафт ва ҳ. к.

Рельеф — (французча «рельеф» — күтәраман) — ер өзаси шакллар: тоғлар, текисциклар, пасттекисциклар, адирлар, ясси тоғлар, тепаликлар, қырлар, водийлар, ботиқлар, сойликлар, жарлар ва бошқалар мажмұи. Рельеф иккى хил күч — ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) күчларнинг биргаликда ҳамда мунтазам үзаро таъсири натижасыда вужуда келади.

Республика, жумхурият (латинча *рес* ва *публика* — жамоат, умумхалқ иши) — давлат түзүлиши шакли. Бу түзүмдә олий жоқимият мұайян муддатта сайланадыган органлар құлуда булади. Бу органларга вакиллар бүтүн халқ томонидан сайланады. Узбекистонда ҳам давлат түзүмі республикан иборат.

Реэкспорт — илгари бошқа давлатлардан мамлакатта келтирилған молларни четға чиқарыш.

Реэмиграция — илгари мамлакатдан кетіб қолған кишилар — эмигрантларнинг ўз мамлакатларига қайтиб келиши. Қайтиб келған кишилар реэмигрантлар дейилади.

Ритмиклик, даврийлик — табиий ҳодиса ва жараёнларнинг мұайян вакт давомида тақрорлана-

ланиб туриши. Даврийлик циклли ва вактли булади. Ҳодиса ва жараёнларнинг табиатда мұайян тартибда тақрорланиб туриши цикллик дейилади. Мас., Қүёш фоағллиги билан bogliq ҳодисалар — Қүёшда дәғларнинг күпа-йиб-озаңыб туриши, Қүёш чақнашлари, ундаги портлашлар, у билан bogliq ҳолда Ерда rүй берадыған ҳодисалар (магнит буронлары, құтб шафақлари) ва ҳ. к. Ваттың даврийлик ҳодиса ва жараёнларнинг мұайян вакт давомида тақрорланиб туришидир. Мас., күн билан түннинг алмашиниши билан bogliq жараёнлар, фаслларнинг алмашиниши, иқлимині төбәранишлар.

Рифлар — сув ости оқақтош қоялары. Маржон үюмлари, оқақлы сувутлар қолдиқларидан ҳосын булади. Р. факат илиқ тропик деңгизларда тарқалади. Р. түрли хил — түсік рифлар, қирғоқ Р.лари, ҳалқасимон. Р. (атолар) булади. Энг катта риф Австралияның шарқтік қирғоғы бүйлаб чүзилған Катта Түсік рифи 2000 км масофага боради.

Рош — экшиларни жүйксиз сүгорғанда полларни бир-биридан ажратып учун ясалған марза, күтәрма. Бухоро области Фиждуон, Шофиркон, Вобкент туманларида күп құлланилади. Рош беллик, чөл деб ҳам аталағы.

Руд — сув, дарё, ариқ, канал. Құпинча сувнинг номига құшиб (Сирдарё, Хонариқ каби, ишләтилади. Мас., Шохруд, Ҳарируд ва ҳ. к.

Руда, маъдан — таркибда саноатда фойдаланиш учун етарли миқдорда металлар ёки уларнинг бирикмалар мавжуд бўлган тог жинслари. Баъзан таркибда металлмас фойдалы қазилмалар бўйган тог жинслари

Р. дейилади. Мас., апатит, бест рудалари. Темир, мис, по-

лиметалл рудалари (маъданла-
ри) энг кўп тарқалган.

C

Саванна (испанча *сабана*) — ҳир ер-ҳар ерда якка ҳолда ёки түп-тўп дараҳтлар усадиган қу-
гуқ тропик ўт ўсимликлари. Ўт-
орасида бўйи 1—3 м га ета-
ниган ғаллагулди қурғоқчил
ўсимликлар кўп. Дараҳтлар ва
угалар соябонсимон кўринишга
а. Жан. Осиё, Жан. Америка,
Фрика ва Австралияда кенг
арқалган.

Саванна зоналари — асосан
убекваториал, камроқ тропик
субтропик миңтақаларда жой-
ашган табият зоналари. Иқли-
мавсумий сернам, Қурғоқчил
на ёмғири мавсумлари аниқ
жаралиб туради. Ёмғири давр
кватор томонга узайти бориб
—9 ойгача етди. Ёғин миқдори
50 мм дан 2000 мм гача. Дарё-
ларда сув фаслларга қараб кес-
кия ўзгаради. Усимликлар қур-
ғоқчил бута ва ўт ўсимликлар-
чан (қуруқ ерларда) бўлиқ ўтли
Саванна ўрмонларигача (сернам
жойларда) ўзгаради.

Тупроқлари қизил-қўнгир
тупроқлардан қизил тупроқлар-
га. Фил, жирафа, антилопа,
зебра, бегемот, арслон, қушлар
ва б. бор. Кўп ерлар экинзорга
жантирилган. Африка, Осиё,
Жан. Америка, Австралияда жой-
ашган.

Савдо баланси — мамлакат-
га бир йил давомида келтирил-
ган товарлар қиймати билан ун-
дай четга чиқарилган товарлар
намати ишбати. Савдо баланси
мусбат ва манфий бўлиши мум-
кин. Агар келтирилган моллар
намати ортиқ бўлса, манфий,
хак бўлса мусбат баланс бў-
лан.

Савр (арабча *савр* — сигир) —

1) зодиак зонасидаги юлдузлар
туркми; 2) Қўёш ҳисобидаги
йилнинг иккинчи ойи. 21 апрел-
дан 21 майгача давом этади. Бу
вақтда Қўёш осмон сферасида
шу юлдузлар туркумидан ута-
ди. С. ой серёғири, момақалди-
роқли ой. Тоф этакларида, қир-
ларда лола очилиди. Узбекистонда
дэхқончилик ишлари энг қизиган
ойлардан бири.

Саёзлик — денгиз ва океан-
лар тагининг чўқурлиги 200 м
гача бўлган қисмлари, материк-
ларнинг сув остидаги давоми. С.
тўлқинларга ва сувда яшовчи
ҳайвон ҳамда ўсимликларга
таъсир кўрсатади. Қўёш нури
сув остига этиб борганилигидан
сув ўтлар кўп, бинобарин сувда
кислород сероб бўлиб, денгиз
жониворлари ва балиқлар учун
шароит қўлай бўлади.

Сайёralар — Қўёш система-
сига кирувчи йирик осмон жисм-
лари. Қўёш атрофида бироз
эллипс шаклидаги орбита бўй-
лаб айланади. Қўёш нурининг
акс этишидан ёруғ бўлиб кўри-
нади. С. 9 та, улар Қўёшдан
бошлаб кўйидаги тартибида жой-
лашган: Ўторид, Зуҳра, Ер, Мир-
риҳ, Муштарӣ, Зуҳал, Уран, Нептун, Плутон.

Сайроб — тоғларнинг ҳаво
ҳаракатига таъсирида ёмғир кўп
тушадиган, серсув жой, водий
боши.

Сайхон — атрофи очик, те-
кис кенг яланглик ер.

Сакрама — дарёнинг тор тез-
оқар қисми, остонатош, шало-
ла. Дарё ўзани қаттиқ тоф жинс-
ларини кесиб ўтган жойларда
ҳосил бўлади.

Самум — (арабча *самум* —

иссиқ шамол) — Арабистон ва Шим. Африкадаги чүлларда эсадиган қуруқ ва иссиқ шамол. Ўқтин-ўқтин кучайиб, қум, чангни кутаради. С. эсгандада ҳарорат 50° гача кутарилади.

Сана ўзгарадиган чизик — Ер юзасида асосан 180° ли меридан орқали ўтказилган шартли чизик. Бу чизикдан гарбдан шарққа ўтилса, эртасига ҳам уша сана (кун) ҳисобланған беради. Агар шарқдан гарбга ўтилса, бир кун ташлаб ҳисобланади. Мас., 25 март куни гарбдан шарққа ўтилса, демак эртаси куни 26 март эмас, 25 март деңиля беради. Агар шарқдан гарбга ўтилса, 26 март ташлаб юбогириб 27 март деб ҳисобланади.

Сангборон — төг ёнбағридан тошларнинг күчиб, юмалаб тушиш ҳодисаси Усимлик билан қопланмаган қуруқ тошлоқ ёнбағирларда күп бұлады. Тошбүррон шаклида ҳам құлланылади. С. одатта қурум түппланған ёнбағирларда зилзила вақтида, қаттық шамол бұлғанда ёки бошқа сабаб натижасида тошлар құзғалғанда рүй беради.

Сангзор — тошкүп, тошлоқ жой. Дарёлар ўзанида күп учрайди.

Сангир — тоғларда тик кесилиб тушған жарлик, дарёнинг қулаш натижасида қосыл бұлған тик қырғози.

Саноатни комбинатластириш — ишлаб чиқариш ва ҳудий жиҳатдан ўзаро бир-бираға боғлиқ бұлған саноат корхоналарини бир бошқарув остида бирлаштириш. Мас., темир маъданини бойитиш, ундан домна пеçларидә чұян әритиш, чұяндан пұлат қүйиш ва прокатлар ишлаб чиқариш металургия комбинатларига бирлаштириләди. Яна мисол, пахта толасидан ип пигириш, ундан хом газлама тү-

қиши, уни охорлаш, гул босиб, түрли газламалар ишлаб чиқарувчи корхоналар түкимачилик комбинатига бирлаштириләди.

Сапропель (юнонча *sapros* — сасиган ва *pelos* — гил, лой) — турғун сув ҳавзалари (күл, күрғаз) тагида үсімлік ва жони-ворлар қолдиқларининг чиришидан қосыл бўладиган лойқа, гил. Тибиётда балчик билан даволашда, ёнилғи, ўғит сифатида ишлатилади.

Саратон — 1) — Зодиак зонасидаги юлдузлар түркүми; 2) Қүёш йили ҳисобида түртинги ой, 22 июндан 22 июлгача 31 кун давом этади. Шу йода Қүёш осмон сферасида Саратон юлдузлар түркүмидан ўтади; 3) ёз фаслининг энг иссиқ давари. «Саратон олови», «Саратоннинг сариқ куни» иборалари бор.

Саратон олови — ёз фаслининг ўрта қисмидаги энг иссиқ кунларни англатиш учун құлланадиган ибора. Қүёш осмон сферасида Саратон юлдузлар түркүмидан ўтадиган давр кунлари.

Сардоба — Чүлларда (айниқса тақириларда) ер устидаги сувлар түппланадиган сув омбори. Күпинча сув кам бүгланиши учун устиғишин гумбазсимвон ёпилған, баъзиларининг сув ерга шимилиб кетмасын деб, остига ҳам ғильтін ётқизилған бұлади. Айрим сардобаларда сув йил бўйи сақланади. Ҳовузли ертўлалар ҳам сардоба дейилади. Ўрта Осиёда хусусан Жанубий Ўзбекистонда ва Шарқий Туркманистонда күп учрайди. Сардоба ҳовузининг чуқурлуги 10—15 м, диаметри 12—16 м, деворининг қалинлiği 1—1,5 м бўлған. Сардоба гумбазига уч томондан шамоллатиш дарчаси ва тепасига битта мўри ишланған. Булар сувнинг бузилмай сақла-

нишига имкон берган. Сардоба ичи салқин бўлғанлигидан дарча эшикларидан кирган иссиқ ҳаводаги сув буғлари томчиларга айланаб, ҳовуз сувини қўшимча тўйинтириб турган.

Сарин шамол — салқин шамол.

Сарисув — тоғолди лёсса ва гилдан иборат қия текисликлардан оқувчи лойқа сувлар. Баъзи жойларда дарё номига айланаб кетган. Мас., Марказий Қозогистонда Сарисув дарёси.

Сари чашма — булок кўзи, булоқнинг сув чиқадиган жойи.

Сароб — атмосферада нурнинг нотўғри синиб акс этиши (рефракцияси) ҳодисаси. С. да кўриниш (манзара) ва предметлар ўз ҳолича ҳам, тескари ҳам кўриниши мумкин. С. атмосферада ҳароратнинг юқорига қараб ўзгаришининг тўғри ҳолати жуда барқарор ёки ниҳоятда беқарор бўлганда рўй беради. С. да предметлар ўз ҳақиқий жойидан юқорида ҳам, пастда ҳам, ён томонда ҳам кўриниши мумкин. С. чўлларда ҳаво жуда кизиб кетганда тинч об-ҳавода кўпроқ содир бўлади.

Сарған ер — қамиш сарғаниб қуриб қолган ер.

Саҳро — 1) Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида, хусуса қараб ва эроний тилларда чўл маъносида ишлатиладиган атама. Жой номлари таркибида ҳам қўулланилади. Мас., Саҳрои Қабир; 2) Узбек тилида, хусусан, бадиий адабиётда чўл сўзининг синоними сифатида ишлатилади; 3) Арктика ва Антарктикандаги совуқ, қор ва муз қоплаган ерлар.

Сейсмик минтақа — Ер қимирлаш марказлари жойлашган ва зилзилалар бўлиб турадиган минтақа. Ҳозирги замон тектоник ҳаракатлари, тоғлар ҳосил бўли-

ши рўй берадиган, чуқур океан ботиқлари пайдо булаётган жойларни ўз ичига оладиган узун чўзилиб кетган ҳудудлар киради. Иккита катта С. м. мавжуд. Ёвропа-Оснё (Альп-Ҳимолай) ва Тинч океан ҳалқаси.

Сейсмик шкала — Ер қимирлаш вақтида Ер юзасида зилзиле тўлқинлари кучини аниқлаш мезони. С. ш. иншоотларининг бузилиш даражасига, ер юзасидаги ўзгаришларга асоснади. Мамлакатимизда 12 балли шкала қабул қилинган.

Сейсмограф — (юнонча «сейсмос») — ер қимирлаш, «графо» ёзман) — зилзила бўлганда ёки портлатишлар вақтида Ер пустидаги рўй берадиган тебранишларни қайд қиласидиган асбоб.

Сейсмология (юнонча — *сейсмос*) — ер қимирлаш, *λογος* — фан) — ер қимирлаш ва у билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи фан. Зилзилалар сабабларини, уларнинг тектоник жараёнлар билан алоқаларини, олдиндан айтиб бериш имконларини, Ер юзасида тарқалиш жўкрофиясини, ер қимирлаш оқибатларига қарши кураш йўлларини ўрганади.

Сел — тоғ водийлари, сойлар ва жарлардан қисқа вақт ичидаги жуда катта тезлик билан оқиб келувчи лойқа, тош араплаш сув оқими. Сел ҳодисаси қаттиқ жала қўйинши, тоғлардаги қорнинг жуда тез эриши, ёнбағирнинг қиялиги ва унда нуроқ жинсларнинг кўп йиғилиб қолиши натижасида вужудга келади. Одатда сел оқимлари қурғоқчил иклимли, ўсимлиги кам ёнбағирларда кучли бўлади. Сел ҳодисаси Урта Осиёда Фарона, Қашқадарё, Сурхондарё водийларида, Копетдогда, Тяншанинг гарбий ва шимолий тизмалари водийларида, Кавказда, Гарбий Ёвропа, АҚШ, Жанубий Американинг тоғли районларида,

Японияда күп кузатилади. Хұжаликқа катта заар көлтиради. Селга қарши курашиб учун селтүсар түғонлар қурилади, тоғ ёнбағирларидан ишота ўрмонлари бүнёд этилади.

Селдарда — тоғларда, тоғ олди қырларидан сел ҳосил бүладиган, сел келадиган дара, сой. Одатда сел ҳосил бүладиган сой унча узун бүлмайды ва күллари — ирмоқлары күп ҳамда калта бүлади. Лекин баш сой — селдарда тоғдан чиқишида тор үзанли бүлиб, кенг водийға, текисликка чиққанда ёйилма конус ҳосил қиласы.

Сельваслар — (латинча *силва* — ўрмон) — Амазонка ҳавазасидаги вақт-вақты билан сув босиб туралған нам тропик ўрмонлар.

Сиёсий-жүргөфий ўрин — мамлакатлар ва уларнинг айрим қисмларининг иттилоқдош, дүст ёки рақиб мамлакатларга нисбатан жойлашган ўрни. Ҳалқ хұжалигини ривожлантириша таъсир күрсатади.

Серир (арабча) — Саҳрои Қабирдаги тошлок-шагаллар чүллар. Ясси текисликларда жойлашган бүлади. Өқар сувлар көлтирган гил, құм ва шағал ётқизілдерини шамол түзитишидан ҳосил бүлади.

Сизот сув — ернинг ғовак юза қатламидағи ва тупроқдаги бүшлиқларни тұлдирған сув. С. с. сувли қатлам ер юзида еттан жойларда бүлади. Сувли қатламустини сув ўтқазмайдыған қатлам қолламайды. С. с. сатхан бевосита ер усти сувлары ва ёғын сувлары билан тулаш бүлтеги сабаблы фаслларға қараб үзгәриб туради. Батьзан ботқокликларни ҳосил қиласы.

Силжиш — тоғ жинсларининг тектоник әриқ бүйлаб, бир-бириңа нисбатан горизонтал силжиши. Қаранг, *Силжиқ*.

Силжиқ — тоғ жинсларининг

тектоник әриқлар бүйлаб горизонтал силжиган палахсалари. Катта силжихлар өзлаб, ҳатто минглаб ки га чүзилади, узоқ давр мобайнида рүй беради.

Силикат саноати — үтга чидамли материаллар, керамика (ришт, сопол, құвурлар, сопол идишлар, черепица), цемент, оқак, ойна ишлаб чиқарадын саноаттармоқлары.

Сингма сув — ер юзасидан чукурга сингиб кетадыған сув. Ер пүстининг платформаларыда салғина ботиқ қисми. Эні бир неча юз км га стади. Шакли күпинча нотүғри юмалоқ бүлади. С. ботиғини чүқинде жинслар тұлдиріб, ер юзаси яссоғ ёки салғина ботиқ текисликка айланған бүлиши мүмкін. Мас. Іивия С. си Москва С. си вәх. к.

Синклинал (юончы *синклино* — эгиламан) — тоғ жинслари қатламларининг қабариқ томони постаға қараган бурмаси. С. антиклинал билан ёнма-ён жойлашған бүлади.

Синоптик харitalар (юончы *синоптикос* — ҳамма нарсаны бирдан күрадыған) — об-ҳаво хариталари — бирор худуддагы ёки бутун ер-юздеги об-ҳавонинг маълум вактдаги ҳолати шартлы белгилар ва рақамлар билан тасвирланған хариталар. С. х. асосида об-ҳаво олдиндан айтиб берилади.

Синтетик маҳсулотлар — муреккеб кимбейів реациялар өрдеміда олинадыған сунъий маҳсулотлар. Ҳозирги вақтда дори-домонлар, хилма-хил бүеклар, заҳарлы моддалар, суюқ ёқилғи, сунъий

каучук сунъий толалар, сунъий чарм ва бошқалар олинмоқда. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари—сарифмой, сут, крахмал, оқсил ва к. олиш устида ишланмоқда.

Сирокко (арабча шарқ сузидан)—Урта денгиз ҳавзасида циклонларнинг олд қисмида жануб ва унга яқин томонлардан эсадиган иссиқ шамол. Урта денгиз ҳавзасининг гарбда бироз нам, шарқий қисмида қуруқ ҳаво келтиради. Баъзан чанг-тӯзонли бўлади.

Сирт — 1) Тяншан тоғларида 3000—4000 м баландликда жойлашган усти текис, салгина тўлқинсимон ерлар, текисланган юзалар. С. лар тоғларнинг мезозой эрасида пасайган ва текисланган ҳамда кейинчалик қайта кутарилган қолдиқларири. Ландшафти баланд тоғ ўтлоқларидан иборат. Иқлими салқин. Ёзи утлоқлар сифатида фойдаланилади. 2) Волга дарёси билан Урал тоғлари оралиғида жойлашган ер юзаси салгина парчаланган кенг сувайирғич ерлар. Мас., Ялпи сирт.

Сигалон — тоғлarda тик ён бағирларнинг урта ва қўйи қисмида тўпланган силликланмаган парча тошлар. Туб тоғ жинсларнинг юраши ва нуроқ жинсларнинг юқоридан қулаб тушиши натижасида ҳосил бўлади.

С. даги жинсларнинг катта-кичиклиги уларнинг таркиби, иқлим шароитига боғлиқ. Сланец, гранит С. лар майдо тошли, оҳактош С. лар йирик тошлидир. Қуруқ ва совуқ иқлимда йирик тошли, сернам иқлімда майдо тошли бўлади.

Сланец—таркиби турли хил, зарралари жуда майдо бўлган қат-қат ёки китоб варақалари каби жуда юпқа пластинкалардан иборат метаморфик тоғ жинслари. Метаморфикалиши даражасига қараб, кучли метаморфикалишган

кристалли (слюдали) ва заиф мегматиклашган (гилли, кўмирли, карбонатли ва б.) бўлади. Жанубий Нурота, Ҳисор тоғларида кенг тарқалган.

Слюдалар — урганда силлиқ, жуда юпқа қаватларга ажраладиган минераллар. Электр ўтказмаслик, утга чидамлик хусусиятига эга бўлганидан электр техникини саноатидан изолятор сифатида ишлатилади. Йирик конлари Урал, Шарқий Сибирь, Карелия, Украина, Ҳиндистон, АҚШ, Канадада бор.

Соат минтақалари. Ер юзасида меридианлар бўйлаб чўзилган ҳар бири 15° ли 24 та минтақа. Ҳар бир минтақа ёнидаги минтақадан I соат фарқ қиласди. С. м. Лондон яқинидаги Гринвич расадхонаси меридианидан бошлаб, шарққа томон давом этади. Мас., Тошкент 5 —С. м. да жойлашган.

Совуқлик қутблари — Ер юзасида ҳаво ҳарорати энг паст бўлган жойлар. Ер юзидаги энг паст ҳарорат Антарктиданинг шарқий қисмида, «Восток» станциясида қайд қилинган — $88,3^{\circ}$ Шимолий яримшарда эса Верхоянск ва Оймяконда — 70° кузатилган. Бу ерда январнинг ўртача ҳарорати — $50,5^{\circ}$.

Совуқ оқимлар — юқори жуғрофий кенгликлардан қўйи жуғрофий кенгликларга қараб оқадиган оқимлар. Совуқ оқимлар доимий шамоллар таъсирида пайдо бўлади. Совуқ оқимлар сув ҳарорати теварак атрофдаги сувлар ҳароратидан анча паст (совуқ) бўлади. Совуқ оқимлар харита-ларда кўк стрелкалар билан кўрсатилади. Лабрадор, Калифорния, Сомали, Бенгала, Перу оқимлари совуқ оқимларидир.

Соз тупроқ—заррачалари жуда майдо тоғ жинси (гил), берч-ёпишқоқ тупроқ. Лёсс тоғ жинси ҳам с. т. деб юритилади.

Сой — водий, ирмоқ, сойлик, эски ўзан, ясси жар, С. да сув оқими бўлиши ҳам, қуруқ бўлиши ҳам мумкин.

Сойлик 1) текисликлар, тоболди қия текисликлари, қир ва адирларда кенг, саёс, бир томонга чўзилган пастлик ер. Юзалама эрозия ва тўлқинсимон кучсиз бурмаланиш натижасида вужудга келади; 2) ер пустининг турли хил йўллар билан ҳосил бўлган ботиқ қисмлари. Қаранг. *Товоқсој*.

Соляр иқлим (латинча *солярис*—Қүёшли) — жойнинг жўғрофий кеңглиги ва Қүёшининг уфқдан баландлигининг ўзгаришининг назарда тутиб, назарий ҳисоблаб чиқариладиган иқлим. Бунда иқлим ҳосил қилувчи бошқа омиллар: Қуёш нурининг атмосферадан қайтиши, ҳаво қатламида тарқалиши, ер юзасининг хусусияти, рельеф, оқимлар ва к. лар ҳисобга олинмайди. Шу сабабли С. и. ҳақиқий иқлимдан фарқ қиласди.

Сонли масштаб — Қаранг. *Масштаб*.

Сопка — Узоқ Шарқда ва Бойқол орқасида алоҳида турган дўнг, тепалик ва тоғлар шундай атама билан юритилади. Камчатка ва Қурил орроларида вулканлар (Ключи сопкаси, Авача сопкаси), Кавказ ва Кримда балчик вулкан тоғлари С. дейилади.

Сочилмалар — тоб жинслари ning нураши натижасида ҳосил бўлган ва таркибида қимматли минераллар ҳамда металлар (олтин, олмос ва б.) бўлган ғовак нуроқ жинслар тўплами. Нуроқ тоб жинслари туб жинслар жойлашган ерда қолиши ҳам, оқар сувлар бошқа жойларга олиб бориб ташлаган бўлиши ҳам мумкин.

Соҳил (арабча)—қуруқликнинг денгиз, кўл ва дарё қирғоги бўйлаб чўзилган ҳамда уларга ни-

шаб бўлган қисми. С. да қирроқларга хос бўлган ҳозирги замон ва қадимги рельеф шакллари—тирасалар, эски ўзанлар бўлади.

Спонсор (хомий) — биронта тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи, хомий. Спонсор одатда пулдор, обрўли шахс ёки ташкилот, корхона, идора бўлиши мумкин. Спонсорлик қилишдан мақсад ўз ишини ёки товарни реклама қилиб, обрў-эътибор ортириб ўз мавқенини мустаҳкамлаш.

Сталагмитлар (юнонча *сталағміт*—томчи) — горларнинг тагида пастдан кўтарилиб турдиган устун, сумалак шаклидаги минерал (кальций) ҳосилалар. С. кальций карбонат тўйинган сувнинг гор тепасидан томиб тушиб, бурланиб кетиши ва кальций карбонатнинг чўкиб, кристаллашиб қолишидан вужудга келади.

Сталактитлар (юнонча *сталақтіс* — томчидан қотган, сумалак) — горларнинг шипи ва деворларида қотган сумалак, найча, попук шаклларидағи минерал ҳосилалар. Кальций ва карбонат ангидридига тўйинган сувнинг гор шипи ва деворларидан сизиб чиқиб, бурланиб кетишидан кристаллашиб қолган кальций карбонатдан ҳосил бўлади.

Статус, статут (латинча *статуо* — қарор қиласман) — муайян ҳудуд ёки ҳалқаро ташкилот идора органларининг ташкилий тартиби ва фаолиятини белгилаб берадиган низом, қоиди.

Стратосфера (латинча *стратум* — қатлам, *сфера* — курра, шар) — атмосферанинг тропосфера билан мезосфера оралигида Ер юзидан 8—16 км дае 45—55 км баландликкача бўлган қатлами. Стратосферада баландлик ошган сари ҳарорат кам ўзгариди, 25 км дан юқорида

күтарила боради. Ҳавонинг газ таркиби тропосферадаги каби. Лекин сув буғи камаяди, озон миқдори ошади. Булут деярлийўқ. Шамол тезлиги катта, секундига 800—1000 м га этади.

Субальп ўтлоқлари — мұтадил ва субтропик мінтақаларда тоғларнинг ийл бүйін деярли бир текисда ёғин тушадыган, салқын, асосан ўт ўсимликлар үсадыган мінтақасы. Үрмөн мінтақасыдан юқорида, алғы мінтақасыдан пастда жойлашган. Үзбекистонда 2400 м дан юқорида учрайди. Қингир-қийшиқ дараҳт ва буталар, ғалла гулли ўтлар үсады. Езги яйловлар сиғатида фойдаланилади.

Субантартика мінтақасы — жан. яримшардаги жүгрофий мінтақа. Жанубий кенттилкіннинг 58°—60° ва 65°—67° оралығыда жойлашган. Асосан океанларга түри келеди. Иқлыми соvuқ, ҳавонинг ўртача ҳарорати қышда —5° дан —15° гача, ёзда 0°—2°, шамолли, туманлы күнлар күп. Ёғин миқдори 500 мм атроди. Кишда сув юзаси ёппасына музлайды. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овлаиади.

Субарктика мінтақасы — Шамолий яримшардағы жүгрофий мінтақа. Жанубий чегараси 60°—65° шим. к. билан 67°—73° шим. к. орасыда жойлашган. Иқлими соvuқ, январнинг ўртача ҳарорати материкларда ва оролларда —5° дан —40° гача, июлники 5° дан 12° гача. Вегетация даври 70—110 күн, 300—500 мм ёғин ёгади. Замин музлаб ётади. Субарктика мінтақасыда тундра ва үрмөн тундра зоналари жойлашган. Океан сувида балиқ ва бошқа ҳайвонлар күп.

Субсидия (латинча *субсиdia* — нафақа, ёрдам) — давлат бюджети ҳисобидан корхона,

ташкілот ва чет давлатларга қурилишлар, корхоналар бүндейд этиш, хұжаликни ривожлантириш, жиһозлар сотиб олиш учун бериладын маблаг.

Субтропик мінтақалар, субтропиклар — Ернинг ҳар иккала яримшардаги жүгрофий мінтақалар, 30 ва 40° көнгілкілар орасыда жойлашган. Вегетация ийл бүйін давом этади, соvuқ ойнинг ўртача ҳарорати 0° дан юқори. Ез билан қишининг ҳаво ҳарорати катта фарқ қиласы. Езда тропик, қишида мұтадил ҳаво ҳұмрон. Денгиздан қуруқлик ичига кириб борған сары ёғин миқдори камайиб, иқлім континентталашиб боради. Нам ва қуруқ субтропиклар бўлади. Нам субтропиклар — Кавказнинг Қора деңгиз соҳилида ва Ленкоран пасттекислигінде мавжуд. Тупроғи қызил тупроқ, хилмашыл үсимликлар үсады. Қуруқ субтропикларға Құрменинг Жанубий соҳили, Шарқий Кавказ орқаси, Үрта Осиё чўлларининг жанубий чеккалари киради.

Сув — водород билан кислороднинг бирикішінан ҳосил булуучи сув, ранғынан минерал. Қалинлігі 2 м дан ошса, ҳаворанг туsgа киради. Нормал босым шароитида 100° С да қайнайды, 4° да энг зич бўлиб, 1 см³ сув 1 г. га тенглашади. Табиатда уч хил қўринишда — муз, суюқ сув, буғ ҳолатда учрайди. Қўпчилик минерал ва тоғжинсларидан бирикма ҳолда бўлади. Табиатдаги сув таркибидан турли тузлар, газлар, органик моддалар эриган ҳолда учрайди. Агар 1 кг сувда 1 г гача эриган туз бўлса, чучук сув, 25 г дан ортиқ туз бўлса, шўр сув, 25 г дан ортиқ туз бўлса, намакоб дейилади. Сув сўзи жүгрофий номлар ясалishiда иштирок этади. Мас.,

Қизилсув, Оқсув, Кўксув, Қашқасув, Қорасув.

Сув айланиши — Сайёрамизда сувнинг тўхтовсиз айланиб юриши ҳодисаси. С.а. қўёш радиацияси (иссиқлиги) ҳамда гравитацион (оғирлик) куч таъсирида рўй беради. Қўёш иссиқлиги таъсирида ҳар йили Дунё океанидан 448 минг км^3 , қуруқлик юзасидан 71 минг км^3 сув буғланади. Сув буғларининг бир қисми океанларнинг ўзига ёғин бўлиб қайтиб тушади, қолгани қуруқликка келиб ёфади. Қуруқликка тушган ёғин сувнинг бир қисми ерга сингади, бир қисми дарёларга тўшиб, денгизларга оқиб кетади ва бир қисми яна буғланади. Лекин оқибат натижада ҳамма сув океана яна қайтиб келади. Сувнинг океанлардан буғланиб, қуруқликка ёғиб яна океана қайтиб келиши сувнинг катта айланиши, океанлардан буғланиб, яна океанларга ёғиши ёки қуруқликдан буғланиби, яна қуруқликка ёғиши кичик айланиши ёки маҳаллий айланиши дейилади.

Сувайирғич, жүн — ёғин сувларини дарёлар ёки икки денгиз, океан ҳавzasига ажратиб (бўлиб) турган чегара. С. тоғли ўлкаларда тизмаларнинг қирраларидан ўтади. Текисликларда эса С. ясси ерлардан, ботқоқлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай жойларда С. ни чизиқ тарзида кўрсатиш мумкин эмас.

Сув боши — дарё, канал, ариқлар бошланадиган жой, манба. С. б. булоқлар, тоғлардаги қор ва музлардан бошланувчи жилгалар, кўллар, бошка дарё ва ҳ.к. лар бўлиши мумкин.

Сув бўйи — дарё, кўл, канал, ариқ, денгизлар қирғоги буйлаб чўзилган камбар ер, соҳил.

Сувәрен давлат (французча *суверените*) — мустақил, ис-

тиқлол) — сиёсий жиҳатдан мустақил, бошқа давлатларга қарар бўлмаган давлат, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрдан мустақил деб эълон қилинди.

Сув йигиладиган ҳавза — бирор дарё, кўл ёки денгизга ер усти ва ер ости сувлари оқиб келадиган ер, майдон. С. й. сувайирғич билан чегараланган бўлади.

Сув кўтарилиши ва қайтиши — Ой билан Қўёш таъсирида дengiz суви сатҳининг даврий равиша (суткасига икки марта) кўтарилиб ва пасайб туриши. С. к. в. қ. дengiz ва океанларнинг тор қўлтиқларида энг катта бўлади. Мас., Шимолий Американинг Фанди кўрфазида 18 м гача, Охота дengизидаги Шелехов кўрфазида 12 м гача кўтарилади. С. к. в. қ. қудуқларда ҳам кузатилади.

Сувли қатлам — Ер пустининг тог жинс парчалари орасидаги бўшлиқларда, ёриқларда оғирлик кучи ёки гидростатик босим таъсирида силжиб юрадиган сувлар мавжуд бўлган қатлам. С. қ. ер юзига чиққан жойларда булоқлар чиқади, бундай қатлам ер юзида бўлса ботқоқлик, вахоб, шўрхоклар вужудга келади.

Сувнинг шўрлиги — 1 литр сув таркибидаги туз миқдори. Денгиз ва океанларнинг тропик ва субтропик мintaқаларидаги қисмларидаги бошка жойлардагига қараганда с.ш. анча юқори бўлади. Мас., Қизил дengиз сувнинг шўрлиги 41 г. Шимолга борган сари сувнинг шўрлиги камайиб боради; Қора дengиз суви шўрлиги 17 г дан 22 г гача, Азов дengизини 10 г дан 12 г гача, Болтиқ дengизининг Фин кўрфазида 2 г дан 5 г гача. Дунё Океани сувнинг ўртача шўрлиги 35 г. С.ш. промилле

(%), яъни мингдан бир ҳисобида ўлчанади. Мас., 1 кг сувда 3 г туз бўлса, 3%, 35 г туз бўлса, 35% деб ёзилади.

Сув омбори — Қишилар тоҷонидан бирор мақсадин кўзлаб (сув чиқариш, ГЭС қуриш, сув оқимини тартибига солиш, микроклими ўзгартириш ва ҳ.к.) бунёд этилган сув ҳавзаси. Ўзбекистонда дарё оқимини тартибиға солиш, сув тўплаш, ГЭСлар қуриши мақсадида қурилади. М., Каттакўрон, Жанубий Сурхон, Тумбайин, Чорвоқ, Чимқурон, Андижон С.о. лари ва бошқалар бор. С.о. ларни яхшилаб ўйлаб, ҳисоблаб қурилмаса, улар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Сув ости тизмалари — океанлар ва баъзи бир денгизлар тагидаги узун чўзилган ва баланд лиги 4—5 км га етадиган кўтарилилар, тоғлар. С.о.т. лари узун чўзилган тектоник тизмалардан, бурмали-палаҳсали тоғлар, вулкан тизмаларидан, ёйсими оролларнинг бурмали-палаҳсали тизмалари ва вулканлардан ҳамда энг асосийси Е пўстининг ёриқларидан оқиб чиққан базальт лаваларидан ҳо сил бўлган океан ўрталиги тоғларидан иборат (бундай тоғларнинг умумий узунлиги 75—80 минг км га етади).

Сув сарфи — дарё, сой, канал, ариқ кўндаланг кесимидан муайян вақт давомида оқиб ўтган сув миқдори. Дарё, канал, жилга, анҳорлар С.с. секундига куб метр (m^3/s) ҳисобида, булоқ, кичик ариқ, кудуклар С.с. секундига лит (l/s) ҳисобида берилади.

Сув таъминотининг ёпиқ системаси — сув ишлаб чиқариш воситаси сифатида кўп ишлатиладиган корхоналарда ишлатиладиган сувни ташлаб юбормас-

дан тозалаб, қайта ишлаш системаси, Кимё metallurgия, машинасозлик, цеплюзоза корхоналаридан сув совитгич, иситгич, тозалагич сифатида ишлатилиб ифлосланади. Ифлосланган сув тозаланиб қайта-қайта ишлатилса, с.т.ё.с. ҳосил бўлади. Бу усул тоза сувни иктиносид қилишда катта аҳамиятга эга.

Сув ўтказадиган тоғ жинслари — сувни ўзидан осон ўтказадиган тоғ жинслари. Мас., кум, шағал, қумоқ.

Сув ўтказмайдиган тоғ жинслари — сувни ўзидан жуда секин ўтказадиган тоғ жинслари. Мас., гил, кристалли қаттиқ жинслар, эмирилмаган туб жинслар (гранит, диорит, мармар ва б.).

Сув ўтказмайдиган қатлам — сув сингмайдиган тоғ жинслар қатлами. Яхлит кристалл жинслар, жуда майда заррачали гил жинслар қатламлари.

Сув ўтказувчи қатлам — сувни сингдириб ўтказиб юбориладиган тоғ жинслари қатлами. Мас., шағал, қум, ёриқлари бўлган нураган туб жинслар. С.ў.қ.ларнинг сув ўтказиши қобилияти жинслар зарралари оралигидаги бўшлиқларнинг, ёриқларнинг катта-кичиклигига, қатламнинг нишаблигига боғлиқ.

Сув қайтиши — денгиз, ва дарёларда сув сатҳининг пасайиши. Денгизларда Ери Ой, Қўёш тортиши натижасида сув кўтарилишидан кейин сув сатҳи пасаяди. Бундай пасайиш тахминан ҳар 11,5 соатда тақрорланиб туради. Дарё ва кўлларда тошқин тўлин сувликдан кейин С.қ. рўй беради. Ўзбекистонда, баланд қорли тоғлардан бошланадиган дарёларда август ойи ўрталаридан, паст тоғлардан бошланадиган дарёларда июндан сув қайтиши кузатилади.

Сув қалқиши — Қаранг.
Сув күтарилиши ва қайтиши.

Сунбула (арабча; ўзбекча — бошоқ) 1) осмон сферасида зодиак минтақасидаги юлдузлар туркуми; 2) Шамсия (қуёш) йил ҳисобининг олтинчи ойи. 23 августдан 21 сентябргача 30 кун давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон гумбазида С. юлдузлар туркуми олдидан утади. Бу ойда сув тинидан, совиди. «Сунбула сувини ичган мева қишида яхши сақланади».

Сунбул ҳаво — салқин, бултули ҳаво.

Сунъий толалар — табиий органик полимерлардан олинадиган кимёвий толалар: вискоз толалари, мис-аммиак толалари, ацетат толалар, оқсили сунъий толалар. С. т. тұқымачылық ипласы, штапель толаси сифатида ишлатилади.

Синтетик толалар — синтетик полимерлардан олинадига кимёвий толалар. С. т. пишиқ, сувга ва кимёвий моддаларга чидамли, ейілмайдиган, эластик булади. Тұқымачылық саноатида, техникада ишлатилади.

Супатор — усти текис ёки салгина ўр-қир, ёнбағирлари кесилгандек тик тушган якка-якка тоғ, тепа қир. Устки қысмени горизонтал жойлашган чүкінді жинслар қатлами ёки лава қоплаган булади. С. супасимон ўл-каларнинг эрозия натижасида парчаланиши, текисланган юзаптарнинг тектоник ёриқлар билан айрим паляхсаларга булинishi натижасида вужудга келади.

Сурилма — тог жинсларининг оғирлик кучи таъсирида ёнбағир бўйлаб пастга тушиши. Кўпинча сувли ва сув ўтказмайдиган гилли қатламлар устмаси жойлашган, ёнбағир остини сув ювиб кетган, кесиб йўл ўт-

казилган жойларда рўй беради. С. лар тоғли ҳудудлар хўжалигига баъзан катта зарад етказади. Ёнбағирларни яланғочлаб, йўл ва иншоотларни кўмиб юборади. С. ларга қарши ёнбағирларга ўсимлик экиш, сувли қатламга тушадиган сув миқдорини камайтириш, сувни бошқа томонга буриб юбориш тадбирлари амала оширилади.

Суткалик амплитуда — ҳаво ҳароратининг сутка давомидағи энг катта қиймати билан энг кичик қиймати ўртасидаги фарқ. Суткалик амплитуда жойининг жўроғий кенглигига ҳамда абсолют баландлигига, йил фаслларига, жой рельефига, ҳавонинг намлигига ва булутлилукка боялиқ. Йўклими кескин континентал ўлкаларда С. а, катта бўлади.

Сутка — Ернинг уз ўқи атрофида бир марта тулиқ айланиб чиқиши учун кетган вақт, тахминан 24 соатга тенг. Календарь ўлчов бирлиги. Уч хил сутка қабул қилинган: юлдуз суткаси, Қуёш суткаси ва Ой суткаси.

Сугорув системаси — дарёлардан экин далаларига, бояларга сув чиқариш учун қурилган тӯғонлар, канал ва ариқлар, коризлар, қулфакли ҳовузлар. Ўзбекистонда сугорув системаси кўп минг йиллик тарихга эга.

Сунган вулканлар — отилгани тарихий даврда кузатилмаган вулканлар. Кўпинча вулкан тоғи, вулкан оғзи, отилиб чиқсан жинслар сақланган бўлади. Мас., Эльбурс, Казбек тоғлари.

Сўнмаган вулканлар — отилгани кишилар хотирасида сақланиб қолган ёки ҳозирги вақтда ҳам вақт-вақти билан отилиб турадиган вулканлар. Мас. Везувий, Этна, Стромболи, Ола-кўз, Ключи сопкаси ва б.

Т

Табиат — 1) бизни үраб олган борлық, олам. Т. вақт ва фазода чексизdir, тұхтосыз ра-вишда ҳаракатда, ривожланишда ва ўзгаришда бұлыб туради. Кишилик жамияти — Т. нинг, моддий оламнинг ўзига хос булиги. 2) Ер курасидаги жонсиз ва жонли табиат. Уни табиатшонослик фанлари үрганади.

Табиат бойлеклари — табиатнинг хұжаликда фойдаланиладиган, инсониятнинг яаша учун зарур бұлған барча элементлари, энергия манбалари. Т. б. га Қүёш энергияси, Ернінг ички иссиклиги, сув, ер, минерал бойлеклар, үсимліктер, тупроқтар, ҳайвонот дунёсі киради. Т. б. түгайдын (күпчилик фойдали қызметтер), тугамайдын (сув, ҳаво, Қүёш, Ер ички энергияси) ва тикланадын (биологияк элементлар, айрим фойдали қазилмалар) бойлекларга бұлинади. Т. б. дан фойдаланишда бу хусусияттар ҳисобга олиниши зарур.

Табиат ёдгорлеклари — табиатнинг илмий, үқув-тағымий, тарихий, меморлық, маданий, маңнавий, эстетик ахамиятта эга бўлған обьектлари. Мас., табиат ҳосил қылған турли шаклдаги тошлар, қоялар, шаршаралар, горлар, қадимдан сақланиб келәётган айрим дараҳтлар ва б. Т. ё. нинг күпчилиги ҳалқ боғлари, қуриқхоналар ташкил этиб сақланади. Қуриқланмаётган бўлса, қўриқланиши керак.

Табиат зоналари — Қаранг. Жүгрофий зоналар.

Табиат комплекси (жүгрофий комплекс) — табиатнинг ўзаро таъсир этиб ва бир-бируни тақозо қилиб, ягона система ҳосил қилиб турувчи компонентлари, яъни рельеф, иқлим, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқ, үсим-

лик, ҳайвонот дунёсинин қонунный үйғунлiği. Т. к. нинг энг кичиги жой, мас., кичик ботқолик, бир сој ёки жар бұлса, энг каттаси ландшафт қобиги. Табиат зонаси ҳам, географик минтақа ҳам Т. к. ҳисобланади.

Табиат компонентлари (табиат элементлари) — табиатни ҳосил қылувчи асосий таркииб қисмлар, яъни тоғ жинслари, рельеф, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, үсимлик, ҳайвонот дунёси, ҳаво массалари. Буларни ландшафт компонентлари деб ҳам юритилади. Т. к. нинг ўзаро нисбатига ва мувозанатига қараб ландшафтлар хилма-хил бўлади. Т. к. нинг ўзаро нисбати ўзгарса, мувозанат бузилиб, табиат, яъни ландшафт ўзгариади. Шу сабабли табиатдан фойдаланганда, уни ўзгартириш учун таъсир кўрсатилганда (сув омборлари, түғонлар қуриш, ерларни сугориш, ботқоликларни қуритиш, овчилик, дараҳтларни кесиш ва ҳ.к.) унинг барча оқибатларини ҳисобга олмоқ даркор.

Табиат компонентларининг ўзаро боғлиқлиги — табиатдаги барча компонент ва элементларнинг ўзаро боғлиқлиги, мувозанатда туриши ва бирор компонентга таъсир этса, бутун табиат комплексида ўзгариш рўй бериши қонуниятлари.

Табиат миңтақаси — Қаранг. Жүгрофий миңтақа.

Табиатни муҳофаза қилиш — Табиатни инсоният манбаатларини кўзлаб сақлашга ва онгли равишида ўзгартирishга, унинг маҳсулдорлигини сақлаб қолишга ҳамда бойлекларидан табиат қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланишга қаратилган барча тадбирлар сис темаси. Т. м. қ. тадбирлари сис-

темасига давлатлар, халқаро ва жамоат, илмий, техник, ишлаб чыкварыш, иқтисодий ҳамда маңымурый ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар киради. Табиатни мұхофаза қилиш масаласи тарихий, ижтимоий хусусияттаға зәга. Қишилик жамияти тараққиетінинг түрли босқичларда табиатта, унинг бойлукларига муносабат түрлічина бўлган. Табиатни мұхофаза қилиш асосан иккى хил йўл билан амалга оширилади: 1) алоҳида ажратилган ҳудудларга табиат комплекслари табиий ҳолати ўзгартирумай сақлаиади ва купайтирилади;

2) табиатга таъсир этиб, ундан үнумлироқ фойдаланиш, уни яхшилаш, үнумлироқ қилиши учун ўзгартирилади, маданий ландшафт ҳосил қилинади.

Табиий жўрофий жараёнлар — табиатдаги модда ва энергия ўзгаришлари, шакл ўзгаришлари ҳамда умуман, табиий жўрофий комплексларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи барча хил жараёнлар. Табиий жўрофий жараёнларга атмосфера циркуляцияси, намликтин айлануб юриши, рељеф ҳосил бўлиши, нураш, тупроқ ҳосил бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мавсумий ҳамда асрий ўзгаришлари, компонентлараро алоқаларда рўй берувчи жараёнлар яққол мисолдир. Т. ж. ж. ни тадқиқ этиш ландшафтларни динамик тузилма сифатида урганишга, уларни мұхофаза қилиш ва ўзгартиришнинг оқилюна йўлларини танлашга имкон беради. Бунда жўрофий комплекслараро ҳамда компонентлараро модда ва энергия алмашинувини аниқлаш айниқса катта назарий ахамияттаға эгадир.

Табиий жўрофий ўрин — барча жўрофий объексларнинг

(шахар, қишлоқ, үлка, мамлакат, қитъя, тоғ, дарё, кўл, денгиз ва ҳ. к.) атрофдаги табиий жўрофий объексларга нисбатан жойлашган ўрини. Мас., Тошкент 42° шим. кенглигидан 68° шарқий узунликда, Чирчиқ дарёси бўйида, Чотқол тоғларининг гарбий тоғ олди текислигига жойлашган.

Табиий жўрофия — 1) жўрофий қобиқ табиатини ўрганувчи фан. Ер ҳақидаги фанлардан бири. Жўрофий қобиқнинг мөддий таркиби, тузилиши, ривожланиши, ўзгариши, ҳудудий бўлинишини ўрганади; 2) табиий жўрофий фанлар системаси. Бу системага умумий ер билими, ҳудудий табиий жўрофий, ландшафтунослик, геоморфология, иқлиминшуюнослик, океанография, музшуюнослик, музлоқшунослик, тупроқлар жўрофияси, биожўрофия, фенология ва бошқа фанлар киради.

Табиий жараёнлар режими — табиий жараёнларнинг вақт давомида (даврий) ва муайян тартибда (бирин-кетинлик билан) тақорланиб туриши. Мас., ҳаво ҳарорати, намлиги, шамоллар, ёрүглик кечакундуз давомида, турли хил об-ҳаво фасллар давомида, фасллар йил давомида алмашиниб (такорланиб) туради. Шу каби тоғ жинсларининг нураши, сув тошқини ва бошқалар ҳам муайян тартибда тақорланади ва ҳ. к.

Табиий мұхит — инсонни ва бошқа тирик организмларни ўраб олган ҳамда уларга таъсир кўрсатиб турувчи бутун жонли ва жонсиз табиат. Т. м. табиий бўлиши ҳам, инсон ҳўжалик фаолияти таъсирида ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. Ўзгартирилган Т. м. инсон аралашиб турмаса, ўз табиий ҳолатига қайтишга мойил бўлади.

Табиий оғат — вайрон қи-
лувчи ҳар қандай табиий ҳоди-
са: ер қимирлаши, довул, сув
тошқини, турли касалликлар ва
зараркунандаларнинг күпайиб
кетиши ва ҳоказо.

Табиий ресурслар — Қаранг.
Табиат бойликлари.

Табиий ҳудудий комплекс —
Қаранг. Табиат комплекси.

Тайга (туркий) — мұтадил
минтаканинг игна барғли дарахт-
лардан иборат ўрмонлари. Евро-
сиә, Шимолий Америкада катта
майдонни эгаллади. Тайгада дар-
рахт турлари күп әмас, ўрмон
манзараси деярли бир хил. Да-
рахт таги үсімліктары кам, тур-
лари камбағал. Ер юзасини яшил
йүйсінлар қоллаб ётади. Тупроғи
кулранг. Евросиёда жуда катта
зона ҳосил қиласы. Тайга дарахт
турларига қараб, әруг тайга ўр-
монлари ва қорамтири тайга ўр-
монларига бүлинади. Әруг тайга
ўрмонларидан қарагай, тилоғоч,
қорамтири тайгада ель, пихта, кедр
асосий дарахтлар ҳисобланади.
Қиши қаттық союқ, ёзда ҳарорат
10° ва 20° орадыла, ёғин миқдори
300—600 мм, пастлиқ жойларни
ботқоқ босган. Тайга яна бошқа
маңноларда ҳам құлланилади:
Шарқий Сибирда бепоён кимасиз
қалин ўрмонлар, Олтойда ўрмон
билин қопланған тоғлар, Тувада
яланғоч тоғ, Монголияда ҳайвон-
лар сероб бұлған қалин ўрмонлар
тушуннилади ва ҳ. к.

Тайфун (хитойча *тай фин* —
кatta шамол) — Узоқ Шарқда
тропик қуонларда рүй берадиган
довуллар. Шамол тезлиги соатига
30—50 км га, баъзан 100 км гача
етади. Тинч океан, Жан. Хитой
денизи ва Филиппин ороллари
устыда вужуда келади. Аввал
тарбға ҳаракат киласы, сүнг ши-
молга бурилиб, Хитой, Япония,
Корея ва Узоқ Шарққа кириб ке-

либ, сув тошқинларига, вайронал-
икларга сабаб бұлади.

Тал, талл (арабча) — тепа,
тепалик, дүңглик. Жой номлари
таркибида учрайди: Таллимар-
жон, таллибарзу, Таллигуон.

Тармоқ — асосий (бош) дарё
ва каналлардан ажраб чиққан
сувлар, ариқлар, асосий тоғ
тизмасидан ажраб чиққан иккін-
чи, учинчи ва ҳ. к. дараражали тоғ
тизмалари, асосий йұллардан аж-
ралиб чиқуви қичикроқ йұллар
ва ҳ. к.

Тароқ — тоғларнинг қатор ўт-
кир чүққилари бұлған қирраси,
музлукдаги әриқ.

Ташқи жараёнлар — Ер юза-
сида Ер пұстиннег қоза қатламида
Қүеш энергиясы, оғирлік кучи ва
тирик организмлар таъсирида рүй
берадиган табиий жараёнлар.
Бундай жараёнларға нураш ҳоди-
салары, сув, шамол, музлар таъ-
сирида рүй берадиган ҳодисалар
ва б. киради. Т. ж. экзоген жара-
ёнлар деб ҳам аталади.

Ташқи күчлар, экзоген күчлар
(юонча *ексо*—ташқи, *генос*—пай-
до бұлиш) — Ер юзасида Қүешдан
келадиган нур энергиясы таъсири-
да, Ерни Ой ҳамда Қүеш тортиши
натижасида вужуда келадиган
күчлар, жараёнлар. Т. к. га ну-
раш, сув, шамол әрзиясиси, ер ости
сувлари, денгиз тұлқинлари кучи,
музлуклар ва тирик организм
фаолияти киради. Т. к. тоғ жинс-
ларини емиради, емирилған, нуроқ
жинсларни бир жойдан иккінчи
жойға олиб бориб ётқизади.

Ташқи савдо балансы — мам-
лакатнинг мұайян вақт мобайни-
даги (мас., 1 йилда) четта чи-
қарған ва четдан көлтирган мол-
лар қимматидаги нисбати. Агар
четта чиқарылған моллар қиммати
четдан көлтирилған моллар қим-
матидан ортиқ бұлса, ижобий ба-
ланс, аксинча бұлса, манфий ба-
ланс дейилади.

Тақир — чұл ва چала чұл үл-
каларидан пастлик жойларни әгал-
лаган анча кенг, деярли теп-текис
майдонлар. Ер юзасида асосан
гил жинслар тарқалған бұлади.
Енгізарылған вактида күпинчә
сүв түпланыб, саёз күлларға айла-
наади. Қун исиши билан сув буғ-
ланыб кетіб, тақир юзада бетар-
тиб әріқлар ҳосил бұлади.
Тақирлар олий үсімліктер үсмай-
ди, фақат сув үтларигина учрай-
ди. Тупроқда чиринді кам — 0,3—
0,8%. Тупроқни баъзан шұр бо-
сади. Тақирлар одатта құм тепа-
ліктери орасидаги ботиқларда,
текис пастлик ерларда бұлади.
Күпинчә қадимғы дарға водийлары-
да, дельталарда, тоғ олды текис-
ліктери учрайди. Тақирлар
одатта икки хил бұлади: берч тақи-
р ва бұзлоқ тақир. Берч тақир-
да одатта зарралари чанғсимон
оғир механик тарқибли гил тар-
қалған бұлади. Бир дона ҳам
гүйхіни күрмаймиз. Бұзлоқ тақир-
да тупроқ механик тарқибада гил
билан бирға құм ҳам бұлади. Ер
юзаси унча әрілиб кетмайди, ҳар
ер-ҳар ерда қавар ва бошқа үсім-
ліктери учрайди.

Тегара — майдон, ҳудуд.

Текислик — ер юзасининг ясси
әки бир оз ұр-қиң бұлған катта
майдонлари: жойлашған үрнігін-
кара ғаралып, баланд текислик,
ясси тоғлайларга бўлинади.
Ер юзасининг шаклига қараб
ясси, сертепа, ұр-қир текисликлар
булади.

Текислик дарёлари — текис-
ліктердандан оқиб ұтывчи дарёлар.
Бундай дарёлар, одатта, секин
оқади, унча баланд бўлмаган қир-
лардан ботқоқлайлардан бошли-
нади. Уларнинг нишаблиги катта
бўлмайди. Шу сабабли чуқурлат-
ма ювилиш деярли рўй бермайди.
Енниң (киргонин) ювиги туриши
натижасида қайирлари кенг, ұзан-
лари илонизи бўлади.

Тектоника (юонча текто-
никос — бинокорликка оид) — гео-
логия (Ер ҳақидаги фан) нинг
бир тармоғи, Ер пустининг тузи-
лиши ва унинг ички күчлар таъ-
сирида, Ернинг тараққиети жара-
ённада рўй берадиган ўзгаришлар-
ни ўрганади.

Темир йұл паromи — поездлар-
ни деңгизлар, күрфазлар, бўғиз-
лар орқали ўтказиб қўйиш учун
хизмат қиладиган кема. Мас.,
Қрасноводск — Боку пароми мав-
жууди.

Темир маъданлари — таркиби-
да темир мавжуд бўлган минерал
ҳосилалар. Таркибда темир миқ-
дори 50 фоиздан ортиқ бўлган
маъданлар бой, 50—25 фоиз бўл-
са ўртача бой. 25 фоиздан кам бўлса
камбағал маъдан дейилади.

Темир қотишмалар — ферро-
қотишмалар (латинча феррум —
темир) — темирнинг бошқа метал-
лар билан қотишмаси. Т. қ. дан
пўлатга маълум бир сифат бериш
учун фойдаланилади.

Теократик якка ҳокимлик
(юонча теос — худо, кратос —
ҳокимият) — бутун ҳокимият ру-
ҳонийлар қўлида бўлған давлат
бошқаруви шакли

Тепа — усти гүмбаз шаклида-
ги, ёнбағирлари қия бўлған дўнг,
баланд жой. Нисбий баландлиги
200 м дан ошмайди. Жой номла-
ри таркибда кўп учрайди: Оқте-
па, Күштепа, Белтепа ва б.

Терайлар — Ҳимолай тоғлари
этагидаги геоботаник зона — бот-
қоқ босган чакалакзорлар. Чир-
мовиқ үсімліктер чирмашнб кет-
ган калин үрмонларда сал, гаров,
совун дараҳт, мимоза, магнолия
үсади. Иқлими яшащ учун жуда
оғир — сернам, дим, иссиқ. Ҳо-
зирги вақтда анча қисмидан бот-
қоқлайлар қуритилиб, қишлоқ ҳў-
жалиги ерларига айлантирилган.

Термал сувлар — ер ости иссиқ
сувлари. Қаранг. Ер ости сувлари.

Термосфера (юонча *термо* — илиқ, *сфера* — шар) — атмосфераның ұрта қисобда 80 км дан 300 км гача баландликда мезосфераның юқори чегараси билан экзосфераның қуи чегараси оралығындағи қатлами. Ҳарорат күтарилиб бориб, 300 км баландликда 500° С дан ошади. Газ атомлары ионлашган бўлади.

Террасалар (латинча *terra* — ер) — водийлардаги кўл ва денгизлар соҳилларидаги зинапоя шакидаги текисликлар. Шундан дарё террасалари, кўл террасалари, денгиз террасалари пайдо бўлади.

Террикон (французча *terri* — ер, *кониг* — конуссимон) — фойдали қазилмалар қазиб олинаётганда кондан чиқариб ташланган кераксиз жинслардан ҳосил бўлган конуссимон тепалар.

Терскай — төр ва тизма тоғларнинг, жар ва водийларнинг қуёшга тескари, шимолий яримшарда шимолга, жанубий яримшарда жанубга караган соя ёнбағри. Қуёш нури кам тушадиган жой. Жұғрофий номлар таркибида ҳам учрайди: Терскай Олатови.

Техника экинлари — саноатнинг түрли тармоклари учун хом ашё берадиган қишлоқ ҳұжалиги экинләри. Қандай маҳсулот олинишига қараб т. э. бир неча гурӯхга бўлинади: мойли экинлар (күнгабоқар, ерёнгоқ, кунжут, канакунжут, зигир, зайтун, тунг) ва толали экинлар (пахта, узун толали зигир, жут, каноп ва б.), крахмалли экинлар (картошка, батат), қандли экинлар (шакар-қамиш, қанд лавлаги ва б.), эфир мойли экинлар (ялпиз, атиргул, герань, ва б.), доривор ўсимликлар, ошловчи, бўёқ олинувичи, наркотик ўсимликлар.

Тирсак — дарё. соя ва йўларнинг бурилиб, айланиб утган

жойи. Дарёлар ўз йўлида қаттиқ төр жинслари ер юзасига чиқиб қолган жойларни айланиб ўтиб ҳосил қиласди. Мас., Волга дарёсининг Самара тирсаги дарёнинг Жигулини айланиб ўтишидан ҳосил бўлган, Тоғларнинг кескин бурилган жойи ҳам Т. дейилади.

Товар маҳсулот (туркӣ *товар* — мол, буюм) — саноат, қишлоқ ҳұжалиги ва ҳунармандчилик корхоналарida бозор, сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Товоқсой — ер юзидағи хамма томондан баландликлар билан ўралган ёки дарё оқиб ўтса, у келдиган ва чиқиб кетадиган жойда ташқари билан йўлдик (водий, дара) орқали тулашган, шакли товоққа үхшаган ботиқ жой. Шакли ва вужудга келиши ҳар хил бўлиши (тектоник, музлик, эрозион) мумкин. Рельефи ана шундай бўлган жойларнинг номи сифатида ҳам учрайди. Мас., Товоқсой.

Толали экинлар — тұқымачилик саноати учун тола берадиган қишлоқ ҳұжалиги ўсимликлари: пахта, узун толали зигир, жут, каноп ва б.

Томир жинс — Ер пустидаги ёриқларни тұлдирған минерал жисмлар. Улар чүкүр магматик манбалардан циқкан моддаларнинг төр жинслари ёриқларига кириб қотишидан ҳосил бўлади. Томирлarda күпинча рангдор, қора, нодир металл маъданлари учрайди.

Томоқ — дарёларнинг қуяр жойи, дара оғзи, денгизларнинг төр қисми.

Топографик хариталар (юонча *топос* — жой, *графо* — ёзаман) — йирик масштабдаги (1:5000 дан 1:200000 гача) хариталар. Т. х. да жойдагы предметлар аниқ ва муфассал тасвирланади, турли объектлар махсус белгилар билан, рельеф эса горизонталлар билан

курсатилади. Хариталарнинг ўнг ва чап чеккалари меридианларнинг йўналишига мос қилиб чизилади. Т. х. дан ҳалқ ҳўжалигида, илмий ишларда ва мамлакат мудофааси мақсадида фойдаланилади.

Топонимика (латинча *topos* — жой, онома — исем) — жўғрофий номларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, узғариши ва тўғри ёзилишини ўрганувчи фан.

Торнадо — АҚШда тез-тез такрорланиб турадиган жуда кучли қуянинг номи. АҚШнинг шарқий, жануби-шарқий қисмида ҳар йили юзлаб Т. кузатилади.

Торслар — Қараганг. Қалашиб музлар.

Торф (немисча *торф* — ертезак) — ботқоқлик ўсимликларнинг табиий қуриши ва сернам ҳамда ҳаво кириши қийин шароитда чала чириши натижасида ҳосил бўладиган фойдали қазилма. Асосан ёқили сифатида ишлатилади, ерга маҳаллий ўғит ўрнида ҳам солинади. Мўътадил минтақанинг ўрмонлар зонасида тарқалган.

Тош — қаттиқ тоф жинис. Тофлардаги қояли чўққилар. Жўғрофий номлар таркибида қўлланилади: Тошховуз, Туятош, Қора-тош, Тошлок, Тошкент ва ҳ. к.

Тошкемир — ўсимлик қолдиқларининг метаморфик ўзғариши натижасида пайдо бўлган ёнувчи чўкинди жинис. Таркибида 75—97% углерод бор. Т. қатлам-қатлам бўлиб ўтади. Муҳим ёқилғи ҳисобланади. Иссиклик бериш қобилияти 2—8,7 минг ккал/кг. Иирик конлари — Кузбасс, Донбасс, Қарағанды, Аппалачи ҳавзаси, Рур ва б. Узбекистонда Шарғун кони бор.

Тошпахта (асбест) — толали тузилишга эга бўлган бир қанча минералларнинг умумий номи. Ўтда кўймайди, электр ва товуш-

ни ўтказмайди. Т. Уралда Асбест шаҳри яқинида, Кавказда, Сибирда, Жан. Африкада, АҚШда, Япония, Австралияда бор. Ўзбекистонда Султон Уваис тогларида бор. Т. шифер, тошпахта, картонсув, нефть, газ қувурлари тайёрлашда ишлатилади.

Тоштуз — минерал, натрий хлор. Рангсиз ёки оқ куб шаклидаги кристаллар ҳосил қиласи. Сувда яхши эриди. Чўкинди қинслар орасида қатламлар ҳосил қиласи, туз гумбазларини ҳам ҳосил қиласи. Кимё, озиқ-овқат саноатларида ишлатилади.

Тошқин — дарёларнинг ўзандан чиқиб, атрофдаги текисликларни босиб кетиши, тўлин сув. Узбекистон дарёларида Т. кўп ёмғир ёрадиган ва паст тоглардаги қорлар эрийдиган баҳорда ва баҳанд тоглардаги муз ҳамда қор эрийдиган ёзда кузатилади.

Тоғлар — Ер пўстининг яккаякка ёки қатор тизмалар, палахсалар шаклида кўтарилиган жойлари. Т. бурмали, палахсали, бурмали-палахсали бўлиши мумкин. Турли хил баландликда бўлади. Мутлоқ баландлиги 600 м дан баҳанд жойлар одатда Т. дейилади. Дунёда энг баҳанд тоғ Ҳимолайдир (Жомолунгма чўқиси 8848 м). Тоғ сўзи Ўрта Осиёдаги турли ҳалқларда турлича талаффуз қилинади: қирғизларда тоо, қозоқларда тов, туркманларда доф. Тоғ сўзи жўғрофий номлар таркибида ҳам учрайди: Оқтоғ, Етимтоғ, Ко-петтоғ, Олатов ва ҳ. к.

Тоғ-водий шамоли — тоғли ўлкаларда тунда тоғ ёнбагри ва водий бўйлаб пастга томон, кундузи эса водий ва ёнбагир бўйлаб юқори томон эсувчи шамол. Т. в. ш. ҳавонинг тоғлар билан атрофдаги текисликларда ва водий таги билан ёнбагирда турли даражада исиши ҳамда тунда тоғларда ва ёнбагирда тез совиб кетиши нати-

жасида бир хил баландликда ҳаво босимида тафовут вужудга келиши оқибатида ҳосил бўлади.

Төг дарёси — тоглардаги муз, қор ва булоқ сувларидан бошланниб, шовуллаб тез оқадиган дарёлар. Төг дарёларида остона ва шаршаралар кўп бўлади. Кўпинча тор водийлар, дараларда оқади. М., Писком, Чотқол, Угом ва б.

Төг жинслари — Ер пўстини ташкил этган табий минерал бирималар. Т. ж. бир хил минерали (мас., мармар), бир неча минераллари (мас., гранит), ҳар хил төг жинслари аралашмасидан иборат (мас., конгломерат) бўлиши мумкин. Ҳосил бўлишига кўра Т. ж. откінди ёки магматик (мас., гранит, базальт), чўкинди (оҳактош, қумтош, шағал, тошкўмир) ва метаморфик (мармар, графит, гнейс, кристалли сланец) жинсларга бўлинади.

Төг-кон саноати — турли хил фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва камбағал фойдали қазилмаларни бойитиш билан шуғулланадиган саноат. Қаранг. **Кон саноати**.

Тоғли ўлка — атрофдаги текисликлардан кутарилиб турадиган паст-баланд, кенг ҳудудлар Т. ў. да төг тизмалари, якка-якка тоғлар, водийлар, кенг сойликлар ҳам бўлади. Т. ў. лар жуда катта ҳудудни эгаллаган (бўй минглаб, энг юзлаб км га чўзилган) бўлади.

Тоғлик — денгиз сатҳидан жуда баландда жойлашган, устида текисланган юзлар билан бирга төг тизмалари ҳам бўлган кенг, баланд тоғли ўлка. Мас., Тибет, Эрон, Помир тоғли ўлкалари.

Төг массиви — тоғли ўлканинг унча парчаланиб кетмаган ва бошқа тоглардан алоҳида жойлашган яхлит, кўпинча гумбазси-

мон шаклдаги қисми. Мас., Хонтангри төг массиви.

Төг музликлари — тогларнинг қор чегарасидан юқорида қор тўпланиб, зичлашиб ҳосил бўлган музликлар. Кўпинча водийларда, чўққилар атрофида, ёнбағирларда бўлади. Қор чегарасидан пастга ҳам силжиги тушади. Энг катта Т. м. Аляскадаги Беринг, Помирдаги Федченко музликлари (77 км га чўзилган).

Төг оғзи — дарага кираверишада энг тор жой. Одатда тектоник узилмаларда қаттиқ, туб жинслар ер юзасига чиққан жойларда вужудга келади. Дарвоза, даҳан атамалари билан ҳам ифодаланади.

Төг тизмалари — бир неча ўнлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб километрга туташ чўзилиб кетган тоглар. Мас., Кордильера, Анд, Урал төг тизмалари, Узбекистонда Хисор, Нурота, Қоратоғ, Писком, Угом төг тизмалари ва б. бор.

Транзит (латинча транзитус — ўтиш) — 1) бирон станция, вилоят, мамлакат орқали юк ёки йўловчи олиб ўтиш. Юк ёки йўловчи транспортнинг бошқа турига ўтказиладиган ёки бошқа томонга жўнатиладиган станция ҳам Т. станция дейилади; 2) ирмоқ қабуғ қўлмасдан бирон ҳудуддан оқиб ўтадиган дарё ҳам Т. дарё деб аталади.

Транспорт (латинча транспорт — ташиман) — халқ хўжалигининг юк ва йўловчилар ташидиган тармоғи. Т. нинг асосий турлари темир йўл, денгиз ва дарё кемачилиги, автомобиль, ҳаво, қувур ва электрон Т. лари. Т. хизмати ташилган юк ва йўловчилар миқдори билан ўлчанади. Узбекистонда темир йўл, автомобиль, қувир, ҳаво, электрон Т. анча ривож топғац.

Траппалар (шведча trapna —

зинапоя) — қадимда ер ёриқларидан оқиб чиққан асосий диабаз, габбро, базальт ва б. Зинапоясimon рељеф ҳосил бўлади. Урта Сибиръ ясси топлигида, Хиндистон яримороли ва Жанубий Африкада кенг ерларни қоплаб ётади.

Трест (инглизча *trust* — ишонч) — капиталистик монополияларнинг бир шакли. Т. га бирлашган барча корхоналар ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ ишларнида ягона бошқарувга бўйсунадилар.

Трог (немисча *trög* — тоғора) — музлик ўйиб ўзгартирган тоғарасимон тоғ водийси. Ён бағирлари тик, таги текис ёки бироз ботиқ бўлади. Ёнбағирнинг юқори қисми сал қия бўлиб, трог гардан дейилади.

Тропик иқлим — тропик кенгликларнинг йил бўйи ҳаво иссиқ бўладиган иқлиmlари. 20° ли йиллик изотерма Т. и. чегараси деб қабул қилинган. Т. и. да уч хил иқлим тури ажратилади: сернам тропик ўрмонларнинг экваториал иқлими (йиллик ҳаво ҳарорати 26° , фаслларнинг фарқи деярли йўқ, йилига 1500 — 3000 мм ёғин тушади), субэкваториал иқлим (йил серёғин ва қуруқ фаслларга бўлинади, ҳарорат юқори) ва паскат иқлими, қуруқликларда тропик чўллар иқлими (иссиқ, камёгин иқлим).

Тропиклар, мадорлар (юнонча *тропикос куклос* — бурилиш доириаси) — экватордан $23,5^{\circ}$ ш. к. ва ж. к. дан ўтган айланга чизиқлар, параллеллар. Экватордан шимолдагиси шимолий ёки Саратон тропиги (мадори), жанубидагиси жанубий ёки Жад тропиги (мадори) дейилади. Қуёш ҳар бир тропикда факат бир марта: шимолий тропикда 22 . VI. да, жанубий тропикда 22 . XII да, зенитда (тик тепада) туради. Тропик орасидаги

жойларда Қуёш йилига икки марта қоқ тепадан ўтади. Шимолий тропикдан шимолда ва жанубий тропикдан жанубда Қуёш ҳеч қачон қоқ тепага келмайди. Тропиклардан қайтади.

Тропик минтақалар — Ер шаридаги иккита табиат минтақаси. Шимолий ва жанубий яримшарларда, тахминан 20° ва 30° кенгликлар орасида жойлашган. Ҳарорат юқори — ойлик ўртача ҳарорат 10° дан ортиқ, пассат эсив турганидан ёғин кам — йилига 50 — 200 мм (материкларнинг шарқий тоғли қисмларида 1000 — 2000 мм) ёғин ёғади. Қуруқликда чўллар ва чала чўллар, сернамроқ жойларда саванналар ва ўрмонлар тарқалган.

Тропик чизиқлар — Қаранг. *Тропиклар*.

Тропик ўрмонлар — тропик минтақада, йил бўйи иссиқ, серёғин жойларда, 25° ш. к. билан 30° ж. к. орасида ўсадиган ўрмонлар. Тропик ўрмонлар кўп ярусли бўлиб, хилма-хил ўсимликлар, аксари баланд бўйли дарахтлар (60 — 80 м гача) ўсади; дарахтлар тагида соя-салқинни севадиган майда дарахтлар, буталар ва кўпдан-кўп паразит ўсимликлар ўсади. Хилма-хил чирмо-виқлар дарахт таналарини ўраб олган. Тропик ўрмонларда катта-кичик ҳар хил ҳайвонлар яшайди. Иқлим сернам, дим, аҳоли сийрак яшайди. Тропик ўрмонлар Жанубий Америкада, экваториал Африкада, Малайя архипелагида айниқса катта майдонни эгаллайди.

Тропосфера (юнонча *тропос* — ўзгариш, *сфера* — шар) — атмосферанинг ер юзасига яқин энг қуёни қисми. Тропосферанинг қалинлиги қутбларда 8 — 10 км, ўртача кенгликларда 10 — 12 км, экватор атрофларида 16 — 18 км. Тропосферадаги ҳаво асосан ер юзасидан иссиқ олади. Ҳаво ҳа-

рорати тропосферанинг устки чегарасида қутбда -55° С, экватор яқинида -80° С. Атмосферадаги бутун ҳаво массасининг $4/5$ қисмидан күпроги ва сув буғининг дәярли ҳаммаси шу тропосфера да тұпланған. Тропосфера ҳаво горизонтал ғана вертикаль ҳаракат қылыш, булуттар пайдо болади ва еғин ёғади.

Туб жинслар — узи вужудга келган жойда қолған ва нураш жараёнларда унча үзгартмаган тоғ жинслар.

Туб конлар — туб жинсларда ҳосил бўлиб, ўша жинслар орасида қолған конлар. Улар нураш натижасида үзгартмаган ёки кам үзгартган бўлади.

Туман — 1) Ҳаво совиганда ер юзаси устидаги намга түйинган ҳаводаги сув буғларидан ҳосил бўладиган жуда майда сув томчилари. Юқоридаги туман — булат. Ҳаво исиши билан туман тарқалиб кетади. Одатта тумандан кейин ҳаво юришиб кетади; 2) Үрта Осиёда маъмурый бўлинши бирлиги. Маъмурый районга тұғри келади.

Тумшук — тоғ, тепа, орол ва к. к. ларнинг учли, туртиб чиққан чеккаси. Жой номи сифатида ҳам құлланилади. Mac., Fýbdin тоғининг шарқий чекка учидағи қишилек Тумшук деб аталади.

Тунг, тунг дарахти — субтропик минтақаларда үсадиган сұтлама гуллilar оиласига киругичи дарахт. Уруғидан қимматли мой олинади. Бу мойдан металлни коррозиядан, ёғочни чиришдан сақлаш учун фойдаланилади.

Тунги бриз — тунда денгиз устида атмосфера босими паст бўлганлиги сабабли, қуруқликдан денгиз томон эсувчи шамол. Қаранг. *Бриз шамоллари.*

Тундра (финча «тунтури») — ўрмонсиз ялпанг қир) — субарктика минтақасидаги табият зона-

си. Т. шимолда арктика муз сақролари зонаси билан, жанубда ўрмонли тундра зонаси билан чегарадош. Т. иқлими совуқ: қишик каттиқ бўлиб, 8—9 ой давом этади, ёз қисқа ва салқин. Июль ойининг ўртача ҳарорати 10° С дан ошмайди. Вегетация даври 50—100 кун. Текисликларда 150—300 мм, тоғларда 500 мм гача ёғин ёғади. Қор қоплами юпқа. Ёзда тупроқнинг 0,5—1,5 м қалниликтаги устки қисмигина эриди. Т. да ботқоқликлар ва кўллар кўп. Асосий ўсимликлари — буғи йўсими, лишайник, паст бўйли ўтлар, буталар ва чала буталар. Ҳайвонлардан шимол бугуси, бўри, лемминг, оқ тулки, қўчқор; қушлардан оқ каклик, тундра каклиги учрайди, сувларда балиқ кўп. Ёзда ҳар хил қушлар учти келади. Аҳолининг асосий машғулоти — буғучилик, балиқ тутиш, овчилик.

Түнель (тоннель), лахм — ер остида қазилган йўл. Иккى тономи ер юзасига чиқади. Т. лар кўпинча тоғли жойларда тоғлар остидан йўл, сув ва б. ўтказиш учун қурилади. Катта шаҳарларда метро ўтказиш мақсадида ҳам қурилади.

Тупроқлар — Ер пустининг ўсимликлар ўсиши учун зарур бўлган минерал ва чиринди жинсларга бой, юмшоқ юза қисми. Т. организмлар, сув, ҳаво ва ғовак тоғ жинсларининг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади. Бинобарин, тупроқлар таркиби турли хил минераллардан, чириндишлар, тирик организмлар (бактериялар), сув, тупроқ эритмасидан иборат бўлади. Т. нинг минерал таркиби тоғ жинсларининг нурашидан, чириндиш органик қолдиқларнинг чиришидан ҳосил бўлади. Т. Ер юзида зонал тарқалган. Ҳар бир табият зонасининг ўз тупроқ тури бор.

Туризм (французча *тур* — сафар) — ўз мамлакати ёки чет мамлакатлар билан танишиш мақсадыда қилинадиган сәжат. Т. жүргөйіл билимлар йиғиш, уларни тарғибот қилиш, үлкашуюносликка оид маълумотлар түплаш воситасидир.

Түф жинслар (италянча *tuf*) — ҳар хил йўл билан ҳосил бўлган жинслар. Асосан уч хил бўлади; оҳакли туф, минерал булоқлар сувидан оҳак чўкишидан ҳосил бўлади; вулкан туғи, вулкан отилгандан чиқадиган кул, шлак (куйинди), тош ва бошқаларнинг қотиши масидан вужудга келади; кремнийли туф.

Туғилиш суръати — бирор ҳуддаги (қишлоқ, шаҳар, вилоят, жумҳуриятда ва к.) кишилар орасида муайян вақтда туғилган болалар сони. Бир йил давомида ҳар 1000 киши ҳисобига тирик туғилган болалар сони билан белгиланади.

Тўзима қум — ўсимлик билан қопланмаган, шамолда тўзib, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадиган қум. Улар барханлар, қум тепалари, қум далаларини ҳосил қилади. Тўзима қум чўл ўлкаларда турли хил қурилишларга, қишлоқ хўжалигига зарар етказади. Бундай қумлар Қизилкум ва Қорақумда ҳам кўп учраб туради.

Тўлин сувлик — йилнинг маълум мавсумида турли сабаблар таъсирида дарёда сувнинг купайиши. Эрта баҳорда қорнинг, ёзда тоғлардаги қор ҳамда музларнинг эриши, шунингдек узоқ вақт давомида ёмғир ёғишидан сув сатхининг кутарилиши.

Тўлқин — океан, денгиз, кўл, дарёларда сув юза қисмининг

тебрамма ҳаракати. Қаранг. Мавж.

Тўп-тўп булатлар — Ер юзасидан 1—2 км баландликда пайдо бўладиган ва 10 км гача кўтариладиган булатлар. Оппоқ пахта хирмонларига ўхшайди. Одатда ер юзасида исиган ҳавонинг тез кўтарилишидан ҳосил бўлади. Ўзбекистонда баҳорда ва ёз бошида кўп кузатилади.

Тўрткўл — 1) қадимги яхлит ясси қирларнинг емирилишидан қолган супасимон тепалар. Унда чўкинди туб жинслар қатламлари горизонтал ётади. Амударё этагида кўп учрайди. Т. лар баъзан тўда-тўда жойлашинб, тўрткўл типли рельеф ҳосил қиласиди; 2) қадимги қалъа ҳаробалари, қўргонлар ҳам, шунингдек карвон-сарой ва бекатлар ҳам шу атама билан юритилади. Жой номлари шаклида ҳам учрайди. Мас., Тўрткўл шаҳри.

Тўқай (тўқайзор) — дарё бўйидаги қалин, чангалзор ўрмон. Сув сероб, микро иқлими атрофидаги чўлдан намрок ва юмшоқроқ бўлганидан ўсимлик ҳамда ҳайвоноти ўзига хос бўлади. Тупроғи ҳам аллювиал, гидроморф бўлади. Т. ларда дараҳтлар билан бирга буталар, ўтлар ҳам қалин ўсади. Ўрта Осиё тўқайларида терак, заранг, тол, юлғун, жийра жинғил, турангил, қамиш ўсади. Ҳайвонот дунёси — тўнғиз, кийик, чиябўри, тўқай мушуги, тустовуқ ва б.

Тұғон құллар — дарё водийларига тоғларнинг қулаб, сурилиб тушиши натижасида дарё ўзанининг тўсилиб қолиши оқибатида ҳосил бўлган қўллар. Помирдаги Сарез кўли, Чотқолдаги Қўйкўл мисол бўлади.

У

Увал — ёнбагирлари билингас қия, узун чўзилиб кегган қирлар. Тепаси ясси ёки салгина гумбазсимон бўлади. У. ларнинг нисбий баландлиги 200 м дан ошмайди.

Узилма — төр жинсларининг Ер пўстидаги ёриқлар бўйлаб тик ёки қия силжиши. Ёриқларнинг икки томонидаги төр жинслари қатламлари бир-бирларига нисбатан кўтарилиб ёки пасайиб, узилиб қолади.

Узилмали тоғлар — Ер пўсти айрим палахсаларининг узилмали ҳаракатлар натижасида ҳар хил баландликларга кўтарилиб қолишидан ҳосил бўлган тоғлар. Одатда бир жойда иккичи марта төр ҳосил бўлиши жараёнида вужудга келади. Бундай тоғларнинг тепалари одатда текис ёки гумбазсимон, ёнбагирлари тик кесилган бўлади. Мас., Тяншан, Олтой, Саён тоғлари.

Умумий бозор — Қаранг. Европа иқтисадий ҳамкорлиги.

Үнгуз — қолдиқ дарё водийси, қолдиқ ўзан. Туркманистанда, хусусан, Қорақумда кўп қолдиқ қуруқ ўзанлар шу атама билан юритилади.

Үнгур — төр қоялари орасидаги ёриқлар. Туркистон, Нурота, Чотқол тоғларида кенг калта горлар. У. деб аталади.

Үндирувчи саноат — хилмажил ашё ва ёқилғи үндириш, қазиб чиқариш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш тармоқлари. У. с. нинг асосий тармоқлари: кон-қазилов саноати, ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва б.

Үнитар давлат (французча *унитайре* — ягона) — ўз-ўзини эркин бошқарадиган, қисмларга бўлинмаган, ягона қонунлари ва ягона марказий ҳокимиёт ташки-

лотларига эга бўлган яхлит давлат.

Уран маъданлари — таркибида уран ёки унинг бирималари бўлган табиий минерал ҳосиллари. Таркибидаги уран миқдорига қараб, камбағал (таркибида 0,1 фоизгача уран бўлади), ўрта (0,1 фоиздан 1 фоизгача) ва бой (1 фоиздан ортиқ) у. м. га бўлиниди, АҚШда, Канадада, Узбекистонда Учқудуқда, Чотқол-Қурама тоғларида конлари бор.

Урбанизация (латинча *урбанс* — шаҳар) — шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига олиб келади.

Уримла тўлқин — океан, денгиз ва кўлларнинг тик қирғоқларига келиб урилиб, ўзгарадиган тўлқинлар. У. т. лар тик қирғоқларни емириб, қум қирғоқлар ҳосил қиласиди.

Үстюрт — қозоқ ва қорақал поқларда атрофидаги жойлардан баланд, усти текис ерлар, ясси қирлар. Үстюрт номи ҳам шу атамадан олинган.

Үфқ — текис, очиқ, кенг жойда кузатувчига осмон гумбази билан ер туташгандек кўринадиган чизиқ. Кузатувчидан үфқ чизигигача бўлган масофа үфқ узоқлиги дейилади. Кузатувчи атрофидаги ясси доира шаклида кўринган текис ер үфқ текислиги дейилади. Үфқда 4 та асосий томон (шимол, жануб, шарқ, гарб) ва 4 та оралиқ томон (шимоли-шарқ, шимоли-гарб, жануби-шарқ, жануби-гарб) бўлади.

Үфқ текислиги — Қаранг. Үфқ.

Үфқ томонлари — Қаранг. Үфқ.

Үчма — төр йўли, жар ёқаси,

қулаб тушиб туралган чуқур жарлик.

Ушук совуқ — кузда, эрта башорда кеч бўлиб туралган совуқ-

лар. У. с. экинларга кўпинча зарар келтиради. Бундай совуқ уришини шуяқ уриш деб ҳам юритилади.

Ф

Фаол аҳоли — ўз меҳнати ҳисобига оладиган маошга яшайдиган аҳоли. Айрим мамлакатларда турли банкларга қўйган маблаги юзасидан оладиган даромади ҳисобига яшайдиган кишилар ҳам Ф. а. қаторига киритилади.

Фаол қатлам — кўп йиллик музлоқ таркалган жойларда ер бетидан доимий музлоқ қатламгача бўлган ва фаслларга қараб эриб ва яна музлаб туралган қатлам. Ўзбекистонда баланд тофларда учрайди.

Фарватер (голландча *варен* — ҳаракат қилмоқ, сузмоқ ва *ватель* — сув) — сув муҳитда кема қатнаши учун етарли даражада чуқур бўлган, хавфсиз йўллар. Ф. машъал, қалқима ва бошқа белгилар билан кўрсатиб қўйилади.

Фаұна (латинча *Fauna* — қадимги Рим афсонасида ўрмон, дала, ҳайвонлар худоси) — Ер юзида ёки бирон ҳудудда геологик ўтмишда яшаган ёки ҳозир мавжуд бўлган барча ҳайвонлар. Мас, Ўзбекистон Ф. си, Осиё, Ф. си, Чотқол, Ф. си.

Федератив давлат — (латинча *federatio* — иттифоқ) — бир қанча давлатнинг бир давлат бўлиб бирлашиши. Ф. д. га кирган давлатлар ўз мустақиллгини сақлаган ҳолда ягона иттифоқ ташкилотларига, ягона қўшингга, ягона фуқароликка эга бўлади. Иттифоқ қонунлари Ф. д. нинг бутун ҳудуди учун мажбурий ҳисобланади.

Фенологик кузатиш — йил фаслларининг алмашиниб бориши билан ўсимликлар олами ва ҳайвонлар ҳаётидаги рўй берадиган ҳодисаларни мунтазам кузатиб бо-

риш. Мас, ўрикнинг куртаги қайси кундан эътиборан уна бошлиди, қачон гуллади, қачон довучча бўлди, қачон пишиди, қачон барғи сарғая бошлиди, қачон баргини түкди ва х. к.

Фенология (юнонча «феномена» — ходиса, «логос» — фан) — йил фаслларининг алмашиниши ва об-ҳавонинг ўзгариши муносабати билан органик ва анорганик табиатнинг мавсумий ўзгариши боришини ўрганадиган фан; мас, сувларнинг музлаш ва муздан тушиш, ўсимликларнинг куртак чиқариш, гуллаш муддатлари, қушларнинг учуб келиш ва учуб кетиши муддатларини фенология ўрганади.

Фён — тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга юқоридан пастга қараб эсувчи илиқ ва қурӯқ кучли шамол. Шамол тоғ тизмасини ошиб, пастга тушаётганда исиб қурийди, баъзан қор кўчкиласининг тушишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда Чирчик воийисида кўп кузатилади. Ўзоқ вақт давом этмайди.

Физик нураш — ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариб туриши ва тоғ жинсларининг қуёш нуридан турлича қизиши сабабли каттакичик бўлакларга парчаланиши. Бунда тоғ жинслари ва минералларнинг таркиби ўзгармайди. Қаранг. *Нураш*.

Фирн (немисча *firni* — ўтган йилги, эски) — қорнинг қайта кристаллашиши оқибатида ҳосил бўлган донадор муз. Ф. қор билан муз оралиғидаги босқич бўлиб, яна зичлашиб музга айланади. Одатда Ф. баланд тогларда қор

Флора

чегарасидан юқорида ва қутбий ўлкаларда вужудга келади.

Флора (латинча Флора — Рим афсонасида гуллар ва баҳор маъбудаси) — бирор-бир жой, мамлакатга ёки геологик даврга **хос** бўлган барча ўсимликлар мажмуси. Ма, Узбекистон Ф. си, учламчи давр Ф. си ва б.

Флюгер — голландча **флю-гел** — қанот) — шамолнинг йўналиши ва тезлигици аниқлайдиган асбоб. Шамол таъсирида вертикал ўқда айланадиган кўрсаткич (флюгарка) шамолнинг йўналишини кўрсатади. Шамолнинг тезлиги металл тахтачанинг вертикал ҳолатдан қанча даража бурилганига қараб аниқланади, ёйта ўрнатилган кўрсаткичлар (булинмалар) шамолнинг секундига неча метр эсганлигини билдиради.

Флюс — домна печларда маъдан билан ёқилиғи қатламлари орасига солинадиган моддалар (оҳактош, қум, доломит ва б.) аралашмаси,

Фойдали қазилмаларни бойитиш — айрим фойдали қазилмалар маъдан таркибида жуда кам бўлади. Уларни маъдандан ажратиб олиш учун аввал маъдан бойнтилади, яъни кераксиз жинслар ажратиб олинади ва маъдан таркибида фойдали қазилма миқдори ошади. Бу жараён бойитиш дейилади.

Ҳакка — ер ўлчагич асбоб (циркуль). Одатда иккита таёқдан бурчак шаклида ясалади. Икки таёқ учларининг оралиги қабул қилинган ўлчов бирлигига — 1, 1,5, 2 метрга тенг бўлади. Номи ерда масофа бу асбобни ҳаккалатиб ўлчанганидан олинган.

Халқаро меҳнат тақсимоти —

Фосфорит — фосфор бирикмаларига бой бўлган чўкинди тор жинслари (асосан апатит). Таркибида P_2O_5 5—34 фоиз бўлади. Фосфорли ўйтлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Нодир металлар ҳам олинади. Қозогистонда Коратоғда, АҚШда Флорида ва Қояли тогларда, Шимолий Африкада йирик конлари бор.

Фрахт — юн ва йўловчилар ташилганлиги учун транспорт во-ситалари эгасига тўланадиган ҳақ. Фрахт тушунчаси денгизда юн ва йўловчи ташишга нисбатан кўпроқ қўлланилади.

Фумарола (италиянча — **фумарола** — тутамоқ) — ҳали қотиб ултурмаган лава оқимидан ва магмадан ажralган сув буғлари ва газлар чиқиб турадиган майда тешиклар ва ёриклар.

Фельд — Скандинавия яриморолида музликлар ва тундра ўсимликлари билан қопланган ясси, гумбазсимон төф тепалари.

Фьорд — денгизларнинг қирғоқлари тик, кўпинча қояли тор, чуқур қутиқлари. Дарё водийларини ва сойликларни муз ўйиб кетиши, сўнгра уларни денгиз суви босиши натижасида ҳосил бўлган. Ўзунлиги юзлаб километрга, чуқурлиги 1000 м тacha етади ва ундан ҳам ошади. Гренландия, Скандинавия яримороли, Жан. Американинг жан.-гарбий қирғоқларида кўп.

X

айрим мамлакатларнинг бир-бirlари билан алмасиш (сотиш) учун муайян турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши. Х. м. т. ижтимоий ҳудудий меҳнат тақсимотининг такомиллашган шакли ҳисобланади. Х. м. т. сиз ҳар бир мамлакат хўжалиги ҳам, жаҳон хўжалиги ҳам маромида ривожлана олмайди.

Халқ хўжалиги — бирор мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг барча соҳаларини қамраб оладиган бутун хўжалиги. Мамлакат X. ҳ. га унинг саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, савдосигина эмас, алоқа, молия, тижорат, таълим-тарбия ва б. корхоналари ҳам киради.

Хариталар (латинча *хартес* — *езув учун мўлжалланган папирус*) — Ер юзаси, юлдузлар осмонининг текис сатҳдаги математик йўл билан кичрайтирилган ва умумлаштирилган тасвири. Қаранг. *Жуғрофий хариталар*.

Хариташунослик — жуғрофий хариталар, харита тузиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги фан. X. асосан 3 та катта тармоқга бўлиниш: 1) хариталар тарихи ва уларни ўрганиш; 2) математикнинг шар юзасидаги тасвирни ясси юзага кўчириш усуllibарини ўргандиган маҳсус бўлими; 3) асл нусхалар тузиш усули.

Хионосфера (юонча *хион* — қор ва *сфера* — кура, шар) — тропосферанинг қор ва муз тўпланиши мумкин бўлган қатлами. Шартли тушунча, чунки тропосферанинг бу қатламида қор тўпланишига шароит (илик ўлкаларда баланд тоғлар) мавжуд бўлсангина тўпланди. X. қутблар атрофида ер юзасида пастда жойлашган.

Хома — қатор тепа, қир, узун чўзилган баландлик. Бухоро областида кенг таъвалган атама. Mac, қум хомалари.

Хобуб (арабча *хобуб* — чанг) — Суданда кўпинча ёз вақтида тез-тез бўлиб турадиган қум, чанг бўрони.

Хўжаликни газлаштириш — халқ хўжалигига ва уй-рўзгорда табиият газдан ва заводларда қаттиқ ёқилгидан олинадиган газлардан ёқилғи ҳамда қимматли кимёвий хом ашё сифатида кенг фойдаланишга ўтиш.

Ц

Целлюлоза (латинча *целлюла* — катак) — ўсимлик ҳужайратлари пўстлоғининг сувда эримайдиган таркибий қисми, табиият полимер. Ц. толали ўсимликлар (пахта, толали зигир, каноп) толасининг таркибий қисми. Ц. дан сунъий толалар, плёнка, пластмасса, лок, портловчи моддалар ишлаб чиқариша фойдаланилди.

Целлюлоза-қофоз саноати — ҳар хил толалар, қофоз, картон ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи. Хом ашё сифатида нинабаргли (ель, қарагай, жўка, тилогоч) ва баргли (тоғтерак, бук, заранг, қайнин, терак, эвкалипт) дарахтлар ёғочидан, похол, қамиш, эски қофозлардан, ёғоч-созлик саноати чиқиндиларидан фойдаланади. Лекин Ц. қ. с. ат-

роф-муҳитни энг кўп ифлословчи саноат хисобланади.

Циклон (юонча *циклон* — айланувчи) — атмосферанинг паст босимли қисмлари. Кўпинча икки хил ҳаво массаси чегарасида (ҳаво фронтida) ҳосил бўлади. Ц. марказида ҳаво босими кам, атрофда юқори бўлади. Шамол атрофдан Ц. маркази томонга эсади. Лекин Ернинг ўз ўқи атрофидан айланishi таъсирида шамоллар шимолий яримшарда ўнгга, жанубий яримшарда чапга бурилади. Натижада Ц. да шамоллар қуюнлагига ўхшаб эсади. Аслида Ц. катта қуюндан иборат. Ц.ларнинг диаметри 1000—3000 км га етади. Соатига 30—40 км, баъзан 80 км гача тезлик билан силжийди. Ц. да об-ҳаво булутли, ёгинли бўлади. Узбекистонга Атлантика океа-

нидан келадиган Ц.лар қишда илиқ, ёмгирли, қорлы ҳаво келтиради.

Цирк (латинча *циркус* — доңра) — тогларда бир томони очық қозонсимвон рельеф шакли. Музлик үйиши ва сурима натижасыда ҳосил бўлади. Шунинг учун музлик цирки, сурима цирки деб, иккى хил Ц. фарқ қилинади.

Цунами (японча) — денгиз остида ер қимирлаганда денгиз та-

гининг кўтарилиши ва пасайиши натижасида ҳосил бўладиган жуда узун тўлқинлар. Соатига 50 км дан 1000 км гача тезлик билан тарқалади. Тўлқин баландлиги ҳосил бўлган жойда, очиқ денгизда 0,1 м дан 5 м гача етади, лекин денгиз қирғонига келганда 10 м дан 50 м гача етади ва ундан ҳам ортиб кетиб, катта ҳалокатлар келтиради. Асосан Тинч океан қирғоқларида кузатилади.

Ч

Чала чўллар — мўътадил минтақада даштлар билан чўллар орасида жойлашган, қуруқ иқлим шароитида таркиб топган табиат зоналари. Иқлими қуруқ континентал, ёғингарчиликка (300 мм) нисбатан мумкин бўлган буғла ниш 5—6 баробар кўп; дарёлар жуда кам. Тупроқлари: оч каштан, қўнғир, бўзтупроқ; чириндиси кам (2—4%), шўрланган ерлар кўп. Ўсимликлари: шувоқ, шўралар, чим ҳосил қиласидан бошоқлилар, намгарчилик танқислигига мослашган паст бўйли чала буталар. Ҳайвонлари: кемирувчилар (юронқозиқ, қўшоёқ, олахуржун), сурдалиб юрувчилар (тошбақа, илонлар). Чала чўлларнинг кўп қисми ўзлаштирилиб, фалла экиладиган ерларга айлантирилган. Қозогистонда катта майдонни эгаллаган. Ўзбекистонда тог олди қўрлари ва адирлар баландлик Ч. ч. минақасига киради.

Чангал (чангазор) — дарё бўйларидаги, айниқса унинг қайир, пастки террасаларидаги ўтиш қийин бўлган бутазор-ўрмонлар. Жангал шаклида ҳам талафуз қилинади.

Чашма — ер ости сувлари ер юзига оқиб чиқадиган жой, булоқ (қаранг). Қўлинча жилгаларга сув берадиган булоқлар Ч. дейнлади.

Чақиқ төғ жинслари — тогларда физик нураш натижасида ёнбагирларда қурум бўлиб сочилиб ётган жинслар. Чақиқ төғ жинслари ҳар хил геометрик шаклда, силлиқланмаган бўлади.

Чагиртош — қиррали парча тошлар цементлашиб ҳосил бўлган тог жинси (брекция).

Чекка денгизлар — материкларга ёндашиб турган ва океан дан ярим ороллар ҳамда ороллар орқали ажралтан денгизлар. Ч. д. одатда материк саёзлигига ва материк ёнбагрида бўлади. Баренц, Кара, Шарқий Сибирь, Чукотка, Лаптевлар, Норвегия, Беллингсгаузен денгизлари Ч. д. дир.

Чизиқли масштаб — Қаранг. Масштаб.

Чил — тог олди қия текисликларидаги кичик-кичик жар, эрозия натижасида ҳосил бўлган жўяклар.

Чилла (форсча чил — қирқ) — қиши ва ёзинг ўргасидаги қирқ кун. Қишида 26 декабрдан 5 февральгача ва ёзда 26 июндан 5 авгуустгача ўтган давр Ч. дейнлади. Ёзинг энг иссиқ ва қишининг энг совуқ кунларига тўғри келади.

Чинк — 1) қир ва баландликларнинг, супатоғларнинг тик тушган, баланд (350 м гача) ёнбагри. Чинклар олдида кўпинча пастликлар бўлиб, уларни шўр, ботқоқ

босган бўлади. Мас., Устюрт, Манғишлоқ чинклари; 2) чўққи, тоғ тенаси, кимсасиз, қор босган тоғлар.

Чирик тош — нураб турли шаклларга кириб қолган тошлар. Улар шакли чутири, чанди, тош устун ва к. булиши мумкин. Айрим Ч. т. лар гаройиб шаклларда бўлиб, табиат ёдгорликлари дейлатиди. Улар муҳофаза қилинади.

Чиринди — тупроқнинг жигар рангдаги органик қисми. Тупроқка тушган органик моддаларининг чиришидан ҳосил бўлади. Тупроқ унумдорлиги шу чириндининг миқдори ва сифатига боғлиқ. Ч. таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган азот, фосфор каби элементлар кўп бўлади. Узбекистоннинг қўнғир ва бўз тупроқлари таркибида чиринди 1—2 фоиздан ошмайди.

Чиқиш — қуёш чиқар томон, шарқ.

Чигир — тўқай четидан ўтган, тўқай ўртасидан очилган, қордан ўтказилган йўл.

Чопқун ёғин — қор ва ёмғирнинг аралаш ёғиши.

Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири. Аҳолига гўшт, сут, ёғ, тухум ва б. лар, саноатга тери, жун, қил ва б. лар етказиб беради. Ч. қорамолчилик, қўйчилик, ийлочилик, тяучилик, паррандачилик, асаларчилик, пиллачилик, баррандачилик ва б. тармоқларга булинади.

Чув — дарё, сой, сув.

Чувоқ — кўнгай, офтоби, офтобу атамалари синоними. Суръон — Шеробод водийисида кенг Қўлланилади.

Чукурлик минтақалари — Дунё океанида чукурлик ортган сари табиат комплекслари алмашиниб, сув ости табиат минтақаларини ҳосил қиласади. Чукурлик ортган

сари ҳарорат, ёруғлик, сувнинг физикавий-кимёвий хоссалари, сувдаги органик дунё ўзгариб боради. Дунё океанида қўйидаги Ч. м. ажратилади: 1) денгиз саёзлиги — қуруқликларнинг сув остидаги давоми. Ўсимлик ва ҳайвонлар кўп бўлади; 2) материк ёнбағри миңтақаси, 200 м дан 2500 м гача. Нишаблик анча катта, сув ости жарларни бўлади; 3) денгиз тузи, 2500 м дан 5000 м гача ва 4) чукур сув ботиқлари.

Чуқур сув ботиқлари — денигиз ва океанларнинг 5000 м дан чуқур қисмлари. Ер пустиннинг ёриқлари ва тоғ олди букилмаларига тўрги келади. Булар кўпинча океан геосинклинал миңтақаларида бўлади. Дунёдаги энг чуқур ботиқ — Мариана ботики — 11022 м.

Чўкинди жинслар — олдиндан мавжуд бўлган магматик, метаморфик ва бошқа тоғ жинсларининг эмирилиб қуруқликда ёки сув ҳавзаларининг тубида тўпланишидан пайдо бўлган тоғ жинслари. Ч. ж. қат-қат ва ғовак бўлиб, уларда ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари учрайди. Дона-дона (чакиқ), гилсимон, кимёвий ва органик чўкинди тоғ жинслари бўлади. Ҷақиқ чўкинди жинслар турли хил қаттиқ тоғ жинсларининг парчаларидан вужудга келади. Кимёвий чўкинди жинслар турли минераллар эритмаларининг чўкишидан ҳосил бўлади. Мас., тузлар, гипс, доломит. Органоген Ч. ж. ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг тўпланишидан пайдо бўлади (боксит, кўмир, бўр).

Чўл — 1) мўътадил, субтропик, тропик миңтақалардаги жуда қиртоқчил континентал иқлими ерлар. Ииллик ёғин миқдори одатда 200 мм дан ошмайди. Мумкин бўлган буғланиш жуда катта — ёғадиган ёғин миқдори-

дан 10—15 ҳисса күп. Маҳаллий доимий оқар сув бутунлай йўқ. Жала қўйганда ёки қор тез эриганда сувга тўладиган қуруқ ўзанлар учраб туради. Ер ости сувлари чуқурда ва шўр бўладп (асосан хлорид тузлар). Тупроги унумсиз, қатлами юпқа. Үсиммиллари жуда сийрак — бута, ўтлардан иборат (саксовул, юлғун, қуёнсуяқ, черкез, янтоқ, шўралар, эфемер ва эфемероидлар, семиз ўтлар). Үсиммиллар кўпинча баргасиз, майда баргли, сертук, илдизи узун бўлади. Ҳайвонлари ҳам ўзига хос. Сув қидириб узоққа бора оладиган чопқир (сайгоқ, қулон) ёки үсиммил таркибидаги сув билан кифояланадиган (тошбақа), емишилаги сувга қаноат қиласидаги (илонлар) ҳайвонлардан, паррандалардан иборат. Баъзи ҳайвонлар иссиқ ёз вақтида уйқуга кетади, баъзилари фақат тунда

тирикчилик қиласиди. Чўлларда ерларни сунъий сурорибгина дех-қончиллик қилиш мумкин. Тошлоқ, гилли, шағалди, қумли, шўрхок, гипсли, лёссли, тақир ҷўллар бўлади; 2) ўсиммил кам, дарахт йўқ, кимасиз кенг жойлар ҳам шу атама билан ифодаланади.

Чўкулак — ҷўлларда бута, ўт ўсиммиллари атрофида тўпландиган қум дўнгчаси, улар бир-бirlари билан қўшилиб, кичик-кичик қум хомаларини (қатор тепаларини) ҳосил қиласиди.

Чўққи — тоғ, тепа, қирларнинг баланд, наизасимон ўтирир, кўпинча кристалли, қаттиқ тошлардан иборат учи. Тогларнинг баъзан энг баланд қисми учли бўлмаса ҳам чўққи дейилади. Дунёдаги энг баланд чўққи Жомолунгма 8848 м. Ҳимолай тогида, Тяншан тогларининг баланд чўққини Хонтангри 6995 м.

Ш

Шабнам — илиқ ҳаво кириб келганда ўт, бута, дарахт, тош ва б. сиртида ҳосил бўладиган сув пардаси. Ҳаво ҳарорати 0°С дан паст бўлганда муз пардаси ҳосил бўлади. Тунда ҳаво совиб, ундаги сув буғлари ажралиб чиқишидан ҳам ш. тушади.

Шалола — Қаранг. *Шаршара*.

Шамол — ҳавонинг юқори босимли жойлардан паст босимли жойларга томон оқиши, ҳаракати. Муайян масофадаги ҳаво босимни орасидағи фарқ қанча катта бўлса, шамол шунча кучли эсади. Шамолнинг йўналиши ва тезлиги маҳсус асбоблар (Қаранг. *Флюгер ва Анерометр*) ёрдамида аниқланади ва Бофортнинг халқаро шкаласи бўйича 0 дан 12 гача баллар билан баҳоланади. Ш. эсаётган томон уфқ томонлари номи билан аталади. Mac., ши-

молий, ғарбий, жануби-шарқий Ш. лар ва ҳ. к.

«Шамол гули» — бирор жойда муайян вақт (йил, ой, ҳафта) давомида эсган шамолларнинг йўналишини кўрсатувчи чизма. «Ш. г.» ни чизиш учун бирор нуқта белгиланиб, унга уфқ томонлари йўналиши чизиқлари чизилади ва шу чизиқларда шамолларнинг эсиши томонлари нуқтадан бошлиб мутаносиб равиша белгилаб чиқишидан. Шунда ҳар бир чизиқнинг узунлиги шу томондан эсган шамоллар сонига мос бўлади. Шундан сўнг чизиқлар учун бирлаштирилади.

Шамол тезлиги шкаласи — шамол кучини белгиловчи шкала. Шамол кучини Бофорт таклиф этган 12 балли шкала билан аниқланади. Шамол кучи одатда ер юзасидан 10 м баландда ўлчанади. Бофорт шкаласи бўйича шамол кучи қўйидагича белгиланади.

Бофорт баллари	Шамол номи	Шамол тезлиги, м/секунд
0	Штил, шамолсизлик	0—0,2
1	Секин	0,3—1,5
2	Енгил	1,6—5,4
3	Шабада	3,4—5,4
4	Кучиз	5,5—7,9
5	Үртача	8,0—10,7
6	Күчли	10,8—13,8
7	Жуда күчли	13,9—17,1
8	Бурон	17,2—20,7
9	Қаттиқ бурон	20,8—24,4
10	Довул	24,5—28,4
11	Күчли довул	28,5—32,6
12	Ҳалокатли довул	32,7 ва ундан ортиқ

Шарлавуқ — дарё, жилга ва сойларнинг тезоқар жойлари. Дарёлар ювилишга чидамли қаттиқ, туб жинсларни кесиб ўтган жойларда чуқурлатиш эрозияси кучиз бўлиб, узан кенг ва саёз бўлади. Дарё бундай жойларда тез оқади.

Шартли ёқилғи — иссиқлик бериш қуввати 7000 ккал/кг га тенг деб қабул қилинган ёқилғи. Ш. ё турли хил ёқилғиларнинг иссиқлик бериш қувватини таққослашга имкон беради. Мас., қўйғир кўмирнинг иссиқлик бериш қуввати 5—6 минг ккал/кг.

Шаршара — дарё сувининг ўзандаги жарликлардан отилиб тушиши. Бундай жарликлар қаттиқ тоб жинслари ер юзасига чиқкан жойларда вужудга келади. Энг машҳур шаршаралар Шимолий Америкадаги Ниагара (51 м), Жанубий Африканинг Замбези дарёсидаги Виктория (120 м).

Шарқ — 1) уфқининг тўртта асосий томонларидан бири. Туш иайтида Қўёшга қараб турган кузатувчининг чап томонида бўлади; 2) математик уфқ текислиги билан осмон экватори кесишиган нуқта; 3) Қўёш чиқадиган томон.

Шарқирама — шаршара сўзи-нинг синоними. Қаранг. *Шаршара*.

Шах (шах қатлам) — тупроқнинг ортиқча нам шароитда маълум чуқурлиқда вужудга келадиган зич қатлами. Оғир тупроқларда кўп учрайди. Сувни шимилишига йўл қўймай, тупроқнинг ботқокланисига сабаб бўлади.

Шахта — ер ости ишларига, хусусан конларни қазиб олишга хизмат қиласидан хандақ. Ш.лар тегишли қурилмалар билан жиҳозланган бўлади. Узунлиги ва чуқурлиги бир неча км бўлиши мумкин.

Шагал — қаттиқ тоб жинсларининг оқар сув ёки денгиз тўлқини таъсирида силлиқланган парчалари. Катталиги 2—10 см орасида бўлса, йирик Ш., 2—20 мм бўлса, майда Ш. дейилади. Ш. йўллар қурилишида, бинокорлик саноатида бетонни тўлдирувчи сифатда ишлатилади.

Шаҳар — аҳолиси асосан саноатда, савдода, майний хизмат кўрсатиш соҳасида, бошқарув, фан, маданият шахобчаларида банд бўлган йирик аҳоли пунктлари.

Шаҳар атрофи хўжалиги — шаҳарлар ёки йирик саноат мар-

казлари атрофида жойлашган ва шаҳар аҳолисини тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари (сабзабот, картошка, ҳўл мева, сут, тухум ва б.) билан таъминлашга ихтиослашган қишлоқ хўжалик корхоналари.

Шельф — Қаранг. *Материк саёзлиги.*

Шибляк — Урта денгиз бўйин ўлкаларида кенг тарқалган паст бўйли бута ва ўтлардан иборат чакалакзорлар. Қора тикан, наъматак, дўлана, турли ўтлар ўсади. Улар одатда кесиб юборилган ўрмонлар ўрнида пайдо бўлади.

Шимол — уфқинг тўртта асосий томонларидан бири. Туш чизиги билан ҳақиқий уфқ доира чизиги кесишган нуқта. Чинқаётган қуёшга қараб турганингизда чап томонингизда бўлади.

Шлюз (голландча *шило*з, латинча *эклиудо* — ушлаб турман, ажратаман) — сатҳи турлича бўлган сув ҳавзалари ўртасида кема қатновига ёки сел ўтказишига хизмат қиласиган гидротехник иншоот. Ш. лар дарёларга, каналларга ва денгиз портларига қурилади. Ш. лар кема бемалол сифадиган бир неча шлюз бўлинмаларидан иборат. Шлюз бўлинмаларининг икки томонида темир дарвоза бўлади. Кема шлюздан ўтәтганда икки ёнма-ён бўлинма суви сатҳи тенглаштирилади; кема бир бўлинмадан иккинчисига ўтгандан сўнг орқадаги дарвоза ёпилади; шундан сўнг шлюздаги сув кема кириши керак бўлган бўлинма сув сатҳи билан бара-варлаштирилади, шундан сўнг кема шлюздан чиқади: Панама каналида, Огайо, Миссисипи, Волхов, Днепр, Волга, Кама дарёларида ва бошқа жойларда йирик Ш. лар бор.

Шовва — оқар сувлар пастга отилиб тушадиган жой. Қаранг. *Шаршара.*

Шовуш — дарёларда катта-кичик муз парчаларининг оқиши. Урта минтақа дарёларида Ш. куз ва баҳорда, Урта Осиё дарёларида қишида кузатилади. Дарё суви музлаш олдилади муз парчалари билан бирга ҳўл қор, қиласиқ оқиб, Ш. бўлади.

Штиль, шамолсизлик (голландча *штил* — сокинлик) — шамол бўлмаётган ёки салгина шабада эсиб турган пайт. Ш. да шамол тезлиги секундига 0,2 м гача бўлади. Экватор атрофларида, юқори босимли ўлкаларда кўпроқ кузатилади. Ўзбекистонда об-ҳаво маромида очиқ кунлари эрталаб ва кечқурунлари кузатилади. Денгизларда сув сокин турган вақт ҳам Ш. дейилади.

Шуга — кузда, қишида сув музлаши олдидан сувда оқадиган ғовак муз парчалари. Улар юмшоқ муз, қиласиқ ва узан ости музларидан ҳосил бўлади. Сув юзасида ивиган қорга ҳҳашб оқади.

Шхералар (шведча *шкер*) — тўртламчи давр музлклари боссан жойлардаги денгиз ва кўлларининг қирғоқлари яқинида учрайдиган қояли кичик-кичик ороллар. Болтиқ, Шимолий, Норвегия денгизларида, Канада, Арктика архипелаги қирғоқлари яқинида кўп учрайди. Бундай ороллар кўпинча қадимги кристаллашган төғжинсларидан иборат бўлади.

Шўр — қурғоқчил ўлкаларда ернинг пастқам жойларида минераллашган ер ости сувларининг чиқиши, кўлларнинг ёзда қуриб колиши натижасида тупроқда хлорид ва сульфат тузларининг ийғилишидан ҳосил бўладиган ботқоқ, шўр ер.

Шўртоблар — таркибида туз (асосан ош тузи) кўп бўлган туп-

роқли ерлар. Ш. күпинча шүр тупроқларнинг ювилиши ва шүр ер ости сувлари сатҳининг паса инишидан ҳосил бўлади, яъни тупроқ таркибидаги туз ювилиб, пастга тушиб кетади. Асосан шубоқ, шўра ўсили. Даشت, чала чўл, чўл зоналарида тарқалган. Экин экшиш учун тупроқни ювиш керак бўлади.

Шўрхок — даشت, чала чўл, чўл жойлардаги таркибида туз кўп бўлган тупроқли ерлар. Тупроқда 10—15 фоизгача (тупроқ оғирли-

гига нисбатан) туз бўлиши мумкин. Шўр грунт сувларининг тупроқ юзасидан бугланаб туришидан вужудга келади. Туз тупроқ юзасида қатқалоқ ҳосил қилиши мумкин. Баъзан балқиллама Ш. ҳосил қиласи. Ш. лар ерларни хотуғри суфориб, сизот сувлари сатҳини кутариб юборишдан ҳам вужудга келади. Африка, Австралия, Шимолий Америка, Осиёда кўп. Узбекистонда ҳам кўп учрайди.

3

Экватор (латинча *экватор* — тенглаштирувич) — Ер юзасида қутблардан баробар узоқликдан ўтказилган айланга чизик. Экватор Ер курасини икки ярим шарга — шимолий ва жанубий ярим шарларга бўлади. Жўргифий кенгликлар экватордан бошлаб қутбга томон ҳисобланади. Экватор узулилигига (Красовский маълумотида кўра) 40075696 м, 1° ёйининг узулилиги 111321,4 м. Экваторда кечак билан кундуз доимо тенг бўлади. Қуёш экватор устида ҳар ийли икки марта 21 марта ва 23 сентябрда кок тепадан ўтади.

Экватор иқлими — йил бўйи ҳаво иссиқ (24° , 28°), ёғин кўп (ўртача 1500—3000 мм), фасллар бир-бирларидан фарқ қилимайдиган иқлим. Йил бўйи иссиқ, сернам экватор ҳавоси ҳукмрон, ёғин (ёмғир) бир текис ёғади, ҳар куни тушки ёмғирлар ёғиб туради.

Экватор минтақаси — -8° шимолий кенгликлар билан 11° жанубий кенгликлар оралигига жойлашган жўргифий минтақа. Йил бўйи иссиқ (24 — 28°), ёғин кўп (1500—3000 мм, 10000 мм гача), ойлар бўйича деярли бир текисда тақсимланган. Биокимёвий ва табиий

географик жараёнлар жадал рўй беради. Табиий ҳолда ҳамма ёқ қалин сернам тропик ўрмонлар билан қопланган бўлган. Ўсимилик ва ҳайвонот дунёси бениҳоя хилма-хил.

Экватор ўрмонлари — экватор минтақаси табият зonasи. Экваторнинг ҳар иккала ёнида жойлашган. Фаслий тафовутлар деярли йўқ. Сернам иқлим шароитида қизил ювилган тупроқларда доимий яшил ўрмонлар ўсади. Жанубий Америка, Африка, Жануби-шарқий Осиёда жойлашган.

Экватор ҳавоси — экватор минтақаси устида таркиб топадиган ва ниҳоятда сернам ҳаво. Кўтарилима ҳаракат кучли бўлиб, қаттиқ жалаларга сабаб бўлади.

Экзоген жараёнлар (латинча *ексо* — ташқи, *генез* — туғилган) — Ер юзасида ва Ер пўстининг юза кисмida қуёш нурининг энергияси, Ернинг тортиш (гравитацион) кучи ва организмлар ҳаёт фаолияти натижасида рўй берувчи жараёнлар. Бу жараёнлар эндоғен жараёнларга қарама-карши бўлиб, ер юзасидаги нотекисликларни текислайди. Буларга нураш, сув ва шамол эрозияси, музликлар, ер ости сувлари иши, ден-

гиз тұлқинлри ва ҳ. к. ларни киритиш мүмкін.

Экзоген күчлар (латинча *ексо* — ташқи, *генез* — туғилған) — Ер юзасига ташқаридан таъсир күрсатувчи күчлар. Буларга қоюш нури, шамоллар, музлуклар, оқар сұвлар, тұлқинлар, қалқыш жараёни, үсімлик ва ҳайвонлар киради. Буларнинг (қалқыш ҳодисасидан бошқасы) ҳаракат мәнбасы Қуең радиациясынан.

Экзосфера (латинча *ексо* — ташқи, *сфера* — кура, шар) — Ер ҳаво қобиғининг эң жоғору қызығы, жуда сийрак ҳаволи қатлами. Ер юзасидан таҳминан 800 км дан баландда жойлашган. Бу қатламдан водород ва гелий газ атомлари коннот бүшлиғынан тарқаб туради.

Эклиптика (юнонча — *еклипсис* — тутилиш) — осмон сферасында Қуеңнинг йил давомидаги күрініма ҳаракати рүй берадынан кетта доира чизик. Эклиптика текислигі осмон экватори текислигига нисбатан $23^{\circ} 27'$ бурчак ҳосил қылады ва эклиптика билан осмон экватори иккі жойда (бажорғи ва күзги кун-тун тенглигі нұқталарыда) бир-біри билан кесішади.

Экологик мувозанат — инсон, үсімлик ва ҳайвонлар учун зарур бұлған табиеві шароит мувозанаты. Э. м. үн минглаб йиллар да-вомида таркиб топған ва табиеві ҳолда жуда секін үзгариб боради. Лекин инсоннинг табиатта түрлі таъсирлари оқибатида Э. м. Ер юзасининг түрлі жойларыда үзгариб бораяпты ва күпинча өмөн томонға үзгарағапты. Бүнга ҳаво, сув, тупроқнинг ифлослананетгани сабаб бұлағапты.

Экологик омыллар — инсон, ҳайвонлар ва үсімліктарнинг қаёті учун зарур бұлған табиеві омыллар. Э. о. құйидагилар: 1) өрүғлик, 2) иссиқдик, 3) сув,

4) ҳаво, 5) жой (тупроқ, گрунт, рельеф), 6) организмлар үргасидеги үзаро муносабатлар, 7) инсоннинг таъсирі.

Экология (юнонча *оіккос* — жой, үй, *логос* — фан) — организмлар билан табиеві мұхит үргасидеги үзаро алоқаларни, бояланыштар ҳамда таъсирларни үрганынан фан. Үрта Осиёға оид дастлабки экологик маълумотлар Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино асарларнда бор. Ҳозирғи вактда экология тадқиқотлар табиатдан фойдаланыш ва атрофимұхитни мұхофаза қылыш масалаларини ҳал этишда жуда мұхим илмий ва амалий ақамияттада.

Экспозиция, ёнбағыр экспозициясы (латинча *экспозицио* — жойлашмоқ) — ёнбағыларнинг дүнә томонларынан, бинобарин, Қоюшга нисбатан қандай жойлашғанлығы. Ёнбағыларнинг қайси томонға қаралғанлығынан қараб үларнинг иқтими (ҳава ҳарорати, нағымы), бинобарин, үсімлик, тупроқ ва ҳайвонот дүнеші ҳам ҳар хил бұллады.

Экспорт (латинча *экспорт* — ташқарыға чиқарман) — мамлекатда тайёрланған товарларни хорижда сотиши учун четте чиқарыши. Ҳозирғи вактда чет әлларға ғақат товарлар әмас, капитал чиқарыши ҳам расм бўлған,

Экстенсив ҳұжалик (латинча *экстенсис* — кенгайиб боруви) — маблаг ға мекнат кам сарфламалығынан, фан-техника յотуқларидан кам фойдаланыладынан ва яхши механизациялашмаган ҳұжалик. Мас., яйлов чорвачилиги.

Электрлаштириш — халқ ҳұжалигини электр энергиясыдан кенгайиб ғойдаланишга үтказиш. Бунда мамлакатдаги барча үйрек электр станциялары ягона электр энергиясы тизимиға (системасыга) бирлаштирилиб, барча корхона ва

хұжаликлар ана шу ягона электр энергияси тизимига улашиади.

Электрон саноати — машина-созликнинг фан-техника тараққиетини белгиловчи тармоги. Электрон асбоблар, ЭХМ, компьютерлар ишлаб чықаради. Электрон саноати маҳсулотлари ракета техникасінда, халқ хұжалигининг барча тармоқларыда, илмий тадқықотларда көнг құлланилади.

Эмиграция (латинча (эмигра-ро) — күчіб кетмоқ) — кишиларнинг ўзи туғилиб ўсан ёки узок вақт яшаган мамлакатлардан хорижка күчіб кетишлари.

Эмиссия — банклардан (сейф-дан) пулларни мәйлум миқдорда муомалага қиқиши.

Әңг юқори күрсаткич — вақт давомида ўзгаруучан метеорологик элементларнинг (ұаво ҳарорати, атмосфера босими ва ҳ. к.) бирор жой, үлка, мамлакат, материк ёки бутун Ер юзінде күп йиллар давомида күзатылған әңг юқори күрсаткичи. Мас., Тошкентда әңг юқори ҳарорат 44° бұлғанни мәйлум.

Әңг паст ҳарорат — вақт давомида ўзгаруучан метеорологик элементларнинг (ұаво ҳарорати, атмосфера босими ва ҳ. к.) бирор жой, үлка, мамлакат, материк ёки бутун Ер юзінде күп йиллар давомида күзатылған әңг паст күрсаткичи. Мас., Тошкентда -27° , Антарктида — -89° ва ҳ. к.

Әндоген жараёнлар — Ернинг ички қисмінде рүй берадиган физикалық ва кимбейін жараёнлар. Үлар ер юзасыда түрли хил тектоник ҳаракатлар, вулкан отилишлари, ер пустининг ўзғарыши, ёрилиши, ер қимирлашлар тарзидан акс этади.

Энергетика бойліклари — та-биатда мавжуд бұлған ва фан-техниканың ҳозирги тараққиёт даражасыда инсон амалда фойдалана оладиган энергия манбала-

ри. Ҳозирги вақтда тошкүмир, нефть, ёнувчи газ, ёнувчи сланец, торф, оқар сувлар энергияси, шамол энергияси, сув қалқашы энергияси, атом энергияси Э. б. ни ташкил этади.

Энергетика хұжалиғи — саноатнинг халқ хұжалиғини зарур энергия билан таъминлаш учун түрли хил ёқылғы ва бошқа энергия бойлікларини олиш, улардан фойдаланыш билан шуғулланадиган тармоги.

Энергиятаб чиқарышлар — маҳсулоти таннархыда энергияга бұлған харажатлар салмоги катта бұлған ишлаб чықарышлар. Э. т. и. ч. га рангдор металлургия, электрометаллургия, киме саноатнинг айрим тармоқлары киради. Бундай ишлаб чықарыш корхоналары одатда энергия сероб ва арzon ҳудудларда қурилади.

Әол жараёнлар (қадимги юоннларнинг шамол ҳудоси ЭОЛ номидан) — шамол иши таъсирида ер юзасынинг ўзғариши жараёнлари. Шамол қаттық төр жинсларини сымради, майдалайди, майдаланған жинсларни учиради ва бошқа жойларға олиб бориб түплади. Емириш натижасыда қаттық төр жинсларидан түрли шакллар — тош құзиқоринлар, тош үстүнлар, «одамтошлар» ҳосыл бұлади. Құм түпленіб барханлар, құм тепалари вужуда келади.

Әпицентр (юончча эпи — устида ва латинча центрум — доира марказы) — ер ицидаги зилзила үчогининг қоқ устида ер юзидаги жой, зилзила марказы. Э. да зилзила тұлғини вертикаль бұлади, яғни пастдан юқорига урилади. Э. дан атрофга горизонтал-теберінма тұлғинлар тарқалади.

Эра (латинча аэра — бошланғич сөн) — ғылыми, тақвим бошланған вақт, тақвимнинг ўзи. Мас., милодий тақвим Исо пайғамбар

туғилған кун деб тахмин қилинған кунда бошланади. Ҳижрий йил ҳисоби 622 йил 22 сентябрдан, яъни Мұхаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам Маккадан күчіб Ясирига борган кундан бошланды.

Эрг — Африканинг шимолий қисмидаги құмлы چұллар. Дарёлар көлтирган ётқизіқтар кенг тарқалған пастлик ерларда күп учрайди. Катор-қатор баланд құм тепалари бор. Үсимлик үсіши ва ҳайвонлар яшаси үчүн шароит тошлок, шағалли چұлларға қаранды құлайроқ. Ҳар ер-жар ерда қудуқлар ва булоклар бор.

Эркин иқтисодий ҳудуд — хориж капиталининг эркин амал қилиши учун ажратилған махсус ҳудуд. Эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнашыншашарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

Эркин нарх-наво — товарларнинг давлат томонидан чегараланмаган нарх-навоси. Истеъмол киймати юқори моллар нархи жуда кутарилиб кетиши мумкин. Лекин бора-бора тартибга тушади.

Эрозия (латинча *erosio* — емириш) — тог жинслари вә турлоқларни оқар сувлар ювиб, оқизиб ва шамол учирив кетиши. Эрозия ер юзасини ғарнитуручи омиллардан бири. Ювалиш юзалама ва чүкүрлатма бўлиши мумкин. Яна ён эрозия ва таг эрозия бўлади. Эрозия табиий ва инсоннинг нотўғри ҳўжалик фаолияти оқибатида теззатилтган бўлиши мумкин. Эрозия тупроқни ювиб

кетиб, яроқли ер майдонини камайтириб зарар көлтиради.

Эстуарий (латинча *aestuariu* — дарёнинг сув босадиган этаги) — дарёнинг дengizga қойиладиган жойидаги кенгайған қисми, құлтиқча. Дарё этагини дengiz суви босишидан ҳосил бўлади.

Этак — дарё қуий оқимидағи ерлар (дарё этаги), қишлоқ, шағар ёки бирор жойнинг пастки чекка қисми (қишлоқ этаги, ернинг этаги), төр этаги ва ҳ. к.

Этнография (юнонча *этнос* — қабила, халқ ва *графо* — ёзаман) — халқлар ва қабила, әзатларнинг маданий, маший ҳусусиятларни, келиб чиқишини, маданий-тарихий алоқаларини ўргана-диган фан.

Эфемер үсімліклар (юнонча *эфемерос* — бир күнлик, қисқа вақтли) — қурғоқчил ўлкаларда тарқалған ва қисқа вақт ичиде — 1,5 ой давомида вегетация даври тугайдиган бир йиллик үсімліклар. Узбекистонда چұлларда, төр олди текисликлари, адирларда кенг тарқалған. Мас., лолақизгадоқ, қоқи, чучмома, рангут, құнгирбаш, ёввойи арпа ва бошқалар.

Эхолот — сувнинг чуқурлғиги ни үлчайдиган асбоб. Кема корпүснинг пастки қисмiga ўрнатилған махсус асбоб сув остига товуш сигнали юборади. Товуш сув тагига етади ва ундан акс-садо қайтиб келади. Бу акс-садо эхолот ёрдамида ушлаб олинади. Тўлқин бориб қайтгунга қадар кетган вақтга қараб чуқурлик аниқланади.

Ю

Ювилма арқ — дengиз тўлқинлари тешиб, ўйиб юборган қоялни тик қирғоқ.

Ювилма платформа — платформаларнинг дengиз тўлқинла-

рининг емириш иши натижасида ҳосил бўлған сув ости ёнбағи. Юзаси дengиз томонга салгина қия бўлади.

Ювилма текисликлар — тўл-

қын емириши натижасида ҳосил бүлган текисликлар. Ҳозирги Ю.т. сув ости ювилма ёнбагирларидан иборат. Лекин тектоник ҳаралатлар оқибатида деңгиз сатқидан күтарилиб қолган ёки чуқур чүкіб кетган Ю.т. ҳам мавжуд.

Ювилма террасалар — деңгиз ва құлларнинг тұлқин емириши оқибатида вужудға келган террасалар.

Ювилма қырғоқ — деңгиз ва құлларнинг тұлқинлар уриши натижасида емирлаётган тик, бағанд қырғоқлары.

Ювилма құлтиқ — деңгизларнинг тұлқин емириб, ювилиши оқибатида ҳосил бүлган құлтиқлары.

Юк күтариш құввати — маълум бир транспорт воситасининг юк күтариш құввати. Тұрт ұқын темир йұл вагонининг юк күтариш құввати 62—65 тонна, дарә кемаларнинки 7 минг тонна, катта юк машиналариники 160 т. гача. Иерик деңгиз танкерларининг юк күтариш құввати 500 минг тоннагача етади.

Юк үтказиш суръати — темир йұллардан фойдаланиш самардорлығы курсатқичи. Ұлчов бирлиги т/км, яғни 1 км йұлға түркі келдиган ташиладиган юк җажмы (т/км).

Юлдузлар — ута қызыған газлардан (плазмадан) тарқыб топған, үзидан коинотга ёргулған нүри тарқатып турувчи, табиятига күра Қуёшга үшшаган осмон жисимлари. Улар ниҳоятта катта

бўлишларига қарамасдан жуда узоқда (Қуёшга нисбатан юз минглаб, миллионлаб ҳисса узоқда) бўлганлигидан бизга ёргуғ нүқта бўлиб қўринади. Одам асбобларсиз 5—6 минг юлдузни кўриши мумкин. Юлдузлар табиятан жуда хилма-хил. Энг катта юлдузлар Қуёшдан миллионлаб марта катта бўлади. Баъзи юлдузлар Қуёшдан ҳам кичик, уларни митти юлдузлар дейишади. Осмонда Сомон йўлида юлдузлар айниқса кўп. Юлдузлар тұда-тұда бўлиб ҳам жоғлашган. Уларни юлдуз туркумлари дейилади: Ҳулкар, Етти оғайни, Етти қароқчи, Тарози, Курси ва б.

Ют — совуқ вақтда ёмғир томчиларининг ер юзасида, ўсимлинк (ұт) устида музлаб, юпқа муз қатламининг ҳосил бўлиш ҳодисаси. Ют одатда ҳарорат — 0° дан — 3° гача, баъзан ундан ҳам совуқ бўлганда рўй беради. Қор эриб, яна совуқ тушиши натижасида қотиб, муз қатламини ҳосил қилишидан ҳам ют бўлади. Ют ҳодисаси яйловдаги чорва моллари учун жуда хавфли, баъзан овқат топиб сўёлмай, кўплаб қўйлар қирилиб кетади. Бунинг олдинн олиб, қишига яйловларда пичан замлаб қўйилади. Қиши охирда, Ҳут ойида қор эрий бошлайди. Лекин баъзан бирдан ҳаво совиб зриёттган қор музга айланади. Чорва моллари яйловда озиқдана олмай қолади. Шундан ҳут ойи ҳақида «Яхши келса ҳут, ёмон келса ют» дейилади.

Я

Яйла (туркий яйла, яйлов, яйлоқ — ёзғи ўтлоқ) — Қрим тоғлары жанубий тизмасидаги оҳактошлардан иборат, тепалари яссин, гумбазсизмен ялангликлар. Карст рельефи шакллари кенг тарқал-

ган. Яйловлар сифатида фойдаланилади.

Яйлов (Қримда яйла, Қозогистонда жайлар, Қирғизистонда жайла) — тоғлардаги ёзғи ўтлоқ альп ва субальп ўтлоқлари.

Одатда төгларнинг ясси, ўрмонсиз тепалариди, кенг ясси ёнбагирларида бўлади. Ёй — ёз сўзидан олинган. Ўрта Осиё тофларида 2000—3000 м баландликда жойлашган. Иқлими сернам, ёзи салқин, қиши қорли бўлади. Ўсимликлар қорамтири, қора тупроқларда ўсуви ўтлоқ, ўтлоқ-дашт ўсимликларидан иборат. Энг катта яйловлар Сувсамир, Олой, Оҳангарон водийларида бор.

Яйлов чорвачилиги — моллар асосан яйловларда боқиладиган чорвачилик. Кўпроқ қўй, эчки, буғу яйловларда боқилади. Я. ч. табиий шароитга жуда боғланиб қолган ва маҳсулдорлиги ўзгариб туради. Шунинг учун яйловлар кўп жойларда ҳам Я. ч. молхоналарда боқиш билан бирга олиб борилади. Яйловдан фойдаланиш мумкин бўлмаган вақтларда моллар йигиб қўйилган озуқа билан боқилади.

Якка ҳокиммият — олий ҳокиммият бир шахс (подшо, император, хон) қўлида бўлган ҳокиммият бошқаруви шакни. Ҳокиммият бутун бир умрга берилган бўлиб, авлоддан авлодга ўтади. Барча ҳокиммият бир киши қўлида бўлса, ҳокими мутлоқ дейилади. Конституцион якка ҳокиммикда ҳоким ҳуқуқлари парламент томонидан чекланган бўлади. Бунда ҳоким давлат аҳамиятига молик қонунларни парламент — Олий Кенгаш розилингизис циқари олмайди.

Яланг (яланглик) — ўрмои, дараҳтзор орасидаги очиқ, дараҳтсиз жой, сайҳон. Түркларда алан, татарларда елан деб юритилади.

Ялпи маҳсулот — бирор-бир корхона, халқ хўжалигининг бирор-бир тармоғи ёки бутун халқ хўжалиги маъзум вақт мобайнида ишлаб чиқарган маҳсулотнинг пул ҳисобидаги қиймати. Я. м. дан соф маҳсулотни фарқ қилиш

керак. Соф маҳсулот Я. м. дануни яратиш учун қилинган барча ҳаражатларни айриб ташлагандан қолган қисми. Мас., бирор кортона 1 йилда 100 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу унинг ялпи маҳсулоти. Шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё, меҳнат ҳақи ва машиналар ишлаб эскириш ҳаражати 60 млн. сўмни ташкил этади. Бинобарин, соф маҳсулот 40 млн. сўм бўлади.

Янги тектоника (неотектоника) — неогенда ва тўртламчи даврда рўй берган ҳамда ҳозирги вақтда содир бўлаётган тектоник ҳаракатлар ва геологик ҳосиллар. Ер юзида янги тектоник ҳаракатлар таъсир этмаган бирорта ҳам жой йўқ. Янги тектоника ҳаракатлари ер нўсти платформадан иборат ўлкаларда унчалик кучли бермайди. Бундай ерларда кўтарилиган жойлар билан пасайган жойлар ўртасидаги фарқ 1—2 км га етади. Геосинклиналларда эса, аксинча, жуда кучли рўй беради. Бу ерларда кўтарилиш ва пасайиш фарқи бир неча километрдан ўнлаб километрга етади. Масалан, Тяншанда 12—15 км, Кавказда 10—12, Забайкальеда 4—6 км га етади. Янги тектоника ҳаракатлари рельефни ўзгаришиш орқали бутун ландшафтнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Бу ўзгариши тогларда тезроқ рўй беради. Ҳозирги кунда рўй берәётган тектоника ҳаракатларини ҳозирги замон тектоника ҳаракатлари дейилади. Бу ҳаракат тезлиги текислик ерларда йилига бир неча мм дан, тогларда бир неча см га етади. Уларни кўп вақтга мўлжаллаб қуриладиган ишоотларни (сув омборлари, түғонлар, темир йўллар) лойиҳалашда албатта ҳисобга олиш лозим.

Яриморол — уч томондан сув

билин ўралиб, фақат бир томонда кичик масофада катта қуруқликка туташган ер. Масалан, Арабистон, Ҳиндистон. Крим, Болқон, Таймир, Чукотка, Камчатка яримороллари.

Ярим фабрикат, ярим тайёр маҳсулот — истеъмол ва ишлатиш учун тайёр бўлмаган ҳамда қўшимча ишлов беришни талаб қиласидиган маҳсулот (қўйма пўлат, калава ип, тилингтан тахта, чарм, қўйма гўшт, тўғралган сабзи, пиширилмаган масаллиғ).

Ясси жар — вақт ўтиши билан эмирилиб, кенгайиб, саёзланиб, ёнбағирлари ётиқ бўлиб қолган ўсимлик билан қопланган эски жар. Кўпинча ўрмон-дашт ва дашт зоналарида учрайди.

Ясси тоғлиқ — денгиз сатҳидан 500 м дан баландроқ бўлган

ер юзаси текис ёки бир оз тўлқинсимон текислик, қирлар.

Яхмалак — совуқ ўлкаларда, хусусан Сибирнинг шимолий қисмлари, Қанада ва Алясканинг шимолий ҳудудларида қишида дарё сувларининг музни ёриб чиқиб ёки ер ости сувларининг ер юзасига чиқиб музлаши натижасида ҳосил бўладиган музлар. Уларнинг қалинлиги бир неча метрга, майдони бир неча кв. м. дан бир қанча кв. км гача этиши мумкин. Ўларнинг баъзилари ёзда ёриб улгурмай, кўп йиллик яхмалакларга айланаб кетиши мумкин.

Яширин, хуфия иқтисодиёт — яширин корхоналар очиш, қонунга хилоф иқтисодий, молиявий ишларни юритиш. Хуфия иқтисодиёт корхоналари давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш вosisатаридан кенг фойдаланадилар.

У

Ўзак — дарё тармоги, оқар сув. **Бу атама** Қорақалпоғистонда кўп қўлланилади: Қораўзак. Қозогистонда ясси жар, дарё тармоги, пасткам ер, Бошқирдистонда жар (Тошўзак жари) шу атама билан юритилади.

Ўзан — дарё водийсининг энг паст, сув оқадиган, ҳатто сув қайтиши даврида ҳам оқим бўладиган қисми. Катта дарёлар ўзанининг эни юзлаб метрдан бир неча км гача этиши мумкин. Тоғларда ўзан кўпинча тўғри, қирғоқлари тик бўлади, текисликларда эса илонизи, айрим жойлари саёз бўлиб, сувнинг ювиш, чўқиндилар ётқизиш иши натижасида шакли ўзгариб туради. Курғоқчил ўлкаларда йилнинг кўп қисмida қурғиб ётадиган ўзанлар ҳам бўлади. Булар Арабистон ва Шимолий Африкада водий, Австралияда криклар деб аталади.

Ўзан кўллар — дарё қайирла-

рида эски ўзанлар ўрнида ҳосил бўлган кўллар. Улар узун чўзилган, эгри бугри ёки тақа куринишида бўлади. Дарё суви билан тўйиниб туради. Балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш учун қулаги.

Ўзбой — қаттиқ жала қийганда ва баҳорда қор тез ёринганда сув бўладиган қуруқ ўзан, сой, водий, бўйлама пастлик. Жўғрофий номлар таркибида ҳам учрайди. Mac., Ўзбой. Келиф ўзбой ва X. K.

Ўзгарган ландшафт — табии таъсиrlар ёки инсоннинг фаолияти таъсирида дастлабки ҳолати ўзгарган ландшафтлар. Табии ландшафтлар ўз-ўзидан аста ўзгариб боради. Лекин инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида ландшафт тез ўзгаради. Айниқса ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, ер усти ва ер ости сувлари тез ўзгаради. Шунда баъзи кишилар

ландшафт бутунлай ўзгарди дейди. Аслида ландшафт бутунлай ўзгартмайди: тоғ жинслари, иқлім, рельефнің иирик шакллари ўзгармай қолади. Ү. л. га үлкамиздаги воҳалар энг яхши мисол бўлади.

Ўз-ўзидан тозаланиш — табиатнинг ўз-ўзидан илгариги ҳолатининг тикланиши имконияти. Агар табиатни ифлословчи манбалар тугатилса, табиат (сув, ҳаво, тупроқ) ўз-ўзидан аста-секин тозаланади. Бу жараён чиритувчи бактериялар, кимёвий реакциялар, ифлословчи моддаларнинг чукиши оқибатида рўй беради.

Ўй — жар ер, пастлик ер. Ўй-қир, ўйдим-қир, паст-баланд, нотекис ер. Ўйқин ер — сержар ер.

Ўлим суръати — бирор ҳудуд (шаҳар, туман, мамлакат)даги кишилар орасида ўлим миқдорини билдирувчи қиймат. Бир йилда ҳар 1000 киши ҳисобига ўлган одамлар сони билан белгиланади. Ривожланган мамлакатларда Ү. с. ҳар минг кишига 8—12 та, ривожланмаган мамлакатларда ҳар хил —20 кишидан 100 кишигacha тўғри келади. Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига 1 йилда 45—50 ўлим тўғри келади.

Ўлкашунослик — кичикроқ ҳудудни (қишлоқ, шаҳар, вилоят) унинг теварак-атрофидаги жойлар билан бирга табиати, аҳолиси, хўjalиги, тарихи, маданиятини маҳаллий кишилар томонидан ўрганиши. Ўмумий ва соҳалар бўйича ўлкашуносликка бўлинади. Ўмумий ўлкашуносликда ўлка ҳар томонлама ўрганилади. Соҳалар бўйича Ү. тарихий, этнографик, топонимик, комплекс жўгрофий, геологик ўлкашуносликларга бўлинади. Ўлкани ўрганишида мактаблар ўқувчиларининг иштироки катта бўлади. Шунинг учун мактаб ўлкашунослиги ҳам алоҳи-

да ажратиласди. Ўлкашунослир ўсимликлардан, ҳайвонлардан, тоғ жинсларидан намуналар йигишда, конларни топишда иштирок этади.

Ўр — қир, сертепа текисликларда ва текис ерларда асосан оқар сув иши натижасида ҳосил бўлган тор сой, сойлик, чуқурлик.

Ўрама — сув ҳавалари (денигиз, океан, кўллар) да ва дарёларда иккى йўналишдаги оқим тўқнашганда, дарёлар тирсакларни айланиб оққанда ҳосил бўладиган сувнинг айланма ҳаракати. Денгизларда сув қалқишилари қарама-қарши оқимлар тўқнашганда ҳам ҳосил бўлади.

Ўрмон — асосий ўсимлик тури бир-бирига яқин (зич) ўсган дарахтлардан иборат бўлган ўсимлик тини, қалин дарахтзор. Ўрмонларда ўсимликлар бир қанча яруслар (қаватлар) ҳосил қилиб ўсади. Пастдан юқорига томон биринчи қаватда мўх ва ўйсиллар ўсади, сўнгра ўтлар, кейин буталар қавати, энг юқорида дарахтлар қавати бўлади. Ўрмонлар чўллар, тундра ва Арктика (Антарктика) миintaқалардан бошقا ҳамма миintaқаларда зоналар ҳосил қиласди. Ўрмонлар дарахт турларига қараб, игнабаргли, араплаш, кенг баргли, қаттиқ ялтироқ баргли, йил бўйи яшил, доимий яшил сернам ўрмонларга бўлиниади.

Урал ва Сибирдаги туркий халқларда ўрмон деганда пихта, ель, баъзи жойларда тилюғоч ўсадиган қалин қорамтири баргли ўрмонлар тушунилади.

Ўрмон-дашт — ўрмон билан дашт ерлар алмашиниб турадиган табиат зонаси, ландшафт. Мутталил миintaқада. Ү. д. зонаси ҳавонинг ўртача ҳарорати январда -5° атрофида, ёзда $18-25^{\circ}$ бўладиган ва йилига 400—1000 мм ёғин тушадиган жойларда вужуд-

га келади. Субтропик миңтақаларда эса ҳаво ҳарорати ўрта хисобда январда 4° , июлда 24° бўладиган, йилига 600—1200 мм ёғин ёғадиган жойларда таркиб топади. Ўсимликлар йил бўйи яшил бўлиб, ривожланишдан тўхтамайди.

Ўрмон-тундра—Арктика миңтақасида ландшафтлари ўрмон ва тундралардан иборат бўлган табият зонаси. Евросиё ва Американинг шимолий қирғоқлари бўйлаб чузилган. Иқлими союқ—январь ойининг ўртача ҳарорати — 10° дан — 40° гача, ёзда $12-14^{\circ}$, йиллик ёғин миқдори 200—400 мм. Тупроқлари тундра, ботқоқ, куяранг тупроқлар. Асосий ўсимликлари ҳўлва, йўсин, буталар ва майда баргли, ингабаргли пакана дараҳтлардан иборат.

Ўрта денгиз иқлими—Ўрта денгиз бўйига хос қиши илиқ ($5-10^{\circ}$), ёзи иссиқ ($20-25^{\circ}$), ёғин миқдори йилига 400—600 мм. бўлган, ёғин асосан қишида ёғадиган иқлим типи. Узбекистоннинг жанубий ҳудудлари иқлими У. д. и. га ушаб кетади, лекин ундан қуруқроқ бўлади.

Ўрталикдаги денигизлар—қуруқлик ичкарисида, қитъалар оралигидан, ер пўстининг ёриқлари миңтақасида жойлашган денигизлар. Сув таги рельефи жуда иотекис бўлади — чуқур ботиқ-

лар билан саёзликлар ёнмаён учрайди. Мас., ўрта денгиз, Караб денигизи, Жануби-Шарқий Осиё билан Австралия оралигидаги денигизлар.

Ўртача йиллик ҳарорат — маълум жойдаги ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати. Йиллик ўртача ҳарорат 12 та ўртача ойлик ҳароратларни бир-бирига қўшиб, 12 га тақсимлаш йўли билан топилади. Ўртача йиллик ҳароратларни таққослаш турли жойтарнинг иқлимини таърифлашга имкон беради. Мас., Тошкентда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $13,5^{\circ}$ атрофида.

Ўртача суткалик ҳарорат — ҳавонинг сутка давомидаги ўртача ҳарорати. Сутка давомида ҳар 3 соатда ўлчаб аниқланган ҳарорат кўрсаткичи бир-бирига қўшилиб, 8 га тақсимланиб ҳосил қилинади. Мас., Тошкентда юйла ойида 27° атрофида, январда $-0,5^{\circ}$ атрофида бўлади.

Ўртача тоғлар — денигиз сатҳидан баландлиги 1000 м дан 2000 м гача бўлган тоғлар. Узбекистондаги Нурут, Зиёвуддин — Зирабулоқ тоғлари, Қора тоғ тизмаси ўртача тоғлар ҳисобланади. Қрим, Қарпат, Қозогистон паст тоғлари ҳам ўртача тоғлар.

Үр-қир—ер юзаси иотекис, чуқурлик билан қирлар алмашиниб келадиган жойлар.

K

Қавс (арабча қавс, форсча камон, ўзбекча ёй) — 1) зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Қуёш (Шамсий) хисобидаги йилнинг тўққизинчи ойи, 19 ноябрдан 18 декабргача 30 кун давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон гумбазида Қ. юлдузлар туркумидан ўтади.

Қадимги тоғлар — алъи бурмаланишидан олдингина эраларда вужудга келган тоғлар. Мас., Тяншан, Урал, Аппалачи тоғлари. Қ. т. кейнинг бурмаланишларда қайта кўтарилиб, ёшарган бўлиши мумкин. Чунонча Тяншан тоғлари палеозой эрасида бурмаланиб кўтарилиган. Кейин

мезозой эрасида пасайиб, денгиз босган, Алъп бурмаланицида яна күтарилиб, ҳозир баланд тоғларга айланыб қолган.

Қайир — дарё, канал ва күллар бўйлаб чўзилган, сув кўпайган вақтда сув босиб кетадиган пастак захоб ерлар. Қайирларни одатда ўтлар, тўқай ўсимликлари қоплаган бўлади. Қайирларда чуқурликлар — эски ўзанлар кўп бўлади. Қайирларнинг кенглиги дарё оқадиган жой рельефи ҳолатига қараб, бир неча метрдан ўнлаб км гача боради. Текисликда оқувчи катта дарёлар қайирлари эни 40 км гача етади. Қайирлардан яхши яйловлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Қайнар — 1) суви пастдан юқорига кўтарилиб чиқадиган булоқ — қайнар булоқ. Туркманистонда балчиқ вулканни ҳам қайнар дейилади; 2) ариқлар йўл ёки катта ариқ, пастлик жой тагидан қувурлар орқали чиқарилган иншоот ҳам Қ. дейилади. Шундан жой номлари бўлиб ҳам қолган.

Қалайи рудалари — таркибидан саноатда қалай (Sn) ажратиб олинадиган табий бирималар. Асосий минерали касситерит. Асосий конлари Жануби-Шарқий Осиёда, Бразилия, Нигерияда ва Заирда жойлашган.

Қашашма музлар — денизларда муз далалари синган жойларида ён томондан бўлган босим натижасида вужудга келадиган тартибсиз қалашиб кетган муз уюмлари. Шим. Муз океани денизларида кўп учрайди. Баландлиги 8—10 м га, қирғоқлар яқинида 20 метрга ҳам етади. Кема қатновига халақит беради.

Қалқиши ҳодисаси — Океан ва денизларда сув сатҳининг даврий равишда кўтарилиб ва

қайтиб туриши ҳодисаси. Ер билан Ойнинг тортишиши натижасида рўй беради. Қ. ҳ. даврийлик хусусиятига эга бўлиб, ҳар 12 соат 26 дақиқада тақорланиб туради. Ой янгиланадиган ва тўлин ой кунлари энг кучли бўлади. Қ. ҳ. океан ва денизлардагина эмас, қудуқларда ҳам кузатилади.

Қалқон — платформаларнинг кристалли жинслардан тузилган ва эни ҳамда бўйи юзлаб, ҳатто минглаб км га чўзилган кўтарилиб қолган қисмлари. Қалқон Ер пўстининг кўтарилиб қолган қисми бўлиб, асосан барқарор, тектоник ҳаракатларга берилмайдиган бўлади. Mac., Канада Қ., Болтиқ Қ., Бразилия Қ.

Қатламлар орасидаги сув — икки сув ўтказмайдиган қатламлар ўтасидаги ер ости сувни. Сув ўтказмайдиган биринчи қатлам устидаги сувлар грунт сувлари дейилади. Қ. о. с. лар кўпинча катта босимли бўлиб, қудуқ қазилса, фавора бўлиб отилиб чиқади.

Қашқа — оқ, очиқ тусли белгиси бўлган предмет; ҳар ерда қор ерида қор ёки муз кўриниб турадиган яланоч қояли тоғ чуккиси; ўсимлик қопламаган тўзима қум, қирғоқларида ўсимлик кам, ўзани тошлок, дарё ва ҳ.к. Mac., қашқақум, қашқатоғ, қашқасув. Номлар таркибида ҳам бор. Қашқадарё, Қашқасув.

Қизил темиртош, гематит (юнонча ҳамма — қон) — минерал, темир оксиди. Қизил темиртош, темир ялтироги, оолит, кесак кўринишида бўлади. Ранги қорадан қизилгача. Энг муҳим темир маъдани ҳисобланади.

Қизил тупроқлар — субтропик ва тропик минтақаларнинг сернам кенг барғли ўрмонлари ҳамда қисман саванналарда таркиб топадиган тупроқлар тури.

Тупроқдаги темир моддасыннинг сернам шароитда занглаши на-тижасида қизил ранглы бұлади. Тупроқ тузилиши донадор бұла-ди, қатламларға яхши ажрал-майды. Юза қатламида чиринди миқдори 6—9 фоизгача етади. Төр ёнбағирларда күпроқ тар-қалғанлыгидан баъзан ювилган бұлади. Осиёнинг шарқий ва жа-нуви-шарқий қисмларда, Жану-бий Европада, Жанубий Амери-када, Африканинг айрим жойла-рида тарқалган.

Қиласиқ — сув юзасида ҳа-ли қотиб ултурмаган майда муз кристаллари. Сув музлашидан олдинроқ ҳосил бұлади. Кейин қалинилашиб, туташиб кетиб қо-тиб музга айланади. Сув юза-сига тушган қордан ҳам қила-миқ ҳосил бұлади. Бундай қила-миқ қор қиласиқ дейнілади. Сув-нинг музлашидан муз қиласиғи ҳосил бұлади.

Қимматбақо тошлар — ял-тироқ, товланувчи, шаффоғ, жу-да қаттиқ, ранго-ранг, бир хил тиник рангли ва бошқа шу ка-би құсусиятларға эга бұлган ми-нерал тошлар: олмас, ёқут, сап-фир, марварид, биллур, агат, қа-храбо ва бошқалар. Зеб-зийнат буюumlар ишланади. Бойлик — валаута сифатида сақланади.

Қир — усти ясси ёки салги-на гүмбазсимон баландликлар, телапайлар, платолар, ясси паст тоғлар. Волин-Подоля, Волга-бүйін қырлари, Қоплонқыр ва ғ. Қ. Қорақым ва Қызылқұмдаги қол-диқ тоғлар, усти ясси паст тоғ-лар ҳам қир дейнілади. Қырлар баланд текисликлар, тоғларнинг оқар сувлар, шамол емириши-дан, тектоник күтарилишлар на-тижасида ҳосил бұлади.

Киров — әрта баҳорда ёки кеч күзда ва қышда ҳаво ҳаро-рати тунда 0° дан пасайыб кети-ши натижасида тупроқ, ўсимлик-

лар ва бошқа предметлар усти-да ҳосил бұладиган жуда май-да муз заррачалари. Юпқа қор ёққанга үкшаб туради. Қуёш чиқ-қандан кейин эриб кетади. Қ. ҳам ёғын турларидан бири ҳи-собланади.

Қирғоқ — денгиз, күл, дарё, сув омборлари чеккасиде сув би-лан қуруқлик туташиб туради-ган камбар жой. Қирғоқда дои-мий равишда сув бевосита таъ-сири күрсатыб туради: Қирғоқны ювиг боради.

Қисноқ — дарё ўзани торай-ган жой, бұғыз жой. Дарё ўза-нинг чуқурлатиши эрозияси кучли бұлған қисмларда ҳосил бұлади.

Қытъа — Ер шаридаги қуруқ-ликнинг катта қисмлари. Қытъа-га материк ва унинг ен-вери-даги материк билан тектоник, тарихий бөгленған ороллар ҳам киради. Ер шарида б ға қытъа бор: Европа, Осиё, Африка, Ав-стралия, Америка, Антарктида, Тинч океаннинг Америка, Авст-ралия ва Осиёдан узоқдаги орол-лари «Оролли» қытъа ҳисобланади ва Оксания деб аталади.

Қишлоқ (қ и ш л о в) — аҳо-ли үтрок яшайдыган пункт; қиши-да турладыған жой; жүгрофий номлар таркибда ҳам учрайди: Мангышлоқ ярим ороли.

Қишлоқ ахолиси — мамла-кат вилоят, туманлардаги қишлоқларда, огуулларда яшайдыған бутун аҳоли. Мамлакат иқтисодий ривожланған сары саноатда иш-ловчилар ортиб, бутун аҳоли таркибда Қ. а. салмоғи кама-йиб боради. Лекин айрим мам-лакатлarda шаҳарларнинг эколо-гик шароити оғирлашиб бориши ва транспортнинг ривожланиши натижасида аҳоли шаҳарлардан қишлоқ жойларға күчіб ўтиш жараёні башланған.

Қишлоқ

Қишлоқ хұжалик ишлари — әкин ва меваларни парвариша, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш тадбирлари. Ерни ҳайдаш, текислаш, мола босиши, әкин әкиш, үйитлаш, суғориши, уруғни тайёрлаш, әкиш, әкинни зарапқунаңдалардан асраш ва касалликларға қарши кураши, йигін-териб олиш усууллары қ. х. и. га киради. Қишлоқ хұжалигига нокулай, зарар келтирувчи омилларға (тупроқ ювилиши, шұр босиши, қатқалоқ, ботқоқ босиши ва ҳ. қ.) қарши кураш ишлери ҳам қ. х. и. дир. Қ. х. и. даражаси мәдненни машиналаштириш даражасыга, табиий ва хұжалик шароитига боғлиқ.

Қишлоқ хұжалигини жадаллаштириш — Қишлоқ хұжалик маҳсулотларини фойдаланыладын ер бирлигига нисбат қылған ҳисобда ошириш. Қ. ж. га ишлаб чиқариш услубларни, иш қуорлларини мұкаммаллаштириш, биометодларни құлланиш, ишлаб чиқариш ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш натижасыда еришилады. Қишлоқ хұжалигини, шу жумладан чорвачиликни ҳам электрлаштириш, механизациялаш, кимәлаштириш, биометодларни құлланиш ер бирлигидан олинадын маҳсулотни күпайтиради.

Қат-қат булатлар — Қаранг. Булат.

Қовоқ — дарё ва күлларнинг баланд қирғози, жарлық, баланд терраса. Жой номлари таркибиде ҳам бор. Оққовок, Қовоқтөв.

Қолдиқ күллар — қадимги йирик сув ҳавазалари — океан ва дengizlар үрнида ҳосил бұлған күллар. Бу күллар қаңонлардир мавжуд бұлған дengизлар ва океанлар қуриб қолиб, улар үрнида вужуда келади. Мас., Қаспий, Орол, Чад, Эйр күллари.

Қолдиқ төғ — Қадимда ба-

ланд тоғли үлканинг смирилиши-дан қолған ва қаттық төғ жинсдан тузилған яққа-яққа баландликлар. Иқлім ва жой рельефи, төғ жинсларига боғлиқ ришида нураш қолдиқ төғлар, ювилма қолдиқ төғлар бұлады.

Қопчигай — төглардаги даре оқиб үтүвни чүкүр, тор дара. Одатда оқактошдан тузилған тилемаларни дарёлар күндаланғига кесиб үттан дараптар одатта шунға бұлади. Мас., Бойсун соллигидан Сурхондаре водийсига үтүвчи Оққопчигай дараси.

Қор — қаттық ҳолда ғада-турган ёғин тури, булатлардан түрли шаклдаги муз заррачалары бұлып тушади, асосан қишиғасында ғада.

Қора довул — чанг-түзөн бүрони, ёмғирсиз қаттық шомол. Құпинча ғада ва кузда әсади. Бағор ёмғирсиз қуруқ келгінде ҳам бұлади. Баъзан тупроқ қатламини учыриб кетіб, катта зарар келтиради.

Қора металлургия — оғир саноат тармоғы бұлып, машина-сөзлик ва бошқа саноатларни ривожлантиришінегіз бұлади. Қ. м. қора металл — чүян, пұлат прокатлари, құвурлар, темир қотишмалари ишлаб чиқаради. Қ. м. комбинатлари ассоцай иккі хил бұлади: 1) темир рудасыдан чүян, пұлат прокат үшлаб чиқарувчи тұлық циклли корхоналар; 2) қайта әртүрвичи корхоналар. Үзбекистонда металлургия корхоналарининг биринчи тури йүқ. Бекоболдаги металлургия комбинаты темир-терсакни әртіб, сифатли пұлат ва прокат үшлаб чиқаради.

Қорамол чорвачилиги — чорвачиликнинг йирик шохли молларни бокиб күпайтирувчи тармоги. Асосан сиғир, ҳұқызы, буйвол, зебу, құтос, сүвсигир бокиши

билин шуғулланади ва гүшт ҳамда сут етиширишга ихтисосланган бўлади. Барча сут маҳсулотларининг 90 фоизи сигир сутидан тайёrlанади. Қорамолларининг сони жиҳатидан Ҳиндистон билан Хитой энг олдинги ўриниларни эгаллади. Ўзбекистонда қорамол чорвачилиги гүшт-сут ва гүшт тайёлашга ихтисослашган.

Қорасув — тоғ этакларида, водийларда ер ости сувларидан түйинадиган сой ва дарёлар. Сувининиқ, баъзан минераллашган бўлади. Баъзан захоб, туқайлардан оқиб чиқади. Сув сарфи фаслларга қараб унча күп ўзгаради. Урта Осиёда унча кўп эмас. Зарафшон, Фарғона водийларida, Тошкент воҳасида бор. Ташлама ва зовур сувлари ҳам қорасув деб юритилди. Туркияда булоқ сувлари шу атама билан юритилди. «Қорасув» атамаси ранг маъносидаги қора сўздан эмас, ер маъносидаги қора сўзидан олинган, яъни ер сувини деган маънони билдиради.

Қоратоғ — ёзда устида қортурмайдиган паст тоғлар. Ландшафти асосан чала чўл, тоғ-дашт ландшафтидан иборат бўлади. Дарёлари кам, борлари ҳам камсув, кўпчилги ёзда қуриб қолади. Вактли сувлар оқадиган куруқ сойлар учрайди. Урта Осиёда шу номдаги тоғлар жуда кўп. Қора тусли жинслардан нечалардан ташкил топган, тоғлар ҳам шу ном билан юритилди.

Қора тупроқлар — мўътадил минтақаларининг ўрмон-дашт ва дашт зоналарида кўп йиллик ўтлоқларда таркиб топган тупроқлар тури. Яхши донадор, чиринлига бой, унумдор бўлади. Таркибидаги чиринди миқдори беътоғиздан 13 фоизгача етади. Ук-

раина, Россияда, Молдова, Қозоғистонда катта майдонларни эгаллаган. Ўзбекистонда тоғлардаги кенг баргли ўрмон ва бутазорларда қора тупроқларга ўхшашган тупроқлар учрайди.

Қорахарсанг — Қорақум чўлида қатор қум тепалари орасидаги чўл йўсими билан қопланган, ботиқ, сойликлар.

Қорақум — устини ўсимлик қоплаб ётадиган, мустаҳкамланган қумлар. Жўғрофий номлар сифатида ҳам бор. Мас., Қорақум чўли.

Қорлик — тоғларда илиқ даврда ҳам эримай сақланиб қоладиган қорлар. Одатда тоғларнинг соя ёнбағирларида қор сенинг эришидан, кўчкilar натижасида тўпланиб қолишидан, шамол қорни учирив келиб йигиб кўйишидан ҳосил бўлади. Баъзилари аста-секин зичлашиб музлика айланади. Сув манбай бўлади.

Қор чегараси, чизиғи — тоғларда маълум баъландликда ёғадиган қор билан эрийдиган қор миқдори тенг бўлади. Ундан юқорида қор ёзда ҳам сақланади, ундан пастда эриб кетади. Тоғларда сақланадиган қорнинг пастки чегараси қор чегараси (чизиғи) деб аталади. К.ч. баъландлиги жойнинг жуғрофий кенглигига, ёғадиган қор миқдорига боғлиқ. Экватор яқинида 5000 м, Новая Земляда 600 м, Ўзбекистондаги тоғларда 3800 м даи 4200 м гача баъландликда жойлашган.

Қоя — кўпинча уни ўткир, тик кўтарилиган қаттиқ туб тоғ жинси. Туркий халқлар яшайдиган ўлкаларда жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди: Қизилқоя довони (Қирғизистонда), Кўкқоя тоги (Помирда), Қойкент (Дофистонда) ва ҳ.к.

Қоқлар — Урта Осиё чўлларидаги тақирларда учрайдиган

табиий саёз ботиқлар. Қоқларда баҳорги ёвингарчилик вақтида сув бўлади. Эз келиши билан сув қуриб, ер юзаси туз қатлами билан қопланган тақирга айланади. Туркманистонда гил жинслар тарқалган жойларда баҳорги ёмғир сувини тўплаш учун қуриладиган ҳовузларни ҳам К. лар дейланади. Бундай ҳовузчалар диаметри 2—3 м, чуқурлиги 1 м атрофидаги бўлади. Сувидан чорва молларини сугоришда вақтинча фойдаланилади.

Қувур транспорти — газ, суюқ ва кукунсимон қаттиқ маҳсулотларни қувурлар орқали тўхтоворсиз ташишга мўлжалланган транспорт тури. Асосан нефть, нефть маҳсулотлари, газ, сув ташиш учун қурилади. Насос станциялари босимни таъминлаб беради. Қувурлар магистрал (асосий) ва тармоқ қувурлари бўлади. Узбекистонда газ қувурлари ривожланган, Оҳангарон кўмир конида кўмир ташиладиган қувурлар ҳам бор.

Қўёш — Қўёш системаси марказида жойлашган оддий юлдуз. Оғирлиги Ер оғирлигидан 332958 марта катта (1.99×10^{30} кг). Диаметри 1.392×10^6 км ёки Ер диаметридан 109 марта катта. К. ўз ўқи атрофидаги аста айланади, лекин турли кенгликлари турли тезликлида айланади. Ўтра хисобда 27.27 суткада бир марта айланади. Асосан водород ва гелийдан иборат. К. нинг юзасидаги ҳарорат 6000° га яқни. К. энергияси термоядро реакцияси жараённада водороднинг гелияга айланishiдан ҳосил бўлади. Қўёшнинг ҳаво қобигида доғлар бор. Улар ўртача 11 йиллик даврий ўзгаришга эга. Доғлар кўпайиб К. фаоллаштанди Ерга, унинг хоссасига, об-ҳавога, ҳатто биологик жараёнларга ҳам

таъсир кўрсатиши аниқланган. Ер К. дан ўрта ҳисобда 150 млн. км масофада жойлашган. Ернинг ҳар 1 см² юзасига ҳар дақиқада 2 калория иссиқлик келиб туради. Жўғрофий қобидаги деярли ҳамма жараёнларнинг энергия манбай К. ҳисобланади.

Қўёш системаси — Қўёш, 9 та сайёра (Аторит, Зуҳра, Ер, Мирриҳ, Муштарий, Зуҳал, Уран, Нептун, Плутон) ва уларнинг йўлдошлиридан иборат осмон жисмлари системаси (тизими). Қўёш системасида бундан ташқари бир неча ўн минг кичик сийёра (астероид), 'кўпдан-кўп комета ва майдай метеор жисмлар бор. Қўёш системасидаги барча жисмлар Қўёш атрофидаги барча сайёralар яна ўз ўқи атрофидаги айланади. К. с. жуда катта юлдузлар системасидан иборат Галактика таркибида киради. К. с. нинг ёшини 4—5 млрд. йил деб тахмин қилинади.

Қўёш, туриши — Қўёш маркази эклиптиканинг $23^\circ 27'$ (минут) оғишган энг шимодий нуқтасидан (21 ёки 22 июнь — ёзги Қўёш туриши) ёнини энг жанубий нуқтасидан (21 ёки 22 декабрь — қишики Қўёш туриши) ўтган пайт. К. т. қунларидаги Қўёш жуда секин оғишади, чунки бу жойда Қўёш эклиптика бўйлаб экваторга деярли параллел ҳаракат қиласиди. Шунинг учун ҳам бир неча кун давомида Қўёшнинг туш пайтидаги баландлиги деярли ўзгармайди. (Қўёш туриши атамаси ҳам ана шундан келиб чиқсан.)

Қуйгин — далаларда экинлар сугорилганда чиқсан оқова сув ташлаб юбориладиган жой. Зовур сувлари қуйиладиган пастлик ер, ҳавза. Амударё этагидаги кўп қўлланиладиган атама.

Қум — катталиги 0,01 мм

дан 2 мм гача бұлған қирралн әки юмалоқ (силиқланган) зарра тошлардан иборат бұшоқ чүкінді төф жинсі. Құмлар зарраларининг катта-қичиклигига қараб, 1) доналари 1—2 мм бұлған дағал құм, 2) доналари 0,5—1 мм бұлған йирик құм, 3) доналари 0,25—0,5 мм ли үрта донали құм ва 4) зарралари 0,01—0,25 мм бұлған майда (майн) құмларга бұлинади. Құмлар яна денгиз, дарә, күл, чұл, музлик құмларига бұлинади. Құм таркибіда минераллардан кварц күп учрайди; ундан ташқары төф шпати, гилли сланец ва бошқа минераллар зарралары бұлади. Құмлардан қурилиш материалы, саноат хом ашёсі сифатыда фойдаланилади. Құм таркибіда баъзан қимматбаҳо рудалар сочишмалари бұлади.

Қумок — таркибіда құм бұлған чүкінді төф жинсі. Ранги бұз тусли, сарғыш-қызыл бұлади. Механик таркибига күраңыл (20—30 фоиз гил ва 80—70 фоиз құм), үрта (30—40 фоиз гил ва 70—60 фоиз құм), оғир (40—50 фоиз гил ва 60—50 фоиз құм) құмоқтарга бұлинади. Қебіл чишишігі күра денгиз, күл, дарә, вақтли оқар сувлар, морена, флювиогляциаль, зол (шамол) құмоқлары бұлади. Қурилиш материалы сифатыда фойдаланилади. Тупроқ таркиб топишида она жинс бұлади.

Қум тили — денгиз, күл, океаннинг саёз қырғоқларыда тұлғын келтирған құмлардан ҳосиғ бұлған пастак құмли ороллар. Үлар күпинча қырғоққа параллел өзүншілген ва бир учы билан қырғоққа туташған бұлади. Ұзунлігі үнілаб, ұратто өзілаб км та құзилған бұлиши мүмкін.

Құмтош — құмларнинг гил, оқак, темир оксиди ва бошқалар билан цементлашишидан

(бирға қотишидан) ҳосиғ бұлған чүкінді төф жинслари. Таркибидеги құм зарраларнинг катта-қичиклигига қараб. Қ. лар майдада зарралы (құмнинг катталығы 0,1—0,25 мм), үрта зарралы (0,25—0,5 мм) ва йирик зарралы (0,5—2 мм) бұлади. Бинокорлык материали, ойна ишлаб чиқарып учун хом ашё, қайроқ сифатыда фойдаланилади.

Құмтоғ — құм дүнглари; Такламакон чұлида қатор құм тепалары шундай деб юритилади.

Қурумлар — тоғларнинг ён бағирларидеги ва ясси тепаларидеги яланг нуроқ тош үюмлари ва сочилмалари. Қ. қаттық төф жинсларининг физикавий нурашидан ҳосиғ бұлади. Үлар оғирилек күчи ва сувнинг тошлар орасыда музлаб, яна эриши натижасыда төф ёнбағирлар бүйлаб пастта сурилип туради. Тоғларда Қ. юриш учун жуда хафли бұлади, салға сурилиб, тош оқымларини, құчкиларни ҳосиғ қиласы.

Қуруқликтеги ботик — Қаранг. **Ботик**.

Қутбий доиралар — экватордан $66^{\circ}33'$ шимолдан ва жанубдан үтган параллеллар (мувозийлар). Шимолий яримшарда қишики Қуёш туриши куни (21 ёки 22 декабрь) да қутбий доиралардан шимолда Қуёш чиқмайды, ёзғы Қуёш туриши куни (21 ёки 22 июнь) да Қуёш ботмайды. Жанубий ярим шарда бүннинг акси бұлади. Қуёш чиқмайдын кунлар сони шимолий қутбий доиралардан қутбға томон орта боради ва қутбда кун билан түн ярим йилдан давом этади.

Қутбий иқлим — Ернинг шимолий ва жанубий қутбий үлкалары иқлими. Қиша Қуёш нури жуда кам тушгандығыдан ва коинотта күп миқдорда иссиқлик тарқаб кетгандығыдан иқлим союқ бұлади. Қиши ойлары ҳарорат-

ти шимолий қутбий ўлкаларда —40° гача, жанубий қутбий ўлкаларда —60—70° гача соvuқ бўлади. Ёғин кам — Антарктидада 100—200 мм дан ошмайди, шимолий қутбий ўлкада 300—400 мм гача ёгади. Асосан қор ёгади. Ёзда ҳам жуда салқин бўлади: шимолда 0°,—5°, жанубда —20,—30° атрофида. Фақат қутбий ўлкаларнинг чекка қисмлари бироз исиб, ҳарорат 5° гача кўтарилади.

Қутб куни — ёз фаслида Қуёшнинг ҳар икки тропик (шимолий ва жанубий тропиклар) устида бўлган вақтда қутблар атрофида Қуёш ботмайди. Шундай Қуёшли ёруг кунлар қутб куни дейилади. Шимолий ярим шарда қутбдан 66,5° ш.к. гача, жанубий ярим шарда жанубий қутбдан 66,5° ж.к. гача бўлган кенгликларда ёзда қутб кунлари кузатилади.

Қутблар, жўғрофий қутблар — Ернинг айланиш ўқиер юзаси билан кесишиган нуқтаглар Ер кураси барча меридианлар қутбда бирлашади. Қутб юлдизига қараган қутб Шимолий қутб, қарама-қарши томондаги қутб Жанубий қутб дейилади. Шимолий қутб Шимолий Муз океани ўртасида, Жанубий қутб Антарктиданинг Тинч океанга яқинроқ қисмida жойлашган. Қутбларнинг жўғрофий кенглиги 90° га teng.

Қутб туни — қиши фаслида Қуёш нури тушмаслиги натижасида ҳар иккала қутбий доира-лар ичиди узоқ вақт давом этадиган тун. Қутб туни шимолий ярим шарда 66,5° дан шимолда, жанубий ярим шарда 66,5° дан жанубда бўлади К. т. 66,5° кенгликлардан қутбга томон узайиб боради. Мас., 66,5° кенгликда 1 сутка давом этса, қутблар-

да б ой бўлади. Лекин қутб тунлари Қуёш нурининг ҳавонинг юқори қисмларини ёритиши ҳисобига бироз ёруғроқ бўлади.

Қутб шағари — юқори жўғрофий кенгликларда осмоннинг айрим жойларida кузатиладиган ҳаво ранг-оқиши, сарғиши, яшили, баъзан гунафша рангда рўй берадиган товланиш ҳодисаси. Қ. ш. 90—1000 км баландидаги сийрак ҳавонинг коинотдан атмосферага кириб келган protonлар ва электронлар таъсирида ўзидан нур сочиши натижасида рўй беради.

Қушлар бозори — сув қушларининг дengизларнинг қояли кирғоқларида жуда кўплаб уя кўйиб ўринашиши. Қ. б. одатда қушларга озуқа бўладиган сув организмларига бой бўлган қутбий, қисман мўътадил ўлкалар дengиз қирғоқларида бўлади. Шимолий муз океанининг оролларида, Курил оролларида айниқса кўп учрайди.

Қуюн — чўллардаги кичик қудуқ. Жой, қудуқлар номлари таркибида кўп учрайди. Мас., Қорақумдаги Исломқую, Қозиқую, Қуюмзор.

Қуюн — ҳавода момақалдироқли булутлар паст бўлганда вужудга келадиган айланма шамоллар. Қуюнлар диаметри бир неча метрдан бир неча юз метрчага булиши мумкин. Шамол тезлиги секундига 50—100 м. гача бўлиб, соат мили ҳаракатига тескари йўналишида спирал кўринишида ҳаракат қилиб, ер юзасидан чанг-тўзон, сув ва бошқа буюмларни кўтариб кетади. Қўпинча, турли хил ҳаво чегараларида пайдо бўлади. Иирик қуюнлар томларни кўтариб, деворларни ағларий, бир пастда ҳаммаёқни вайрон қилиб юбориши мумкин.

Қўй пешоналар — музлик ҳаракати натижасида силлиқланган, текисланган туб тоғ жинслари, дўнг қоя шаклида кўтарилиб туради. Муз келган томони ясси, силлиқ, тескари томони нотекис, тик бўлади. Усти кўлинча очилиб ётади. Қадимги ва ҳозирги музлик тарқалган ўлкаларда кўп учрайди. Урта Осиё тоғларида бор.

Қўйтош — гранит тоғ жинси тарқалган жойда ер юзасида сочилиб ётадиган силлиқланган гранит тошлар. Ҳароратнинг кескин узгариши, оқин сув ва шамол таъсирида юмaloқ, чўзиқ шаклга эга булиб, дам олиб ётган кўйлар подасини эслатади Шундан қўйтош атамаси келиб чиқкан. Жой номи сифатида ҳам кўлланилади. Мас., Нурота тизмасидаги Қўйтош.

Қўйчилик — чорвачиликнинг қўй боқиб, кўпайтиришга ихтиосланган тармоги. Қ. тайёрлашдиган маҳсулотига қараб, қоракўчиллик, гўшт ва жун қўйчилигига ихтиосланади. Қўй сути шифобаҳшлик хусусиятига ҳам эга. Ўзбекистонда қоракўл, ҳисори, жайдари қўйлар боқиласиди. Қора — араби, кулранг шерози, жигарранг, олтинранг қоракўл терилари тайёрланади.

Қўл — асосий тоғ, катта водий, бош жардан турли томонга ажраб чиқкан иккичи дараражадаги тизма, сой, дара, жарча ва шу кабилар. Баъзан журрофий номлар сифатида ва улар таркибида учрайди. Қўлосиё. Қоракўл дарёлари.

Қўлтиқ — океан, денгиз ва кулларнинг қуруқлик ичкари сига кириб турган қисми. Батзи жойларда океанларнинг денизларга хос хусусиятларга (гидрологтик режимга) эга бўлган қисмлари ҳам қўлтиқ деб юборилган.

Қўнғир кўмир — сифати пастроқ кўмир. Таркибида 55—78 фоиз үглерод бўлади. Чукинди тоғ жинслари орасида қатлам ҳосил қилиб ётади. Үсимлиларидан ҳосил бўлган. Қ. к. гил моддалар аралашгани учун серкул бўлади. Иссиклик бериш қобилияти 5—6 минг ккал/кг. Ҷўклиги ўрнида ишлатилида, суюқ ёнилғи, ёнувчи газ ва бошқа кимёвий ашёлар олинади. Энг йирик конлари: Лена бўйи, Канс-Ачинск, Москва ёни, Германия, Чехословакия, Хитойда бор. Ўзбекистонда Оҳангарондан қазиб олинади.

Қўнғир темиртош — таркибида темир бўлган бир неча хил минераллар билан гил ва бошқа моддалар аралашмаси. Қ. т. энг кенг тарқалган темир маъдани ҳисобланади. Ранги қўнғир, сарғиш-қўнғир, қора. Таркибида темир 30 фоиздан кам бўлмаса, саноат аҳамиятига эга ҳисобланади. Йирик конлари Керч ярим оролида, Франция ва Кубада бор.

Қўриқ ер — қишлоқ хўжалиги учун яроқли, лекин узоқ вақт ҳайдалмай қўйилган ер. Одатда чўл, чала чўл, дашт. Үсимликлари билан қопланган бўлади. Тупроги унумдор ерлар.

Қўриқхона — табиат комплексининг бир қисми — ҳайвонлар, үсимлик, фойдали қазилма, ноёб рельеф шакллари. Қопун асосида муҳофаза килинадиган жой. Қўпчилик қўриқхоналарда ов ҳайвонлари ҳам муҳофаза қилинади ва кўпайтирилади. У ергаги ҳайвонлар ва үсимликлар сони бошқарив турлади. Ўзбекистонда Чотқол тоғ-ўрмон, Зомин, Зарафшон, Нурота, Қизилкум, Бодайтўқай, Пайғамбаророл, Ҳисор, Китоб, Қўҳитангтог қўриқхоналари ташкил қилинган.

F

Фалла экинлари — инсон, чорва моллари учун озуқа дон, кўп саноат тормоқлари учун хом ашё берадиган экинлар. Ф.э. дон экинлари (буғдой, шоли, жавдар, маккажӯхори, арпа, сули, тариқ ва бошқалар) ва дуккали экинлар (нўхот, мош, ловия, сор ва бошқалар). деб икки тоифага бўлинади. Бутун дунёда Ф.э. экиладиган майдоннинг 32 фоизига буғдой, 20 фоизига шоли, 18 фоизига маккажӯхори, 11 фоизига арпа экилади. Узбекистонда буғдой, шоли, арпа, маккажӯхори, нўхат, ловия, мош, оқжӯхори, тариқ экилади. **Фалла** экинлари Хорижий Осиёда энг кўп экилади, дунёдаги ҳамма фалла экиладиган ерларнинг 36 фоизи Осиёда. Бу борада Хитой, Ҳиндистон, Канада, Туркия олдинги ўринларда туради.

Фарбий шамоллар — тропосфера ва стратосфера фарб томондан энг кўп (деярли доим) эсив туралидиган шамоллар. Ф.ш. субтропик кенгликлардан қутбларга томон ҳаво босими ва ҳароратнинг пасайини натижасида будуга келади. Субтропиклардан мўттадил кенгликларга томон туш чизиги (меридиан) йўналишида эсаётган шамоллар Ернинг ўз ўқи атрофида айланishi таъсирида шимолий ярим шарда ўнгга, жанубий ярим шарда чапга, яъни ҳар иккала ярим

шарда ҳам фарбдан шарққа томон бурилади. Ф.ш. эсадиган жойларда атмосферадаги ҳаво ҳаракатлари жадал бўлиб, циклонлар фаолияти кучаяди. Узбекистонга асосан шу шамоллар ёғин келтиради.

Фарбий ҳаво оқими — атмосферанинг умумий циркуляцияси (ҳаракатлари) жараёнида фарбдан шарққа томон кўпроқ эсувчи ҳаво оқими. Қаранг. **Фарбий шамоллар**.

Форлар — ер остида ҳосил бўлган бушлиқлар. Ф.нинг бир ёки бир неча оғзи булиши мумкин. Ф. Ер пўстидаги сувда осон эрийдиган тоф жинслари (оҳактош, доломит, гипс ва тузлар)ни ер ости сувлари эритиб олиб кетиши, тез ювиладиган тоф жинслари (созупроқ, қумоқлар) нинг ювилиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Энг катта форлар ўнлаб км га ҷузилади. Мас., Америкадаги Мамонт горининг узунлиги деярли 300 км. Узбекистонда ҳам тофли қисмларида форлар кўп. Қадимги одамлар суяклари топилган Одамтош гори шу ерда.

Ғузор — Жан. Узбекистон ва Тожикистанда тоф йўлаги, дарёдаги кечув жой. Жой номлари сифатида ҳам учрайди: Қашқадарё вилоятидаги Ғузор шаҳри, Ғузор дарёси.

X

Ҳаво массалари — тропосфера ҳавосининг ҳарорати, намлиги, ҳаракат йўналиши ва бошқа ҳусусиятларига кўра бир-бirlаридан фарқланадиган катта қисмлари. Ҳаво массасининг ҳарорати, намлиги ва бошқа хоссалари секин-аста ўзгаради. Бир

ҳаво массасидан иккинчи ҳаво массасига утганда бу хусусиятлар кескин алмашинади. Узаро туташ икки ҳаво массаси орасидаги чегара атмосфера фронти дейилади. Денгиз устида таркиб топган денгиз ҳаво массалари ва қуруқлик устида шаклланана-

диган континентал ҳаво массалари бўлади. X. м. Арктика ва Антарктика, мўътадил кенгликлар (қутбий ҳ. м.), тропик ва экваториал ҳаво массаларига бўлинади. Об-ҳаво ҳаво массалари га боғлиқ. Шу сабабли X. м. ни ўрганиш зарур.

Ҳаво намлиги — ҳавода мавжуд бўлган сув буғлари миқдори. Ҳаво қанча иссиқ бўлса, унда сув буғлари шунча кўп булиши мумкин: мас., 1 м³ ҳавода сув миқдори қўйидагича бўлиши мумкин:

Ҳаво ҳарорати	Сув буғи миқдори
20°	17 г
10°	9 г
0°	5 г
-20°	1 г

Агар муайян ҳароратли ҳаво сув буғларини юта олмаса, тўйинган ҳаво, ҳаво намини юта оладиган бўлса, тўйинмаган ҳаво дейилади. Агар тўйинган ҳаво совиса, сув буғлари томчиларга (шудринг, туман, булут) айланади. Қаранг. Мутлақ намлик, нисбий намлик.

Ҳавонинг уртacha ҳарорати — Қаранг. Уртacha суткалик ҳарорат, ўртacha ойлик ҳарорат, ўртacha ийлик ҳарорат.

Ҳаво фронтлари — Қаранг. Атмосфера фронтлари.

Ҳамада (арабча) — Саҳрои Кабирдаги тошлоқ чўллар. Қадимги кристалл тоғ жинслари ер юзасига чиқиб қолган қолдиқ тоғларда, қирларда нураш натижасида вужудга келади. Органик дунёси жуда камбағал.

Ҳамал — 1) зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2)

шамсий (Қуёш ҳисобидаги) тақвимда йилнинг биринчи ойи, 22 марта 20 апрелгача 30 кун давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон гумбазида X. юлдузлар туркумидан ўтади. X. — баҳор ойи. «Ҳамал кирди — амал кирди» (куртак унди) мақоли шундан олинган.

Ҳамдустлик — илгариги Буюк Британия империясига кирган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий бирлашмаси. X. Британия империясининг парчаланиши натижасида вужудга келган. 1986 йилда унда 48 та мустақил давлат аъзоси бўлган.

Ҳарорат тескарилиги — атмосферанинг бирор қатламида юқорига кўтарилиган сари ҳароратнинг ортиб бориши. X. т. ҳавонинг ер юзасига яқин қисмидаги ҳарорат тескарилиги тупроқнинг ва ундан кейин ер устидаги ҳавонинг қаттиқ сошиб кетишидан рўй беради. Сойликларда совуқ ҳаво туриб қолиб ҳам ҳосил бўлади. Эркин атмосферадаги X. т. тропосферадан стратосферага ўтишида ва старотосферарада рўй беради. X. т. рўй берганда ҳаво ҳарорати 10—15° га этиши мумкин.

Ҳовар — текис жой, текис кенг ер, теп-текис жой ҳоварлик деб юритилади. Жой номлари таркибида ҳам учрайди. Қиздириқ ҳовари.

Ҳовуз — Урта Осиёнинг сув тақис жойларида сувни сақлаш учун қазиладиган кичик сув омбори. X. одатда тўғри тўфтбурчак шаклида қазилади. X. лар одатда ичиладиган сув сақлаш учун қазилади. Баъзан ерларни суғориш учун ҳам X. лар қурилган. Бундай X. лар баландроқ жойга қурилиб, ариқ

Ҳосил

суви тұпланып турған. Ҳ. остидаги маҳсус мослама тұпланған сұдан вақт-вақти билан күпроқ фойдаланишга имкон берган. Бундай Ҳ. лар құлфаклы Ҳ. лар дейилгән.

Ҳосилдорлик — әкін ва мевали боғлардан ер бирлигига нисбатан олинадиган ҳосил. Мас., бүгдой ҳосилини олсақ, айрим жойда қар 1 гектар ердан 20 центнер бүгдой олинса, башқа жойда 40 центнер олинади. Бунда биринчи жойға нисбатан иккінчи жойда ҳосилдорлик 2 баробар юқори бұлади. Ҳ. ерга маҳаллій ва минерал үйітлар солиши, вақтида ишлов беріши, яхши уруғлуктар яратыш, зараркунанда ва ҳашаротларға қарши самарағын курашиб шешілген сида әринешіләди.

Ҳудуд — ер, майдон, территория.

Ҳудудий сувлар — дengiz ва океанларнинг бирор давлат

жудудига тұташған ва шу давлатта қарашлы камбар қысми. Ҳ. с. миқесі давлатларнинг ўзи ёки халқаро битим билан белгиланади. Ҳ. с. кенглиги күпинча 12 дengиз мили (22,2 км) қилиб белгиланади.

Ҳұт (арабча ҳұт — балиқ) — 1) зодиак зонасындағы юлдузлар түркүмі; 2) шамсия (Қуёш ұсисобидаги) тақвимидагы йилнинг ўн иккінчи ойи, 19 февральдан 21 мартача 31 күн дәвом этади. Қуёш бу вақтда осмон гумбазида Ҳ. юлдузлар түркүмидан ұтади. Ҳ. қишининг охирги ойи. «Яхши келса ҳұт, әмон келса ют» мақола бор. Ҳ. ойи яхши келганды қорлар әриб күнлар илиб қолади, чөрвани яйловға ҳайдаб бояқса бұлади. Баъзан союқ келиб, авжы ем-хашак тұгаган вақтда чорва молларни ҳайдаб бояқш қыйин бўлиб, ют рўй беради.

ҒУЛОМОВ ПОТИХКАМОЛ

**ЖУФРОФИЯ АТАМАЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ
ИЗОХЛИ ЛУФАТИ**

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Муҳаррир *P. Мирхолиқов*
Бадиий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Техник муҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусахҳих *Д. Насриддинова*

ИБ № 6265

Тершігде берилді 3.02.94. Босишига рұхсат этілді. 21.07. 94. Формати
 $84 \times 108^{1/2}$. Кегли 8 шпонсиз. Литературна гарнитураси. *Ююри босма*
үсулида босилді. Шартлы б. л. 7,56. Шартлы кр.— отт. 7,77. Нашр л.
10.19. Тиражи 13.000. Зак. № 44.

«Ўқитувчи» националь. Тошкент, Навоий күчаси, 30.
Шартнома 07—02—93.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл Ижара нитоб фаб-
рикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1994.

26.8
Г 92

Гуломов П. Н.
Мактаб жўгрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли
лугати.— Т.: Ўқитувчи, 1994.— 144 б.

ББК 26.8я

**1994 йилда «Ўқитувчи» нашриёти
қўйидаги китобларни чоп этади:**

Ю. ШОДИМЕТОВ. ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯГА КИРИШ.
18,0 б.т., 5000 нусха.

Ушбу китобда ижтимоий экологиянинг тузилиши, муаммолари, услублари, тушунчалари ва туркумлари, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири, унинг ҳозирги замон муаммолари тўғрисида дастлабки тасаввурлар берилади. Ижтимоий-экологик тафаккурнинг регионал, жаҳон тажрибасини умумлаштиришга ҳаракат қилинади, янги фан ҳисобланган ижтимоий экологиянинг фундаментал ва амалий томонлари устида тұхтаб ўтилади. Китобда Орол бўйидаги экологик бухроннинг умумий қонуниятлари, ўзига хослиги ва сабаблари очиб берилади. Китоб олий ўқув юртларига дарслек сифатида тавсия этилган.

Ш. ОТАБОЕВ. ИНСОН ВА БИОСФЕРА.
20,0 б. т., 5000 нусха.

Мазкур қўлланмада табиатнинг, жумладан сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ҳозирги аҳволи, атроф-муҳит ифлосланиб боришининг олдини олиш, шунингдек биосферани муҳофаза қилиш тадбирлари кўриб чиқилади. Унда Ўзбекистон ҳудудида табиат муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар кўрсатилиши ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари берилади.

Китоб олий ўқув юрти талабалари, ўрта мак-

таб ўқитувчилари, шунингдек табиат муҳофазаси билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

**Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ. УЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ
ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА АРХЕОЛОГИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**
6,0 б. т., 3000 нусха.

Мактабда тарих ўқитиш самарадорлигини оширадиган воситалардан бири археология материалларидан фойдаланишdir. Археология материаллари тарихий тараққиётининг катта босқичлари бўлган ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик ва феодализм даврларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Мазкур қўлланмада тарих дарсларида ва синфдан ташқари ишларда археология материалларидан фойдаланиш услубиёти ёритилади.

Қўлланма тарих ўқитувчилари ҳамда ўлкашунослик билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

**А. ТУХТАЕВ, А. ҲАМИДОВ. ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ ВА
ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ:**
8,0 б. т., 5000 нусха.

Ушбу қўлланмада экология фани, қисқача тархи, муҳим абиогик, биотик ва антропоген омиллар ва уларга тирик организмларнинг мослашувлари, популяциялар, экосистемалар ҳамда биосфера, инсон, табиат ўртасидаги муносабатларнинг баъзи бир хусусиятлари каби мавзулар юзасидан умумий маълумотлар келтирилган.

Қўлланма биологияни чуқур ўрганувчи ўқувчилар ва олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган.

117-60-71

Ангар.